



ИСОҚЖОН НИШОНОВ

9

# АФГОН ШАМОЛШ

КУЛРАНГ БҮРИЛАР ИЗИДАН



ИСОҚЖОН НИШОНОВ

# АФГОН ШАМОЛШ

**КУЛРАНГ БҮРИЛАР ИЗИДАН**

Тұққизинчи китоб

*Тұлдрилған қайта нашри*



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

ТОШКЕНТ

2016

**УЎК: 821.512.133-31**

**КБК: 84(5Ў)7**

**Н – 69**

**Нишонов, Исоқжон**

Афғон шамоли: роман. Кулранг бўрилар изидан. Тўқкизинчи китоб. Исоқжон Нишонов. Тўлдирилган қайта нашри.

– Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 224 6.

ISBN 978-9943-27-827-1

«Афғон шамоли» асарининг тўққизинчи қисмида туркиялик миллатчи экстремист Баққол томонидан террорчи Хаттоб ёрдамида ташкил этилган «Кулранг бўрилар» номли ажал тўдаси ва унинг кирдикорлари хақида сўз боради. Бу тўдага қарши юртнинг асл ўғлони Бўроннинг жасорати, рус асирияниң қутқарилиши, Ватанига нафи тега бошлаганFaфурнинг кўмаги билан Бўроннинг фарзанди Афғонистондан олиб чиқиб кетилиши, Хаттобнинг йўқ қилиниши ва қўнгина қизиқарли тафсилотларга бой турфа тақдирлар қаламга олинган.

**УЎК: 821.512.133-31**

**КБК: 84(5Ў)7**

ISBN 978-9943-27-827-1

© Исоқжон Нишонов, «Афғон шамоли». Тўққизинчи китоб. «Наманганд», 2013 йил.

© Исоқжон Нишонов, «Афғон шамоли». Тўққизинчи китоб. «Янги аср авлоди», 2016 йил.

## **САМАНГАН**

Faфур тошлардан ясалган уйчада танҳо яшарди. Дарчаларидан теварак-атроф бемалол күзга ташланиб турса-да, пастдан қараганда юқоридаги одам күринмасди. Бу ердан эса теварак-атроф, шу билан бирга қирлиқдаги бизга аввалдан таниш бўлган жангарилар лагери кўзга яққол ташланиб туради. Faфур кундуз кунлари дарча олдига келиб, ёнбошлаганича у ерда бўлаётган ишларни бемалол кузатиб ётарди. Бирок ёлғизлик ҳеч кимнинг дилини хушнуд этмаган. Ҳар қандай одам узоги билан икки кунда кимсасиз тошлар ичида зерикиши табиий. Бу савдо бошига тушган Faфур ҳам бемор одамдек беҳаловат бўла бошлаганди. Ўйлаган режасини тезроқ бажариб орқага қайтишини хоҳларди. Аслида бу юрга қайтиб келиш унинг тушига ҳам кирмаганди. Ҳаётини сақлаб қолган одамларга нечук даркор бўлиб қолганини энди, тошлар орасида қоронғи осмон бағрига сочилган юлдузларга боқиб ётганида тушуна бошлади. Йўқ, улар ҳеч қачон ўз муродларига ета олмайди. Бийдай сахрода ёввойи сифат одамлар ичида абадий қолиб кетмайди. У қайтади. Қайноқ ҳаётга ўзини уради, инсонлар орасида инсонга хос яшайди ва меҳнат қиласди. Лекин қаерда яшайди? Қаерни Ватан деб билади? Пайванинг ҳузурига қайтадими? Тағин қўлида кўзга кўринмас қонли

қилич тутган кимсалар ихтиёрига топширадими ўзини? Бўлди бас, етар. Энди орқага йўл йўқ. Олга қараб қадам босади. Бу йўл уни Ватан сари элтади. Бироқ шу аҳволда, елкасидаги оғир, мотор босган юклар билан унинг муборак остонасидан ҳатлаб ўта оладими? Ватан қабул қиласмикин? Ёпилган эшикларни очиш учун нима қилмоқ лозим? Ундан ўзга макон тинч ҳаёт кечириши, қолган умрини осудаликда ўтказиб фаровон ҳаётда яшаш учун имконият бермайди. Лекин хозирги холатда юрга қайтиш уни ҳам руҳан, ҳам маънан азоблайди. Эргашга илакишиб, Ватанга қарши тош отди. Хурлик, баҳт ва эрк йўлига тўсик бўлди. Тилидан юртимни, әлимни соғиндим деган сўз чиқсан не-не йигитларни жазолади. Уларнинг айримлари тирик, юрга қочиб кетгандари ҳам анчагина. Унинг бу ўлкада туриб нима ишлар қилганини ҳамқишлоқлари билмаслиги эҳтимолдан узоқ эмас. Гуноҳларини одамлардан яшириши, ўзини оппоқ қилиб кўрсатиши ҳам мумкиндир. Бироқ Ватанга қилинган хиёнатни кўкси остида тепиб турган юраги тўхтагандагина унтуади. Бир қўшиқ уни тамомила ўзгартириб юборди. Заифлашиб бораётган юрагига қувват ато этди. Юрт меҳрини қалбига жо айлади. Ўлиб бораётган вужудига қувват ато этди. Ўзини ўзига танитди. Бошига тошларни қўйиб, осмонга сочишган юлдузларга термулиб ётганда Ватанни чуқурроқ ва теранроқ англади. Болалик йилларини хотирлади. Кўзлари намланди. Қилган ишларини тарозига солди. Эргашнинг ҳомийлари нима сабабдан унинг ва унга ўхшаган йигитларнинг кўлига тош бериб, юрга оттирганини чуқур тахлил қилди. Улар ким эди, мақсадлари нима эди деган саволга шу тош кулба ичида жавоб излади.

Юрга қайтиш эшикларини Кўлдошли очиб берди. Энди унинг идораси билан ҳамкорлик қилиш кепрак. Бу унга берилган сўнгги имконият. Юзига чап-

ланган лаънат доғларини ювадиган оби ҳаёт, виждон қийноқларидан, миясига қўргошиндек қуйилган ўйлардан тозалайдиган малҳам. Топшириқни бажариш йўлида қони тўкилса, жони узилса алам қилмайди. Виждонини азоблаётган оғриқлардан қийналмайди, аксинча, роҳат олади. Эзилган юраги фахр-ифтихор нурларидан ёришади. Ватан ўзининг садоқатли фарзандларини асло унумтайди. Агар туғилиб ўсган юртида инсон қадри баланд бўлмаганида эди, Кўлдошалининг ҳамкаслари келиб жасадини олиб кетишмасди. Бу ерда одамлар Ватанга, халққа эмас, Эргашга, унинг қўлларида пули жаранглаб турган раҳнамоларига хизмат қилишади. Барча нарсани пул билан ўлчашади. Пулинг бўлса иззат икромдасан, ақчанг йўқми, тамом, тупроқ билан тенгсан. Барчанинг фикри ёдини муллажиринг ўғирлаган. Бу улар учун иймон, садоқат! Бироқ Ватан нима деб сўрашса, ҳамёнларидағи олтинларни жаранглатишади. Улар Ватан учун эмас, балки бойлик орттириш мақсадида жанг қилишади, одам ўлдиришади, ҳокимиятга интилишади. Қазо қилганларни эса одамнинг тиззаси баробар ер қазиб, қутурган бўрини қўмгандек кўмиб юборишади. Шу билан у унутилади. Бирор эсламайди. На мозори, на қабри бор.

Ватанга қайтишга, қилган гуноҳларини ювишга қарор қилган Faфурнинг қўлидан телефон тушмасди. Қўнфироқ қилишларини интиқиб кутарди. «Менга ишонишмаяпти» деган хавотир ичини кемираради. У қундуз кунлари ташқарига чиқмас, тош уйчанинг ичиға кириб ухларди. Кечалари илондек ўрмалаб ташқарига чиқар, атрофни айланиб оёғининг чигилини ёзарди. Бадантарбия билан шуғулланарди. Пастак ва энсиз уйча ичидаги ҳаёт унинг қаддини букиб, рангини заъфарон ҳолга келтирганди. Озиқ-овқатни тежаб ишлатарди.

Ёмғир савалаб ўтган тунда лагерда түс-түполон күтарили. Ҳамма безовталаниб қолди. Бу қандайдир кутилаётган нохуш воқеанинг хиди эди. Айримлар Эргашнинг хонасига кириб чиқар, қандайдир одамни ўртага олиб дўппослашарди. Ит эгасини танимасди. Тушдан кейин осойишталиқ ҳукм сурди. Машинада бегона кимсалар келди ва улар лагерни ўраб олишди. Ўзлари билан озиқ-овқат келтиришган бўлса керак, қозонлар остига олов ёқилди. Маст бўлган жангариларнинг қийқириқлари эшитиларди. Улар туни билан ухлашмади. Эрталаб тағин иккита машина ўттизатча қуролланган одамларни олиб келди. Жангарилар майдонга тўпланди. Милтиқлардан ўқ узишди. Бақириб-чакиришди. Бу келган одамнинг мартабали шахс эканлигини билдиради.Faфур ўша кимсанинг кимлигини билишга қизиқди. Бироқ масофа олис бўлгани боис унинг кимлигини билолмади. Зиндондан кимнидир олиб чиқиб, ўша мартабали кимсага рўпара қилишди. Унинг қўллари орқасига қайрилган, афтидан, арқон ипда боғлаб ташланганди. Оёқда зўрға қалқиб турагарди. Мартабали кимса унга нималардир деди. Бир фурсат ўтиб, банди қорнини чанглаб, турган жойида айланиб ерга йиқилди. Корнига пи-чоқ урганини Faфур узокдан бўлса-да пайқади. Демак, Эргашнинг қотили у.

Келган одам ким бўлиши мумкин? Бу савол узоқ пайт Faфурнинг бошини қотирди. Кўз олдидан ўтмаган, эсламаган жангарилар қолмади. Лагерга четдан одам олиб келиб қўйишолмайди. Бегонани лагердагилар хуш қўришмайди. Faфур эсга олганлар қаторида Мирзаахмад ҳам бор эди. Бир пайтлар уни Эргашнинг ўрнига қўйиш ҳақида анчагина баҳс кетганидан хабардор эди. Лекин бу ерда унинг қонли қамчисидан озор чеккан қанчадан-қанча йигитлар борлигини эслашиб рад этишганди.

- Эртаси куни Дилмурод келди.
- Лагерда нима гаплар?
- Эргашни ўлдиришди.
- Ким ўлдириди?
- Чүтири!
- У тирик эканми?
- Қасос олиш мақсадида ғорда беркиниб яшаётган экан.
- Ўрнига кимни қўйишиди?
- Лашкарбоши Мирзаахмадни...
- Уни жангарилар ёқтиришмасди, нега қабул қилишиди?
- Унинг келишидан аввал лагерга бир мошинда озиқ-овқат, кийим-кечак келтиришди, кейин ҳар бир жангариға минг доллардан пул улашиб чиқишиди. Шундан ҳамма миннатдор.
- Чүтирини нима қилишиди?
- Мирзаахмад уни ҳамманинг кўз ўнгида ўлдириди.
- Бу ишни у одамларни қўрқитиш ва ўзига тобе қилиш мақсадида қилган!
- Кўпчилик шундай фикрда...
- Мирзаахмад менга тириклай керак. Юзма-юз бўлишни истайман.
- Бунинг сира иложи йўқ. У лагердан чиқмаяпти. Соқчилари ҳам ўзимизники эмас.
- Яқинларини ўрган, гаплаш, лекин шошилма. Яқин орада қаерга боришини билиб берсанг бас.
- Жони керак бўлса снайпер милтифини топиб бераман!
- У менга тириклай керак!
- Дилмурод ўйланиб турди ва бу иш қўлидан келмаслигини фаҳмлади.
- Ваъда беролмайман, аммо яқинлари билан гаплашиб кўраман!
- Фақат тезлат!

– Билиб қўйинг, соқчилар унинг ёлғиз ўзини қўйиб юборишмайди.

– Ташвишланма. Уларнинг чангалидан ажратиб олиш қўлимдан келади.

Дилмурод кетди. Ярим тундаFaфур таваккал қилиб таниш рақамларни терди. Алоқа бўлими қўнфироқни Faфур жўнатаётганини билиб, Маҳмудовга улаб қўйди.

– Салом Faфур, мен полковник Маҳмудовман.

– Хурсандман!

– Бизга ишлашингизни таклиф қиласман!

– Бунинг мутлақо иложи йўқ.

– Сабаб?

– Мен тирноғимгача жиноят ботқоғига ботганман.

Ифлос балчиқлардан ҳеч ким, ҳатто сизнинг ёрдамингиз ҳам олиб чиқолмайди.

– Агар биз билан ҳамкорлик қиласангиз, Ватан жиноятларингизни кечиради. Бунга сўз бераман.

– Ватан кечиради, аммо виждон-чи? Қандай қилиб унинг қошида ўзимни покман дея оламан!

– Сиз халқингизнинг тинчлиги йўлида хизмат қиласиз!

– Таклифларингизни эшитсам бўладими?

– Рози бўлсангиз, айтаман.

– Таклифларингизни гуноҳимдан кечишингиз мақсадида қабул қилмайман. Менинг ўз режаларим, мақсадларим бор.

– Қандай режа? Балки фикримиз бир жойдан чиқар?

– Бу маҳфий эмас. Айтишим мумкин. Биринчиси Эргашни ўлдириш эди. Афсуски бунга улгуролмадим.

– Нега?

– Уни ўлдиришди.

– Ўлдиришди?

- Ха, икки кун бурун ярим тунда ўлдириши...
- Бу хабарни кимдан эшитдингиз?
- Лагер ичиди одамларим бор, маълумотни ўшалардан олиб тураман. Кейин мен лагерга яқин жойга ўрнашиб олганман. Кўзим билан кузатиб тураман.
- Уни ким ўлдириди?
- Чўтири лақабли жангари хонасида отиб ташлади. Афсуски, уни ҳам ўлдириши.
- Котил ким?
- Лашкарбоши Мирзаахмад.
- Мирзаахмад? У лагерга қандай қилиб бориб қолди?
- Бу саволга мен ҳам жавоб тополмадим. Назаримда Эргашнинг ўлимини эшитган раҳнамолар уни қаердандир олиб келиб, Эргашнинг ўрнига бошлиқ этиб тайинлашди.
- Кейинги режангизни айтинг.
- Мирзаахмадни қўлингизга топшириш.
- Бу ишингиз учун олдиндан сизга миннатдорчилик билдираман. Лекин бу ўта хатарли. Унга яқинлашиш ҳәётингизга хавф солиши мумкин.
- Бир илтимосим бор...
- Айтинг!
- Телефонимнинг батареяси ўтириб қолаёзди. Сиз билан алоқага чиқолмаслигим мумкин.
- Лагерда яқин одамларингиз борми?
- Бу ишни ўзим уддаласам яхши бўларди.
- Лагердан беш юз метр нарида эски жар бор. Унинг ичига тушасиз. Эллик қадам жануб томон юрасиз. Олдингиздан одамга ўхшаш тош ҳайкалча чиқади. Ҳайкалчанинг остида алоқа воситаси бор. Уни олиб ишлатишингиз мумкин.
- Раҳмат сизга!
- Яна бир илтимосим бор.
- Кулогим сизда.
- Кодир исмли йигитни танирмидингиз?

– Қайси Қодир ҳақида гапираётганингизни аниқроқ тушунтириң?

– Сиз билан бирга хизмат қилган. Қандахор яқинда мужоҳидлар билан бўлган жангда ҳалок бўлган. Отасининг исми Баходирхон, Олтинтопар қишлоғидан.

– У йигит нега сизни қизиқтириб қолди?

– Айтинг, у ҳақда бирорта маълумотга эгамисиз? Жангда ҳалок бўлгани ростми?

Суҳбат якунига етмади,Faфурнинг телефони ўчиб қолди. У бошини тошлар устига қўйиб Қодирни эслади. Ҳақиқатан ҳам улар бир ойча ҳарбийда бирга хизмат қилишган. Аслида у бошқа қисмдан келиб қўшилганди. БТРда Қандахорга кетишаётганда Faфур ундан қандай қилиб бу қисмга ўтиб қолганини сўраганди. Қодирнинг айтишича, у хизмат қилаётган рота аскарлари Саланг довонидаги туннелни қўриқлашган. Ўттиз нафар аскарларга ошпазлик қилган. Ортган овқатларни кечки пайт чодирдан эллик-олтмиш қадам наридаги чуқурчага тўкиб келган. Таом қолдиқлари сирли равишда фойиб бўлиб қолаверган. Аввалига қашқирлар еб кетаётган бўлса керак деб ўйлаган. Бир куни чуқур ичидаги ўрмалаб юрган бир гала илонларни кўриб қолади. Булар заҳарли олачипор кобралар эди. Аскар аввалига қўркиб, уларни ўлдирмоқчи ҳам бўлади. Лекин жониворларнинг овқат ейишини томоша қилиб ўтирадиган бўлади. Шу тариқа у илонларга, жониворлар эса аскарга ўрганиб қолади. Ҳатто илонлардан бири унинг оёқларига ўралашиб олганча бир муддат ором олади. Кейин зарар етказмай тушиб кетади.

Орадан икки ойча вақт ўтади. Ярим тунда, чодир ичидаги қуролдош дўстлари билан ухлаб ётган Қодир баданига иссиқ ва силлиқ нарса текканини сезиб ўй-

ғониб кетади. Тепасида улкан кобра бошини баланд кўтариб тикилиб турганини кўради. Бу чуқур ичидаги илонларнинг каттаси эди. Кобра мунчоқдек кўзлари ялтираб, худди заҳар сочишга шайланаётгандек икки лунжини шишириб туради. Илон бир муддат шу ҳолда турди-да, кейин енгил вишиллаб, бошини чайқаб қайрилиб чодирдан чиқиб кетади. Қодир неғадир унинг ортидан боргиси келади, ўрнидан туриб ташқарига чиқади. Кеча қоронғи эди. Илон бир неча қадам нарида вишиллаганча бошини баланд кўтариб, тошлар устида кетиб борарди. Нега чодирга кирди, нега безовта? Шериклари очми? Кобра ортидан кетиб бораётган аскарнинг хаёлидан шундай саволлар ўтибди. У пастликка, овқат тўқадиган жойга тушибди. Кобранинг шериклари кўринмабди. Кутимагандада илон аскарнинг кўзидан фойиб бўлибди.

Қодир бу синоатга ҳайрон бўлиб, бир муддат турибди-да, кейин ортига қайтибди. Тепаликка қўтарилаётганда чодир ичидан чиқиб кетаётган ўндан ортиқ жангариларни кўриб тўхтабди. Қуролсиз бўлгани сабабли уларга қаршилик кўрсатолмабди.

Қодир ичкарига кирганда жангарилар шериклари ни сўйиб кетишганини кўрибди. Рация орқали қисмга хабар жўнатибди. Текширувлардан кейин уни бошқа қисмга ўтказиб юборишган экан.

Faфур ўша сухбатни эслаб, тошлар устига чўзилди. Мужоҳидлар билан бўлган отишма унинг хотирасида абадий ўчмайдиган тарзда муҳрланиб қолган. Ўшанда Кондар томон йўлга чиқсан йигитларнинг бари хизмат бурчини ўтаб бўлиб, эрта-индин она юртларига жўнаш арафасида эди. Ҳатто чамадонларини тайёрлаб ҳам қўйишганди. Буйруқ чиқса бас, ўттиз йигит юрга қуш мисоли парвоз қиласи. Кутимагандада қисмда бензиннинг таги кўриниб қолди.

– Ёқилғи тугаган. Қисм зудлик билан Қандахорга бориб, олтита машинада ёқилғи олиб келиши керак! –дея топширик берди командир.

Кузьмичевнинг ротаси йўлга чиқди. Аскарлар юртларига, ота-оналарининг, соғинган ёрларининг бағрига тезроқ қайтишни ўйлашарди. Хатарни ҳам, ўлимни ҳам хаёлларига келтирмай боришарди. Зерикмаслик мақсадида бир-бирлари билан ҳазиллашиб, асқия айтишиб, қизиқарли воқеаларни сўзлашиб боришарди. Тоғлар орасидан ўтиб боришаётганда мужоҳидлар калоннани ўққа тутиб қолишиди. Буни ҳеч ким қутмаган эди. Барча саросимага тушди. Faфур Қодир билан бир вақтда ташқарига отилди. Иккиси тошлар орасига ўтиб, душманларни ўққа тутишиди. Мужоҳидлар ўзлари учун қулай жой топишганди. Тепадан отилаётган ўқлардан омон қолиш осон эмасди. Аскарлар ёмғир каби ёғдир伊拉ётган ўқларини осонгина тутиб беришиди. Кузьмичев ўққа учди. Тошлар устига йиқилди.

– Мени химоя қилиб тур! – деди шерикларидан бири. Faфур ортига қарамади ва унинг кимлигини ҳам билмади. Мухими қулоғига сўзлари эшитилди. Faфур тепадаги жангариларни ўққа тутиб турди. Шунда шерикларидан бири Кузьмичевни судраб тошлар панасига олиб ўтаётганига кўзи тушиб қолди. Боя ёнида турган Қодир кўринмасди. Ўқ тегиб ярандими деб ўйлади. Отишма бир сонияга тўхтаганда Faфур атрофга қаради. Ўнлаб аскарлар ерда чўзилиб ётишарди-ю, бироқ улар орасида Қодир кўринмасди.

Яна отишма бошланди. Тепадан пастга, пастдан тегага ўқлар дўўл каби ёғиларди. Ҳар икки томондаги лар қичқиришарди. Кутимаганда Faфурнинг қуроли жим бўлиб қолди. Ўқларни отиб бўлганди. Атрофга қаради. Сафдошлари анча нарида эди. Faфур Қодир турган томонга қаради. У ҳамон баҳайбат тош ортида

автоматини құчоқлаганча турарди. Оралиқ беш-олти қадам. Олдига ўтишнинг иложи йўқ. Очикликда душман кўриб қолиши ва бир ўқ билан ҳалок қилиши мүмкін. «Нега отмаяпти? Нега дўстларини химоя қилмаяпти?» ўзича ўйлади Faфур.

— Магазинни узат! — дея қичқирди. Қодир унга қарди-ю, аммо ёнидаги магазинлардан бирини улоқтирмади. Душман ҳамон тинимсиз ўқлар ёғдиради.

Faфур икки қадам нарида ўқ тегиб, ҳалок бўлган шеригининг қуролини олиш учун эмаклаб олдинга ташланди. Унга отилган ўқлар ерни ўпириб, тошларни кўчириб юборди. У бир амаллаб автоматни олди. Энди ортга қайтиш керак эди. Ҳамон душманлар уни ўққа тутарди. Шунда нимадир портлади. Faфур ердан қўтаришганини билади, аммо қандай пастга тушганини эслай олмайди. Кўзини очганда ўзини госпиталда ётганини билди.

Қишлоққа келганида собик қуролдошларини излади. Отишмада ўттиз йигитнинг йигирма олтитаси вафот этганини, шу жумладан Қодирнинг ҳам ҳалок бўлганини эшитди. Қандай жасорати эвазига «Қизил юлдуз» ордени беришганига эса ажабланди.

Ўша воқеанинг бўлиб ўтганига ҳам йигирма беш йилча бўлди. Ўша жангда омон қолганларнинг сочиға оқ оралади. Орадан шунча йил ўтиб, Қодир нега Маҳмудовни қизиқтириб қолди?

Faфур шу ҳақда ўйлаб ўйининг тубига етолмасди. Энди у фикрини чалғитиш мақсадида полковникнинг боя айтган сўзларини ўйлай бошлади. Лагердан беш юз метр нарида алоқа воситаси нима қиласди? Ким ундан фойдаланган? Тузок эмасмикин? Излаб борса қопқонга тушиб қолмайдими? Йўқ. Маҳмудов уни ҳеч кимга тутиб бермайди. Ундан фойдаланмоқчи, холос. Демак, лагерда Маҳмудовнинг одамларидан бири

бўлган. Алоқа воситасини ўша ишлатган, кетишда ташлаб кетган бўлиши мумкин.

Faфур ярим кечада Махмудов айтган жойга йўл олди. Соқчилар бу томонга аҳамият беришмасди. Шундай бўлса-да, хушёrlикни унутмади. Икки қадам босиб, бир дақиқа тўхтади. Вужудини қулоқ қилиб тинглади. Тунги овга чиққан илонларнинг шарпасиз судралиб юришидан ҳосил бўлган сас қулоғига чалинди. Барча жонзотларнинг, ҳатто олисларда кўчган данақдек тошнинг овози ҳам қулоғига етиб келди, бироқ одам нафасини пайқамади. Бир амаллаб ўша тошни топди. Остидан алоқа воситасини олди. Жуда эҳтиёткорлик билан яширилганди. Унча-мунча одам тополмаслиги ҳам мумкин бўлган буюмни ярим соатлик ҳаракатдан кейин топди. Алоқа воситасини қўлига олганда юрагидаги зулмат пардалари тарқалиб кетди. Махмудов унга қаттиқ ишонаётганига икрор бўлди. Демак, ишлашим керак, бу ўзимни оқлашим учун менга берилган имконият деб ўйлади. Боягидек хушёrlик билан тошларни жой-жойига териб, орқага қайтди.

Эртаси куни ярим кечада телефон жиринглади ва айни шу дамда дарчадан нотаниш одамларнинг қадам товуши эшитилди. Булар кимлар? Faфур ташқарига қаради ва шу томон келаётган икки одамни кўриб телефонни ўчириди.

\* \* \*

Уч кун ўтса-да, Дилмуроддан дарак бўлмасди. Faфур ҳар куни унинг йўлига кўз тикарди. Лагерда ўрмалаб юрган одамлар орасидан уни ахтарарди. Бироқ қирғийникидек ўткир кўзлари излаган одамини тополмасди. Кейин совуқ тош устига ўтириб, хаёлга чўмарди. Назарида, қасос олиш муддати чўзилиб бораётгандек туюларди.

Тун ярмидан ўтганди. Гала-гала булутлар осмонни, унинг бағридаги юлдузларни түсганди. Ёмғир ёғиши сиёқи бор эди. Тошларнинг шарақлаган овозиFaурнинг хаёлларини түзитди. Кимдир шу томон келарди. Faур ўзини панага олди. Сўқмоқни кузатди. Тошлардан ўзга нарса кўринмади. Бир оз кутди. Ниҳоят харсанглар орасидан чиқиб келаётган одамнинг шарпаси кўринди. Faур уни юришидан таниди. Бу Дилмурод эди.

– Уч кундан бўён йўлингга кўз тикаман!

Дилмурод чўчиб ортига тисарилди. Кўрқиб кетганди. Кўкрагига туфлади.

– Шарпа қилсангиз бўлмайдими, ака, иштонимни хўллаб қўйдим!

– Нега дарагинг йўқ, уч кундан бўён йўлингга термуламан.

– Сўраманг, ака, хунук ишлар бўлди.

– Тинчликми?

Дилмурод нарироқ бориб, тош устига ўтирди.

– Мирзаахмад ўзи билан бу ерга балоларни эргаштириб келганга ўхшайди. Раҳнамолари бекордан-бекорга машина тўла озиқ-овқат, кийим-кечак жўнатмаган экан. Бугун иси чиқди.

– Иси чиқди деганинг нимаси?

– Хозир тушунтириб бераман. Пешинда беш нафар хорижлик кимсалар лагерга келишди. Ҳаммасининг нияти бузук.

– Яна бирор ишни бошлашмоқчиидир-да?

– Бошлаганда хам қанақасини денг!

Faурнинг юзига ташвишли ифодалар қалқиб чиқди:

– Хўш?

– Уларнинг сухбати қулоғимга чалиниб қолди. Ҳаммалари Мирзаахмадни ўртага олиб, «Эргаш ўлди, баччагарнинг қўлидан ҳеч қанақа иш келма-

ди. Ҳаммамизни лақиллатди. У амалга оширолмаган ишларни ўзингиз уddyалайсиз», дейишиді...

– Қандай иш экан?

– Билишимча, Эргаш юртимиздаги кўпгина жойларни портлатаман, раҳбарларга сүиқасд уюштираман деб катта-катта пулларни олиб юрган экан. Лекин жўнатган одамлари кўлга тушиб, ҳаммаси қамалиб кетибди. «Энди унинг ишини ўзингиз давом эттиришингиз керак. Раҳбарлар ўртадан олиб ташланмас экан, кўзлаган мақсадимизга эришолмайсиз», дейишиди.

– Лашкарбоши қандай жавоб қилди?

– «Юртда ишончли одамларим қолмаган, кўпи кўлга тушди, айримлари хуқуқ-тартибот идораларига бориб кечирим сўрашди. Улар орасида сизлар айтган ишни уddyалайдиган юраги бутуни йўқ», деб жавоб берди.

– Улар лашкарбошининг гапига ишонишдими?

– Ўзимиз одам ёллаймиз дейишиди. Икки ўртада тортишув бўлди. Аниқ қарорга келишолмай, келгуси хафта шанба куни яна учрашадиган бўлишди.

– Демак, улар қайтиб келишаркан-да.

– Шундай. Назаримда ажнабийлар раҳбарларимизга нисбатан сүиқасд қилишга қаттиқ қарор қилишган. Бу ишга катта маблағ тикишган кўринади.

– Буни қайдан билдинг?

– Суҳбатларида «Қанча маблағ бўлса биздан» дейишигани қулоғимга чалиниб қолди. Мирзааҳмад пулга ўлгудек оч. Назаримда уларнинг таклифларини рад этолмади. Пулнинг дарагини эшитгандан кейин «Бу масалани ўйлаб кўрамиз, балки мен ишончли одамлар топарман», деди.

– Улар қачон қайтиб келишади дединг?

– Келгуси ҳафтанинг охирида.

– Сен уларнинг суҳбатида қатнашишинг мумкинми?

– Олдиндан бир гап айттолмайман.

– Лашкарбоши ҳозир нима қиласпти?

- Кўзига кўринган йигитларнинг нима мақсадда бу томонга ўтиб қолганини сўраб-суроштириб юрибди.
- Қандай қилиб бўлмасин, унинг ишончига киришинг керак...
- Яқинда мен билан сухбатлашди. Қачон келганимни, юртимда нима ишлар қилганимни сўради.
- Нима деб жавоб бердинг?
- Эргашбойнинг одамлари «Четдан иш топиб бераман» деб алдаб, бу ерга олиб ўтишганини айтдим.
- Демак, у сени жиноятчи эмаслигингга, то-залигингга ишонган. Балки сендан фойдаланиши ҳам мумкиндири.
- Қандай ишда фойдаланишади?
- Топшириқ бериб, юрtingга жўнатишади.
- Кошки эди шундай бўлса, қишлоғимга қайтиш имконияти туғиларди. Чегарадан ўтибоқ қочардим.
- Бундай қила кўрма, қочадиган бўлсанг унинг одамлари сени ернинг остидан бўлса ҳам топиб йўқотишади. Бошингга дунёning айбларини қўйишади. Бошқа йўлини топамиз.
- Маслаҳат беринг, ака.
- Яхши, мен буни жиддий ўйлаб кўраман. Унгача Мирзаахмад сенга қандай топшириқ берса ҳам йўқ дема. Тушундингми?
- Тушундим, аммо мен ўз юртимга душманлар билан бирга хиёнат қилолмайман. Бунга асло виждоним йўл қўймайди.
- Назаримда сендаги иймон ўз жойига қайтиби!
- Кеч бўлса ҳам хатоларимни англадим.
- Яна қандай янгиликлар бор?
- Мирзаахмаднинг одамлари шу қишлоқдан ёшгина болали аёлни тутиб лагерга олиб келишди. Лашкарбоши уни никоҳига олмоқчи. Бечора қиз худонинг зорини қилиб йигласа-да, уйига жавоб бермади.

– Бир пайтлар у Пўлат муаллимнинг қизини йўлдан уриб, одамлари орқали бу юртга олиб ўтганди. Қиз бечора кишлогини соғиниб, охири кўр бўлиб қолганини, Мирзааҳмаднинг одамлари уни тоғлар ичига ташлаб келишганини эшитгандим. Унинг тақдирни қандай якун топганини билмайман. Эсласам ичим ачийди.

– Яна қандай топшириғингиз бор, ака?

– Хозирча айтганимни бажар!

– Ишқилиб Ватан хоинига айланиб қолмасам бас!

– Ҳаммаси яхши бўлади! Фақат менинг кўрсатмам билан ишлайсан.

– Ака, сиз ким томондасиз?

– Бир пайтлар Эргаш тарафида эдим, энди эса Ватаним тарафидаман!

– Мақсадимиз бир экан. Биргаликда боплаб бу фаламисларнинг шармандасини чиқарамиз. Ватан баҳт-саодати, тинчлиги учун жонимни тиқдим! – бу сўз Дилмуроднинг қасамёди каби жаранглаб кетди.

Фафур унинг қўлини маҳкам қисди.

– Энди кетсам бўладими, ака?

– Бора қол, ўзингга эҳтиёт бўл, бирорта одамга ўртамиздаги сухбат ҳақида гуллаб юрмагин.

– Тушундим!

– Ўзингга ўхшаган «тоза» йигитлардан топиш қўлингдан келадими?

– Албатта.

– Уларни кўз остингга ол, вақти келиб бизга керак бўлиб қолишади.

– Яхши.

– Шанба куни тунда шу ерда учрашамиз.

\* \* \*

Уч ўйлдан бери она меҳрини түймаган, соғинган, кўзлари билан уни излаган Ёдгор Сабинага қаттиқ ўрганиб қолди. Кечаю қундуз унинг ёнидан жилмасди. Қиз икки кун қўлидан қўймай бағрида олиб ётди. Улар худди она-болага ўхшардилар. Ўрталаридағи муносабатни кўриб Валийнинг қўнгли юмшади. «Қони бирда, бир кечадаёқ меҳр қўйиб қолди» деб дилидан ўтказди. «Жиянимни яқинларидан ажратиб қўйсам, вақти келиб ўзимга қийинчилик туғдириши мумкин. Бунинг устига, Ёдгорни ташлаб, кўчага ҳам чиқолмаяпман. Тирикчилик ташвишлари кун сайин елкамга залворли юкини ташламоқда. Хумларда дон тугаган, қозон қайнатишга чўп тополмайман. Чўнтағимда ҳемири йўқ. Бўроннинг қачон қайтиши номаълум. Синглисининг айтишича, камида беш ой юрармиш. Бу узоқ муддат. Болани боқиши, қорнини тўйдириш учун ишлаш, тоғларга чиқиб ўтин териб, бозорда сотиш керак».

— Розиман, — деди ниҳоят, — жиянимни олиб кетишингиз мумкин. Бундоқ ўйлаб қарасам, мен ишлашим, пул топишим керак. Ўтган йили Ўзбекистонга ўтиб, фермер бир одамнинг мол-қўйини боқишига келишиб олгандим. У мени кутаётгандир. Ўшанинг ёнига бораман. Бирор йил ишлаб келаман.

— Сизни у томонга ўтказишармикин?

— Ўзбекларнинг қўли, қалби очиқ, лекин сизга айтадиган бир гапим бор.

— Айтинг?

Ёдгорни олиб қочиш режасини ўйлаб юрган Сабина бу сўзларни эшитганда кўзлари чақнаб кетди.

— Ойда бўлмаса ҳам йилда бир-икки жиянимни кўриб туришим керак. У синглимдан қолган ёдгорлик. Соғинаман!..

– Тушунаман, албатта сиз ҳам Кобулга борганинг гизда бизникида меҳмон бўлинг. Эшигимиз ҳамиша очик.

– Раҳмат.

… Валий жиянининг юзларидан ўтиб хайрлашди.

– Илтимос, уни эҳтиёт қилинг!

– Сўз бераман!

Сабина ташқарига чиққанда кексалар пешин нағозини адо этиб, масжиддан чиқиб келишаётганди. Қиз пастак тош деворлар ёқалаб йўлга тушди. Тезроқ чегарага етиб олишга шошарди. Застава бошлиғи икки кундан бери уни кутаяпти. Машина ёллашнинг иложи йўқ. Шимол томон кетаётган ҳар қандай одам шубҳали кўринади. Масофа олис, йўлни яёв босиб ўтишдан ўзга чора йўқ. Бола билан юриш азоб. Ёдгор «Кўтариб олинг» деб хархаша қилар, баъзида ерга ўтириб оларди. Сабина қишлоқдан чиқиш учун уч соат вақт йўқотди. Орада қуёш қизариб-бўзариб, тоғлар ортига думалади. Борлиқни зулмат ўз чодирига ўради. Анча фурсатдан сўнг чилдирмадай қизариб ой чиқди. Кейин юлдузлар кўринди. Ёдгор қизнинг қучогида ухлаб қолди. Келган йўли Сабинанинг хотирасида қолганди. Бир амаллаб сўқмоққа тушиб олди. Пасти-баланд тепаликлар, қоялар орасидан ўтиб борарди. Қачонлардир бўрилар, тулкилар кавлаб, эндиликда ташлаб кетган инлари кўзга совуқ ташланарди. Чирилдоқ илонлар тирикчилик илинжида инларидан ўрмалаб чиқишиганди. Олислардан қашқирларнинг увиллагани, қояларга урилиб қайтган акс садоси аҳён-аҳёнда қулоққа етиб келарди. Юраги қўрқувдан титраган Сабина қўллари толиқиб, бели букилиб, оёқларида оғриқ турган бўлса-да, қадамини илдамлатаrdи. Бола билан йўл босиш азоб эди. Қўллари узилиб тушадигандек толиқиб оғрирди. Тезроқ дарадан чиқиб олишга, чегарага етиб олишга ошиқарди. Ўтган

галгидек қашқирларга рұбару келиб қолишдан ёмон құрқарди. Тиқ этган товуш қулоғига чалингандың оюраги қалтираб кетарди. Боланинг құйнига солиб қүйгән түппончага тез-тез қўл югуртиради. Унинг пойинтар-сойинтар қадам ташлаши, қоқилиб мункиб кетишидан Ёдгор уйғониб кетиб йиғлай бошларди. Овози жимжитликни бузиб, кенг даралар узра ёйилиб кетарди.

– Қаёққа кетаяпмиз, амма?

– Йиғлама, йиғлама, – ёлворгандек Ёдгорни бағрига босиб юпатмоқчи бўлди қиз. Бола овунтиришни, унга нима дейишни билмасди у. – Дадангнинг олдига кетаяпмиз!

– Сув ичгим келяпти!

– Бир оз сабр қил... – ёлворди қиз, – тоғанг сув олиб келгани кетди!

Сабина бола билан андармон бўлиб, йўлга қарашни унутганди.

– Кимсан?

Бу овоз қулоғига чалингандың қиз музлаб кетди. Қўлидан бола тушиб кетаёзди. Шошиб бошини кўтарди. Олти нафар одам ўраб олганди уни. Юзларига ниқоб тақишган, кўзларигина ялтиради. Қўлларидаги қуролнинг учи Сабинага тўғриланган. Қизнинг тили танглайига қапишиб қолди. Нотаниш кимсалар бояги саволларини такрорлашди:

– Кимсан?

Сабина анчадан кейин ўзига келди. Бу орада қуролли одамлар унга яқинлашишди.

– Мен... мен адашиб қолдим, – унинг тилига шу сўз келди.

– Ярим кечада қаёққа кетяпсан?

– Эрим билан уришиб қолдим, уйимга кетаётгандим...

– Бола ўзингникими?

– Ха! – Бу сўз Сабинанинг оғзидан ихтиёrsиз ҳолда чиқиб кетди. Энди ўқ отилганди, хатони тузатишнинг иложи қолмаганди.

Жангарилардан бири унинг олдига яқин келиб сўради:

– Бу йўл қаёқقا олиб боришини биласанми?

– Айтдим-ку адашдим деб.

– Гапларингдан ёлғоннинг иси келяпти.

Куролли кимсалар бир-бирлари билан пичирлашиб гаплашишди. Сўzlари Сабинанинг қулогига чалиниб туради.

– Жувонни лагерга олиб кетамиз, – деди биринчи одам ўзбек тилида.

– Боласи бор экан-ку!

– Боласи бўлса нима қилибди!

– Кўринишидан ёшга ўхшайди.

– Лашкарбоши ҳар биримизга юз доллардан совфа киласди.

Сабина булар оддий қишлоқ одамлари эмаслигини, сўzlаридан жангарилар эканлигини сезди. Келаётганида уларнинг бу ерда лагери борлигини айтишганди. «Наҳотки мен уларнинг қўлига тушиб қолган бўлсам? Нега бола ўзимники дедим!? Ахир мен хали эрга тегмаганман. Ёлғон гапирганимни билиб қолиша, мени бола ўғирлаганликда айблашади. Эртагаёқ ўз одамларини қишлоқка чиқариб, кимнинг уйида боласи йўқ деб жар солишади. Энди ҳаммаси тамом. Бўрон фош бўлади» ўйларди қўрқувдан даф-даф титраётган қиз. У Ёдгорнинг нимчаси ичидаги тўппончанинг дастасидан тутди. Жангарилар бир-бирлари билан гаплашиб турганидан фойдаланиб отиб ташлагиси келди. Бирок ўқлар нишонга тегмаса, улар аяб ўтиришмайди. Кўлларида автомат, Сабинага қўшиб болани ҳам ўлдиришади. Топшириқ барбод бўлади.

«Болани соғ-омон Ватанга олиб ўтишим керак. Қандай қилиб бўлмасин, бу одамхўрларнинг чангалидан чиқиб кетиш йўлини топишим керак!»

— Ортимиздан юр! — жангариладан бири қизга яқин келиб шундай буйруқ берди.

Ҳамон тўппончани маҳкам ушлаб олган Сабина жангарининг амрига итоат қилишга мажбур бўлди. Уларга эргашди. Жангарилар қиздан уч-тўрт қадам олдинда кетиб боришарди. Сабина қаёқقا бошлаб кетишётганини сўрамади ҳам. Лагерга боргандা, албатта сўроқ қилишади. Бойлик ахтариб ёнларини тинтишади. Киз жангариларга сездирмай тўппончани жилға ичига улоқтириди. Ҳамон нима ҳақдадир баҳслшиб бораётган жангарилар буни кўришмади. Курол тушган жой чукур эди, тошларга урилса-да, овози ҳеч бирларининг қулоғига чалинмади. Довондан ошиб ўтишганда пастликда чодирлар тикилган яйлов кўзга ташланди. Ўнлаб одамлар атрофда юришарди. Бу ерда бошига қандай ташвишлар тушишини кўз ўнгига келтирган қиз йиғлаб юборди. Унинг юзларини ач-чиқ-аччиқ кўз ёшлари ювиб тушарди...

## ИСТАНБУЛ

Баққол ўзига ишончли ёрдамчи топганидан бахтиёр эди. Мустафонинг «Бу ишда сизга ёрдам берадиган танишим бор» деганида зиммасидаги бутун масъулият соқит бўлганини англаб етибгина қолмай, балки Баширга берган ваъдасининг уддасидан чиқишига, Мулла Умар билан муносабатининг ўнгланишига бўлган умид юрагидаги шубҳаларни қувиб ташлади. Пастак бўйли, пилдираб юрадиган, «Оёғида кулдиргичи бор» деб ном олган Мустафонинг кўп ишларга қодирлигини аввалдан биларди. Бугун яна бир бор бунга амин бўлди. Шу кунгача миясини қотирган,

ўй-хаёлидан кўтарилмаётган ташвишли муаммолар ечимиға йўл очилгандек эди. Баширга берган ваъдасини уddeлаш эмас, аксинча, уни ҳайратда қолдириш ва ишонтириш истаги кучли эди. Бу хоҳиш ҳаловатини ўғирлаганди. Юраги Самангандаги одамларининг қисмати ила тепарди. Янги давлат барпо этган, ер куррасидаги одамларни ҳайратга солган Мулла Умарнинг ишончини қозониш, ҳурматига мушарраф бўлиш орқали Усама бин Ладендек таниқли кимсалар билан яқинлашиш истаги ҳам худди қўклам чечакларидек унга ҳузур-ҳаловат бахш этарди. Баширга берган ваъдасининг уddeсидан тезроқ чиқиши, айтилган қуролларни қўлга киритиш учун рус генераллари орасидан тил топа оладиган одамни топиши хаёли билан яшарди энди. У Баширга «Ўн дона «Град» мендан, яқин орада уни ҳазратимнинг ихтиёрига албатта топшираман» деб ваъда берди-ю, аммо бу ишни ким орқали уddeлашни жиддий ўйлаб кўрмаганди. Шошқалоқлик қилди. Оғзига келган гапни ўйлаб ўтирумай айтиб юборди. Бўрон қачон келади? Қачон у билан кўришади? Бу иш унинг қўлидан келар экан, кечиктирмай Туркияга чақириб олиш керак. Энди Баққолнинг тақдирини у ҳал қиласди.

Башир ўта ҳушёр, ақлли ва зийрак одам. Учрашган кунларининг эртасига ёқ толибонлар бошлигининг ҳузурига кириб, «Баққол «Град»ларни чегарадан олиб ўтиб беришга ваъда бериб кетди» деб айтган. Бунга шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Ахир бундай янгиликлар боши қотиб турган Мулла Умарнинг аламу хавотирларга тўлиб тошган юрагига озгина бўлса-да шодлик олиб киришини у яхши тушунади. Гарчи қуролнинг қачон ўтиши маълум бўлмаса-да, Мулла Умар йўлга кўз тикиб кутаётган бўлиши керак. Баққол шуларни ўйлаб, оромини йўқ отар, кўзига толибонлар етакчи-

си күринарди. Ҳатто унинг қархисида тургандек ҳис этарди ўзини.

Бақкол чидамади. Сабр косаси тўлганди. Мустафога қўнғироқ қилди.

– Зудлик билан етиб келсангиз, – деди товуши ҳаяжондан хириллаб. – Маслаҳатлашадиган иш чиқиб қолди.

– Нима бало, тушингизда бирор фалокатга йўлиқдингизми, бейим? – ҳазил қилди Мустафо.

– Ёмон туш кўрганимда сизни безовта қилмай, девоналарга садақа улашган бўлардим. Туни билан ухламай чиқдим.

– Бир соат ичида етиб борсам сизни узоқ куттирмаган бўламанми?

– Ярим соатга қолмай етиб келсангиз хурсанд қилган бўлардингиз.

– Харакат қиласман, бейэфенди.

– Кўзларим йўлингизда!

Мустафо бари бир кечикиб келди.

– Танишингиз билан учрашдингизми? – меҳмонни шундай сўзлар билан қутиб олди уй эгаси.

– Ташвиш чекманг, бейэфенди. Кеча оқшом ҳузурингиздан чиққан заҳотиёқ уни топиб маслаҳатлашганман.

– Хўш, рози бўлдими?

– Албатта! Кўлимдан келган ёрдамни қиласман деб айтди.

– Унда бизни тезроқ учраштиринг!

– Шошилманг, бейэфенди. Мен айтган одам жуда обрўли, юқори мартабали зот. Уни бу ерга чақиришдан аввал айтадиган гапларингизни обдан ўйлаб пиштиб олсангиз мақсаддага мувофиқ бўлур эрди.

– Мен-ку шошилмайман, Мустафобей, бирок Баширга ваъда бериб қўйганман. У ўйлимга қарайвериб кўзи тешилган. Унга берган ваъдамнинг уdda-

сидан чиқишим шарт. Назаримда у қурол тұғрисида ҳазратни хабардор қылган.

– Бунга шубха қилмайман.

– Улар кутишаётгандир.

– Сиз ваъдасида турадиган, пулни эмас, ўз шарафини ўйлайдиган одам эканлигингизни Мулла Умар ҳам билади. У ваъдасида событ одамларни хуш кўради. Ҳазратнинг эътиборига тушсангиз, ишончини қозонсангиз ёмон бўлмасди. Сизни ўзининг яқин одамлари сафига қўшади. Вақти келганда мамлакатнинг истаган жойидан керакли қисмини ажратиб бериши, одамларингизнинг пешонасини силаши мумкин.

– Юрагимдаги гапларни топиб айтяпсиз, Мустафобей. Ҳазратнинг ишончи ва хурматига савовор бўлсам биласизми мени қандай ютуқлар кутмоқда...

– Мартабангиз бундан-да зиёда, бойлигингиз янада бисёр бўлади, бейим.

– Айтганинг келсин, Мустафобей!

– Отни қамчиланг, имкониятдан фойдаланиб қолинг, бейэфенди...

– Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас деган гап бор. Ёнимга киринг, сизнинг доно маслаҳатларингиз менинг тақдиримни белгилайди...

– Буюринг, бейэфенди...

– Биласиз Чеченистонда менинг «Кулранг бўрилар»им бор. Руслар Хаттоб жанобларига зарба берса одамларим қайга қочади. Шунинг учун уларни олиб келиб, Самангандаги жангчиларнинг ичига ташлайман. Шунда улар ҳазратимнинг одамлари билан бирлашиб катта кучга айланади.

– Кўп яхши ўйлабсиз, бейэфендим. Одамларингизбу ерга келса, сизга каттагина фойдаси тегиши мумкин.

– Одамларим Афғонистонда етиштирилаётган қорадорини ултуржисига арzon-гаровга харид қилиб

олишади ва уни дунёning қайноқ бозорларига олиб бориб пулга айлантиришади. Қарабизки, қорадоридан тушаётган қўшимча маблағлар худди дарёга қўшилган ирмоқ сувидек ҳамёнимга оқиб тушаверади. Бунинг учун тезда Мулла Умарнинг ишончига киришими, айтган қуролини зудлик билан унга етказиб беришим керак.

– Гўзал фикр, бейэфенди, – деди мамнун бўлган Мустафо. – Бундай ажойиб фикрлар ҳамманинг ҳам хаёлига келавермайди.

– Мехмонни таклиф қилинг. Мен билан тезроқ учраштииринг!

– Эртага кечки пайт сизнинг ҳузурингизда бўлади, бейэфенди.

– Ишонсам бўладими, Мустафобей?

– Сизни қийнаб қўймасмикинман, бейим?

– Мехмон кутишни хуш қўраман.

– Аллоҳ топаётган бойликларингизга қут-барака берсин! Энди мен борай, бейим...

– Мен сизларни эртага мана шу хонада кутаман!

– Албатта, қўришамиз! Яхши қолинг, бейэфенди.

Мустафо ўрнидан турди. Баққол меҳмонни кузатиб ортига қайтар экан, хизматкорни чақирди.

– Қаердасан, Ўлмас?

Хизматкор чопқиллаб келди:

– Буюринг, бейим.

– Мехмонхонани тартибга сол, эртага бизникига нозик меҳмонлар келади.

– Бош устига, бейим!

## ЧЕЧЕНИСТОН

Ташқарига чиққанимда тонг бўзарганди. Тоғлар ортидан қуёш қизғиши шуълаларини ёйиб оҳиста кўтарилади. Кўрқув ичра мудраб, туни билан хавотир тўшагида ётган кўчалар чўчинқираб уйгона бошлаганди. Мен кўча сокинлигини бузиб, қароргоҳга тезроқ етиб олиш учун шошиб борарадим. Икки томондаги кўп қаватли биноларнинг баъзиларининг томида мергандар борлигини хис этардим, улар кетаётган одамнинг харакатларидан жиндай шубҳаланиб қолишса тап тортмай нишонга олишлари мумкин.

Йўл четида кетиб борар эканман, хаёлимда қандай қилиб бўлмасин, «Кулранг бўрилар»нинг инини аниқлаб, уларнинг ичига тезроқ киришни ўйлардим. Бунинг учун улар турган жойни биладиган одам тошишим зарур. «Жангариларнинг ини бу ердан олисроқда, тоғлар орасида ёки ўрмонзорлар ичида» деб тахмин қиласдим. Уларни топиш учун Зелимхон ёки Шамилга яқин бўлган одамлар билан алоқа ўрнатишм даркор эди. Афсуски, Яндарбиев мени ўзига яқин йўлатмади. Ёрдамчиларининг эса тилини тушунмасдим. Умидим тилмочдан эди. У кўп нарсалардан хабардор. Афсуски, у ҳадик ва хавотир билан кузатарди мени. Шунинг учун ундан гап сўрашга ботинолмасдим. «Нима қилиш керак?» деган саволдан бошим қотиб борар эканман, ортимдан таниш овоз келди:

– Хой, «Қора афғон!»

Юрагим хаприқиб кетди. «Ким бўлди? Наҳотки Латиф бўлса?» Шошиб ортимга қайрилдим. Нарироқда оқсоқланиб Латиф келарди. Иккимиз қариндошлардек қучоқлашиб кўришдик.

– Сени изламаган жойим, сўрамаган одамим қолмади, – деди у чақнаб турган кўзларини менга тикиб.

– Тузалиб қолганингдан хурсандман! – дедим.

— Уй эгалари ёрдам беришди. Мүмиё ичиришди. Синган сугум тездә битди. Сен бўлмаганингда ўра ичидай қолиб кетган бўлардим. Дарвоҳе, Расул қани? Шу кунгача нега уйига қайтмади? Онаси ҳар куни йўл пойлаб, юм-юм йифлайди. Боласини жуда соғинган!

Бўлиб ўтган воқеаларни шошмасдан Латифга сўзлаб бердим. У қаттиқ ғазабланди.

— Жуда ёмон бўлибди, — деди ранги бўзарби. — Мен шаҳарга тушган заҳотиёқ онасига боласини қайта-ришга ваъда бергандим. Ўлганини эшитса, сочини юлиб, ўзини оловга отади шўрлик аёл...

— Уни сақлаб қололмадим, — дедим айборлардек бошимни эгиб.

— Ўша ажнабийларни танийсанми?

Миям бирдан ишлаб кетди.

— Танимайман, аммо гап-сўзлари қулоғимга чалиниб қолганди.

— Нима ҳақида гаплашишди?

— Сўзларига оз-моз тушундим, аммо «Кулранг бўрилар» деган номни кўп маротаба тилга олишди.

— Кулранг бўрилар?

Латифнинг чўғ ялтираб турган кўзлари қисилди. Пешонаси тиришди. Бу унинг қаттиқ ғазабланганини билдиради.

— Шундай тўда борми? — сўрадим.

Латиф қизариб кетган юзини менга бурди. Унинг юмалоқ кўзларида ўт ёнарди.

— Бор, — деди бир оздан кейин у.

— Бу ўшаларнинг иши бўлса керак?

— Улар бу томонга келиши мумкин эмас.

— Олисда туришадими?

— Тоғлар ичидай яшашади. Қаттиқ назоратга олинган. Хаттобнинг одамлари қўриқлашади уларни.

– Балки мен олиб ўтган буюмдан хабар топишгандир?

Латиф ўйга толди. Ҳаяжон босди мени. Қандай қилиб бўлмасин танишимдан улар хақида маълумот олгим келарди. Агар сўзларимга ишонтира олсам, у албатта манзилни маълум қиласди.

– Сен олиб ўтган буюмни Рамазон бобо ўз уйига яширганини мендан бошқа одам билмасди. Қандай қилиб улар бундан хабар топишиди?

– Менимча, қолипни олиб ўтишимдан хабардор бўлган Афғонистондагилардан бирортаси «Кулранг бўрилар»га маълум қилган бўлиши мумкин.

– Изингта ҳеч ким тушмаганди. Узоқдан кузатганман сени.

Бу ишларда «бўри»ларнинг қўли борлилигига Латифни ишонтиргим келарди.

– Балки Расулнинг уйидан чиққанимдан кейин кутишигандир, – дедим.

– Иккита вариант бор: биринчиси – таржимон сотган бўлиши мумкин, иккинчиси – улар сени шаҳарга кираверишда кўришган. Рамазон бобонинг уйига кириб кетганингни ҳам пайқашган. Кейин шерикларига хабар беришган.

– Фикринг ҳақиқатга яқин! – сухбатдошимни қувватладим.

– Топиб олсам бирортасини соғ қўймайман, улар нафақат Расулни, балки менинг укамни ҳам ўлдиришган. Қасос олиш вақти келганга ўхшайди. Бирортасининг башараси эсингда қолдими?

– Узоқдан кўргандим, шундай бўлса-да, биттасининг афти ҳозир ҳам кўз ўнгимда суратдек қотиб қолган.

– Яхши, биттаси бўлса ҳам ёдингда қолибди-ку.

– «Кулранг бўрилар» орасидан уни топа оларми-кансан?

– Топаман!

- Улар шу атрофдами?
- Тоғлар ичидағи водийда яшайды.
- Уларни топишга қўзинг етадими?
- Чечен қасд қилмасин. Қасд қилдими, ернинг ту-  
бидан бўлса ҳам топади.
- Бироқ мен сен билан кетолмасам керак, изимдан  
кузатиб юрганлар бор.

Латиф қонга тўлган газабнок кўзларини менга тикди.

– Бу томонини менга қўйиб бер!

– Қачон йўлга чиқамиз?

– Эртага кечки пайт шу ерда кўришамиз.

Турган жойим хатарли эди. Икки юз қадам нарида  
Кутузов яшарди.

– Яхшиси ҳув анави бинога ўт. Ўша ерда кўришамиз.

Ёнимдан ханжарни олдим.

– Омонатингни олиб қўй, айтганингдек, бу менга  
ёрдам берди, хаётимни сақлаб қолди.

Латиф ханжарини олди. Уни қинидан суғуриб,  
ялтираб турган тигига лабини босди. Кейин белига  
тақди. Тифини сопидан бир оз чиқариб, қўли билан  
маҳкам ушлади. Бу уни душманларидан қасос олишга  
ахд қилганини билдирарди.

Хайрлашдик.

Тунда марказ билан боғланиб, Латиф иккимиз  
«Кулранг бўрилар» изидан кетаётганимизни маълум  
қилдим.

## САМАНГАН

Соли паранг лагерга кириб келганда бўзариб қол-  
ган тонгнинг оппоқ нурлари тун пардасини кўтара-  
ётганди. Жангариларнинг айримлари уйқудан уйго-  
нишган, лекин қўпчилик ухлаб ётарди. Паранг тутқун  
қизни қўриқлаб туришни одамларига тайинлаб, ўзи  
Мирзааҳмаднинг тошдан тикланган кулбасига кириб

кетди. Эшик олдида мудраб ўтирган соқчи уни күриб сергакланди.

– Ҳасан, лашкарбоши турдиларми?

– Ярим тунда ётгандилар, ҳали-бери турмасалар керак. Нима бало, элбурутдан хўжайинни сўроқлаб қолдинг, муҳим янгилик топиб келдингми дейман?

– Мен янгиликсиз келганманми? – кулди паранг.

Ҳасаннинг вужуди қулоқقا айланди.

– Қандай янгилик экан, билсак бўладими?

– Афсуски, сенга тааллуқли эмас. Фақат лашкарбошининг ўзларига айтадиган гап.

Ичкаридан Мирзаахмаднинг йўтал товуши эшилди.

– Уйфондилар чоги, кириб муҳим хушхабар олиб келганимни айт!

Ҳасан ичкарига кириб кетди. Хиёл ўтмай қайтиб чиқди.

– Киравер, сени сўраяптилар.

Лашкарбоши ёнбошлаб, устидаги тўшакни кўкрагигача тортиб эшик томон юzlаниб ётарди.

– Нима гап, бўrimисан, тулкимисан? – сўради Мирзаахмад қув кўзларини парангга тикиб.

– Онамиздан бўри бўлиб туғилганмиз, хўжайин, – деди кўкрагини кериб.

– Гап йўқ, сен ишонган йигитларимдансан. Шунинг учун хам энг нозик сирларимни сенга айтаман-да.

– Бекорга орtingиздан эргашиб юрибманми, aka!

– Олиб келганинг қари эмасми?

– Ёш, сизбоп.

– Ишқилиб, эрининг қучоғидан сууриб олмадингми?

– Эри билан жанжаллашиб уйига кетаётган экан, йўлда тутиб олдик. Лекин боласи бор.

– Боласи бор? Ҳомиладорми?

– Йўғ-е, қўлида уч ёшлардаги гўдаги бор.

– Дардисари йўғини тополмадингми?  
– Олдин кўринг, ёқмаса ўзимга тан маҳрамликка оламан.

– Олиб кир!

Соли паранг хонадан чиқиб кетди. Йўл-йўлакай бошидаги салласини тўғрилаб Сабинанинг олдига келди.

– Бошлиғимиз сени кўрмоқчи. Нима сўраса «хўп» дегин. «Йўқ» деган одамни жини суймайди. Жаҳли тез, айтганига кўнмасанг йигитларига қўшиб қўяди. Лагерда бирорта аёл йўқ... Хи... хи...

Сабина истар-истамай унинг изидан эргашди. Ёдгор ўйғонганди. «Тоғамга кетаман» деб харҳаша қилиб, ти-пирчилаб йигларди. Киз юпатишга уринарди.

Мирзаҳмад ичкарига қўрқув ва ҳадик билан кириб келган Сабинага кўз тикиб, бир муддат жим қолди. Қизнинг қомати, буғдой ранг юзлари, пешонасига тушиб турган қўнғир соchlари, чақнаб турган кўзлари лашкарбошини мафтун этганди. Озода, кир-чир эмас. Бу ернинг жувонларига ўхшамайди. Ёдгор тўшакда ёнбошлаб ётган одамнинг афт-ангоридан чўчиб, бошини Сабинанинг кўксига босганча кўзларини юмиб олди.

– Дидинг чакки эмас, – деди лашкарбоши Соли парангга маъноли кўз қисиб.

– Энди хўжайн, сиздек одамга мана шунаقا кетвorgанини рўпара қиласиз-да, – қўлини кўксига бошиб жилмайди паранг. Мирзаҳмаднинг юзига ёйилган табассумдан унинг «совға»дан мамнун бўлганини билса бўларди.

– Буни шариат қонунига асосан никоҳлаб оламан. Йигитларинг ичидаги муллаваччаси борми?

– Никоҳни ўзим ўқийман-да, хўжайн!

– Никоҳни илми бор одам ўқийди. Агар йигитларинг ичидаги муллавачча топилмаса, қишлоққа бориб имомни бошлаб келасан!

Соли паранг чиқиб кетди. Мирзаахмад ўрнидан турди. Кўйлагини кийди. Сабинанинг кўзларида қўрқув акс этарди. Ёдгор кўзларини ҳамон очмасди. Лашкарбоши қизга яқинлашди.

– Бугундан эътиборан менинг хонамда яшайсан, сени никоҳимга оламан, – деди.

– Эрим бор. Биз шунчаки жанжаллашиб, аразлашиб қолдик холос. Рухсат беринг, уйимга кетай.

– Уйингни унут. Мана шу хонани уйим, мени эса эрим деб бил!

– Гуноҳга ботирманг мени. Боламни отасидан жудо қилманг. Етим бўлиб қолишини истамайман. Раҳмингиз келсин, бизларни қўйиб юборинг!

– Қайси овчи тузогига илинган ўлжасини қўйиб юборади? Ёки мени аҳмоқ деб ўйляпсанми?

– Худонинг қаҳридан қўрқинг! Бироннинг хасмидаги аёлни никоҳингизга ололмайсиз. Шариат буни ман қилган.

Мирзаахмад жилмайди. Соқол босган юзи буришиди.

– Шариатда йўл топилади, агар йўл топилмаса сенга жавоб бераман, боланг билан уйингга кетаверасан!

Бир оз фурсат ўтиб Соли паранг хонага ўзи тенги йигитни эргаштириб кирди.

– Муллаваччани топдим, хўжайин, – деди ёнидаги йигитга ишора қилиб.

Йигит қўлини кўксига қўйиб таъзим қилди.

– Хизматингиздаман, хўжайин...

– Билиминг борми?

– Оз-моз китоб титганман, хўжайин...

– Мана бу ожизани менга никоҳлаб қўясан.

– Хўп бўлади-да, хўжайин!

– Унда бўла қол, йигитлар уйғонмай ишни битир!

Муллавачча Соли парангга юзланди.

– Бир коса сув келтиринг!

Сабина нима қилишни, нима дейишини билмай катта-катта бўлиб кетган кўзларини goҳ муллавачча-га, goҳ лашкарбошига тикарди. Бирдан ўзига келди.

— Тақсир, — деди худди муллавачча унинг тақдири ниурли томонга буриб юборадигандек, — мен эрим-нинг никоҳидаман. У талоқ қилмаган. Мени бошқаси-га никоҳлашингиз шариат ҳукмига тўғри келмайди!

— Шундайми, ҳай-ҳай, бундан бехабар эканман...

Муллавачча талмовсираб Мирзаҳмадга юзланди. У «Йўлини топ» дегандек бошини иргиб қўйди.

— Хўш, уйдан чиққанингизга неча кун бўлди? — сўради муллавачча қиздан.

— Кун эмас, беш соатча бўлди.

— Эрингиз нима сабабдан сизни кўчага чиқариб юборди?

— Озгина жанжаллашиб қолгандик, тақсир.

— Жанжал нимадан чиқди?

— Уйда егулик қолмаганди...

— Сиз уйдан ўз ихтиёрингиз билан чиқиб кетдин-гизми ёки эрингиз «Чиқиб кет» дедими?

Муллавачча қизга нозик савол берганди. Ҳар қандай жавоб ҳам муллаваччанинг мақсадига хизмат қи-лишини Сабина тушуниб етди.

— Саволимга жавоб беринг, синглим!

— Жаҳл устида ўз ихтиёrim билан чиқиб кетдим, тақсир!

— О! Демак, сиз шаърий эрингизга ҳурматсиз-лик қилгансиз. Уни менсимагансиз. Китобларда «Эрининг рухсатисиз уйдан чиқиб кетган аёлнинг никоҳига талоқ тушади» дейилган, синглим. Энди сиз унга номахрамдирсиз. Қайтиб борган тақдирингизда ҳам эрингиз сизни шариат қонунларига биноан қайта-дан никоҳлаб олиши даркор.

— Болам бор, уни етим қилиб бошқа одамнинг никоҳига ўтолмайман, тақсир. Агар сиз ҳақиқий илмли

киши бўлсангиз, адолатли хукм чиқаринг. Савоб учун уйимга жўнатиб юборинг!

– Аёл кишининг никоҳсиз кўчада юриши шариатимиз қонунларига зиддир, синглим. Лашкарбоши жаноблари сизни ўз никоҳларига олмоқчи бўлибдиларми, демак, бунга рози бўлинг, ул кишининг никоҳларига ўтсангиз камлик кўрмайсиз. Жаноблари ўта раҳмдил, меҳрибон инсон. Фарзандингизга оталик қиласидилар, тарбиялайдилар. Агар у кишига тан маҳрамликка кўнмас экансиз, уйингизга етиб боролмайсиз. Бу ерда юзга яқин йигитлар бор. Аёл соғинчидан уларнинг кўзига қон тўлган. Сизга жавоб бериб юборадиган бўлсақ, уларнинг чодирида қўлма-қўл бўлишингиз аниқ. Бу билан сиз фоҳишага айланиб, дўзахга тушиб, қиёмат кунига қадар жаҳаннам оташида ёнасиз.

Муллаваччанинг сўзларини эшитиб, Сабинанинг юрагини баттар қўркув босди. Бу пайтда кўпчилик уйғонган, ташқаридаги бақир-чақирлар қулоқقا чалиниб қолганди. Ёдгор бўлса, ҳали ҳамон юзини яшириб, кўзларини гоҳ очиб, гоҳ юмиб Сабинанинг бағрида дилдираб ётарди.

– Хеч бўлмаса, тўрт ой идда сақлашим керак. Ахир мусулмон аёл эрининг никоҳидан чиққандан кейин идда сақлаши шарт-ку.

– Идда сақлашдан мурод сиз аввалги турмуш ўртоғингиздан ҳомиладор бўлганмисиз, йўқми – шуни аниқлашдир. Аммо лашкарбоши жаноблари бағрикенг одам бўлганликлари боис сизнинг идда сақлашингизни кутмайдилар. Башарти сиз бурунги эрингиздан ҳомиладор бўлсангиз-у, ўттада фарзанд туғилса, жаноблари уни ўз фарзанди ўрнида қабул қиласидилар. Шундайми?

– Гапни айлантирмай никоҳни ўқи! – буюрди Мирзаҳмад.

Соли паранг косада сув келтирди. Муллавачча «Үтиринг» деди. Лашкарбоши үтирди.

— Испингиз нима эди, синглим? — мулойим овозда сўради муллавачча қизга яширинча қўз ташлаб.

Сабинанинг юрагидаги умид хали сўнмаганди. Йиғларди. Қандай қилиб бўлмасин, муллаваччани инсофга келтиришни үйларди.

— Тақсир, мен эримни яхши қўраман, унинг ни-коҳида бўла туриб бошқа одамга турмушга чиқолмайман. Сиздан ёлвориб сўрайман. Менга раҳмингиз келмаса, боламга раҳмингиз келсин. У отасиз қолмасин. Бир умр виждоним қийналиб яшамай.

— Менга қара, мегажин, — Мирзааҳмаднинг момақалдироқдек овози қизнинг заиф товушини босиб тушди, — агар мана шу боланг керак бўлса, мулланинг айтганини қил! Йўқса, ҳозир икковингни ҳам йигитларимнинг ихтиёрига топшираман. Болангнинг бошини узиб, танасини қозонда қовуришади. Сен билан эса... қўнгиллари тусаган ишни қилишади.

Хонага жимлик чўқди. Муллавачча нима қилишини билмай типирчиларди.

— Қани бошла! — буюрди лашкарбоши унга юз буриб.

Муллавачча қизнинг ва отасининг исмини сўрашни унугиб, гоҳ пицирлаб, гоҳ овоз чиқариб никоҳ ўқиди. Сабинанинг розилигини олиб үтирмади. Лашкарбошига қаратса, «Сиз, муҳтарам Мирзааҳмад жаноблари, қаршингизда турган ожизани бугундан бошлаб тан маҳрамликка қабул қилдингизми?» деб сўради. Мирзааҳмад «Қабул қилдим», деб жавоб қайтаргач муллавачча юзига фотиха тортди.

— Илоҳим баҳти-тахтли, ували-жували бўлинглар, қўшгандаринг билан қўша қаринглар! Омин!

Сабина ҳамон овозини ютиб йиғларди.

Муллавачча чиқиб кетгач иккиси хонада танҳо қолишиди. Киз ихтиёрини рўпарасидаги бесўнақай,

вужудидан ёвузык уфуриб турган бадбашара ким-сага топширишни истамасди. У ҳали турмуш қурманган. Ахду паймон қилиб қўйган йигити бор. Баҳорда тўйлари бўлади. Шунга келишишган. Бўлажак турмуш ўртоғининг бағрига пок бўлиб киришни истайди. Бир ўзи бўлганда-ку йўлини топиб қочарди ёки жонига қасд қиласади. Аммо қучоғида Ёдгор бор. Шу болани деб бошлиқлар уни бу юрга ўтказишган. Боланинг тақдирига ҳамма кўз тикиб турибди. Уни Мирзаҳмадга ўзимнинг фарзандим деди, эрим бор деди. Мирзаҳмаднинг никоҳига ўтса сир очилади. «Бола кимники эди, қайси хонадондан ўғирлагансан, қаёқقا олиб кетаётгандинг» деб баттар қистовга олишади. Тагига етмагунча азоблашади.

Сабина шуни ўйлаб бадани жимиirlаб кетди. У сўнгги имкониятини тилга олди.

– Майли, тақдиридан қочиб қутулиб бўлмайди, қисмат мени сиздек одамга рўпара қилган экан, розиман, аммо охирги ўтинчим бор. Ёлвораман, рози бўлинг. Агар рад этсангиз, мен бир умр виждон азобида қийналаман. Мурдалар сафида юргандек ҳис этаман ўзимни. Сиз ҳам мен билан баҳтли ҳис этолмайсиз ўзингизни...

– Нима дейсан? Гапир!

– Иккимиз ҳам мусулмон одамларнинг фарзандимиз. Хеч бўлмаса, уч кун иdda сақлай. Покланай, яратган Эгамнинг олдида юзим ёруф бўлсин, кейин сиз айтганингиз бўлади...

– Ўта художўй қизга ўҳшайсан, майли, уч кун бўлса рухсат, – деди Мирзаҳмад бир оз ўйланиб...

– Тўртинчи куни айнан менинг туғилган куним. Қирк бешга тўламан. Бирга нишонлаймиз... Ҳозир одамларимга айтаман, сенга бир кишилик хона ажратиб беришади. Яшашни истасанг, қочишини хаёлингга келтирма...

«Етмиш икки соат имкониятим бор, хар бир сониядан фойдаланиб қолишим керак», ўйлади Сабина.

## ЧЕЧЕНИСТОН

«Бўрилар» галасинингетакчиси Шамил Басаевнинг қалби зулматнинг қаро пардасига ўралганди. Руслар билан муносабатни шартнома ва келишувлар асосида ҳал этишга тиш-тирноғи билан қарши турарди. Нияти жанг эди. «Мақсадимиз йўлидаги ғалабага қурол билан, қон тўкиш ҳамда қурбонлар эвазига эришамиз», деб очиқ-ойдин жар соларди. Шартномалар билан эришиладиган ғалаба айрим дала командирларининг тақдирини зулмат томон буриб юбориши унга кўпроқ аён эди. Уруш кечётган дамларда қилган гуноҳлари, бегуноҳ инсонларнинг тўкилган қонлари интиқом кутарди. Руслар сулҳ имзолаш жараёнида Зелимхоннинг олдига катта-катта шартларни қўйишини бошқа шериклари қатори Шамил ҳам яхши тушунарди. Ана шу шартларнинг орасида уни русларнинг қўлига тутиб бериш банди алоҳида кўрсатилади. Бу бандни бекор қилишга Зелимхон ва унинг тарафдорлари ҳеч қачон қарши чиқа олмасди. Чунки уларга тинчлик керак, тўкилаётган қонларнинг уволидан қўрқишиади. Шамил эса қонга, гуноҳга чўкиб кетган. Ставрополда юз эллик бегуноҳ инсоннинг ўлими айнан Шамилнинг гарданига қўйилган. Зелимхоннинг Москвага ташрифи ва давлат раҳбари билан тузган келишувидан қўрққанининг боиси шунда эди. Йиғилишда унинг тарафини оладиган одам топилмади. Тўғри, бир пайтлар Зелимхон Шамилнинг «Бўрилар» деб ном олган отрядига ҳар томонлама ёрдам бериб келган. Қурол билан, жангчилар билан таъминлаган. Орадан кўп ўтмай ўртадаги муносабат дарз кетди. Бу Ставрополдаги можародан кейин эмас, балки Шамилнинг рус ҳар-

бийларини ўлдирган «бўрилар»га 600–800 доллардан пул тарқатиши билан боғлиқ эди. Одамларни пул бериб ўлдиртириш Зелимхоннинг сиёсатига зид эди. Чет эломмавий ахборот воситалари бу тўғрисида шовшув кўтаришди. Айрим мамлакатларда намойишлар бўлиб ўтди. Зелимхон Шамилдан қаттиқ ранжида ва пул бериб одам ўлдиришни ман қилди. Шу баҳона иккисининг ўртасида зиддиятли тортишувлар юзага келди. Бир-бирига қарата аччиқ-аччиқ гаплар айтишди. Зелимхоннинг Москвага бориб, Ельцин билан музокара ўтказишига тиш-тирноғи билан қарши чиқкан дала командирлари ичидаги ягона рақиб ҳам шу эди. Кўпчилик урушни тинч йўл билан бартараф этишига розилик билдиргач у яккаланиб қолди.

Пойтахтдаги музокара Шамил кутганидек бўлиб чиқмади. «Ельцин чечен делегациясини қабул қилмайди» деб ўйлаганди. Ўша куни Москвада ёмғир ҳавоси бўлса-да, Ельциннинг бағри иссиқ эди. Делегация Кремлда иззат-икром билан кутиб олинди. Хукуматга қарашли муҳташам ва осуда дам олиш маскани уларнинг ихтиёрига топширилди.

Зелимхон президент билан учрашувда қайсиadir жиҳатдан ўз мақсадига эришди ҳам. Урушда тинч ахоли анчагина талафот кўрди. Инсон қони қўчаларда сув бўлиб оқди. Уруш бу – қурбон бериш дегани эмас, балки ҳар икки томоннинг кўзлаган мақсади сари интилиши эди. Зелимхон буни чуқур англаб етди. Унинг Москвадан мумнун бўлиб қайтиши эмас, балки давлат раҳбарининг Чеченистонга қиласидиган ташрифи Басаевнинг фашини келтирди. Ўртадаги келишмовчиликлар, можаролар ўзаро келишув йўли билан бартараф этилар экан, бу Басаев учун руслар томонидан ўзига нисбатан ўлим ҳукмининг ўқилиши эди. Шу сабабли унинг қалбida ҳам русларга, ҳам Зелимхонга нисбатан қасос алангаси гуриллади. Буни ҳеч қандай

шартномалар, музокаралар, борингки, русларнинг ўз қўшинларини Чеченистондан олиб чиқиб кетиши ҳам ўчира олмасди. У курашмоқни, жанг қилмоқни, қасос олмоқни, шу йўл билан давлат тепасига келиши ни ўйларди. Орзу йўлида бирорни аяб ўтирасиди. Одамларни – каттами, кичикми, пашшадек қирди. Туарар-жой биноларини портлатди, одам тўла машиналарни ёқиб юборди, бегуноҳларнинг бошини дорга осди. Ўта бераҳм ва шафқатсиз сифатида танилди. Унинг ёшида халигача ҳеч ким армия генерали унвоннига эга бўлмаганди. Тўкилган қонлар, қурбон бўлган жонлар унга шу унвонни олиб берди.

Шамил ўзинингаччиқ-чучук гапларини Зелимхонга тўкиб солиб йигилишни тарқ этди-ю, юрагидаги разаб оташи босилмай, кўнглига келган ишни амалга оширишга аҳд қилди. Ельциннинг Грознийга келишига йўл қўймаслик, мабодо келадиган бўлса, «бўрилар»-нинг қўли билан кутиб олишни режалаштириди. Икки юздан ортиқ рус тутқунлари унинг қўлида. Барини гадой топмас жойларга жўнатган. Улар горлар ичида яшамоқда эди. Буни Зелимхон ҳам билмайди. Фақат тилини тишлари ортида ушлаб тура оладиган «бўрилар»гина хабардор.

Шамил ташкарига чиқиб ёрдамчисига амр қилди:

– Полковникни топ!

Ўн беш дақиқа ичида «полковник» номи билан танилган Рамазон Хачбаров аллақаердан етиб келди.

– Қандай топшириқ бор? – сўради у Шамилдан.

– Форга жўнайсан!

– Ахир у ердан яқинда келдим-ку.

– Давлат раҳбари келармиш.

– Грознийга-я?!

– Зелимхон таклиф қилибди уни. Музокараларнинг давомини шу ерда олиб боришармиш. Назаримда вазият биз кутган томонга ўзгармади.

- Менинг форга боришимининг бунга нима алоқаси бор?
- Раҳбарнинг юртимизга қиласидиган ташрифини бошқаларга ибрат қилиб қўймоқчиман.

Аллақаердан гумбурлаган овоз келди. Қоронғилик пардасини қизил шуълалар ёритди. Полковникнинг айтмоқчи бўлган гапи бўғзида қолди. Шамил орқага қайрилди. Айни дамда автоматлар сайдради.

- Мақсадингни айт? – деди Рамазон.
- Бориб ўнта мерғанни олиб келасан. Соқчилар бошлиғига тайинла, ҳушёр бўлиб турсин, сигналимни қабул қилган заҳотиёқ форни портлатсан!
- Асиrlарнинг ичида хорижликлар бор...
- Улар мени қизиқтирумайди!
- Яқинларидан катта миқдорда пул олиб, бизга товон ҳақи тўлашади...
- Оладиган пулингни икки ҳисса қилиб ўзим тўлайман!
- Ўйлаб гапиряпсанми? Эсингда бўлсин, мен ажнабий тутқунлардан камида беш юз минг доллар ишлайман! Улар ўладиган бўлса, ўша пулни сендан қуртдай санаб оламан!
- Менинг исмим Шамил! Шу пайтгача айтган сўзимдан қайтмаганман!
- Итдай сакиллаб бориб келишим шартми, соқчилар бошлиғига рация орқали хабар жўната қол!
- Ақлинг кирмас экан сени. Руслар рация орқали гаплашадиган гапларимизни бемалол эшитиб туришади. Қандай қилиб мен фордагилар билан гаплашаман?!

Рамазон Басаевнинг ялтираб турган кўзларига тикилди. Нимадир демоқчи бўлди, аммо индамади.

Рамазон ўнга яқин ёрдамчиларини олиб форга отланди. Руслар шаҳарни ўраб олишганди. Ҳалқани ёриб ўтиш осон эмасди... Автоматларнинг овози ҳали ҳам тинмасди. Одамларнинг бақириб-чақиргандлари

ўқлар товушига жүр бўларди. Шаҳар кўчаларини Рамазон яхши биларди. Одамларини тор кўчалардан олиб ўтди. Аммо бу йўлларда ҳам уруш ўзидан даҳшатли манзара қолдирганди. Ёниб вайрон бўлган, нураб тушган иморатлар қорайиб хўмрайиб турарди. Йўллар тўсилганди. Эгалари уйларини аллақачон тарк этганди. Ташландиқ ҳолга келган бинолар жангарилалинг маконига айланганди. Улар шу ерда яшириниб, режаларини амалга оширишарди. Полковник ва унинг одамлари ҳар қадамда қўрқувни хис этиб боришарди. Ниҳоят улар шаҳардан чиқишидди. Бу жойлар русларнинг тасарруфидаги эди. Полковник ва унинг одамлари янада хушёрроқ бўлишидди. Руслар тундаги «йўловчи»ларни ўқ билан кутиб олишидди. Уларнинг ҳалқасини ёриб ўтиш ўлим билан тенг. Полковникнинг одамлари автоматларни отишга шайлаб, мушукдек писиб боришарди. Бир оз юришгач фўнгир-фўнгир овоз келди. Тепалик устида бир тўп аскарлар ўтиришарди. Полковник одамлари билан довон пастидаги йўлга тушиб олди. Барчалари калтакесақдек ерга ёпишиб боришарди. Ўн нафар жангари аскарлар турган жойдан йироқлашишидди. Уларни ҳеч ким кўрмади. Жангарилар бу ёғи хавф-хатардан холи деб ўйлашидди. Ўновлон ўринларидан туришидди. Полковник ўртада борарди.

– Кто идет?

Ўн қадамча наридан келган овоздан жангарилар ўзларини йўқотиб саросимага тушиб, автоматларнинг тепкисини босишидди. Аскар ерга қулади. Ўқлардан бири кўкрагига қадалганди. Бир пайтнинг ўзида ўнлаб автоматлар тилга кирди. Осуда туннинг ороми бузилди. Полковник учун орқага чекинишнинг иложи қолмаганди. Биргина йўл олдинга – қорайиб турган паст-текисликлар томон қочиш эди. Рамазоннинг мияси яшин тезлигига ишлади. У аскарларга қаратади

Ўқ отиб турган шерикларини қолдириб бир ўзи қочди. Кочиб кетаётганини ҳеч ким кўрмади. Ҳамма ўзи билан ўзи овора эди...

Ўқ овозларитинганда анча жойга бориб қолган полковник ортидан ҳеч ким таъқиб қилмаётганини билди. Ўқлардан бири болдирини шунчаки ялаб ўтганди. Бу у қадар хавфли бўлмаса-да, сийдиги билан ювиб ташлади. Кейин тошлар орасига ўтириб, нафасини ростлаб олишга қарор қилди. Тонг бўзариб қолганди. Ҳадемай қуёш чиқади. Олам ёришади. Бу томонларда рус аскарлари бўлмайди. Қишлоқлар ҳам йўқ. Олисда қорайиб турган тогларгина бор. Полковник ўрнидан турди. Ҳали икки қадам босмасидан кимнингдир инграгани қулоғига чалинди. Коронфилик қаърига кўз тикиди. Оқсоқланиб келаётган одамни кўрди. Танимади. «Ким бўлди?» Полковник ўзини панага тортди. Унинг ўткир кўзлари қўлига автомат ушлаган, гавдасини хиёл ён томонга ташлаб келаётган нотаниш кимсани таъқиб қиласарди. Яқинлашганда таниди. Бу ўзининг одамларидан бири эди.

– Мамак!..

Мамак тўхтади.

– Ким бу?

– Мен, полковникман!

Мамак олдинга юрди. Улар учрашдилар.

– Нега бизларни ташлаб қочдинг, полковник? –  
Мамакнинг сўзларида кучли нафрат ва фазаб сезилиб туарди.

– Ўлиб кетишим керакмиди? – беписанд жавоб қайтарди бошлиқ.

– Бизларга ёрдам берганингда, шерикларимиз ўлиб кетмасди. Русларни ер тишлатардик. Анча пайтгача қўлимиз баланд келиб турди. Аскарларга қўшимча қучлар келиб шерикларимизни қириб ташлашди. Дўстларингга хиёнат қилдинг, полковник.

– Сен нега қочдинг?  
– Қочмадим. Руслар мени ўлган деб ўйлашди. Улар кетиши билан ортингдан юрдим...

Мамакнинг «Дўстларингга хиёнат қилдинг» деган таънаси полковникнинг юрагига оғир ботди. «Бу ҳали бошқаларга ҳам валдираиди. Қўрқоқлиқда айблайди, шериларимни ташлаб қочганимни айтади». Полковник белидаги ханжар сопидан тутди. Оғрик азобидан инграб турган Мамак буни сезмади.

– Оёингга нима бўлди?  
– Ўқ қадалди...  
– Шимингни еч, ярани боғлайлик.

Мамак ерга ўтирди. Полковник ханжарини суфурди ва шеригига бўридай ташланиб, ўткир тифни юрагига қадади... Иссиқ қон ерга сачради...

Полковник форга етиб келганда кеч тушганди. У тутқунларга яқин бормади. Соқчилар бошлигини чақирирди.

– Қанча одаминг бор?  
– Йигирма бешта.  
– Мерғанларни менга берасан, олиб кетаман.  
– Одамларимнинг ҳаммаси мерған, полковник!  
– Тангани урадиганлардан ўнтасини ажрат.  
– Ўзи одамларим оз.  
– Икки-уч кунгача уддалайсан. Шамил форни портлатиши буюрди.  
– Бугунми?  
– Сенга сигнал жўнатади. Ҳозир қанча тутқун бор?  
– Бир юз саксон бешта!  
– Икки юздан ортиқ эди-ку...  
– Ўнтаси йўлда ўлди. Бештаси фор ичида жон берди. Ичкарига кириб жасадларни олиб чиқадиган одам йўқ.  
– Мурдалар орасида хорижликлар йўқми?  
– Биттаси тинчиди.

— Мен сенга уларни эҳтиёт қилишни айтгандим. Нега қарамадинг?

— Уларга сизларни алоҳида форга жойлаштираман десам кўнишмади. Руслар нима бўлса, биз ҳам шумиз дейишди. Ажратиб бўлмади.

— Мен уларнинг яқинларига телеграмма жўнатганман. Ҳар бири юз минг доллардан товоң ҳақи тўлашади.

— Егулик қолмаган...

— Овқат бериб нима қиласан, бари бир икки кундан кейин хаммаси тошлар остида абадий қолиб кетади. Топшириқ бўлиши билан хорижликларни бошқа форга олиб ўтасан! Бирортаси ўладиган бўлса, бошингни янчиб ташлайман!

— Уларни ҳозироқ ажратиб қўя қолай.

— Айтдим-ку, топшириқни олганингдан кейин деб. Лекин буни иккимиздан ўзга ҳеч ким билмасин. «Бехуда акиллаган ит бўрига ем бўлади» деган мақолни ёдингдан чиқарма.

Соқчи полковникнинг сўзидан коса тагида нимкоса борлигини сезди...

Рамазон топшириқни бериб, ўн нафар мерғанни эргаштириб орқага қайтди.

## ИСТАНБУЛ

Баққол меҳмонларни ичкарига бошлаб кирди. Шоҳона безатилган дастурхон атрофида эрмак учун писта чақиб гурунглашишди. Гап айланиб Афғонистонга қадалди. Баққол Кобулдаги учрашув ҳақида ҳикоя қилиб берди.

— Сиз Башир жанобларининг вафот этганини эшитдингизми? — сўради Лу уй эгасининг сўзларини дикқат билан тинглаб бўлгач.

Кутимаган совуқ хабардан Баққолнинг эси оғиб қолаёзди. Юзига қайфу из солди.

– Башир ўлдими? – сўради овози қалтираб.

– У ўз жонига қасд қилган. Бу ҳақда газеталарда ёзишиди.

Баққол қаттиқ қайғуга чўмди. Юзлари оқариб кетди. Кўллари билинار-билинмас қалтиарди.

– Биз Башир жаноблари билан анчагина ишларни режалаشتиргандик. Энди...

– Башир ўлган бўлса, унинг ишини давом эттирадиганлар бор.

– Бахтга қарши, улар билан алоқам йўқ. Балки мени танишмас ҳам.

– Сиз Башир билан қандай масалада сухбатлашгандингиз?

– Хабарингиз бўлса керак, Самангандада кенгашнинг юзга яқин йигитлари бор. Уларни Эргашбой бошқарди. Улар менга ҳаводек зарур.

– Сир бўлмаса, қандай мақсадда фойдаланмоқчиз сиз улардан?

– Ижозат берсангиз, бу масалага кейинроқ тўхталсак... Аввало сизни бу хонадонга не мақсадда чақиртирганимни гаплашиб олсак.

– Қулоғим сизда, Баққол афандим.

– Башир жаноблари билан учрашганимда ўйлаб ўтирумай ўта мураккаб масалада ваъда бериб юборибман. Бу хатоим учун келганимдан буён пушаймонман.

Лу диққат-эътибор билан уй эгасининг сўзларини тинглай бошлади.

– Кўлимдан келганча ёрдам бераман, Баққол афандим, – деди Лу сухбатдошининг пинҳон сирларни билиш мақсадида.

– Башир жаноблари Самангандаги йигитларни назоратига олишни, уларни озиқ-овқат билан таъминлашни ўз зиммасига олганди. У киши сухбат чофида ҳозир Афғонистондаги вазият оғирлашиб бораётгани, ҳазратнинг фанимлари у зот эгаллаб олган вилоят-

ларни тортиб олаётганлигини афсус билан айтиб, шу кунларда ҳазратта қурол-аслаха ҳаводек зарурлигини маълум қилганди. «Ҳазратнинг кўнглини олмоқчи бўлсангиз, ўн дона «Град» тухфа қилинг, шунда сиз у кишининг марҳаматларига сазовор бўласиз, йигитларингиз қийналмайди, вақти келиб ҳазрат бу яхшилигингизни ўн чандон ортиғи билан қайтаради» деганди. Мен бундай қуролни эшитмаганимни, уни қаердан топишни билмаслигимни айтганимда, Башир жаноблари бундай қурол Тожикистон худудидаги русларнинг ҳарбий базасида мавжуд эканлигини айтганди. Шунда мен «Ундан бўлса, яқин кунлар ичida «Град»ларни ҳазратимга тухфа қилганим бўлсин» деб ваъда бериб юборгандим. Баширдан қуролларни олиб ўтиш йўлларини суриштирдим. Башир бунга жавобан «Кенгашнинг биргина ишончли аъзоси қолди. Унинг исми Бўрон, ҳозир бу ерда эмас, ҳазратим Чеченистонга жўнатиб юборган. Имкон топсам, тез кунлар ичida уни чақиртириб оламан. Қуролни олиб ўтишда сизга ёрдам беради. Эргашбойнинг одамлари орасида тожик йигитлар ҳам анчагина» деб айтганди. Башир ўлган бўлса, энди унга берган ваъдам ҳам унунтилгандир?

– Бундай хаёлга борманг, афандим. Башир ўта зийрак эди, ҳар қандай муҳим маълумотларни ўз вақтида бошлиқларига етказишга одатланганди. Таклифингиз аллақачон Мулла Умарнинг қулоғига етиб борган. Сиздан янгилик кутаётган бўлиши мумкин. Орқага чекинишингиз мумкин эмас. Иложини топинг, одамларингизни ишга солинг. Эргашбойнинг лагерида тожик йигитлар бўлса, улардан ишончлиларини топиб, юртларига қайтаринг. Улар рус ҳарбий бошлиқларининг тилини топа оладиган ўртачиларни топишсин.

– Тасанно, гўзал фикр! Бироқ мени Афғонистон билан боғлайдиган одамим йўқ.

- Унда сизда нима бор?
- Маблағ бор! Қанча истасангиз шунча топилади.
- Биласизми, хурматли Баққол, шундай вазиятлар юзага келадики, ҳар қандай ишончли одамлар ҳал қила олмайдиган муаммоларни, түсіккларни мулла жириңг ечиб ташлайди. Пулнинг құдрати билан мақсадға эришса бўлади. Мухими, сизда пул бор экан, ташвишланишингизга ўрин йўқ.
- Бугундан бошлаб сиз менинг ишонган маслаҳатчимсиз!
- Ишончингиз учун ташаккур...
- Сизга ишонсан бўладими?
- Жавоб беришга шошилмайман, аввал зудлик билан ишончли одамингизни Кобулга жўнатинг. У Каширий билан учрашсин. Ваъдангизда турганингизни маълум қилсин. Лагердаги икки-учта ишончли тоҷик йигитларни топиб гаплашсин. Улар ўз юртларига ўтиб, ўртачи топишсин. Қолган ишларни эса пулнгиз ҳал қилаверади.
- Мен ҳазратнинг олдида уятли бўлиб қолмаслигим учун ҳар қандай ишга тайёрман, Лу жаноблари.
- Сиз энди кичик одам эмассиз. Каттагина кенгашнинг тизгини қўлингизда. Сиз билан керак бўлса Мулла Умар ҳам, унинг одамлари ҳам ўйлашиб иш тутади.
- Топиб айтилган гаплар Баққолнинг фурурини кўтарди. Лу сўзини давом эттириди:
- Янгишмасам, мақсадингиз Мулла Умар билан алоқани мустаҳкамлаш, шундайми?
- Топдингиз, ахир кенгашнинг асосий ўқ илдизи Афғонистонда-ку.
- Унда отингизни қамчиланг. «Темирни қизифида бос» дейди осиёликлар.
- Афғонистонга ўтишга юрагим чопмаяпти. Кўчаларда ўлиб ётган мурдаларни кўриб юрагим

увишиб кетган. Ҳозир ҳам улар тушимга киради. Қолаверса, Кашмирий жаноблари билан таниш эмасман.

- Кашмирий сизни танимаса, таништириб құядыған одам топамиз!
- Бары бир мен у юртга бормайман.
- Сизга маслаҳат беришга камина ожиз, аммо таклиф билдиришпим мүмкін.
- Кулогим сизда!
- Ишончли одамнинг борми? – тақороран сүради Лу.
- Сиз айтган одамни қайдан топаман? Ҳозирги замонда чап қўлинг ўнг қўлингни алдайди...
- Наҳотки кенгашнинг бирорта ишончли аъзоси қолмаган бўлса? – устомонлик билан сүради Лу. У мақсад сари интилаётганди.
- Баққол ўйга чўмди. Оқ қўнган қошлари чимирилди.
- Сиз бу гапларингиз билан худди ичимни ўқиб тургандайсиз. Кенгаш аъзоларининг барчаси ўлиб кетди. Биргина Бўрон исмли йигит қолди. Бахтга қарши, у Чеченистонда.
- Агар у ҳозир ёнингизда бўлганда, сиз бу қадар қийналмасдингиз...
- Олиб ўтишни Мустафо жаноблари билан маслаҳатлашдик.
- Хўш, бирор тўхтамга келдиларингми?
- Бу масалада сизнинг ёрдамнинг керак.
- Мен? Қандай ёрдам беришм мүмкін, бейэфенди?
- Бўронни Туркияга олиб ўтиб берасиз. Қанча маблағ кетса сарфлайман. Боя айтганингиздек, бу йигит мени Кашмирий билан боғлаб туради. Топширикларимни унга етказади. Лагерни назоратга олади. «Град» операциясига шахсан ўзи бошчилик қиласди. Кейинчалик ҳам мен режалаштирган ишларнинг тепасида туради.
- Ўта нозик масала бу, хурматли Баққол.

- Сиз жуда ақлли, мұлоҳазали одамға үшшайсиз. Гапларингиздан пайқадим буни.
- Құлимдан келади деб сизни ишонтиrolмайман, аммо...
  - Тортинмай айтаверинг.
  - Аммо қўп нарсалар...
  - Илтимос очиғини айтаверинг!
  - Биласизми, ҳозир барча нарсани пул ҳал қиласди...
  - Пул?
  - Шундай!
  - Пул билан менинг муаммоларимни ҳал қилиб берса оласизми?
  - Нимани назарда тутяпсиз?
  - Бўронни бу ерга олиб ўтишни...
- Лу миллиардернинг бу қадар лақмалигини хаёлига келтирмаганди. Баққол ўзининг ҳар бир сўзи билан Лунинг тузофига лаққа тушаётганини тушуниб етмасди.
- Харакат қиласа бўлади, – жавоб қиласди Лу.
- Қанча сўрайсиз? – шошқалоқлик билан тилга кирди турк.
- Бу масалани мен эмас, балки бу ишнинг тепасида турадиган ўртачилар ҳал қилишади.
  - Розиман, қанчалигини айтсангиз бас!
  - Улар билан гаплашиб олгач маълум қиласман.
  - Фақат тезлаштилинг!
  - Жавобини икки-уч кун ичида оласиз. Аммо масаланинг нозик томони бор, бейэфенди.
  - Айтинг!
  - Бўронни Афғонистонга жўнатолмайсиз. Уни шу ерда, олдингизда ишлатасиз.
- Баққол ўйланаб қолди.
- Афғонистонга ўтказолмасам нима кераги бор менга уни?
- Бўрон анчагина тажрибага эга. Кенгашнинг барча сирларини беш қўлидек билади. Мулла Умар уни

бекордан-бекорга Чеченистонга ташламаган. Бўрон шу ерда туриб ўзининг лагердаги танишларини, яқинларини ишга солади. У топган одамлар сизни бевосита Кашмирий билан боғлайди. Бўронни олиб ўтгунимизга қадар одамларингиздан бири Кобулга ўтиб, Кашмирий билан алоқа боғлаши керак. Ахир Мулла Умар сизни кутяпти...

— Афғонистонга жўнатадиган одамни қайдан топаман, Лу жаноблари?

Лу қаршисида писта чақиб ўтирган Мустафога кўз учида қараб қўйди-да, гапида давом этди.

— Бу масалада Мустафобей ёрдам беради. Нима қилганда ҳам у сизнинг энг содик ва синалган ёрдамчингиз. Шундай эмасми?

Баққол юзини Мустафога ўғирди. Унинг чехрасида чўчинқираш аломатлари зоҳир эди.

— Мен умримда уйимдан четга чиқмаганман, — эътиroz билдириди Мустафо.

— Хавотирингиз ўринсиз, Мустафобей. Сизнинг юрагингизга отнинг юрагини қувватини берадиган нарсани топамиз. Биламан, бекордан-бекорга Афғонистонга ўтишни ҳеч ким хоҳламайди. Ҳаётингиз хатар остида қолишидан чўчийисиз, аммо сизнинг хавфсизлигингизни таъминлайдиган одамларимиз бор.

— Тушунтириброқ айтинг, — деди жонланган Мустафо.

— Чегарада одамларимиз сизни кутиб олишади ва тўғри Кашмирийнинг ҳузурига олиб боришади. Сиз у билан Баққол афандимнинг тилидан барча нарсаларни гаплашиб, мухокама қилиб келишиб олишга ҳақлисиз. Жумладан, Мулла Умар жанобларига тухфа қилинадиган «Град»ларни қачон ва қаерга етказиб бериш тўғрисида маслаҳатлашиш ҳуқуқини берамиз.

— Шундай бўлса-да, мен ҳаётимни гаровга тиколмайман.

Лу Баққолга қараб қўйди. Ўртада бўлиб ўтаётган сұхбатдан Баққол қониқиши ҳосил қилаётганинги унинг юз-кўзлари билдириб турарди. Ҳар иккиси ҳам Мустафонинг нимадандир умидворлигини тушунишди.

– Ҳаётингизни биз суфурта қиласиз. Бориб келишингиз учун ўз ҳисобимдан беш юз минг доллар ажратаман, – деди Баққол жонланиб.

Бу Мустафо учун жуда катта маблағ бўлса, Баққолдек миллиардер учун арзимас чойчақа эди. Мустафонинг кўзлари ёниб кетди. Ҳаяжонини босолмай «мен... мен...» дея дудуқланди.

– Яна юз минг қўшдим! – ўйламай, шошқалоқлик билан деди кенгашнинг янги раҳбари.

Мустафо ақлдан озиб қолаёзди.

– Олти юз минг дедингизми?

– Пулларни истаган банкингизга ҳозироқ ўтказиб беришм мумкин.

– Мени қўриқлаб борадиган одамларга бўнакни ким тўлайди? – юзлари майин табассумдан ёришиб кетган Мустафо ўтирган жойида бир-икки типирчилади.

Баққол бу ҳақда бош қотириб ўтирганди. Улар бекордан-бекорга Мустафони кутиб олишмайди, Кашмирийга рўпара қилишмайди. Уларга ҳам нимадир бериш керак-ку.

– Уларни Лу жаноблари иккимиз маслаҳатлашиб рози қиласиз.

– Таклифингизни қабул қилдим, – деди Мустафо ўзини қўлга ололмай.

– Качон йўлга чиқишингизни билсан бўладими?

– Истасангиз, бугун!

Баққол Луга юзланди. Уларнинг чақнаб кетган кўзлари учрашди.

– Менимча, бир-икки кун сабр қиласиз, – эътиroz билдириди Лу.

– Сабаб? – сўради Мустафо. Унинг овозидан ҳадиксирагани сезилиб турарди.

– Сизнинг ташрифингиз ҳақида одамларимни огохлантириб қўйишим керак. Улар сизни қаерда ва қачон кутиб олишларини айтишади. Унгача Баққол жаноблари билан биргалиқда Кашмирийга нималарни айтишингиз кераклигини маслаҳатлашиб оласиз.

Мустафо нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади, аммо Баққол гапни илиб кетди.

– Унгача хисоб рақамингизга пулни ўтказиб бераман.

Бунга жавобан Мустафо мамнуният билан бош эгиб қўйди.

– Демак, барча масалалар ечилди. Икки кундан кейин биз шу ерда кўришамиз, – деди Лу ўрнидан турар экан. Улар бир-бирларининг қўлларини сиқиб хайрлашдилар.

## ЧЕЧЕНИСТОН

Эрталаб тонг фира-ширасида аллақаердан ўнга яқин ярадорларни келтиришди. Кўпи беҳуш, танаси қонга ботган, кийимларининг дабдаласи чиққанди. Ярадорлар девор ёнига ётқизилди. Уларни тепадан кузатиб турдим. Шифокор келиб текширди. Иккитасини олиб чиқиб кетишди. Улар жон таслим қилганди. Бу ердагилар ўликларни хурмат ва эҳтиром билан машинага юклаб, қабристонга кўмиб келишарди. Кўзим эшикда эди. Латифни кутардим. У келиши керак эди. «Азонда етиб бораман» деб ваъда берганди. Негадир кечикаётиби. Шундан кўнглим фаш эди. Қароридан қайтдимикин? «Кулранг бўрилар» яширингган жойни аниқлай олмадими? Ахир уларнинг қаердалигини ҳамма ҳам билавермаслиги Латифга аён. Ниҳоят кутаётган одамимнинг қораси кўринди. У ичкарига кириб келди. Устида узун чак-

мон, елкасида юк халта. Худди жангдан қайтиб кела-ётган аскарга үшшайди. Эшик олдида турган соқчига нимадир деди. У тепага ишора қилди. Латиф юқорига күтарилди. Уни қутиб олдим.

- Тайёрмисан? – сұради у.
- Жойини аниқладингми?
- Бир кунлик йўл. Тоғлар ичига киришимизга тўғри келади.
- Топишимизга ишонгим келмаяпти.
- Кўрқаяпсанми?
- Тилмоч рухсат берармикин? – дедим гапни буриб.
- Иккиланаётган бўлсанг бормай қўя қол! – деди зардали овозда.

Айтган гапимдан ўзим уялиб кетдим.

– Хафа бўлма, ахир мен унинг ихтиёридаги одамман. Қаерда, нима иш билан бандлигимни билиши керак-да!

– Тилмочинг қаерда?

Рўпарадаги эшикни қўрсатдим. Латиф ичкарига кириб кетди. Ярим соат ўтиб қайтиб чиқди. Узоқ қолиши юрагимда турли шубҳалар уйғотди. Рози бўлмаса нима қиласман? Кўзига шубҳали кўриниб қолмасмиканман?

Эшик очилди. Таржимон чиқди.

– Иш битиши биланоқ орқангга қайт. Сени сўраб қолишлари мумкин. Кеча эшитдим, Башир ўзини ўзи отиб ўлдирибди. Кашмирий жаноблари сен ҳақингда сўрадилар. Балки қайтиб кетишингга тўғри келар.

– Рози бўлдингми? – сўрадим ундан.

– Латиф илтимос қилди. Йўқ деёлмадим, – деди елкасини қисиб.

– Оёғим тортмай турганди, чакки қилибсан.

– Латиф биз учун керакли одам, раъйини қайтаролмадим.

Бош иргиб қўйдим.

Йўлга чиқдик. Шаҳарда ҳаво дим эди. Осмонда ачимсиқ хид айланарди. Одамлар хавотирли қадам ташлаб, у ёқдан бу ёққа ўтишарди. Ўқлар узиташлаған шохлар йўлда сочилиб ётарди. Дайди итлар тумшуклари билан ер исказ изғишарди. Ҳар қадамда ўқдан бўшаган гилзалар кўзга ташланарди. Латифни гапга тутдим.

– Таржимон рухсат бермасмикин деб чўчигандим...

Латиф лаб учида қулди ва:

– Баттол, анчага туширди мени, олмосим бор эди, шуни чўнтағига солиб қўйдим, – деди.

– Мени қаёққа олиб кетаётганингни суриштирмадими?

– Олмосни олгандан кейин соқов бўлди-қолди.

Ичим ёриши.

– «Бўри»ларнинг қаердалигини аниқлагандирсан?

– дўстона овозда сўрадим бир оз йўл босганимиздан кейин.

– Аниқладим, – бош иргиб қўйди шеригим.

– Ҳақиқатан ҳам уларнинг инини ҳеч ким билмас эканми?

– Айтдим-ку, буни фақат икки киши билади деб.

– Кимдан сўрадинг?

– Рамазон Хачбаровдан.

– Бундай одамни эшитмаган эканман.

– Шамилнинг ёрдамчиси, лақаби «Полковник».

Шамилнинг барча сирларидан фақат у хабардор.

Машинага ўтирдик. Тоғ томонга жўнадик. Бирок кўп юрмадик.

– Бу ёғига пиёда кетамиз, йўлда русларнинг иккита пости бор. Бизни ўтказмайди.

– Ҳали анча юрамизми?

– Айтдим-ку, бир кунлик йўл деб.

Дала ўртасидаги сўқмоқдан юрдик. Ҳосили ёниб кетган шудгорни кесиб ўтдик. Қаршимизда осмон билан бўйлашган ясси тоғлар ястаниб ётарди. Салқин эпкин изғирди. Тоғлар чўққисидаги қор қумушдек ялтирарди. Пастликда қор кўчкилари олиб тушган харсанг тошлар думалаб ётарди. Уруш одамлар яшамайдиган мана шу ерларга ҳам чанг солганди. Танклар, самолёт ва вертолётларнинг ёниб, қорайиб занг босиб кетган парчалари, снаряд гильзалири кўзга ташланарди. Замин ўз хидини йўқотганди. Димоғларни бадбўй, ачимсик ислар ёрай дерди. Ўт-ўланларнинг жизғанаги чиққанди.

Кечки пайт тоққа яқин келиб қолдик. Чўққига тирмашдик...

— У чақиримдан кейин тепаликка чиқиб оламиз.  
Ўша ерда дам оламиз, — ҳориганимни Латиф пайқаб, далда берди.

Юксакликлар сокин эди. Биз оёқларимиз билан тошларни думалатиб сокинликнинг тинчини бузардик. Анча вақт жим кетдик. Аллақаердан бироннинг азобдан инграган товуши қулоғимга чалинди. Биз тўхтадик. Айни шу дамда иккинчи овоз эшитилди. Латиф ўзини панага тортди. Мен эса ўзимни тошлар орасига олдим. Пастлик томондан аллакимларнинг асабийлашган товуши келарди. Латиф эмаклаб тепаликка кўтарилди. Ортидан эргашдим. Тошларнинг орасидаги тешикчадан пастга боқдик. Беш-олти жангари тош устида ўтирган милиция кийими даги одамни сўроқ қилишарди.

— Бугун тунда идорангдаги барча қурол-яроғларни, ўқ-дориларни одамларимиз олиб чиқиб кетишади. Бу биринчи шартимиз. Иккинчиси, одамларинг кундуз куни ҳукуматга, кечаси бизга ишлайди. Бажаришдан бош тортсанг, билиб қўй, болаларинг бизнинг қўли-

мизда. Эрталаб уларнинг жасадини мана шу ердан то-  
пасан! Таклифга розимисан?

Милиция кийимидағи одамнинг ёши қирқлардан  
үтиб қолганди. Юзига қон сачраганди. Бу уни анча-  
дан бүён сүроқ қилиб калтаклашганини билдиради.  
Кўйлагининг тугмалари узилиб тушганди. Оппок  
кўкраги очилиб турарди.

– Гапир, розимисан? Айтганимизни бажарасанми,  
онангни... – жангарилардан бири шалоқ сўзлар билан  
сўкиб қорнига тепди. Милиционер орқаси билан сув-  
га тўнтарилиб тушди. Жангарилар уни тезда турғазиб  
жойига ўтқазишди.

– Биз сендан жавоб кутяпмиз! – жангари милици-  
онернинг сочидан чанглаб сўради. – Талабимизни  
бажармайдиган бўлсанг, хозир болаларингни олиб  
келиб, ҳаммангни шу ерда сўйиб ташлаймиз!

Улар тобора кутуриб борарди. Милиционер эса  
тилини тишлигандек жим турарди. Бу уларнинг  
таклифларини қабул қилмаганлигини билдиради.  
Мен уларга қаттиқ тикилиб, ёнимдаги Латиф нима қи-  
лаётганини сезмай қолгандим. Унга қайрилиб боққа-  
нимда юк халтасидан автоматни олиб, жангариларни  
нишонга олаётганди.

– Нима қиляпсан? – сўрадим ундан. – Бундай қила  
кўрма!

Латиф сўзимни қулогига олмади. Кўли билан мени  
четга суриб, тешикдан автоматнинг учини чиқарди,  
пастдагиларни нишонга олди. Кетма-кет узилган  
ўқлар олти жангарини ер тишилатди. Милиционер  
ўтирган жойида тошдек қотиб қолди.

– Кетдик! – ўз ишини бажариб бўлган Латиф қу-  
логимга шивирлади.

Тушгача йўл юриб, нихоят тепаликни ишғол этдик.  
Шунда қаердадир, жуда яқин орада худди ёш бола  
йиғлагандек ингалаган овоз эшитилди. Нимадир зирк

чангальзорлари ва уюм-уюм тошлар остида худди күчүк каби акилларди. Бүри уяси... Латиф уяга йўл топиб, аста яқинлашди. Тош уюмлари ва буталар орасида ямланган ва кемирилган сүяклар сочилиб ётарди. Тўртта бўри боласи инлари оғзида дилдираф туришарди. Бизни кўриб боягидан кучлироқ акиллашди.

— Булар оч, — деди Латиф ва ерга ўтириб, халтаси ичидан бир шиша сутни олиб бўри болаларининг оғзиға тутди. Улар маза қилиб ичишди. Кейин Латиф бир бурда гўштни олиб уларнинг олдига ташлади. Биз йўлимизда давом этдик.

Ҳаво шу қадар тиниқ ва ёқимли эдики, нафас олиб тўймайсан. Намхуш ҳаво ичинингга кириб, вужудингда енгиллик хиссини уйғотади, тоғ ўт-ўланларининг муаттар исларига тўйинган оқшом сўниб борарди. Бир оз ўтиб чўққиларга ой тирмашди. Тоғлар унинг ёғдуларига чўмилиб кетди. Биз қўшигини куйга солиб жилдираф, ой нурида ярқираб оқаётган ирмоқ ёқасида, бошимиз узра қад кўтарган баҳайбат қоялар, қорлари йил давомида эримайдиган улкан чўққилар остидағи сўқмоқдан кетиб борардик. Тошлар гўё устимизга қулақ тушадиганга ўхшарди. Сўқмоқ жуда энсиз, оёғимиз салгина тойса, пастга — таг-туби кўринмайдиган жаҳаннамга қулақ тушишимиз ҳеч гап эмасди... Аллақаердан нотаниш овозлар, шарпалар қулоғимга чалинарди. Сўл томонимда кимdir қўшиқ куйлаётгандек, ўнг томонимда бирор йиғлаётгандек, олдимда эса яна кимdir оғир дард азобида инграётгандек... Ой ёғдуси тушиб турган тошларда турли шарпалар кўринарди. Улар арвоҳлар каби харакатланарди. Мен баланд чўққиларга, бир-бирига ёпишиб турган улкан қояларга боқиб онагинамни эсладим. Ў ўлимидан аввал мени ёнига ўтқазиб, бошимни кўксига босиб, тоҳи йиғлаб, тоҳи кулиб бир гапни кўп такрорларди: «Менинг суюнган, ишонган тоғим...» Қулоқларимга

чалинаётган ҳалиги нотаниш товушлар ичидә йигирма йил муқаддам йўқотган онагинамнинг ўша «Менинг суюнган, ишонган тоғим», деб айтган сўзини қулоғим илғагандек бўлди. Кўксимга урилаётган, юзларимни, соchlаримни силаб-сийпалаб ўтаётган салқин эпкин менга эти қочиб, суяги кўриниб қолган онагинамнинг кўлларидек ёқимли туюларди.

– Дам олами!

Олдинда бораётган Латифнинг овози хаёлимни тўзитди. Биз тошлар устига ўтиридик. Бутазорларда тун қушлари сайрашарди. Мангу уйғоқ тоғнинг тош ўзанларидан шарқираб, ой нурида ярқираб сув тушиб келар, неча-неча ирмоқларга бўлинib ёйилиб кетар, кейин яна катта оқимга айланарди.

Шеригим сигарета тутатди. Менга ҳам илинди.

– Чекмайман, – дедим бошимни чайқаб.

– Сен қанақа афғонсан, «Қора афғон»? Мен ўтган асрнинг саксонинчи йилларида сенинг юрtingда хизмат қилганман. Наша чекмаган бирорта болани учратмагандим…

Бошини орқага ташлаб, осмонга тикилиб ўтирган Латифга кўз қиrimни ташладим. Наҳотки бу йигит ҳам афғончилардан бўлса? Қайси шаҳарларда хизмат қилдийкин? Қизиқиб сўрадим.

– Мен юрtingнинг ҳамма шаҳар ва қишлоқлари ни кезиб чиққанман. Тоғу тошларда оёқларимнинг изи муҳр каби қотиб қолган. Икки бор яраланганман. Тошларга қоним сараган.

Латифдан кўп нарсаларни сўраб билгим келарди. Бироқ ортиқча саволлар кимлигимни фош қилиб, шубҳалантириб қўйиши мумкин эди.

– «Кулранг бўрилар» шу тоғлар ичидә бўлса, одам тополмас экан. Улар қочиб кетмаслиги учун атайин шу ерга олиб келишган бўлишса керак? – деб сўрадим.

– Йўқ, улар ҳеч қаёққа қочиб кетмайди. Хаттоб «бўрилар»ни катта пулга тайёрлатган. Улар хо-риждаги фирмом бойларга, мол-дунё ишқида ичи ёнган ўғриларга, қурол савдоси билан бойиётган корчалон-ларга ҳаводек зарур. Уларнинг қўли билан пулдор-ларнинг, завод ва фабрика эгаларининг, тадбиркору компания бошлиқларининг чўнтагини шилишади. Корхоналарни портлатиб ташлашади. Бу ҳам бўлса, рақобатнинг фирмом ўйини. «Кулранг бўри»лар лагерда олган сабоқларини шу ерда амалда синааб кўришмоқда. Вақт-бевақт шахарга бориб, одамларни кўйдек бўғизлаб, бойлигини талаб қадимий ёдгорлик-ларимизни ўғирлаб кетишимоқда. Улар қаерни тала-салар, кимни ўлдирсалар ўша жойда бўрининг изини колдиришади.

Латиф бошини эгиб, жим қолди. Унинг ёнига чў-зилдим. Тепамизда бошимиз узра ўн беш кунлик ой балқиб туарди. Булутлар уни четлаб ўтарди. Тўлин ой кўзимга шу қадар яқин кўринар, шу қадар ярақлардики, бир сакраб илиб олса бўладигандек эди. Юрагимнинг дукиллаши бир оз босилганди. Бояги ваҳимали товушларни, сирли шарпаларни сокинлик ютиб юборганди. Бирдан олисларда қолган болам ёдимга тушди. Ухлаб ётгандир хозир? Кўрмаганимга ой тўлди. Ичимда соғинч уйғонди, оҳ тортдим.

– Нега уф тортяпсан? – сўради Латиф.

– Уйимни, боламни соғиндим, – жавоб қилдим.

– Уйланганимисан?

– Хотиним ўлган, ўғлим тоғасининг қўлида қолганди.

– Соғинибсан-да?

– Хозироқ бу ерлардан кетсам дейман.

– Сен шунчаки уф тортмаяпсан. Юрагингда оғир дард бор. Азобидан вужудинг ўт бўлиб ёнмоқда.

Латиф ҳақ гапни топиб гапирганди. Вужудимни қийнаётган дард бу – она юртимга бўлган соғинч эди.

Мен ҳамма нарсани яширишга, сир сақлашга уриндим, аммо Ватанимга бўлган соғинчни беркитолмагандим. Шеригимнинг хақ сўзларига нисбатан ўзими ни оқлашга, баҳонаю сабаб излашга уринмадим. Анча жойгача жим кетдик. Шеригим кўнглимни кўтариш учун:

– Тилмоч «Бўрон яқин кунлар ичида юртга қайтади. Бу ерда бизга иш бермади» деб айтди, – деди.

– Кобулга қайтгим келмайди, – дедим унинг таскин-тасаллисига жавобан, – уруш, қон тўкишлар, зўравонликлар, босқинчиликлар хиқилдоғимга келди. Қани энди мана шу тоғларга тошлардан кичкинагина уйча қуриб, боламни ёнимга олиб яшасам. Бир тишлам нон, меҳнат қилишга озгина ер бўлса бас.

– Уруш ҳамманинг жонига тегди, тинка-мадорини қуритди, – дея хўрсиниб қўйди Латиф. – Акам мана шу тоғларда пода-пода қўй боқарди. Тилидан қўшиғи, қўлидан таёғи тушмайдиган, элга танилган чўпон эди. Най чалиб, қўшиқ куйлаганда овози тошлар бағрини ёриб, йўлида нима дуч келса гуллатиб яшнатадиган булоққа ўхшарди. Ўзининг овози билан тингловчини шу қадар мафтун ва маҳлиё айларди, мутаассирликдан юракларда оний туйгулар жунбишга келарди. Эшитувчини сирли оҳанглар хаёл уммонига фарқи об айларди, ўтмишнинг гирдобларига чўқтиради, адам мулкига кетган инсон авлодларининг рухи ва фам-ҳасратларини тирилтиради. У айтадиган қўшиқлар асрлар зулматида туриб, Тангрига тавалло қилаётгандарнинг номларидан тўқилаётгандек эди гўё.

– Хозир ҳам чўпонми? – мен бу саволни «Аканг ҳозиртирикми» деган маънода бердим.

– Армияда разведка гурухида хизмат қилганди. Шамилнинг йигитлари бундан хабар топиб тоққа чиқиб, олдиларига солиб олиб кетишибди. Кўлига қурол тутқазиб, жангга солишибди. Жанговар харакат-

ларда иштирок этибди. Лекин ора-сира «Менга жавоб беринглар, тоғларимга чиқиб кетай, қўй-қўзиларимни боқай» деб кўп бор айтибди. Кунларнинг бирида Шамил уни олдига чақириб, «Сенга муҳим топширик бор, шуни бажарсанг, майли, жавоб берамиз, тоғларингга кетаверасан» дебди. Акам хурсанд бўлиб, «Хўш, топшириғингни айт, ўлсам ҳам уни бажараман» деб ханжарини қинидан суғуриб дараҳтга санчибди. Шамил одамларининг бирортасининг юраги бетламаган ўша муҳим топшириқни айтибди: «Қаршимиздаги қишлоқни русларнинг қўлидан тортиб олишимиз керак. Сен тун ярмида бориб, қишлоқда қанча аскарлар борлилигини, уларнинг заиф томонларини аниқлаб келасан. Сен келтирган маълумотга асосланиб биз қўққисдан хужумга ўтамиз. Агар қишлоқни ололсак, уйингга кетаверасан, йўлингни ҳеч ким тўスマйди» дебди. Акам тун ярмида йўлга чиқибди. Ортидан Шамил ва унинг одамлари кузатиб боришибди. Айни чоғда иккинчи томондан руслар ҳам Шамил эгаллаган иккинчи қишлоқни босиб олиш мақсадида ўз одамларидан бирини йўлга чиқаришибди. Ҳар икки разведкачи бағрини ерга бериб, илондек судралиб, бир-бираидан бехабар келишаверибди. Кеча коронги бўлгани боис беш-ўн қадам нарини қўриб бўлмас экан. Нихоят улар тўқнаш келишибди. Иккиси ҳам «Отиб қўймасайди» деб хавфсираб, ўзларини хандақ ичига отишибди. Тасодифни қарангки, яширган жойларига иккита снаряд тушиб хандақ хосил қилган, чуқурларни энсизгина тупроқ уюми ажратиб тураркан. Улар бир-бирларининг нафас олишларини бемалол эшитиб туришаркан. Рус ёнида ётган одамнинг, акам эса бу ёқдан борган руснинг айғоқчи эканлигини сезибди. Улар топшириқни бажара олмасликларидан афсусла нишибди. Ўринларидан туриб орқага қайтадиган бўлса отиб қўяди деб ҳадиксирашибди. Нихоят рус:

- Сенга қандай топшириқ беришган? – деб сүрабди.
  - Аскарларнинг сонини ва қайси томондан ҳужумуюшириш мумкинлигини аниқлаб келиш вазифасини олганман, – дебди. – Сен-чи? Сенга қандай топшириқ беришган?
  - Мен ҳам айнан сенга берилган топшириқни олганман. Энди нима қиласиз? Тонг ёришмоқда. Мени сеникилар, сени эса меникилар отиб ташлашади. Иккимиз ҳам ўлиб кетамиз.
  - Гапинг ҳақ. Лекин менинг ўлгим келмайди. Тоғларда кўйларим бор. Ҳозир укам боқмоқда. Тезроқ қайтиб боришим керак. Тоғларим соғинган мени. Уларни эса мен соғинганман.
  - Мени ҳам юртимга кетгим келади.
  - Касбинг нима? Зиёлимисан?
  - Йўғ-е, оддий дехқонман. Буғдойзорим бор.
  - Уйланганмисан?
  - Ҳа, уйланганимга олти йўлганди. Кутимаганда аскарликка чақириб қолишиди. Тўппа-тўғри шу ерга жўнатишиди. Сен ҳам уйланган бўлсанг керак?
  - Битта ўғлим бор. Олти ёш. Жуда ширин. Соғинганман. Расмини ўзим билан олиб юраман. Кўрсатайми?
  - Майли, узат! Ёш болалар менинг жону дилим.
- Акам ён чўнтағидан қоғозга ўралган расмни олиб, қўлини чўзибди. Шунда уларнинг бармоқлари беихтиёр бир-бирларининг бармоқларига тегиб кетибди. Рус суратни ой нурига солиб томоша қилиб қайтарибди.
- Исми нима?
  - Аҳмад!
  - Ўзингга ўхшаркан.
  - Сен мени кўрмадинг-ку, қандай қилиб ўғлимни менга ўхшатдинг?
  - Гапларингдан кимлигингни юрагим сезиб турибди...

– Тўғри башорат қилдинг, ўғлим менга жуда ўхшайди, уни ўқитмоқчиман... Ҳозир замон ўзгариб кетди. Ўқийди, юртимдаги тоғлар остида ётган қимматбаҳо бойликларни излаб топадиган олим бўлади.

– Худо нияtingга етказсин. Анчадан буён жанг қиласанми?

– Бир ой бўляпти. Шамилга кўп бор «Менга рухсат бер, жанг қилиш менинг ишим эмас, тоқقا чиқиб кетаман, қўй-қўзиларимни боқай. Улар яқинда қўзилайди» деб илтимос килдим. «Қишлоқни руслар эгаллаб олган. Уларнинг қанча аскари борлигини, қайси томондан ҳужум уюштириш мумкинлигини аниқлаб келсанг, майли, сенга рухсат, тоғларингга қайтавер, подангни боқиб юравер» деб ваъда берган. Тошлар остига бобомнинг бобосидан колган найни яшириб қўйгандим. Шундан хавотирдаман. У икки юз йилдан бери авлоддан авлодга ўтиб келади. Ёмғир-қор сувлари босса, нам тортиб чирийди, боболаримнинг руҳи чиркирайди.

– Буни қара, иккимизнинг дардимиз бир экан, – дебди рус акамнинг сўзларини тинглаб бўлгач. – Қани энди менга ҳам рухсат беришса-ю, қўлимдаги манави лаънати қуролни улоқтириб, қишлоғимга қайтсам, кетмону ўроғимни қўлимга олиб, дехқончилигимни давом эттирсам. Сен болангни, тоғларингни, қўй-қўзиларингни қанчалик соғинган бўлсанг, мен ҳам еримни шунчалик соғиндим... Гаплашиб ўтирганимда ҳам хаёлимга «Буғдойзорим сувсиз қолмадимикин» деган фикр урилади. Эҳ, ер эгаси хандақ ичидаги пороҳ ҳидлаб, кетмон ўрнига қуролни қучоқлаб ётса-е, ким унга мен каби меҳр бериб қаарарди?! – Рус оҳ урди. Овозидан ерини қаттиқ соғинганини билиш мумкин эди.

– Кўйларим бўғоз эди, – гап бошлабди акам афсус ила, – шу кунларда қўзилай бошлаган. Бу фасл чўпон

учун оғир кечади. Кечаю кундуз ухламай совлиқларнинг ҳолидан хабар олиб туриш керак. Салгина бепарво қолсанг қўйларнинг оёқлари остида нобуд бўлади. Бўрилар хужум қиласди. Улар йилдан- йилга қўпайиб бормоқда. Ўтган мавсумда йигирмадан ортиқ қўйимни бўғизлаб кетди. Укам билан хотиним қийналиб қолишмадимикин деган ташвиш юрагимни тирнайди.

Иккиси жим қолипибди.

– Нималарни ўйлајапсан? – ниҳоят тилга кириб сўрабди акам.

– Бир зумгина қўзим илингган экан, шовуллаб, денгиздек чайқалиб, олтин бошоқларини кўтаролмай заминга таъзим қилган буғдойзорларим тушимга кирди. Ўзи шундай бўлади, қачон қўзим илинса далаларим тушимга киради. Димоқларимга нон иси урилади. Қўзимни очсан қўрқиб кетаман. Кўчаларда ўлиб ётган мурдалар, вайронга ҳолатга келган иморатлар, чўлга айланаб бораётган далалар, ёниб кул бўлган буғдойзорлар, экинзорлар, боғлар, ота-онасини йўқотиб тентираб бўзлаб юрган гўдаклар кўринади. Уларнинг оху нолалари қулоғимга чалинади... Сен нималарни ўйладинг, чўпон? – сўрабди рус акамдан.

– Мен тошлар остида қолиб кетган найимни, шудринг қўнган ўт-ўланларга қўмилиб, дикир-дикир сакраб маърашиб юрган қўй-қўзиларимни эсладим. Уларни жуда қаттиқ соғинганман. Сен каби менинг ҳам қўзим илинса тушимга улар киради. Қулоқларимга най навосига қўшилган қўзиларимнинг маъраши чалинади. Тош устига ўтириб най чалган онларимни армон ва соғинч билан қўмсайман. Найнинг ноласи баланд-паст қоялар, корлари ялтираб турган чўққилар узра таралиб ёйилиб кетарди. Қўз ўнгимдан жаннат билан бўйлашган боғлар ўтарди. Чор томонимдан булбуллару тўргайлар, саъвалару какликлар бири олиб, бири қўйиб хониш қиласди. Уларнинг хуш овозига қўй-қўзиларимнинг маъраши қў-

шилиб, дилбар күй ҳосил бүларди. Мен бундай ёқимли навони шу пайтга қадар эшитмаганман. Назаримда ҳеч бир созанда бундай күйни согза солиб чалолмайдигандек, ҳеч бир бастакор басталай олмайдигандек тууларди. Мен бу күйнинг номини нима деб атаганимни билансами?

– Билмайман, аммо сен яратган ўша күй башариятга яхшилик ва эзгулик ато этишини юрагим сезиб турибди, чўпон!

– Ҳақ сўзни сўзладинг. Мен бу күйни ўзимча «Тинчлик куйи» деб номладим.

– «Тинчлик куйи?!» – ҳайратдан қичқириб юборибди рус.

– Шундай!

– Жуда ажойиб ном топибсан, биродар. Мусиқа дунёсида кашфиёт!

– Хандақдан ўққа учмай, соғ-омон чиқиб олсам, тўғри тоғларимга йўл олардим...

– Мен ҳам қишлоғимга, дехқончилигимга, ғаллазоримга қайтардим, – ифтихор ва ҳаяжон ила дебди рус.

– Кара, осмонга қуёш чиқди.

– Бу менинг, сенинг қуёшинг. Ер юзидағи тинчликсевар, эркесвар халқларнинг қуёши!

– Илоҳим шу қуёшимиз сўнмасин, ўзининг мўл-қўл нурларини заминимизга сочаверсин!

– Айтганинг келсин, биродар!

– Бир таклиф бор менда, – дебди акам.

– Балки менга ҳам маъқул келиб қолар, айт, чўпон, – дебди рус энтикиб.

– Иккимиз ҳам хандақдан чиқамиз ва ортимизга қайтамиз!

– Ўрнимиздан турсак бизни нишонга олиб турган мерганлар ўққа тутишади.

– Бунинг йўли бор. Иккимиз қўлимизга оқ байроқча олиб, уни бошимиз узра кўтариб бир пайтнинг ўзида

тепаликка чиқамиз. Бизни кузатиб турғанлар яраш битимини тұзганимизни билишади ва бизларни ўқса тутишмайды. Зора бошлиқтар ҳам бизлардан ибрат олишса, инсофга келиб бир-бирлари билан ярашишса.

– Менда оқ мато йүқ.

– Менда бор!

Акам шундай деб күйлагини ечиб иккига бўлиб, ярмини русга узатибди.

– Яна бир гап ёдимга тушиб қолди, – дебди акам.

– Қулоғим сенда, нима демоқчисан? – сўрабди рус.

– Қўлингда қурол борми?

– Ха, автоматим бор. Сенда-чи?

– Менда ҳам автомат бор. Тепаликка қўтариғанимизда, иккимиз ҳам қуролимизни тошларга уриб маҗақлаб ташлаймиз. Токи бу қурол ўзгаларнинг қўлига тушмасин, бегуноҳ одамларнинг қонини тўкмасин!

– Мақсадингни тушундим, – дебди рус.

– Мен биринчи бўлиб чиқаман, – дебди акам чеченларга хос мардлик билан. – Мерганлар нишонга олиб туришган бўлишса, биринчи бўлиб уларнинг ўқига мен нишон бўлай!

– Үндай дема, – дебди оққўнгил рус, – сенга отиладиган ўқ аввало менинг кўкрагимни тешсин. Сен тоғларингга чиқишинг, қўй-қўзиларинг олдига қайтишинг, «Тинчлик куйи»ни чалишинг керак. Бу куй тоғлардан, довонлардан ошиб ўтсин, бутун Ер куррасига ёйилсин. Инсоният эшитсин, тингласин, завқ олсин, дунёда «Тинчлик куйи» борлигини билсин. Юраги завқу шавқقا тўлсин. Зора сен басталаган куй инсонлар қалбида эзгулик, яхшилик ҳисларини уйғотса, зора бир-бирига ёв бўлган одамларни оlijаноблик сари етакласа. Гина-кудуратлар унутилиб, ёмону ёвузларнинг қалбида эзгулик ва яхшилик куртаклари унса!

Иккиси баҳслашиб, тортишиб, ким биринчи бўлиб тепага қўтарилишини ҳал этолмай, охири бир пайтинг ўзида биргалашиб хандақдан чиқишига қарор қилишибди. Бу қарорни энг олижаноб қарор деб билишибди. Чиқишидан аввал яна бир бор урушга кирмасликка, қуролларини тошларга уриб мажақлаб, яроқсиз ҳолга келтириб, бири қишлоғига, иккинчи тоғларга қараб жўнашга аҳду паймон қилишибди. Нихоят бир-бирларининг қўлларидан ушлаб, ок байроқчани бошлари узра баланд қўтариб, тепаликка чиқишибди. Рус билан чечен ўз йўллари, ўз одамлари томонга кетишдан аввал қаттиқ қучоклашиб, тикандек дағал, қорайган юзларини бир-бирларига босишиб, бирининг қалбидагини иккинчиси вужуди, акл-идроки билан хис этиб хайрлашишибди.

- Омон бўлсак кўришамиз, – дебди рус.
- Худо омадингни берсин! – жавоб қилибди акам.
- Сурув-сурув қўйларингга барака берсин худойим!
- Она заминимизга қадаган уруғларинг мўл ҳосил берсин!

Шамил уларни олисдан кузатиб турган экан. Икки ёв, икки рақиб бир-бирини бағрига босиб турганидан қаттиқ fazablанибди. «Нега бундай қилишди? Нечук бир-бирларини отишмади? Бизга хиёнат килди, со-тилди» деб аччиқланиб, снайпер милтигини қўлига олиб ҳар иккисини отиб ташлабди. Шундай килиб ўлим ҷархпалаги яна бир бор шармандали айланабди, яна қонлар тўкилибди. Акам билан руснинг жасади ўзлари ётган хандақ ичига тушибди. Шамил жангчиларини бошлаб, тоғларга чиқиб кетибди. Қишлоқ одамлари келганда рус жон таслим қилган, акамнинг жони узилиш арафасида экан. Бўлиб ўтган воқеани одамларга сўзлаб берибди. Ўлеми олдидан «Мени руснинг ёнига қўминглар» деб васият килибди.

Хикоядан қаттиқ таъсирландим. Латиф ўчиб қолган сигаретини қайтадан тутатди.

– Укангни нега ўлдиришган? – бу савол беихтиёр оғзимдан чиқиб кетди. Латиф гүё гапимни эшитмагандек кўзларини бир нуқтага тиккан кўйи қотганди. Соқол босган юзи ой нурида ялтирарди. Мовий кўзлари тубидан сизиб чиқаётган томчилар пахмоқ соқоллари орасига сингиб кетаётганини пайқадим. Бироқ энди сўзимни қайтариб ололмасдим. Латифнинг қалб ойнасини тош билан синдиргандим.

– Акамнинг қабр тупроғи совимасдан укамни ҳам ўлдирипди. У эндигина ўн етти ёшга тўлганди. Ёшлигидан элга нафаси ўткир ҳофиз, ҳам шоир бўлиб танилганди. Байрамларда, йиғину маъракаларда дўмбираисини қўлга олиб, куйга пайваста қўшиқ куйлаб юради. Унинг куй-кўшиқлари инсоннинг қалб торларини чертарди. Ўқтам овози тоғлар узра таралиб кетар, тошлар билан осмон ўртасида пирпираб учайдиган тоғ ҳофизлари – какликлар қанотларига миндириб, олис-олисларга олиб кетар ва у ердан акс-садо бўлиб қайтарди гүё. Эшитган одамлар қалбида қон жўшарди, дилларни ром айларди...

Шамилнинг одамлари акамни олиб кетишгандан кейин укам унинг ўрнига яйловда пода боқиб қолганди. Кунларнинг бирида қуролланган одамлар келиб, ҳэ йўқ бе йўқ, қўйларни бўғизлашга тушибди. Укам уларнинг олдига бориб:

«Хой, сизлар кимсизлар?! Нега қўйларни бўғизла-япсизлар», деб қаршилик кўрсатибди.

Боскинчилар аввалига унинг сўзларига парво килмай қўйларни сўйишида давом этишибди. Укамнинг аччиғи келиб, қўлига тош олиб, улардан бирининг бошига солибди. Нарироқда турган бири фазабланиб, укамга қаратада ўқ отибди. Кейин бўғизланган қўйларни қопга солиб орқалаб, қонга белангтан шерикларини қолдириб, номаълум томонга жўнаб кетишибди. Акамнинг хоти-

ни ўқ овозини эшитиб чопқиллаб келиди. Укамнинг жони узилган, боши ёрилган одам эса беҳуш ётган экан. Бир оз ўтиб ўзига келиди. Янгам унинг кимлигини сўраб-суриштириди. У «Кулранг бўрилар» тўдасидан эканлигини айтибди-ю, жон бериди.

Мен акам ва укамнинг ўлимини бир ҳафтадан кейин эшитдим. Бунга ҳам икки ой бўлди. Бу орада «Кулранг бўрилар»нинг тоғларга чиқиб чўпонларнинг қўй-қўзиларини бўғизлаб кетишаётгани, қишлоқларга тушиб одамларнинг уйини талашаётгани, қиз-жувонларни зўрлашаётгани хақидаги гап-сўзлар қулоғимга чалиниб қолди. Бундай пайтда разабим ичимга сифмай кетарди. «Кулранг бўрилар»дан қасос олишга қасам ичдим. Бироқ уларнинг қаерга жойлашганини билмасдим. Вужудим қасос ўтида ковурилиб юрган пайтда, менга Афғонистондан қурол ҳамда пул босадиган тамға олиб келаётган одамларни кутиб олишни топширишди. Зора шулар «Кулранг бўрилар»нинг қаердалигини билса деб уларни кутиб олишга ўзим чиққандим. Ўша куни такдир сен билан учраштириди мени. Расулнинг ўлими менинг қасос олиш ишқида ёнган юрагимни баттар ўртаб юборди. Агар уларни топсан, битта қўймай кириб ташлайман! Шунда акам, укам ва Расул учун қасос олган бўламан!

Латиф жим қолди. Унинг таъсирили ҳикояси мени ўйга толдирганди. Бир пайтлар Эргашдан,Faфурдан ўч оламан деб ўзимга-ўзим сўз бергандим. Бироқ уdda қи-ломладим буни. Ҳозир ўшанда ичган онтларим ёдимга тушиб, виждоним олдида ўзимнинг қарздорлигимни хис этиб ич-этим емирилди.

– Кани йўлга тушдик! – командирлардек баланд овозда деди Латиф.

Ўрнимдан турдим. Оёқларимдаги чарчоқ ёзилган, руҳим тетик эди.

– Нега бу ерга келдинг, ким мажбур килди сени? – сўради бир оз йўл босганимиздан кейин шеригим.

Латиф кутаётган саволимни берганди. Қачондир мендан албатта сўраши керак эди буни. Жавоб қайтариб-қайтармасликни эмас, балки қандай жавоб қилишни билмай ўйланиб қолдим. Ҳаво ўзгарганди. Боя чараклаб турган осмонни аллакаердан ёпирилиб келган булутлар босганди. Совуқ эпкин ёмғир ҳидини димоққа уради. Олисларда чақин чақди. Рутубатли тоғлар бир зум ёришиб кетди.

Мен ўтмишим ҳакида кискача гапириб бердим, лекин тўкиган гапларим шеригимда заррача кизикиш уйғотмади. У бошқа савол бермади. Русча бир қўшиқни хиргойи қилиб бораверди. Қўшиқ тезда дилимни ром айлаб, мени сехрлаб қўйди. Назаримда бу Латиф ҳам суйган, ҳам куя билган қўшиқ эди.

– Маънисига тушунмадим, аммо оҳангидан ўта мунгли экани аниқ. Уйим, Ватаним, ота-оналарим, болам ёдимга тушди, – дедим тўлқинланиб.

– Юрагинг сезибди, бу қўшиқни укам тўкиган. Сенинг тилингга таржима қилиб беролмайман, – деди Латиф.

– Дардли қўшиқлар ҳамиша қалбларга яқин бўлади, – Латифнинг сўзини қувватладим.

Ўн чакиримча йўлни ортда колдирдик. Иккимиз ҳам чарчагандик. Тепаликка чиққанда ўзимизни нам тортиб қолган майсалар устига ташладик. Чарчаган бўлсам ҳам қўзимга уйқу келмасди. Тўда-тўда бўлиб сузиб юрган булутлар орасидан кўзга ташланиб турган юлдузларга термулиб хаёл сурдим. Кўзим илингган экан, оёқ томонимдан шимимнинг ичига муздек нарса кириб, тиззам томон ўрмалай бошлаганини сезиб қолдим. Кўзимни очиб бошимни кўтардим. Этимга ни-мадир санчилди. Оғриқдан инграб юбордим. Кўзим илоннинг думига тушди. Совуқ танасидан ушлаб

тортдим. Ярим қулоч келадиган заҳарли тоғ илони суғурилиб чиқди. Оғзини очиб, узун танасини ҳар томон ташлаб вишилларди. Фазабкор күзлари ялтиради. Илонни бошим узра айлантириб тошга урдим. Силлиқ танаси қўлимдан сирпаниб чиқиб кетди. У ўрмалаб тошлар орасида кўзимдан йўқолди. Оёғимдаги оғриқ забтига олди. Латиф ётган жойида кўринмасди, қаёққадир кетганди. Қичқирдим:

– Латиф!

Овозим ўлик тошга урилиб садо қайтарди.

«Латиф»!!

Жавоб қайтмади. Қаёққа кетдийкин? Оғриққа чидамай, ҳам ингрардим, ҳам шеригимни чақирадим. Беш дақиқалар ўтиб у қаердандир етиб келди. Илон чаққанини айтдим. Латиф автоматини тошлар устига ташлади ва ханжарини қинидан суғуриб шимимни тилди. Оғриқ тобора кучаярди. Тишими тишимга босдим.

– Ёт! – буюрди Латиф.

Тошлар устига чўзилдим. Баданим енгил титрарди. Латиф қайишини ечиб, болдиридан тепа қисмини маҳкам боғлади. Кейин ярани тилди. Қора қон чиқди. Оғриқнинг зўридан терга ботдим. Юрагимнинг дукиллаши тезлашарди. Захар таъсир кучини кўрсата бошлаганди. Манглайимдан совуқ тер қўйиларди. Нафасим қисарди. Ўпкамга ҳаво етмасди. Бирдан Кутузовнинг иситма ҳароратида алаҳсираганини эслаб қолдим. «Ишқилиб, мен хушимдан кетмай».

– Суюқлик ичишинг керак! – Латиф шундай деб пастлик томон чопқиллаб кетди. Шабнам қўнган, тунги совуқдан дилдираб турган ўт-майсаларнинг этиги-га урилиб шитирлаган овози қулоқларим остида қолди. Ахволим ёмонлашарди. Кўнглим беҳузур бўлиб, ичимдан нимадир кўтарилиб қусгим келарди. «Ҳозир хушдан кетаман» дедим ўзимга-ўзим. Қалтираётган

қўлим беихтиёр белимга қистириб олган тўппончага югурди (Уни Латиф берганди менга). Ичидағи ўқлардан бирини пешонамга жойлашим кераклигини ўйладим. Азоблардан қўрққаним учун эмас, аксинча, алаҳсираб ўзимни фош қилиб қўймаслик учун шундай қилмоқчи бўлдим. Кимдир қулоқларимга шивирлагандек бўлди:

«Чида, заҳар баданингга тарқамаган, қон билан чиқиб кетади».

Идишда сув кўтариб Латиф келди. Юрганидан ҳарсиллаб нафас оларди.

– Ич, суюқлик заҳарни кесади! – буюрди шеригим. Идишни қўлимга олдим, сўнгги томчисигача қўймай симиридим. Икки дақиқа ўтиб оғриқ қолди, вужудимнинг қалтираши босилди. Нафас олишим яхшиланди. Бу хавфнинг ўтиб кетганини билдиради. Жойимга ётдим. Қорли чўққилар устида кумуш ёғду таратиб турган ойга тикилганча ухлаб қолдим.

Үйғонганимда тонг бўзарганди. Тебulosмта тоғининг энг баланд чўққиларига кечаси кумушранг юпқа қор ёғиб чиққанди. Тоғ тизмалари қорабура тулкининг ёлидай оппоқ тусга кирганди. Кўкни тўлдириб қушлар парвоз қиласарди. Бу ёнимда Терек-Кума пасттекисликлари, Сунжа дарёси ва ўтлоқлар гўё зумраддек кўринарди. Бу орада оқимтири туман қоплаган уфқ ортидан аста-секин қуёш бош кўтара бошлади. У гўё чексиз қуруқ ясси пасттекисликларга назар ташлашдан чўчигандек бир муддат ўрнидан қўзғалмай турди.

– Манавини чайна, – Латиф тўрт дона гиёхни тутқазди қўлимга, – заҳарни кесади. Вужудингга қувват беради.

Мен гиёҳларни чайнаб, сувини шимиб, охири ютиб юбордим.

Йўлга чиқдик. Қаршимиздаги довондан ошиб ўтдик. Қулоғимга қур-қурлаган овоз чалинди. Бошимни

орқага ташлаб қўкка боққанимда бир жуфт бургут тенпамиздан учиб ўтаётганди. Оёғимдаги оғриқни, вужудимдаги ҳолсизликни ҳисобга олмагандай ўзимни яхши ҳис этардим. Латифдан яна қанча йўл босишимиз кераклигини сўрагим келди. Бироқ у олдинлаб кетганди. Чўққига чиққанимизда ястаниб ётган яйловга дуч келдик. Теварак-атроф янада гўзал ва фусункор эди. Бошимиз узра сузиб юрган булутлар кўз илғамас ёмғир томчиларини ташлаб ўтарди. Намиққан майсалар, ўт-ўланлар кумушдек ялтиарди. Осмонда бир гала қушлар чукурлашиб, қанотларини ёзганча доира ясад парвоз қилишарди. Яйлов улкан ҳовузни эслатарди. Бу манзараларни кўрган одам гўё жаннат ичига кириб қолгандек ҳис этарди ўзини... Бироқ яйлов четидаги тўртта чодирга кўзим тушганда юрагим ортга тортиб кетди. Атрофда ўрмалаб юрган одамларнинг кўлларидағи курол, эгниларидағи кийимлар жангга ҳозирлик кўраётган аскарни ёдга соларди.

Иккимиз тезда тошлар орасига яшириндик.

– Манзилимизга етиб келганга ўхшаймиз, – деди Латиф.

– Уларнинг олдига тушамизми?

– Шу ердан туриб ишни битирамиз.

– Қандай қилиб? – ҳеч нарса тушунмай шеригимга юзландим. У юк халтасидан дурбин олиб қўлимга тутқазди.

– «Бўри»ларни синчиклаб кузат. Ўша ярамасни топ!

– Шу ердан туриб уни тинчитмоқчимисан?

– Бошқа чора йўқ. Пастга тушсак ўзимизни уларнинг қўлига тутиб беришимиз мумкин.

– Бу ишинг хатарли. Битта ўқ отсак, «бўри»лар арилардек тўзғииди. Улар эчкидек чаққон. Зум ўтмай етиб келишади. Тошларнинг остигача титиб чиқишиади. Тутиб олишса, теримизни шилишади.

Латиф ўйга ботди.

– Унда ортимизга қайтиб кетишимиз керакми? Мен сен айтган одам әмасман. Чеченларда бир мақол бор: «Товуқ каби яшагандан хўроз каби ўлмоқ афзал». Қасос оламан дедимми, албатта оламан. Расулни, укамни ўлдирган бу ярамасларнинг қонини тўкмай бу ердан жилмайман.

– Бошқа йўл топиш керак, – дедим маслаҳат оҳангидা.

– Каллангни ишлат, зора ақлли фикр миянгга келса...

Икки кўзим лагерда эди. «Бўри»лар пастак сим тўр остидан эчкимардек әмаклаб юришар, ортларида автомат ушлаган йўриқчи гохи-гоҳида бўш patronларни отиб, уларга нимадир деб бақиради.

– Назаримда бу ерда ўттизтacha одам бор.

– Адашмадинг!

– Бир-иккитасини отиб қутулиб кетолмаймиз.

– Ҳаммасини тинчтиш керак демоқчимисан?

– Бошқа йўл йўқ!

Латиф ўйланиб қолди.

– Гапингда жон бор, – деди бир оздан кейин.

– Лекин бу ҳам ўта хатарли.

– Нимадандир чўчияпсан!

– Рамазон бу ерга келганингни билади. Хаттобнинг одамларига сотиб қўйиши мумкин.

Латиф тош устига ағанади. У осмонга термулиб ни- манидир ўйларди.

– Чеченлар бир-бирини ҳеч қачон сотмайди, – деди анчадан кейин, – ўттизта одамни бир йўла йўқотиш йўлини топ.

Жим қолдим. Хаёлимга келган фикрларни айтишга шошилмадим. Ҳар қандай ташаббус Латифнинг ўзидан чиқиши, мен эса маъқуллашмим керак эди.

– Топдим, – деди у мен томон юзланиб.

Латифнинг режасини эшитиш учун унга яқин сурйилдим...

## САМАНГАН

Шапалоқдек дарчадан ёруғлик кириб турган кичкинагина чодир ичига қамалиб ўтирган Сабинанинг боши қотганди. Ичкарида хаво дим эди. Қиз дарчанинг пардасини күтариб қўйганди. Ташқаридан ўтаётган жангарилар чодирига яқин келишганда оёқларини судраб, тўхтаб, томоқ қириб «Оҳ, оҳ, бу ердан ажаб бир ҳид таралмоқда, худди жаннатнинг иси-я, ҳай-ҳай» деб ўтишарди. Эшик ёнига соқчи қўйилмаганда улар ниманидир баҳона қилиб эшик ўрнига тўсилган қалин кигизни күтариб қизга гап отишлари, ишқ-муҳаббат изҳор қилишлари ҳам ҳеч гап эмасди. Лашкарбошининг қамчиси ҳам, қонли ханжари ҳам йигитларнинг юракларидағи ўткинчи ҳою-ҳавасни босолмасди, бад мақсадларидан қайтаролмасди. Ичкаридаги ҳаводан бўғилиб, қийналиб ўтирган Сабина нима қилишни билмасди. «Муддат ҳам охирлади. Ҳадемай, лашкарбоши хонасига таклиф қилади. Баҳона тополмайман. Қани энди қочиб қолишнинг иложи топилса, жонимни жаллоднинг тифига қўйиб бўлса ҳам қочиб қолардим. Эшик олдидаги лаънати соқчилар туну кун ухлашмади. Ниятимни сезгандек ҳар соатда дарчадан мўралаб қўйишади. Бола ўзимники, эрим билан жанжаллашиб уйдан чиқиб кетдим дедим унга. Гапимга ишонди. Агар бирорта ишончли одам топилганда эди, болани унинг қўлига топшириб, жонимга қасд қиласдим. Минг афсуским, боланинг тирик қолиши учун лашкарбошининг ифлос шартига кўнишга, сассик қучоғига киришга мажбурман».

Ёдгор бегона одамларни кўриб митти юраги ёмон ҳисларни туйиб, гоҳида кўзларини очиб «Тофамга ке-

таман» деб фингширди. Ухлаётганда ёмон тушлардан чўчиб уйғонар, ўзини бегона аёл қучоғида ва ёт жойда кўриб бигиллаб йиғларди. Сабина шошиб, овозини бирор эшитиб қолмасин деб оғзига овқат солар, паст овозда алла айтарди.

Ёдгор бу кеча ҳам ухламай «Тоғамнинг олдига кетаман» деб йиғлаб чиқди. Сабина бир амаллаб қорни ни тўйғазиб ухлатганди.

Ўзи ҳам уйқусираб ўтирган пайтда ташқаридан Соли парангнинг овози келди. У соқчилар билан гаплашди.

– Хўжайн айтган бўлсалар, майли, – деди соқчилардан бири изн бериб.

Сабина Соли лашкарбошининг олдига бошлиб кетиши мақсадида келганини сезди. «Энди бари тамом, ишқилиб бола омон бўлсин-да» деди ўзига-ўзи шивирлаб. Кейин худога ёлворди: «Ўзинг паноҳингда асра, Тангрим».

Томоқ қириб ичкарига Соли паранг қириб келди.

– Сени лашкарбоши чакиряпти, – деди у кўпол оҳангда.

Сабина болани қўлига олди.

– Болани менга бер, сен чиққунча менинг хонамда бўлади.

Киз иккиланиб болани Соли парангнинг қўлига тутқазар экан, унга «Қишлоққа бориб, болани Зоир исмли йигитнинг уйига ташлаб кел» деб айтмоқчи бўлди, аммо бу сўз оғзидан чиқиб кетгудек бўлса, бошига не савдолар тушишини ўйлаб тилини тишлади.

– Сен шу ерда тур, эшикка чика кўрма, йигитлар маст, – деди паранг тиржайиб, – аёл зотини анчадан буён қўришмаган. Тағин кўзлари билан еб қўйиши масин.

У болани қўлига олиб ташқарига чиқиб кетди. Бир оз ўтиб қайтиб кирди.

– Энди ортимдан юр!

Улар бириң-кетин ташқарига чиқиши. Қүёш бот-ганди. Коронгилик түшганди. Жангарилар у ер-бу ерда қутурған айғирдай ағанаганча қимор үйнашар ва ичкилик ичишарди. Чодир ичидан чиққан қизни күриб, барчанинг нигохи унга үқдай қадалди. Күзлари билан киз бечорани еб қўйгудек таъкиб кишиши. Ув тортишиди, ортидан қичқириши:

– О, қаранглар, бўйдоқлар! Офатижон-ку, бунақасини ҳали кўрмагандим!

– Ана қомат! Акангни единг-ку, жонон!

– Бедана қадам ташлаб юришларингдан, дод!

– Шу гулни бир ҳидлаб ўлсам армоним йўқ!

Киз ўзига қаратса айтилаётган шалоқ сўзларни эшитмаслик, тезроқ улар таъқибидан қутулиш мақсадида қадамини илдамлатди.

– Ҳай-ҳай, бедана қадам ташлаб юришларингга жоним қурбон, аканг бўйингдан!

Ичкиликдан башараси қулупнайга айланган Мирзаахмад қўлига ароқ тўла пиёлани олиб, хонасида танҳо ўтиради. Дастурхонда пишган гўшт, яримлаб қолган шиша ва тишланган олма турарди. Эшик очилиб, ичкарига Соли паранг ва Сабина кириб келди. Лашкарбоши ҳирс ўти ёнган кўзларини очиқ чехрали, қорақўз, камон қош, қарашлари мағур, либослари ярашикли гўзал қизга узоқ тикиб турди.

– Ўтир! – деди ниҳоят.

Сабина курсига чўқди. Паранг эшик олдида тик колди.

Лашкарбоши шишани қўлига олди ва пиёлага яримлатиб қўйди-да, қизга узатди.

– Ич!

– Ҳаром нарсани оғзимга олмайман! – жавоб килди Сабина.

– Мен сенинг эрингман. Ич деган нарсамни ичишинг, е деган нарсамни ейишинг керак. Эринг амри вожиб!

– Мени шароб билан қутиб оласиз деб ўйламагандим, – Сабина нажотсизликдан йиғлаб юборди. Мирзаахмад буни бошқача қабул қилди. У пиёлани жойига қўйди.

– Кечир, – деди қўнгли юмшаб, – шароб ичсанг қўнглинг кўтарилармикин деб хаёл қилибман. Ичмасанг ичма, мажбурламайман. Аммо менинг дилим фаш, ичимда бўрон увилляяпти, момақалдирок гумбурляяпти. Қишининг чилласида ялангоч қолган одамдай баданим қалтираяпти. Фамларимни, аламларимни ароқдан оламан. Шу менга овунч, шу менга юпанч! Маст бўлсам гуноҳларимни унутаман!

– Гуноҳдан қўрқасизми? – паст овозда сўради Сабина. Унинг товушида аллақандай умид яширин эди.

– Мусулмонман! Қилган гуноҳларим учун қачондир Яратганинг ҳузурида жавоб беришим бор!

– Гуноҳдан қўрқар экансиз, унда мен ожизани жуфти ҳалолидан жудо қилиб Аллоҳнинг қаҳрини баттар қўзитманг. Жавоб беринг, боламни олиб уйимга қайтай.

– Сени қўйиб юборганим билан гуноҳим камайиб қолармиди? Виждонимни қийнаётган азоблар босилармиди? Бу менинг ожизлигим, нотовонлигим бўлади холос.

– Сиз учун кечалари ухламай Эгамга истифор айтаман...

– Сен худонинг олдида кимсанки, менинг гуноҳларимни сўрайсан, мен учун унга таввало айлайсан?

– Сиз эркак кишисиз, фамингиз, дардингиз ҳам бугун бўлмаса эртага унутилади, аммо менинг дардим ўлганимда ҳам ўзим билан бирга мозоримга кетади. Номус ўлдиради мени, номус!..

Сабинанинг сўзлари Мирзааҳмаднинг юрагидаги музни эритгандек бўлди.

У тошфонар ёруғида юzlари қизариб кўринаётган қизга тикилиб турди-да, деди:

– Булар учун мени айблама, мен худонинг олдида сендан кўпроқ гуноҳкорман. Пул деб, бойлик деб, амал деб киндик қоним томган тупроқни ташлаб, мана шу тофу тошларда дарбадар кезиб, ким бир тишлам нон бераркин деб юрибман. Бола-чақаларим ортимдан бўзлаб қолишган. Орқага қайтиш истаги ичимни ёндиради. Азоблардан қийналиб кетдим. Яқинда ўзим билан Карима исмли аёлни олиб ўтгандим. У юртини согиниб, кечаю қундуз кўз ёш тўкиб, охири кўр бўлиб колди. Уни тоғлар орасига ташлаб келдим. Шу аёл кечалари тушимга киради. Чакираётгандек бўлади. Бўриларга ем бўлдими, тирикми, тирик бўлса ҳоли не кечмоқда экан деб ўйлайман. У мени деб отасини, қишлоғини ташлаб келганди.

Мирзааҳмад гапини тугалламай пиёладаги ароқни симирди. Сассиқ ҳид қизнинг димогига урилди. Лашкарбоши газак қилмади. Кўзларини юмганча бошини эгиб турди. Оғзидан ароқ томчилари томарди. Соли паранг ҳамон эшик олдида қўл қовуштириб турарди.

– Менга рухсатми, хўжайин, – деди у паст овозда.

– Ҳали ҳам шу ердамисан, наҳс! – илон чаққандай ўшқирди лашкарбоши.

Паранг эшик томон юрди. Сабинанинг «Тўхтанг» деб айтган сўзи қулоғига етиб борганда у ингичка бўйинини буриб қизга қаради.

– Ўғлимни олдимга келтириб беринг!

Паранг «Нима қилай» дегандек лашкарбошига юзланди.

– Бу тун бола сен билан қолади. Эрталаб олиб кирасан уни бу ерга! – деди Мирзааҳмад.

– Ўғлим менсиз ухлай олмайди.

– Энди ўрганади!

Соли паранг хонадан чиқиб кетди. Сабина ўзини қўйгани жой тополмай типирчилади. Яна ўқсиб-ўқсиб йиғлади.

– Бас, – деди лашкарбоши мушти билан курсини уриб, – мен сени бу ерга кўз ёшларингни кўриш учун олдириб келмаганман!

Сабина нафасини ичига ютди. Мирзааҳмад яна ароқ ичди.

– Мен чарчаганман, дам оламан. Оч бўлсанг анави гўштдан еб ол!

Сабина ўйга ботди. «Бола уйғониб қолмадими? «Тоғам қани» деб хархаша қўтармаяптими? Бу барзанги мени эрга тегмаганимни билса, «Нега ёлғон гапирдинг, бола кимники?» деб тўполон қўтармасмикин? Эй худо, мўъжизангни кўрсат, бу қонхўрлар чангалида қолган боланинг жонини омон қил. Уни соғ-саломат юртга олиб ўтай».

Мирзааҳмад ечинди. Унинг ярим ялангоч бадани чироқ шуъласида қизғимтири тусладарди.

– Овқатланмасанг ёт, чироқни ўчираман! – унинг дўриллаган овозидан қизнинг хаёли кочди. Бадани ўзига аён бўлган қўрқувдан титради...

Ташқарига чиққан Соли паранг эшик олдида бир нафас тўхтаб турди-да, кейин қиморбозлар йифилган томонга йўл солди. Уларга яқинлашганда ортига қаради. Кўзи лашкарбошининг тошли кулбасига тушди. Дарчадан нур сочиб турган чироқ ўчганди. Паранг жилмайиб қўйди.

## ЧЕЧЕНИСТОН

Коронги тушишини күтдик. Қүёш ботди, тоғлар узра түлин ой күтарили. Бутазорларда, тошлар орасыда тун қүшлари тилга кирди.

— Вақт бўлди, — деди Латиф, — энди мен боришим керак.

— Хатарли ишга қўл урмоқдасан, худонинг ўзи паноҳида асрасин, — дедим.

— Бир бошга бир ўлим. Расулни уйига қайтараман деб боболаридан қолган ханжарни қўлимга олиб онт ичганман. Қасамга хиёнат ўлимдан оғир.

У халтасини очди, бўлакларга ажратилган автоматни ёнимга ташлади.

— «Бўри»лар изимдан қувса, ўққа тутасан!

Латиф пастиликка тушиб кетди. Харсанг тошлар уни қўзимдан яширди. Аста-секин тушиб келаётган коронгилик қаърида лагерь чиммат ортида тургандек кўзга ташланарди. Машғулотларни якунлаган «бўри»ларнинг шовқин-сурони босилганди. Чодирлар атрофида чироқлар ёнганди. Тўп-тўп бўлиб ўтирган «бўри»лар худди улкан тошлардек кўзга ташланарди. Дурбин билан Латифни кузатардим. Бироқ у баҳайбат тошлар орасыда кўринмай қолганди. Ярим соатлар ўтиб илғаб олдим. Лагерга яқин бориб қолганди. Ҳаяжондан юрагим гурсилларди. Сим тўсиқ олдида беш нафар соқчи турарди. «Уларни якка ўзи тинчтишга кучи етармикин» деб ўйладим. Соқчилардан бири менинг нишонимда турарди. Қўли кўтарилса тепкини босаман деб ўйлардим. Улар Латифни ўраб олишди. Лабларининг харакатидан соқчилар билан гаплашаётганини тушундим. Улардан бири ичкарига кириб кетди. Назаримда Латиф нуфузли одамлардан бирининг номини тилга олган бўлса керак, ўн дақиқалар ўтиб ичкаридан барваста кимса

чиқиб келди. У Латиф билан қучоқлашиб күришди. Кейин биргалашып ичкарига кириб кетишиди. Шундан кейин юрагимнинг ховлиқиши босилгандек бўлди. Кўзимни Латифдан олмасдим. Йўқотиб қўйишдан қўрқардим. Икки соатча вақт ўтди. Чодирларнинг чироғи ўчди. «Бўри»лар уйқуга кетганди. Аммо Латиф ўтирган чодирдан чироқ шуъласи алламаҳалгача тара-либ турди. Мени уйқу элита бошлади. Кўзларим ачишарди. Бир пайт юзимга тушаётган совуқ томчилардан уйғониб кетдим. Боягина борлиқни мўл-кўл нурлари билан ёритиб турган ой булутлар остида колганди. Чақин чақди, само ёришиб кетди. Момақалдироқ гумбурллади, тоғнинг тошлари ларзага келди. Яйлов кўзимга ярқ этиб ташланди. Ёмғир забтига олиб, жалага айланди. Узимни панага тортдим. Бир неча дақиқадан кейин мен боя ўтирган жойга яшин тушди. У ҳамма ёқни кундузгидек ёритиб юборди. Ўт ва майсалар куйиб кетди. Ёмғир исига қўшилган ку-йинди ҳиди димогимни ачиштириди. Томчилар борган сайин йириклишарди. Икки қадам нарини кўриб бўлмасди. Гумбурлаган овоз қулоғимнинг пардасини йиртиб юбораёзди. Момақалдироқ бўлса керак деб ўйлагандим. Унинг товуши босилмай иккинчиси гумбурлади. Бу боягисидан кўра кучли ҳамда вахимали эди. Уйқум қочди. Бир дақиқа ўтмай ўша даҳшатли гумбурлаш такрорланди. Бу оддий момақалдироқнинг гулдираши эмасди. Ёмғир тинган, булутлар тарқаган, ой икки чўққининг оралиғидаги юпқа булут остидан мўралаб турарди. Лагерь ёришиб кетганди. Мени даҳшатта солған овозлар ўша томондан келарди. У ерда портлашлар рўй берадиганди. Аланга кўк тоқига кўтарилади. Ўтирган жойимда тошдек қотиб колдим. Бу Латифнинг иши эканлигига ақлим етганди. Қасир-қусурлар бир-бирига уланиб кетди. Гўё қиёмат қўпгандек эди. Назаримда қурол-аслаҳалар

сақланадиган омбор портлаганди. Қулоғимга чалина-ётган узлуксиз товушлар ўта даҳшатли эди, мушакдек отилаётган ўқлар, снарядлар қоронги осмонни, тофу тошларни ёритиб юборганди. Бу манзара ўн дақиқача давом этди. Нихоят овозлар босилди. Ерни қиш туманидек қора дуд чулғади. Ҳавони порох, куйинди ва гүшт ҳиди босганди.

Нафасимни ичимга ютиб, атрофни кузатишда давом этдим. Пастдаги воқелик ақлу хушимни ўғирланғанди. Бундай портлашлар содир бўлган жойда бирор тирик жон қолиши даргумон. Қуролимни қўлга олиб пастга тушдим. Кеча кўзларимга ховузга ўхшаб кўринган жой вайрон бўлиб, тупроғу тошлари кора кулга айланиб, ўзидан жаҳаннамнинг нафасини таратиб турарди. Чодирлар ўрнида чуқур хандақлар хосил бўлганди. Бўлиниб кетган одамларнинг танасини тупроқ ва тошлар босганди.

Мурдалар ичидан Латифни изладим. Ёниб қорайиб кетган жасадларнинг кимлигини таниб бўлмасди. Ярим соат атрофни айланиб, ахтарган одамимни тополмай баттар хуноб бўлдим. Латифни йўқотиш, мурдалар ичida қолдириб кетиш мен учун оғир эди. Шундай йўл тутсам виждоним умримнинг охиригача азобда қоларди.

Зиммамдаги топшириқни Латиф адo этди. «Бўри»ларга қўшилиб ўзи ҳам ўлиб кетди. Энди мени бу ерда бажарадиган ишим қолмади. Ортга қайтишим керак. Шаҳарда таржимон кутмоқда. Беш-олти қадам босганимда қулоғимга инқиллаган товуш эштилди, орқага қайтдим. Хандақ ичида тупроққа калтакесакдек ёпишиб ётган одамда кўзим тўхтади. Унинг боши ва оёғи чиқиб турарди. Этигидан танидим – Латиф. Уни сугуриб олдим. Юзини таниб бўлмасди.

– Латиф! Латиф! Тирикмисан?!

У овозимни эшитмади ёки жавоб қайтаришга ҳоли етмади. Уни күтариб хандақ ичидан олиб чиқдим, тупроқ устига ётқиздим. Латифнинг устидаги кийимлари йиртилиб, титилиб кетганди.

«Кулранг бўрилар» албатта ўз раҳнамолари билан рация орқали боғланиб туришлари мумкинлиги ёдимга тушди. Жўнатилган сигналга жавоб қайтмаса улар хавотирланиб, тезда етиб келишлари мумкин. Латифни елкамга олиб бу ердан тезроқ кетишга қарор қилдим. Паст-баланд йўллар тинкамни қуритди. Толиқдим, нафасим қисилди. Шундай бўлса-да, лагердан тезроқ узоклашиш мақсадида қадамимни илдамлатдим. Ҳали кечаги жойимизга етиб бормасимдан гуриллаган овоз қулоғимга чалинди. Шошиб тошлар орасига ўзимни урдим. Осмонда вертолёт пайдо бўлганди. У қайси томондан учиб келганини билолмадим. Бир муддат лагерь тепасида айланиб муаллақ турди-да, кейин келган томонига учиб кетди. Лагердаги даҳшатли манзарани учувчилар кўришган ва рация орқали бошлиқларини бундан хабардор қилишган. Улар зудлик билан одамларини жўнатишади. Фожия тафсилотларини ўрганишади. Портлашлар бегоналар томонидан амалга оширилгани исботлангудек бўлса, тоғлар устига одамларини ташлашади. Ҳамма ёкни алғов-далғов қилишади. Энди бу ердан узоққа кетиш керак. Латифни орқалаб йўлда давом этдим. Анча юрдим. Бироқ кўзимга ташланаётган жойлар нотаниш эди. Йўлдан адашганимни сездим. Рўпарамдан, тоғлардаги, қадим тош ўзанларидан қуёш шуъласида ярқираб сой оқарди. Таваккал қилиб сувга тушдим. Уни кечиб ўтишим керак эди. Совуқ баданимга игнадек санчилди.

– Маҳкам қучоқлаб ол! – дедим Латифга. У ҳали ҳам ўзига келмаган, фақат инграрди холос. Икки қадам юрмасимдан гулдираб, кўпик отиб тўлқинлан-

ган сув иккимизни оқизиб кетди. Мен харакатланишм, бирорта харсанг ортига ўтиб олишим керак эди. Қаршимдаги тош томон юра бошладим. Күкрагимга келиб урилаётган тўлқиннинг зарбидан қалқиб кетдим. Вужудим билан тошга ёпишдим. Латиф елкамдан сидирилиб сувга тушиб кетганди. У тўлқинлар орасида бир кўриниб, бир кўринмай бораради. Асов сойнинг қудратли суви уни хасдек оқизиб кетаётганди.

— Латиф... Латиф! Тошларга ёпиш! — дедим овозимни қўйиб. Бироқ у товушимни эшитмади. Мен жон-жаҳдим билан ортидан суздим. Латифнинг ҳаёти қил устида турарди. Тошларга урилиб ҳалок бўлиши мумкин эди.

— Тошга ёпиш, хозир етиб оламан! — овозимнинг борича қичқирдим, бироқ сувнинг шовқини овозимни ютиб юборарди. Амал-тақал қилиб унга етиб олдим ва қўлидан маҳкам тутдим. Оким иккимизни оқизиб кетди. Биз қанчалик ҳаракат қилмайлик оқим қаршилигини енга олмадик. Худди хасдек унинг измида оқиб борарадик. Атрофда бизни қутқариб қоладиган ҳеч нарса кўринмасди. Тошларга ёпишганим билан оқим бир зарб билан юлиб, ўзи билан оқизиб кетарди. Йигирма қадам наридаги шаршарага кўзим тушиб колди. Санокли сониялардан кейин биз у ерга етиб борамиз. Шаршарадан пастга, тошлар устига тушиш бу оғзини очиб турган ажалнинг қурбонига айланиш демак. Латиф худди ўликдек қимир этмасди. Танаси сувда янада вазминлашиб кетганди. Кўз ўнгимга ўлим келди. Мен ўзимни ва шеригимни унинг измига топширишни истамай жон-жаҳдим билан қирғоқ томон сузишга ҳаракат қилдим. Шу даражада кучли бўлган оқим бағримдаги Латифни юлиб олмоқчи бўларди. «Йўқ, сени қўйиб юбормайман, иккимиз бирга ўлализ ёки оқим кучини енгиб қирғоққа чиқиб оламиз». Оқим билан курашардим. Оғзим сувга тўлди. Сув

иккимизни goх устимииздан ошиб ўтарди. Шунда бир неча сония сув остида қолиб кетардик. Нафас олишим қийинлашарди. Худонинг раҳми келди. Бир амаллаб харсанг ортига ўтиб олдик. Шу ерда сувнинг шашти сусаярди. Бир оз нафасимни ростлаш учун имконият туғилди. Тағин бир уринсам соҳилга чиқиб оламан. У мен турган жойдан ўн қадамча нарида эди. Латиф ҳеч нарсани сезмасди. Ранги кўкариб кетганди. Нафас олиши сезилмасди. Ўпкаси сувга тўлдимикин деб қўрқиб кетдим. Уни қучоқлаб яна қирғоқ томон суздим. Билмадим, бундай куч қаердан пайдо бўлди вужудимда? Бир қўлим ва икки оёғим оқим кучини енгиб бораради. Ниҳоят соҳилга чиқиб олдим. Тинкам қуриганди. Ўзимни ерга ташладим. Ёнимда юзини ерга қаратиб Латиф ётарди. Унга ёрдам бериш кераклигини ўйлаб яна иргиб ўрнимдан турдим. Кўкрагига қулогимни тутдим. У билинар-билинмас нафас оларди. Танаси қалтиради. Соҳил бўйлаб қуриган чўпларни тердим. Бир амаллаб олов ёқдим. Латифнинг кийимларини ечиб қуритдим. Баданини ишқаладим. Бир оз ўтиб ўзига келди.

– Икки бор мени ўлимдан саклаб қолдинг, – деди у ёнидан ханжарини олиб. – Ота-боболаримнинг рухи олдида ва мана шу муқаддас ханжарнинг гувоҳлигига онт ичиб айтаманки, бугундан эътиборан менинг туғишган оғамсан! Керак бўлса, сен учун жонимни беришга, бошингга мусибат ва ташвишлар тушганда бирга бўлишга тайёрман!

Унинг сўзларидан миннатдор бўлиб, синган оёғига иккита калтак қўйиб боғладим.

– Энди йўлга тушсак бўлади, – дедим шеригимга.

– Мен юришга ярамайман, – деди у.

– Ундей дема, сен билан биз яшашимиз, мақсадимиз йўлида курашмоғимиз, болаларнинг келажаги учун, уларнинг баҳтли хаёти учун курашмоғимиз керак.

– Улуг ниятларинг ҳатто ўликларга жон ато этади,  
– Латиф жилмайиб, мана шу табассуми билан менга  
ўз миннатдорчилигини изхор қилгандек бўлди.

Мен уни кўтариш мақсадида қўлтиғидан олдим, бироқ ўрнимиздан туришга ултурмадик. Аллақаердан чийиллаб учиб келган ўқ ёнимиздаги тошни қоқ иккига ажратиб ташлади. Иккимиз жойимизда қотиб қолдик.

– Кимсизлар? – тепаликдан чечен тилида овоз келди. Латиф бошини кўтариб атрофга аланглади. Унинг кўзлари чўққида автоматини бизга тўғрилаб турган одамда тўхтади. Латиф ўз тилида нимадир деди унга. Сўзларига тушунмасам-да, гап оҳангидан ёмонлик исини сезмадим. Ўқ отган одам пастга тушиб келди. Юзини соқол қоплаган, яноклари туртиб чикқан, пўстакнинг тешигидай кўзларида меҳрсизлик ва ёвузликнинг ифодаси анқиб турарди. Латифдан бу одамнинг кимлигини ва қаёқдан келаётганини сўрадим.

– Йўлдан адашибмиз, – деди шеригим, – Шамилнинг одамлари турган қишлоққа келиб қолибмиз.

– Улар бизни йўлга солиб қўйишар.

– Ишониб бўлмайди. Булар ўта маккор одамлар. Сени алдаб ёки қўрқитиб қаердан келаётганимизни билиб олишга уринишади. «Кулранг бўрилар» ҳақида лом-мим дея кўрма. Акс холда, менга қўшиб сени ҳам бўғизлашади.

– Нега анави соқол сенга илтифот кўрсатиб қолди?  
Таниш чиқиб қолдиларингми?

– Унга дала командири Масхадовнинг қариндошиман деб айтдим...

Куролли одам икки нафар шериги билан пастга тушиб келди. У яна Латиф билан ўзларининг тилида сухбатлашди. Кейин Латифнинг қўлтиғидан олиб тепаликка тирмashiшди. Мен уларнинг изидан эргашдим. Сўқмоқ бизни тоғ ичига олиб киравди. Форга яқин келганимизда димоғимга ёқимсиз хид урилди.

Одамларнинг йиғлаган, йўталган овозини эшилдим. Фор оғзи темир панжара билан тўсилганди. Озибтўзиб қорайиб кетган, суяклари кўринай деб турган ўнлаб асиirlар панжарага яқин туришарди. Олдинда иккита жасад букилиб ётарди. Улар очликнинг қурбони бўлишгани шундок билиниб турарди. Кўзлари ич-ичига ботган тутқунлар соқчилардан овқат, сув сўрашарди. «Шамил айтган шўрликлар шулар бўлса керак» деган фикр кўнглимдан ўтди.

Биз фор оғзидан ўтиб кетдик. Бироқ асиirlар кўзлари билан бизни таъқиб қилишар, ортимиздан «Сув, нон» деб қичқиришарди. Шунда кўзим тўрт қатор тортилган симга тушиб қолди. Бу нима? Наҳотки эшик минага уланган бўлса?

Бу ердагилар Латифни яхши танишаркан. Хурматини жойига қўйиши. Оёғига малҳам суртиб, боғлашди.

– Латиф, тутқунлар рус аскарларими? – сўрадим ёлғиз қолганимизда.

– Шамил айтган тутқунлар шулар, – деди Латиф истамайгина, – бу ерда нафақат руслар, балки хорижликлар хам бор.

– Уларни қаттиқ қийнашибди. Қара, ҳаммаси оч, бунақада ўлиб қолишади.

– Ўлса сенга нима? Руслар ҳам бизнинг одамларимизни бундан баттар қийнашади, ўлдиришади.

– Инсонга инсондек муносабатда бўлиш керак.

– Тушуммадим, нега ачиняпсан? Шамил буларнинг барчасини ўлдиришни буюрибди. Эртага форни портлатиб ташлашаркан.

– Шунча одамни қириб ташлаш гуноҳ! Агар у ҳакикатан ҳам форни портлатса, тарих Шамилни ке-чирмайди.

– Буни уруш дейишади. Урушда ҳамма нарса бўла-ди. Томонлар ярашганда эса гуноҳлар афв этилади.

Бежиз оқсоқоллар «Булутсиз ёмғир ёғмайды, кулфат-  
сиз күзга ёш келмайды» дейишмаган!

– Мен бунга йүл қўймайман!

– Озод қилмоқчимисан?

– Фақат иккимиз!

– Сенинг кимлигингни билмай қолдим, «Қора  
афон».

– Қиёматлик оға-инимиз деб қасам ичдинг. Ҳақиқий  
чечен бўлсанг, қасамингта хиёнат қилмайсан!

– Хиёнат қилишга даъват этмоқчимисан?

– Биз инсонмиз. Барчамизни Аллоҳ яратган. Унинг  
хузурида тенгмиз. Бизни ёлғиз Угина жазолашга ҳақ-  
ли. Одамларнинг бир-бирини жазолаши энг оғир гу-  
ноҳ хисобланади. Туткунларни озодликка чикариш  
бу миллатга хиёнат эмас. Мен қўли қонга бўялган  
каллакесар қотилларни эмас, балки очликдан, ташна-  
ликдан, азоб-уқубатлардан инграётган, қоронғи фор  
ичидаги ҳаётдан ўлимни афзал билаётган анави адаш-  
ганларни кутқаришни сўраётибман.

– Улар менинг юртимга қўлида қурол билан бос-  
тириб кирган. Одамларимизни отган, қирган! Улар  
ўлимга маҳқум!

– Уларнинг ҳеч бири ўзича сенинг юртингга қурол  
қўтариб кирмаган. Уларнинг ичида инсонга қарата ўқ  
узмаган, одам ўлдиришни гуноҳи азим деб билганлар  
ҳам бордир?

– Сен, «Қора афон», бундай сўзларинг билан  
мени хиёнат кўchasига етаклама. Сен билан оға-ини ту-  
тингган бўлсан, ҳалқимга хиёнат қилиш эвазига эмас,  
балки бир-биrimизнинг манфаатимизни кўзлаб қасам  
ичганман. Ўзгаларнинг манфаати йўлида фойдала-  
ниш нияting бўлса, янглишасан...

Индамадим. Ичимни нимадир кемираради. Демак,  
эртага фор портлатилади. Икки юздан ортиқ одам  
тошлар остида абадий қолиб кетади. Йўқ, тирик экан-

ман, бунга йўл қўймайман! Қандай қилиб бўлмасин уларни қутқаришим керак. Ҳисобимда ҳали вақт бор.

– Қўлимдан ҳеч нарса келмайди. Бу ишга мени аралаштирма, – деди Латиф қўнглимдан кечётган гапларни уқиб олгандек. Кейин мен билан гаплашишни истамагандек юзини терс буриб олди. Соқчилар темир тўсиқ олдидан анча узоқда туришарди. Ичкаридан чиқиб келаётган сассиқ ис уларнинг димоғини ачишти-рарди.

Яrim тунда уйғондим. Соқчилар мудраб ётишарди. Тутқунлар ҳам толиқиб, ерга чўзилиб қолишиди. Атроф қоронги эди. Таваккал қилишга қарор қилдим. Ўрнимдан турганимда Латифнинг овози қулоғимга чалинди.

– Қаёқقا?

Ортимга ўгирилдим. У менга қараб турарди. Қисилган кўзларидан қаттиқ асабийлашганини пай-қадим.

– Сенга айтган ишимни бир ўзим амалга оширмоқ-чиман.

– Ўлгинг келяптими?

– Ўзинг айтгансан, бир бошга бир ўлим.

Латиф жим қолди.

– Шошилма. Ўйлаб олайлик, – деди бир оздан ке-йин худди муроса йўлини танлаган одамдек. Латиф таклифимни қабул қилганини тушундим.

– Мен йўлга ярамайман. Тутқунларни озод қилол-масак, иккимиз ҳам шу ерда ўлиб кетамиз.

– Ўзим сени олиб чиқиб кетаман.

– Аввал соқчиларни қуролсизлантириш керак.

– Бу ишни ўзим уddyалайман.

– Менга автомат олиб кел. Иккита. Кейин темир панжарадаги қулфларнинг қалити қайси соқчидаги эканини аниқла. Қалитни тополмасак уларни қутқарол-маймиз.

Калит сокчилардан кай биридалигини билмасдим.

— Калитсиз очишнинг иложи йўкми?

— Мутлақо, қулфлар ўта мустаҳкам, пўлатдан ишланган.

— Портлатамиз.

— Тепадаги тошлар қулаб тушса, тутқунларни бо-сиб қолади.

— Бир иложини топармиз. Қани ишга кириш!

Ўрнимдан турдим. Ўн қадамча нарида иккита сокчи автоматини қучоқлаб, бошини тошга қўйиб ухлаб ётарди. Қўлимга муштдек тош олиб, оёқ учидга қадам босиб улар томон юрдим. Шарпамни сезишмади. Иккисининг бошига тош билан уриб, хушидан кетказдим. Автоматларини олиб келиб, Латифнинг қўлига топширдим. У қуролни отишга шайлади ва деди:

— Чўнтакларини қара, калит бўлса, ол!

Сокчиларнинг чўнтағи хорижий пулларга тўла эди. Калитни тополмадим. Улардан ўн қадамча нарида яна тўрт нафар сокчи ухлаб ётарди. Биттаси ора-сира қўлини хиёл кўтариб қўярди. Ухламаётган бўлса керак деб ўйладим. Латифнинг ишораси билан ерга ёпишиб ўрмалаб кетдим. У автоматда сокчиларни нишонга олиб турди. Яқинлашганимда қўлини кўтариб турган одам ўринидан туриб кетди. Ерга ётиб олдим. Қўлларини қимирантганча ёнимдан ўтиб кетди. Икки қадам юриб тўхтади. Қўлидаги автоматни ерга қўйди-да, тош устига чиқди. Қўлларини қушнинг қанотидек қоқиб тепага кўтарилди. У қуш мисоли фор ичини айланиб учарди. Қўзларимга ишонгим келмасди. Тушимми, ўнгимми? Ҳайрон эдим. У шундоқ тепамдан гавдасини букиб, бўшлиқда айланиб, шарпасиз ўтиб кетди. Унинг кўзлари ҳамон очик эди. Ҳатто менинг ўзига боқиб турганимни ҳам кўрди. У учдақиқача фор ичидаги учди. Кейин пастлаб, бояги тош устига енгилгина оёқ қўйди. Автоматини олиб жойига

борди ва тошга бошини қўйиб ётди. Бошимни кўтариб Латифга боқсам, у ҳам анграйиб қолганди. Унинг шунчаки ойпараст эканлиги кейин ёдимга тушди.

Мен ўз ишмни бажаришим керак эди. Кўлимда тош билан соқчиларга яқинлашдим. Ҳозиргина тепамдан учиб ўтган соқчи қўлини бошига болиш қилиб қотиб ухларди. Тўрт соқчини тинчтиб қайтдим. Энди фор эшиги олдидағи симларни узиш керак эди. Бу борада анчагина тажриbam бор эди. Лекин хушёрлик лозим эди. Салгина ножӯя харакат қилсан, миналар портлаб кетиши ҳеч гап эмас. Ҳар бир сим икки дақиқадан вақтимни олди. Вужудимдан тер чиқиб кетди. Бир амаллаб симларни узиб ташладим. Енгил нафас олдим.

Пастда бўлаётган ишлардан бехабар олти жангари тепада навбатчилик қилишарди. Латиф иккимиз қулфларни кўздан кечирдик. Уларни калитсиз очиб бўлмасди. Бу пайтда тутқунлардан айримлари уйғониб, мақсадимизни тушуниб панжара ёнига келиб туришарди. Улардан бири ханжар сўради. У ёшгина ўспирин эди. Биз қўлга киритган автоматлардан бирининг учига ханжар ўрнатилганди. Ўшани олиб маҳбусга узатдим. У тиф учини қулфнинг тешигига солиб, эҳтиёткорлик билан айлантирди. Латифнинг кўзи унда эди. Мен тепаликни назорат қиласдим. Соқчилардан бирортаси тушиб келгудек бўлса, унинг йўлини ўқ билан тўсишим керак эди. Тутқуннинг ортида турган шериклари ҳам нафасларини ичларига ютиб, жимгина унинг ишини кузатишарди. У тифни такрор ва такрор айлантирди. Бироқ натижа чиқмади. Тонг бўзариб, қоронфилик тўрини аста кўтарарди. Ҳадемай олам ёришади. Ичкаридаги тутқунлар уйғониб, шовқин бошланади. Соқчилар пастга тушади. Шошилмоқ даркор. Акс ҳолда, отишма рўй беради, жангарилар Латиф иккимизни ўққа тутишлари ёки

тутқунларга құшиб портлатиб юборишлари ҳеч гап әмас. Биз учун улар товон тұлашмайды. Шуни үйлаб бетоқат әдик. Тутқун ҳамон ханжар учини қулф тешигига солиб айлантириш билан овора әди. Ҳаяжондан құллари қалтираб этини тилиб олғанди. Қон оқарди. Латиф чидамади, баттар хавотирга тушди.

– Удда қилолмади. Тонг отмоқда. Соқчилар үй-ғониб пастга тушишади. Энди үзимиз бу ердан қочишимиз керак, «Қора афон», – деди афсуслангандек. Мен ҳам кечикканимизга иқрор бўлдим. Автоматни қўлимга олиб, Латифни елкамда кўтариб фордан чиқиб кетишга қарор қилдим. Тутқунлардан бири рус тилида «Тўхта» деди. Ортимга қайрилдим. Ханжар ушлаб турган тутқуннинг қўлида қулф кўрдим.

– Очилди!

Пастга яна бир қулф солинганди. Тутқун унга ҳам ханжар солди. Вақт ўтиб борарди. Латиф иккимиз ҳамон чўғ устида тургандек типирчилардик. Тутқун шошиларди, қон оқаётган құллари қалтиарди. Шундай бўлса-да, харакатдан тўхтамасди. Шериклари нафасларини ичига ютган кўйи, жимгина унинг ишини кузатиб туришарди. Нихоят сўнгги қулфни очиш фурсати келганди. Қулфбузарнинг бўйи паст әди. Қўлларини чўзганда қулфга етмади. Шерикларидан бири энкайиб турди. Тутқун унинг елкасига чиқиб ишини давом эттирди. Шу пайт ҳушини йўқотган соқчилардан бирининг рацияси чақириб қолди. Латиф иккимиз бир-биримизга қарадик. Кўзларимизда вужудимиздаги қўрқув акс этарди. Нимадир қилиш керак. Акс ҳолда шериги хавотирланиб пастга тушиб келиши мумкин.

– Рацияни олиб кел! – деди Латиф.

Чопқиллаб рацияни олиб келдим.

– Халақит қилма, намоз үқияпман...

Латиф пичирлаб, қисқагина гапирди-да, рацияни ўчириб кўйди.

– Тезрок бўл, бизнинг фойдамизга ишлайдиган вақт оз, – деди шеригим қулфни очаётган йигитга. У кон билчиллаб турган кўллари титраб харакат киларди. Сўнгги қулфнинг очилиши ҳамманинг юрагини така-пука қилаётганди. Агар очилмаса, бизлар битта қолмай қирилиб кетамиз. Бунинг учун ихтиёrimизда узоги билан беш дақиқа бор. Кейин бояги соқчи яна алоқага чиқади ёки ўзи пастга тушиб келади. Тамом: беш дақиқа ҳам тугади. Энди қўлга тушишимиз ёки нобуд бўлишимиз аниқ. Латиф иккимизнинг умидимиз тугади. Кўз ўнгимга ўлим келди. Латифнинг рангидан қон қочганди. У автоматни қўлига олди. Ичкаридагилар ҳам нафасларини ичларига ютган, фор ичига жимжитлик чўкканди. ТараУлаган овоз мана шу сокинликни бузди. Бу тошлар устига тушган қулфнинг «хушхабари» эди. Латиф иккимиз бир-бirimizga караб кўйдик.

– Шовқин кўтарилиmasin! – хитоб қилди Латиф тутқунларга.

Улар эшик томон ошиқиши. Бари бир шовқин-сурон бошланди. Озодлик сурори тутқунларни ҳаяжонга солганди. Бақиришмаса-да, паст овозда ўз тилларида шерикларига нималардир дейишарди. Йўлларида учраган соқчиларнинг автоматларини тортиб олиши. Ўқ овозлари эшитилди. Улар ташқарига чикишгач тоғлар томон кўтарилиши. Латиф қўлидаги автоматга суюнганча қочоқларнинг изидан қараб қолди. У чуқур ўйга чўмганди. Тақдирини, бундан кейин нима қилиши лозимлигини, мабодо тутқунларнинг қочишида уни айблашадиган бўлса, бунга қарши қандай жавоб хозирлашни ўйларди. Биздан нарида, тошлар устида чўзилиб ётган соқчилар ҳали ҳам ўзларига келишмаганди. Тутқунлар уларни оёқлари билан теп-

килаб-босиб ахволларини беш баттар оғирлаштириб кетишганди. Уларнинг ўлик ёки тириклигини билиш мушкул эди.

Латифни елкамга олиб, юқорига кўтарилидим. Чиқаверишда икки соқчига дуч келдим. Улар тошларга қонли бағриларини бериб, мангу уйқуга кетишганди.

– Бу ерда қолиш хатарли, – деди Латиф, – ҳали замон Шамилнинг одамлари келиб қолади. Тезроқ ўрмонзор ичига кириб кетишимииз керак.

– Йўл кўрсат! Қаёққа юрай? – дедим унга.

– Ўрмон томон юр.

Мен у айтган томонга бурилдим. Биздан анча йироқда ям-яшил дараҳтларга бурканган ўрмонзор кўзга ташланиб туради. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, тоғ дарасидан тўртта вертолёт чиқиб келди. Пастлаб, ёнбошлаб учишарди улар.

– Булар русларники, – деди шеригим. – Қочоқлар қўлга киритилган рация орқали ҳарбийларга хабар жўнатган бўлишса керак.

Вертолётлар ёнбағирликни айланиб пастлади. Афтидан, учувчилар тошлар орасида кетаётган қоҷоқларни кўришганди. Биз ўзимизни панага тортиб арчалар орасига яшириниб, уларни кузатдик. Қочоқлар арқон шотиларга осилиб, тепага кўтарилишиди. Вертолётлар тоғлар ортига ўтиб кетди.

Сўқмоқ йўлдан икки соатча юрдик. Олисдан қишлоқ кўринди. Уйлар кўп эмасди. Ҳар бирининг ораси эллик қадам келарди. Чўққиларга ўрнатиб қўйилган кутиларга ўхшарди гўё улар.

– Қишлоқни четлаб ўтамиз, – деди Латиф, – одамларнинг кўзига кўринмаганимиз маъқул.

Тошлар орасидан панараб ўтдик. Катта ёшдагиларга қараганда болалар кўпроқ кўринарди. Уларнинг кулгилари қулоқларимизга эштилиб турди. Ҳеч ким кўрмади бизларни. Икки соатдан мўлроқ йўл юр-

дик. Қаршимииздан шовуллаб турган ўрмон чиқди. Иккимиз ўзимизни унинг ичига урдик. Энг чидамли дараҳтлар – тўқ сариқ рангли тоғ тераклари ва қайнилар кўқ билан бўйлашиб, мағрур қад ростлаб туради. Кекса қарагайларнинг учидаги фир-фир шамол эсарди. Бутун ўрмон пойига корамтиригина баргли япроклар тўкилганди. Ўрмонзорнинг бир учи қор босган улкан тоғларнинг ёнбағригача чўзилиб кетганди. Қаёқقا боқманг, дараҳтларнинг жигарранг танаси... Ичкари коронги, чангалзор эди.

– Ўрмонни кесиб ўтишимиз керак, – деди шеригим.

– Неча чақирим юрамиз?

– Камида беш-олти чақирим!

Йўлга тушдим. Одам шарпасини сезган тустувуқ, кирғовул ва яна қандайдир қушларнинг безовта овози қулоқларимизга чалинди. Юзимизга чивинлар чанг солди. Улар этимизни узиб оладигандек қаттиқ чақарди. Оёқларимиз остида шох-шаббалар қалашиб ётар, юришни қийинлаштиради. Корнимиз очганди. Ўзимдан анча вазмин одамни кўтариб, ҳолдан тойғандим.

– Бир оз дам олайлик, – деди Латиф менинг чарчаганим ва қийналганимни сезиб.

Уни ерга қўйдим. Иккимиз ўтлоқ устига чўзилдик. Юзимиз тикан санчилгандек ачишарди. Аллақаердан бўкирган овоз келди.

– Айиқ! – деди шеригим атрофга кўз югуртириб.

– Ўрмонда айиқ нима қиласи? – ҳайрон бўлдим.

– Тоғлардан қўнғир айиқлар тушиб туради. Шу атрофда бўлса керак. Ҳидимизни олиб безовталанган. Улар одамга ташланиб ғажиб ташлаши мумкин.

Кўлда қуролимиз йўқ, ҳолдан тойғанмиз, қарши миздан чиққудек бўлса, ем бўлишимиз тайин.

Коронги туша бошлаганди. Яна қанча юришимиз худога аён. Ўрмон ичидаги жангариларга ҳам, айиқларга ҳам дуч келиш ҳеч гап эмасди.

– Йұлға чиқишимиз керак, – дедим Латифга. – Қаёққа юришимни айт.

– Дамингни олсанг бүларди.

– Вақт тифиз. Қорнимиз оч, егулигимиз сувда оқиб кетган. Тезроқ үрмөндән чиқиб олсак яхши бүларди.

– Кечаси юриш хатарлы, ичкарида ботқоқликлар күп.

– Бир амаллаймиз!

Латиф осмонга, япроклар орасидан күриниб турған юлдузларга боқди. Уларга бир муддат тикилди. Ұзи излаган Чүлпон юлдузини топиб:

– Кун ботиш томонни мұлжаллаб юравер, – деди.

Шеригимни орқалаб йұлға чиқдим. Қоронғи үрмөн соvuқ әспінде чайқаларди. Ваҳимали овозлар юракни сескантіраарди. Қадам қўйған жойларим билқилларди. Икки чақириимча юргач толиқдим. Дам олгани ўтиридим.

– Сен бола пүлатдек иродали йигит экансан. Күринишиңгдан нимжонгинага ўхшайсан-у, аммо вужудинг тұла куч. Шунча құвватни қайдан тананг-га сиғдиролғансан, ҳайронман. Ҳарбий тайёргарликдан үтганлар ҳам сенчалик абжир, бақувват әмас. Назаримда сени бу юртга ташлашдан олдин узоқ тайёргарликдан үтказишган күринади.

– Сенинг инсонларга килган яхшилигинг кучимга куч құшди, – дедим жилмайиб.

Латиф ёнидан ханжарни олиб:

– Бу мендан сенга әсдалиқ. Шаҳарда бизни нималар кутаётгани ёлғиз худога аён. Яна күришамизми йүқми – бунисини билмайман. Бироқ тирик қолсак, бир-биrimизни ҳамиша эслаб, ёдға олиб туришимиз учун сенга совға қиламан. Илтимосим, буни бегоналарга берма. Ҳамиша ёнингда олиб юр. Ханжарда күп хислат бор. Бобом «Бу одамни бало-қазолардан, бевақт үлимдан, хавф-хатардан асрайди» деб насиҳат қилғанди. Қачондир уйингга қайтиб борсанг, юр-

тингда тинчлик-омонлик ўрнатилса, яхши кунларда, байрамларда тақиб юрасан.

Мен ханжарга тикилиб турдим. Кейин қўлимга олдим.

– Афсуски, сенга берадиган эсадалигим йўқ, лекин менга кўрсатган яхшиликларинг ўлгунимча хотирамдан кўтарилимайди, – дедим.

– Икки бор ҳаётимни сақлаб қолдинг. Шунинг ўзи ҳар қандай совғадан афзал.

Яна йўлга тушдик. Қадамимни илдамлатдим. Таржимонни ўйладим. Кутаётган бўлиши керак. «Сени Кашмирий сўради, қайтиб кетасан» деганди. Балки боришим биланоқ жўннатиб юборар. Ахир бу ерда улар айтган ишни бажаролмадим. Зелимхон яқинига йўлатмади мени.

Йўлимизда яшин урган, шамол қайирган, чириб қулақ тушган дараҳтлар, шоҳ-шаббалар қалашиб ётарди. Бўйчан ўтлар уларга тирмашиб кетганди. Чангальзорнинг худди ўзи. Ер оёқ остида билқ-билқ қимирлайди. Шунга қарамасдан юришда давом этдим. Чўмилган одамдек жиққа терга ботгандим. Ҳарсиллаб нафас олардим. Латиф «Ботқоқ бўлган жойда нам қолади» деган мақолни эсга олиб, «Эҳтиёт бўл, шошилма» деб ора-сира огоҳлантириб қўярди. Бу қадар хавотирланаётганига эътибор бермадим. Фикри-зикримда тезроқ ўрмондан чиқиб кетиш эди. Юришга қийнала бошлидим. Бирдан чўкаётганимни пайқаб қолдим. «Наҳотки ботқоқлик ичига кириб бораётган бўлсан» деб ўйладим. Ўт-майсалар қоплаган ер устида нам тепчиб турарди. Тўпифимгача ботқоққа ботгандим. Бўшлик оёғимдан тортарди. Суғуриб ололмасдим. Секин-аста ботиб бораётганимни фаҳмладим.

– Латиф, биз чўкяпмиз! – дедим овозим қалтираб.

– Орқага қайт! – буюрди шеригим.

– Оёғимни суғуриб ололмаяпман.

– Мени ташла, тез бүл, йўқса иккимиз ҳам фарқ бўламиз.

– Ташлай олмайман!

Мен жон-жаҳдим билан оёғимни боткок ичидан сууриб олишга уриндим. Аммо у мени тобора комига тортарди.

– Ташла! – бақирди Латиф. – Тез бўл!

Мен унинг сўзларини эшитмагандек, турган жойимда типирчилаб оёғимни боткоқдан чикаришга уринардим. Аксига олгандек, чивинлар ини бузилгандек юзимга чанг солар, нишини санчар, қулогум остида фўнгиллаб кўз очиргани қўймасди. Шеригимни худди тушиб кетадигандек икки қўлим билан маҳкам ушлаб олгандим. Бу пайтда тиззамгача ботқоқ ичига кириб кетгандим. Латиф ахволимни кўриб, баттар аччиқланди:

– Мени ташла, аҳмоқ, сўзимни эшитяпсанми?

Бошқа иложим қолмаганди. Кўлларимни бўшатдим. У ботқоқлик устига тушди ва ўтириб қолди. Мен оёқларимни чиқаришга қанчалик чиранмай, бунинг фойдаси бўлмади. Гавдам билан олдинга интилдим. Шунда бир оёғимни зўрға сууриб олдим. Беш дақиқача ўтиб иккинчи оёғимни ҳам тортдим. Ўзим билан ўзим овора бўлиб, Латифни унутаёзган эканман. Ортимга қарасам у кўрагигача ботқоққа ботганди. Жон алпозда унга ташландим.

– Кўлингни бер, Латиф!

У қўлларини чўзди, тортдим. Назаримда шеригим вазминлашиб қолгандек эди.

– Харакат кил, кимирла!

– Шохми, ходами олиб кел! – буюорди шеригим.

Бошқа илож йўқ эди. Латифдан қўлимни тортиб олдим. Бир амаллаб қуруқликка чиқдим. Шохлар кўринмасди. Атрофни гир айланиб излайман, тополмайман, шошганимда оёқларим остидагини кўзим

кўрмасди, хунобим ошди. Нихоят икки қулоч хода топдим. Уни олаётганимда шитирлаган овоз эшитилди. Ёнгинамдаги чангалзор ичидан бир тўда шарпа отилиб чиқиб, кўз илғамас тезлиқда қаёққадир фойиб бўлди. Кўркиб кетдим. Бу кийиклар эканлигини кеъин билдим. Қайтиб келганимда Латифнинг бўйнидан пасти кўринмасди. Икки қўлини тинимсиз типирчилатарди. Сув ва балчиққа беланганд бошини орқага ташлаб, ҳансираф нафас оларди. Ходани узатдим. Латиф унинг учидан маҳкам тутди. Вужудим кучга айланиб тортдим, шеригим бир оз кўтарилди.

– Менга қара, «Қора афгон», – деди у ҳансираф, – ажалим битган кўринади. Яна беш чақирим юрсанг қуруқликка чиқасан, қишлоқ кўринади. Одамларнинг кўзига ташланма. Улар ичидаги ёмонлари кўп, сени русларга ҳам, ўзимизниларга ҳам тутиб беришади. Қишлоқдаги тош йўл тўғри шахарга элтади. Яна бир гап, мана бу тумор ичидағи қоғозга рақамлар ёзилган. Шахарга тушганингда жуфт сонларга қўнфироқ қил, – у бўйнидан теридан ясалган туморни олиб менга улоқтирди. – Эсингдан чиқарма, фақат жуфт сонларга қўнфироқ қил. Гўшакни кўтарган одамга «Меркурий сўнди» деб айт. Тушундингми, ха, «Меркурий сўнди» деб айт. Бошқа гап гапирма. Кимлигингни ҳам айтма. Шахарга тушишинг биланок албатта телефон кил!..

Латифнинг сўzlари қулоғимга кириб-кирмасди. Уни ботқоқдан тортиб чиқариш учун жон олиб, жон бериб чиранардим. Шеригим ҳамон гапида давом этарди.

– Сен афғон жангарилидан эмаслигингга йўлда шубҳалангандим. Фор ичидағи тутқунларни озодликка чиқармоқчи бўлганингда ўша шубҳаларим исботини топди. Сенга айтган гапларимдан хафа бўлма, си-наш мақсадида атайин шундай қилгандим. Аслида менинг ҳам ниятим тутқунларни эркинликка чиқариш

эди. Ким бўлсанг ҳам қалбингда ёмонлик ва ёвузлик йўқлигига, нияting холислигига ишондим...

— Мен ҳам сенинг юрагинг тозалигини сезгандим. Сен Шамилнинг ҳам, Зелимхоннинг ҳам одами эмассан, — вужудим билан чираниб, шеригимни тортиш асносида шундай сўзларни ҳам бақириб, ҳам йиғлаб айтардим. — Сен урушга, зўрлик ва зўравонликка қарши курашувчи мард инсонсан! Юрагида тинчлик, озодлик ўти ёнган инсонларнинг қандайдир ботқоққа ботиб ўлишга ҳақи йўқ. Уруш оловини ёқувчилар, бузғунчилар бор экан, сен яшашинг, курашишинг кепрак! Қани, бўла қол. Харакат қил, биродар!

Лаънати хода ўртасидан синди. Бошқасини излаб, атрофни гир айландим. Бу гал узунроқ хода илинди қўлимга. «Бу билан шеригимни тортиб олсанм бўлади». Чопқиллаб келдим. Не кўз билан кўрайки, Латиф жойида кўринмасди. Фақат бармоқларигина балчиқдан чиқиб туради.

— Латиф! — овозимни қўйиб, айни чоғда ўкириб йиғлаб юбордим. — Латиф!!!

Мен қанчалик бақириб қичқирмай ҳеч қаердан садо қайтмади. Дараҳтлар, чангальзорлар, ўт-ўланлар овозимни ютиб юборганди. Қаршимдаги ботқоқлик қорайиб туради. Латифнинг қўллари ҳам кўринмасди энди. Шеригимни сақлаб қолишим мумкин эди, қаердадир хато қилдим. Виждоним қийналарди. Кўкрагим санчиб оғрирди, ичим ағдарилиб, чидаб бўлмас азоб берарди. Ўзимни ўтлар устига отиб, ала-мимга чидамай ўкириб-ўкириб йиғладим. Бошимда бир савол айланарди:

«Энди нима қиласман?»

## ИСТАНБУЛ

Кеч бўлишига карамай, Лу тўғри резидент Адамснинг хузурига жўнаб кетди. Бундай пайтларда резидент ўз хонасида кун бўйи жамланган маълумотлар устида ишлаб ўтиришни ёқтиради.

– Мухим янгилик бор, сэр!

– Кулогим оғирлашиб қолганга ўхшайди, нимадир дедингизми? – Адамс анчадан буён ходимининг мухим маълумотлар олиб келмагани учун шундай кочиримли гап қилганини шогирди фахмлади.

– Олиб келган янгилигим ҳар кандай кар одамнинг қулогини ҳам очиб юборади, сэр!

– Унда тезроқ айта қолинг, зора менинг қулокларим ҳам очилиб колса!

Лу Бакколнинг хонадонидаги гап-сўзлардан бошлигини хабардор қилди. Адамс кўтарилиган масалалардан у қадар хурсанд бўлмаса-да, Баққолнинг ҳисоб рақамидаги маблағ анчадан буён уни қизиқтириб келарди.

– Баққолнинг банкда қанча маблағи борлигини биласизми? – сўради резидент.

– Ўзининг айтишича, беш юз миллион доллар.

– У ҳеч кимга ҳақиқатни гапирмайди. Ҳаммани лақиљатиб келади. Кечаги маълумотга қараганда, Баққолнинг Швейцария, Англия ва Американинг йирик банкларида бир миллиардан ортиқ сармояси бор.

– Бу жуда катта рақам, сэр. Шунча маблағ эгасининг сиёсатга аралашишини қандай тушуниш мумкин?

– Сиёсат бузук аёлнинг ҳирси тўлиб-тошган эркак олдида яланғоч танасини намойиш килиши билан баробар. Баққол сиёсат майдонига кириш, ном чиқариш, Усама ва Мулла Умардек кимсаларнинг ёътиборини қозониш ҳамда ўзини уларнинг сафида

қўриш мақсадида маблағларини совуришга ҳам тайёр. Холбуки, сиёsat бундай одамларнинг белини синдириб, яланғочлаб ташлашини хозирча тушуниб етмайди. Начора, Баққол шуни орзу қилган бўлса, биз ёрдам қўлини чўзамиз. – Резидент сирли жилмайиб қўйди.

– Бўронни Чеченистондан олиб ўтиш масаласини қандай ҳал этамиз? – резидентнинг сукутга чўмганини қўриб савол ташлади Лу.

– Баққол буни сиздан илтимос қилдими?

– Шундай, сэр.

– Илтимос қилган бўлса, ёрдам берамиз. Бироқ бу ишда бизнинг одамларимизнинг қўли борлигини мутлақо сезмаслиги шарт. Биз унга ўзимизнинг ўртачиларимизни рўпара қилиб қўямиз, хавфсиз йўлаклар очиб берамиз. Албатта буларнинг барчаси Баққолнинг ҳамёнидаги муллажиринг ҳисобига амалга оширилади. Сиз зудлик билан ўртачиларга ҳақ тўлаш зарурлигини эслатиб қўйинг.

– Қанча?

– Менимча, ўн миллион доллар етади.

Лу резидентнинг оғзидан чиққан рақамлардан энсаси қотди.

– Сэр...

Адамс ходимининг нима демоқчилигини гап оҳангидан пайкади:

– Ўн миллион унинг учун уммондан томчидай гап. Банкда саклаётган пуллари ойига ўн миллионлаб болалайди. Бошида ишни паст нархдан бошласак, кеийин айтган пулимизни ололмаймиз.

– Пулни олдиндан тўлаши керакми?

– Биз сувни қўриб оёқ кийимимизни ечамиз, Лу!

– Яхши, мен эртагаёқ гапларингизни Баққолнинг қулоғига етказаман.

– Ундан яхши жавоб оласиз деган умиддаман!

- Эшитишимга қараганда, Бүрон анчагина зийрак, ақлли, хүшёр йигит күринади.
- Ахмоқ бүлганда Чеченистонга жүннатишмасди уни. Күлидан иш келишини билишган.
- Кейинчалик бизнинг ишларимизга ҳам ёрдами тегиб қолар деган умиддаман.
- Бу масалани ўйлаб кўриш вақти келади. Ҳозир уни Туркияга олиб ўтиш муаммосини ҳал қилишимиз керак. Чеченистонда одамларимиз бор. Бизга хизмат қилаётган чеченлар ҳам топилади. Мустафо Афғонистонга қачон жўнамоқчи?
- Бу менга боғлик.
- Унда ҳаракатингизни қилинг. Вақт чўзилса, Баққол аҳдидан қайтиб қолиши мумкин. Мустафога олти юз минг доллар ваъда қилди дедингизми?
- Шундай.
- Менимча, Мустафони жўнатсак у бизнинг фойдамизга очко ишлаб беради. Пулга ўч одамлар тилларини тишларининг орқасида ушлаб туролмайди. Одамларимиз уни кузатиб боришади. Кашмирий билан учраштиришади. Бу учрашувда Баққолнинг обрўйини кўтаришимизга тўғри келади. Мустафо қайтиб келганда, Кашмирийнинг жуда катта эҳтиром билан кутиб олганини ва айни пайтда Баққолга хурмати чексиз баланд эканлигини, Мулла Умар у жўнатадиган «Град»ларга кўз тикиб турганини, у ердаги жангариларни ўз қармоғига олганини таъкидлашни унутмасин. Сухбат чоғида афғон далаларида етиштирилган қорадориларни Баққолнинг кўли билан дунё бозорларига олиб чиқиб сотиш масаласи ҳам тилга олинса яхши бўларди.
- Не сабабдан?
- Баққол қорадори савдосидан мўмай даромад ортиришни хуш кўради.
- Демак, Мустафони йўлга тайёрласам бўлаверади...

— Албатта! Мен ўзимизни киларни хабардор килиб қўйман. Улар Мустафони Эронда кутиб олишади ва босган ҳар бир қадами хақида сизни хабардор қилиб туришади. Дарвоқе, сиз Баққол билан қачон қўриша-сиз?

— Эртага эрталаб, сэр.

— Унда йўлак очилганини маълум қилинг!

— Тушунарли, сэр.

— Мустафонинг қулоғини яхшилаб қизитинг.

Кашмирий билан учрашганда сиз ўргатган сўзлардан четга чиқиб валақламасин. Қайтиб келгандан кейин сухбатни биргаликда муҳокама қиласиз.

— Баққол пулни қайси ҳисоб рақамингизга ўтказ-син?

— Накдини тўлагани афзал!

— Тушунарли, сэр!

Лу резидентга таъзим қилиб, хонани тарк этди.

\* \* \*

Резидент ёши улуғ, ўттиз йилдан кўпроқ маҳсус хизмат идорасида юксак лавозимда ишлаб, етарли тажриба тўплаган, тепакал, юзи чўзинчоқ, оқ-сариқдан келган ўрта бўйли олтмиш ёшлардаги одам эди. У ноёб кобилият эгаси бўлганлиги боис режалаштирган ишларида камдан-кам янглишарди. Баққолниң толибонлар етакчisi билан яқинлашишга уринаётгани, Самангандаги бир ховуч жангариларни ўз измiga солмоқчи бўлаётгани, авра-астари чиқиб кетган кенгашни тасарруфига олиши резидент учун аҳамиятсиз эди. Кенгашни аввалги ҳолатига қайтариб бўлмаслигини у бошқаларга нисбатан яхши тушунарди. Энди уни қўллайдиган, таъминотига елка қўядиган ҳомийлар ҳам қолмаганди ҳисоб. Резидент толибонлар етакчини истаган пайтда ўз измiga солишга қодир эди.

Мулла Умарнинг Адамс хизмат қилаётган маҳсус хизмат идораси билан алоқаси айтарли ёмон эмасди. Сиртдан қараганда, бу ташкилот америкаликларнинг, русларнинг, покистонликларнинг ва бошқа давлат маҳфий хизмат идораларининг бу юртда олиб бораётган ишларини шунчаки назоратчи сифатида қузатиб тургандек туюлса-да, аслида ногоранинг чўпи уларнинг қўлида эди.

Баққолнинг қўшни давлат чегарасидан «Град»-ларни афғон ҳудудига олиб кириши, Бўронни Чеченистондан Туркияга олиб ўтиш муаммоси резидентнинг юрагидаги анчадан бўён орзу бўлиб келаётган умидларини рўёбга чиқаришга хизмат қилиши мумкин эди. Резидентнинг пўлат сандигида ётган ўнга якин муҳим ҳужжатлар орасида Баккол ҳакида жамланган жилд ҳам сақланарди. Бу маълумотлар юқорида эсга олиб ўтганимиздек хорижий давлатларнинг банкида турган маблағ билан бевосита боғлиқ эди. Баққолнинг пуллари кун сайин болалаб, рақамларнинг сакраб бораётганини резидент анчадан бўён кузатарди. Туркнинг йўлига аллақачон қармоқ ташлаб кўйганди. Бирок у ўзидан нохуш ис таратиб турган хўракка яқинлашмасди. Нафи тегмайдиган хорижликларни жини сўймасди. Ечими топилмаётган хар кандай муаммони осонгина ҳал этишга акли етган резидент Баққолнинг не сабабдан хўракка яқинлашмаётганини ўйлаб, боши қотарди... Ниҳоят Баққол кутилмаганда ўзгаларнинг аралашувисиз ҳам хўрак атрофида ўралашиб қолди.

«Энди нима қилиш керак?»

Резидент оғриқдан тарс ёрилаёзган бошини чангальлаб тургандга Лу сим қоқиб қолди.

– Баққол билан учрашдим, сэр.

– Қандай хушхабар?

– Мустафо эртага йўлга чиқадиган бўлди.

- Демак, «Град»ларни олишга қарор қилган.
- Шундай.
- Биз сўраган пул нима бўлди?
- Баққол рози.
- Тезда идорага етиб келинг. Қолган гапларни шуерда маслаҳатлашамиз.

Ярим соатлар ўтиб, Лу резидентнинг хонасида ҳозир бўлди.

- Мустафо Кашмирийга қандай хабарларни етказишидан огох бўлдингизми?

– Баққолнинг гапларини қолдириб, унга нималар хақида гапириш кераклигини ўзим бир соат тушунтирдим.

- «Град»нинг бир донасига қанча тўлашини айтдими?

– Бу ўртачига боғлиқ, сэр.

- Яхши. Уни биз топишимизга рози бўлдими?

– Шундай.

- Мўлжалингиздаги одамлар борми?

– Бундай одамни Афғонистондан излаймиз, сэр. Эшитишимча, лагерда тоҷик йигитлар кўп. Шулардан бир-иккитасини ишга соламиз. Улар ўз юртларига бориб, рус ҳарбий бошлиқлари билан алоқага чиқадиган одам топишади. Мухими, улар биз учун текинга ишлайди.

- Уларга ишонсак бўладими?

– Озгина чой-чақага жонларини тикишади, сэр!

- Баққол рози бўлармикин?

– Бундай одамларнинг бошидан пул сочади. Унинг ягона мақсади – Умарнинг эътиборига тушиш.

– Лекин тоҷик йигитларни юртларига жўнатиш хақида билдирган таклифингизга қўшилмайман, Лу.

- Бошқа режангиз борми, сэр?

– Тоҷикистонда вазият ўзгарган. Ҳокимият ҳукуматнинг қўлида. Ҳукуқ-тартибот идоралари ходимлари биз жўнатган йигитларни тутиб олишлари мумкин.

Қўлга тушадиган бўлишса, ишлаб чиқилган тизимлар барбод бўлади. Яхиси, уларни Истанбулга чақирамиз. Қўлларига Эрон давлатининг паспортини берамиз. Бажарадиган ишларини яхшилаб тушунтирамиз.

– Кейинчалик бизнинг сирларимизни очиб қўйишмайдими?

– Сиз уларни лагерга қайтиб боради деб ўйлаётган бўлсангиз янглишасиз, азизим!

– Тушунарли.

– Сиз Афғонистондаги одамларимизга хабар жўнатинг. Кашмирий Тоҷикистонга ташлайдиган йигитларнинг изига тушишсин. Улар билан ишлашсин. Лагерда одамингиз борми?

– Албатта, шу пайтгача биз унинг хабарлари билан нафас олиб тургандик. Бироқ олти ой муқаддам алоқа узилган.

– Сабаб?

– Лагерда вазият издан чиқсан. Кўпчилик кочди, сотқинлар суқилиб кирди. Бошлиқлар одамларидан шубҳаланадиган бўлди. Шунинг учун агентни безовта қилмаяпмиз, аммо у биздан топшириқ кутмоқда, сэр.

– Бугуноқ алоқа боғланг. Тоҷикистонга ташлайдиган йигитларнинг шахсини аниқлаб берсин. Иложи бўлса, ўзи ҳам шу тўдага киришга харакат қилсин!

– Яхши!

– «Град» операцияси бир ёқлик бўлмагунча бу ишларда на сизнинг, на менинг қўлимиз борлигини ҳеч ким билмаслиги шарт, Лу. Ортиқча гап-сўзлар бизнинг эмас, балки идорамизнинг обрусига путур етказишини истамайман!

– Сизни тушундим, сэр.

– Бўрон масаласида гаплашдингизми?

– Гаплашдим. Баққол «Агарда Бўронни менинг хузуримга келтириб берадиган одам топилса, оғзига

сиққан пулни тұлашга тайёрман» деди. У молиявий ишларни Бүроннинг қўлига топширмоқчи.

– Пулни бугуноқ олинг!

Резидент муаммоларни ҳал этишда мунтазам маблагни юқори даражага қўярди. Мақсад сари дастлабки одим ташланди. Энди Баққолнинг ҳисоб рақамларидаги пулларни ечиб олиш тўғрисида бош қотириш керак. Лунинг хабарига қараганда, «Град»ларнинг киймати мутлако уни кизиктирмайди. Нархини Баққол эмас, ўртада турган даллол белгилайди. У руслар билан шартнома тузиш ҳуқуқига эга. Бу ишни Бўрон уддалайди. «Истанбулга олиб ўтишда шундай тизим ишлаб чиқаманки, у умрининг сўнгигача мендан миннатдор бўлиб, чизган чизигимда юрадиган бўлади» деб режа тузди кекса резидент.

Адамсинг Чеченистонда хизмат бурчини адо этиб юрган ходимлар орасида анчагина танишлари бор эди.

– Хозирча сиз бўйсиз, – Лунинг кетишига изн берди резидент.

Лу хонадан чиқиб кетди.

Резидент телефон гўшагини кўтарди.

– Сизбоп топшириқ бор, Окан, – деди резидент гўшакни кўтарган танишини туркча исми билан атаб.

– Хизматингиздаман, сэр.

– Зелимхоннинг атрофида ишончли ёрдамчила-рингиз борми?

– Топилади, сэр.

– Аффонистондан ўтган Бўрон исмли йигит бор.

Ўша йигит мен учун керак бўлиб қолди. Шундай тизим ишлаб чиқингки, уни қидирганлар мурдалар ичидан излашсин!

– Сизни тушундим, сэр...

– Унда ишга киришинг!

– Сэр...

- Ҳақингизни мендан оласиз!
  - Бу гал қимматроқ тұлашингизга түғри келади.
  - Қанча сұрайсиз?
  - Беш юз минг.
  - Сиз томонда одам шу қадар қимматми?
  - Ҳамкорларим бор...
  - Атаганим юз минг!
  - Бу мен ишлаб чиққан тизимга сарфланадиган харражатни ҳам қопламайды, сәр!
  - Окан, Истанбул ва Афронистонда битадиган харқандай ишингиз учун мен туриб бераман.
  - Ҳамиша менинг нозик жойимдан ушлайсиз, сәр!
  - Майли, яна юз минг құшдим. Фақат ишни тезлатаңынг!
  - Одамингиз үн күн ичидә Истанбулда бүләди.
  - Миннатдорман, Окан!
- Резидентнинг күнгли хотиржам тортди.

## КОБУЛ

Мустафонинг ташрифи Кашмирій учун кутилмаган янгиликка айланибгина қолмай, балки Мулла Умар билан ўрталарида рўй берган айрим қўнгилсизликлар пардасини кўтариб ташлашга ҳам хизмат қилди. Баққолнинг пойтахтга пинҳона келиб, Башир билан кенгашиб кетганидан Кашмирій мутлақо хабарсиз эди. «Башир кўп нарсаларни яширган мендан, ҳазратнинг жазоси ҳақ» деган фикр шу кунгача қўнглида яшаётган гумонларнинг чала ўлиқ туманини түзитиб юборди.

– Биласизми, Мустафобей, – дея узокдан гап бошлиди Кашмирій меҳмоннинг сўзларини тинглаб бўлгач. – Эргашбойнинг одамлари бизга фақат зиён келтирмоқда. Ҳазратим, Усама бин Ладен жаноблари уларни боқиши учун ойига аллақанча минг дол-

лар сарфлайдилар. Бироқ улардан наф кўрмадик. Кенгашнинг илгариги раҳбарлари лагердагиларни бизнинг елкамизга худди ўлиқдай ортиб қўйишганди.

– Бейим йигитларнинг таъминотини ўз зиммаларига олади. Уларни кийим-кечак ва озиқ-овқат билан таъминлашдан ташқари, ойига ҳақ ҳам тўлайди ва ҳазратимнинг синолари учун Тожикистондан олиб ўтиладиган қуролларга катта миқдорда маблағ ажратади.

– Баққолбейга қандай миннатдорчилик билдиришга сўз тополмайман. Бу янгиликни ҳазратим эшилса албатта бениҳоят шодланади ва Баққолбейнинг яхшилигини умрбод унутмайди, – деди Кашмирий меҳмоннинг сўзларини тинглаб бўлгач. – Бироқ уларни қандай қилиб бу ерга олиб ўтиш масаласи ҳақида мен хеч нарса билмайман.

– Башир жаноблари рус генераллари билан яширинча тил биринчириб «Град»ларни сотиб олиш мумкинлигини ҳамда бу ишда Эргашбойнинг одамлари ёрдам беришини таъкидлаган экан. Бейэфэндим уларни интизорлик билан кутмоқда.

Кашмирий қошлиари чимирилиб, ўйланиб қолди.

«Башир кимларни назарда тутдийкин?»

– У назарда тутган одамлар ҳозирча менга номаълум. Уларни яқин кунларда албатта аниқлайман.

– Эшишишимга қараганда, улардан бирининг исми Бўрон экан. Сиз бу йигитни танийсизми?

– Бўрон дедингизми?!

– Шундай, у кенгашнинг аъзоси эмиш. Ёнига ёрдамчиларни олиб, рус ҳарбийлари билан алоқа ўрнатиш қўлидан келармиш. Бейим шу йигитни танлади.

– Афсуски, у ҳозир бу ерда эмас.

– Янгишмасам, уни чақиртириб олиш қўлингиздан келади?

– Ваъда беролмайман. Бу масалани ҳазратимнинг ўзи ҳал қиласди.

– Эргашбойнинг тўдасида тожик йигитлар бўлиши мумкин. Улардан фойдалансак қандоқ бўларкин?

– Афсуски, Эргашбой энди сафимизда йўқ. Душманлари отиб ўлдирди. Ўрнига Мирзаҳмад исмли йигитни бош этиб тайинладик.

Баққол Башир билан учрашганда лашкарбоши ҳақида сухбатлашишганди, аммо Мустафога бу хусусда оғиз очмаганди.

– Бундан Баққолбей бехабар, – деди турк пингиллаб.

– Етиб боришингиз биланоқ хабардор қилинг. У бизнинг чириқларимиздан ўтган ишончли одам. Баққолбейга маъқул келади деган умиддаман! Мен Мирзаҳмадга тайинлайман, лагерда ишончли тожик йигитлар бўлса, зудлик билан у кишининг хузурига жўнатаман.

– Фикрингизни инкор этолмайман, Кашмирий жаноблари. Лекин бизнинг таклифларимизни иnobатга олишингизни сўрайман. Бейимга Бўрон керак. Қандай қилиб бўлмасин, уни Туркияга жўнатишингизни илтимос қиляпти.

Мустафо Кашмирийнинг ён бермаёттганлигини англаб етди. Хамёнини кавлаб, баҳмал лахтакка ўралган ёнроқдек ёқутни олди. Деразадан тушиб турган қуёшнинг нурида туркнинг кафтидаги ёқут товланиб жилваланди.

– Бейим сизга арзимас совфа бериб юборгандилар...

Кашмирий ёқутни қўлига олди ва бу ўта қиммат-баҳо тош эканлигини дарров англади. Юзи қувончдан ёришиди.

– Бугуноқ ҳазратимнинг хузурига бориб, у зотни сиз келтирган хабардан огоҳ этаман. Албатта ўн дона «Град»нинг олиб ўтилиши ва синоларимизнинг қўлига топширилиши ҳеч қандай сўз билан изҳор қилиб бўлмайдиган ёрдам. Бу куроллар душманларимиз қў-

лига ўтган шаҳарларни, қишлоқларни қайтариб олишимида, муҳими, уларни тор-мор этишимизда қўл келади. Ҳазратим буни тушунади ва менинг Бўронни чақириб олиш тўғрисидаги таклифимни маъқуллайди деган умиддаман.

– Шоядки, бейимнинг арзимас ёрдами билан ҳазрат муродига етса, янги ҳокимият эгасини кутлаш бизларга насиб этса!

– Омин!

– Мустафобей, лагерда тартиб-интизом изга тушди, – дея давом этди Кашмирий бирдан бояги фикрларини ўзгартириб, – йигитларнинг қозони кунига уч маҳал қайнамоқда. Бу ҳам бўлса ҳазратимнинг уларга кўрсатаётган фамхўрлигидир.

– Баққолбейнинг бу мурувватдан боши осмонга етади.

Кашмирий ўрнидан турди ва Мустафонинг олдига келиб, унинг елкасига қўлини ташлади.

– Гапларингиздан Баққолбейнинг жуда олижаноб, бағрикент, саҳоватли инсон эканлигини пайқадим.

– Бейимга тўғри баҳо берганингиз ва у кишини тушунганингиз учун қуллук, – қўлини қўксига қўйиб миннатдорчилик изхор қилди Мустафо.

– Сизга айтадиган арзимас илтимосим бор...

– Кулоғим сизда...

– Хозир ҳазратимнинг қўли бир оз калтароқ бўлиб турибди, Баққолбейга тайинласангиз, йигитларнинг озиқ-овқати, кийим-кечагига андаккина елка қўйиб берсалар...

– Ёдимдан кўтарилибди, муҳтарам Кашмирий жаноблари. Бейим бу масалада мени огоҳ қилганди. Агар банкдаги ҳисоб рақамингизни берсангиз, у киши ойига уч юз минг доллардан маблағ жўннатиб туради.

– Олижаноб ва олиҳиммат бошлиғингиз билан аввалроқ танишмаганимдан жуда афсусдаман.

– Соф ният ва истаклар сизларни учраштиради деган умиддаман.

Мустафо ўрнидан турди.

– Баққолбейга менинг адоксиз оғалик саломимни етказинг! Ўн кун ичида Бўронни у кишининг ихтиёрига жўнатаман. Эртага лагерга одам юбориб, ишончли йигитлардан топаман. Йигирманчи куни одамларим Баққолбейнинг хизматида бўлишади.

Мустафо қўлини қўксига қўйди ва хонадан чиқиб кетди...

\* \* \*

Кашмирий Мулла Умарнинг хузурига бораркан, хаёлини «Град»ларнинг чегарадан олиб ўтилиши ҳазратни албатта қувонтиради ва аста-секин маълум бўлиб бораётган галабага яна умид уйғотади деган фикр банд этди.

– Ҳазратим, – ичкарига кириб келган Кашмирий Мулла Умарнинг ёнидаги курсига ўтирас экан, ўта муҳим янгилик олиб келганини нафақат сўзлари билан, балки ҳаракатлари билан ҳам маълум қилишга улгурди, – кенгашга туркиялик Баққол исмли одам раис этиб тайинланибди.

– Ўлаётган кенгашга-я?

– Энди у ўлмайди, балки жон таслим қилаётгандарни тирилтиради! Янги ишларга ундейди.

– Амирига нима бўлибди?

– Уйида жони узилибди.

– Ўлеми олдидан мендан олган қарзларини эсладимикин? Узолмай кетаётгандан қийналган бўлса ажаб эмас. Қиёмат куни ҳам ундан ҳақимни талаб қиласман.

– Карзингиз қиёмат кунига қолмайди. Амирий ўлгани билан бойликлари қўлимизда.

— Сенга ишонсам бүлади, — ҳазратнинг юзи майин табассумдан ёришди. — Баққол деганинг ким? Тагизамиинин суриштирдингми? Ўлигини менинг елжамга ташлаб олмайдими?

— Ўта бой-бадавлат одам. Пуллари банкларда бижиб ётибди. Лагердагиларнинг таъминотини зиммасига олмоқчи. Элчисининг гапига қараганда, сиз билан ҳамкорлик қилмоқчи!

— Уни бошимга ураманми? Менга пули керак, қурол зарур!

— Ҳазратим, Амирий ўлимидан сал олдин Баққолни чакириб, кенгашинг барча ҳужжатларини унинг қўлига топширибди. Буни қарангки, Баққол унинг жасади совимасдан бу ерга келиб, Башир билан учрашиб кетишга ҳам улгуребди.

— Бехабармидинг сен?

Умарнинг овозидан аччиқлангани сезилди.

— Кейинги пайтларда у мендан кўп нарсаларни бертишга одатланганини пайқаб қолдим, ҳазратим.

— Гапингни инкор этишга асосим йўқ. Унга ўқилган хукм адолатли хукм бўлди.

— Ҳақсиз, ҳазратим. Кеча менинг ҳузуримга Баққолнинг ёрдамчиси Мустафо келди.

— Кандай масалада гаплашдинг?

— Баққол сизга ўн дона «Град» совфа қилмоқчи бўлган экан. Ҳатто ўн миллион доллар маблағ ҳам ажратиб қўйибди. Баширнинг ўлимини эшитгандан кейин бу масалани ҳал қилиш мақсадида Мустафони олдимга жўнатибди.

— Пулни олиб келибдими? — шашқалоқлик билан сўради Умар.

— Тез кунлар ичида жўнатармиш.

— Нега Башир бу ҳақда менга айтмади?

— Бу хабар уни ўлимдан сақлаб қололмаслигига ақли етган ва ўзи билан дорилбақога олиб кетишни маъкул кўрган!

— «Град»лар ва пул эвазига Баққол биздан нима талаб қилмоқчи?

— Деярли ҳеч нарса. Шунчаки сизга тухфа қилиш нијатида!

— Бўлиши мумкин эмас! Бошимга мусибат тушиб, мағлубиятим қўзимга қўриниб турганда Баққолнинг «Град» тухфа қилиши соғлом ақлга сигмайди.

— Ҳазратим, ахир сизнинг ерингизда кенгашга қарашли икки-учта лагер бор. Баққол ўзининг бизга ноён бўлган максади йўлида лагердагилардан шу ернинг ўзида фойдаланишни режалаштирган бўлиши мумкин.

— Улар менга ортиқча юқ, Кашмирий. Уларни деб аллақанча маблағимни қўкка совурдим, душманим қўпайди. Эргаш нима қилиб берди бизга? Кутган ишларимнинг натижаси қўринмаяпти. Аксинча, мен шарманда бўлдим. Душманларимнинг Бадахшондан қочганилигидан қанчалар суйинган бўлсам, Мозори Шарифда саккиз кундан бери давом этажган жангда Дўстумнинг қўли баланд келиб, мағлубиятимизни тан олдириди.

— Шундай бўлса-да, узоқ давом этган жанглардан кейин Пули Хумри қўлимизга ўтди. Бу барчамизни қувонтирадиган хушхабар.

Мулла Умар бу сўзлардан фаши келгандек:

— Тоҳар вилояти, Ишкошим шаҳрининг бой берилиши-чи? Бир ғалабадан қувонсанг, ўн мағлубиятдан йиғлайсан! Душманларимиз 45 та синоларини йўқотган бўлса, биз ўн баробардан кўп одамимиздан айрилдик! Душманларим пойтахтга хужум уюштириш тарааддувида эканлигини сен мендан яширмагин. Ҳаммасини кўнглим сезиб турибди. Халил бошчилик гурух Кундуз шаҳри якинидаги Шибек Али шаҳрини биздан тортиб олиб, Шакардара шаҳри томон юриш бошламоқчи. Сен зудлик билан уларнинг йўлини тўсмас экансан, душманларимиз Шакардарани эгаллаб олиб, Кобулни ракеталардан ўқса тутишади. Уларни мағлуб этиш осон эмас,

биз қурол билан қаршилик күрсатибина қолмай, бу йўлда хийла ишлатмоғимиз ҳам лозим. Шу ҳафтанинг сесанбасида Исломободда бўлиб ўтадиган анжуманга ёрдамчиларимни жўнатиш фикридан воз кечдим.

– Биз анжуманда қатнашмаймизми, ҳазратим?

– Учрашув бизга ҳеч қандай наф келтирмайди. Мен фанимларим билан бир курси атрофида ўтириб, музоқара олиб бориш фикридан йироқман. Агар улар билан сулҳ тузадиган бўлсан, бу менинг шонли ғалабамга ишончсизлик! Мамлакат менини, уни қўлдан чикаришни мутлақо истамайман. Буни унутма! Одамларингта тайинла, БМТ томонидан мамлакат ичкарисига бир неча тонна озиқ-овқат, кийим-кечаклар киритилиши кўзда тутилмоқда. Бу юқ оддий одамларнинг кўлига етиб бормаслиги лозим. Умуман олганда, бундай ёрдам халқнинг қорнини тўйдирмайди, аксинча, онгини заҳарлади.

– Мингбошилар, юзбошиларнинг айримлари бизнинг ишончимизни қозонолмаяпти, ҳазратим.

– Бундай саркардаларнинг баҳридан ўтиш керак. Битта бўри мингта қўйни хайдайди, аммо мингта қўй битта бўрига бас келолмайди. Сен синолар ичидан ана шундай бўрисифат йигитларни топ!

Умарнинг тобора чукурлашиб бораётган сухбатига якун ясаш мақсадида Кашмирий аввалги мавзуга қайтди.

– Ҳазратим, ўзимизни тиклаб олишимиз, қўлдан кетган қишлоқ ва шаҳарларни душманларимиздан қайтариб олишимиз учун бизга аввало қурол-яроғ ҳаводек зарур. Қандай қилиб бўлмасин, Баққол билан алоқани мустахкамлаб, «Град»ларни ундириб олайлик. Бундай курол кўлимизда бўлса, фанимларимиз бошига кирон келтирамиз, уларни йўқ қилиб, тупроқ билан teng қилиб ташлаймиз. Қолаверса, Баққолнинг бойликлари беҳисоб. Биз унга фақат лагердагиларнинг эмас, бал-

ки ўзимизнинг синоларимизнинг таъминотини хам юклаб қўямиз.

– Таклифингда жон бор! Балки бизга бир миллард қарз бериб тураг?

– Йўлини топсак оламиз, ҳазратим. Бунинг учун ишончли одамимизни унинг ичига киритишимизга тўғри келади.

– Биз учун жонини тикадиган мард топиладими?

– Ҳар бир нарсанинг сопини ўзидан чиқариш керак, ҳазратим. Баққол кенгашнинг ягона аъзоси Бўронга қизиқиб қолибди. Уни туркнинг олдига жўнатсак фақат ютамиз.

– Бўрон топшириғимизни биз ўйлаган даражада бажармади.

– Зелимхон бизнинг ишончимизни оқламади, ҳазратим. У жўнатган одамимизни яқинига йўлатмади. Бу борада Бўронни айблаш ўринсиз!

– Зелимхон қарзларини ҳалигача тўламаяпти. Кочиб кетмасин деган хавотирдаман.

– Ер юзида нафас олиб турса, одамларим тутиб келади, ҳазратим.

– Унда Бўронни чақир, тезда етиб қелсин!

– Хўп бўлади, ҳазратим...

– У Баққол билан боғланиб, бизга ишончли маълумотларни етказиб туришига ишончинг комилми?

– Нафақат маълумот, балки мўмайгина даромад ҳам келтиради!

– Сенга ишонаман.

– Мирзааҳмаднинг тўдасида тожик йигитлар бор. Улардан ишончлиларини танлаб, Тожикистонга ташламоқчиман.

– Қандай вазифани адо этишади?

– Рус харбийлари орасидан ишончли одам топишади. Яширинча тил бириктириб, Бўрон келгунча ишни пишишиб қўйишиади.

– Бу ҳам Баққолдан чиққан таклифми?  
– Шундай, ҳазратим.  
– Демак, барча ишни биз бажаришимиз керак экан-да.  
– Тизгин унинг қўлида. Пули бор. Ишимиз битгунча унинг таклифларини ҳисобга олишга мажбурмиз, ҳазратим.

– Лагерга одам жўнат, йигитлардан икки-учтасини олиб келиб синаб кўр. Ишончимизни қозонишларига ақлинг етса Тожикистонга жўнат. Кулокларига қўйиб кўй, зинхор-базинхор Афғонистондан ўтишганини айтишмасин. Изларидан одамларингни сол. Қайси бири гуллайдиган бўлса, ўша жойнинг ўзида баҳридан ўтсин.

– Тушундим, ҳазратим.

– Бўрон қайтиб келганда миясига жойла: бизга қуролдан ташқари пул ҳам зарур. Баққол одамларини ҳеч қаёққа олиб кетолмайди. Шундай бўлгач, бизга ер ҳақи тўлашга мажбур. Ҳақ тўламаса, одамлари омборларимизда сақланаётган афюнларни шерикликка Европа бозорларига олиб чиқиб сотсин.

– Яхши фикр, ҳазратим. Албатта Бўрон таклифларингизни Баққолга етказади.

Мулла Умар жим қолди. Одатда у чуқур ўйга толганда кўзини бир нуктага жамлаб жим коларди. Бундай пайтда хаёлини ҳеч ким бўлолмасдики, Кашмирий нафасини ичига ютиб турди. Нихоят Мулла Умар бошини қўтарди.

– Лагердаги аҳвол қандай? Эргашнинг одамлари лашкарбошини яхши қабул килишдими?

– Ҳозирча ҳаммаси биз режалаштиргандек кетяпти, ҳазратим. Ёнидаги барча пулларига озиқ-овқат, кийим-кечак харид килди. Ёмон кутиб олишмасин деб одам бошига минг доллардан улашиди.

– Ақлсиз бола, чұнтағи қуриган бүлса әртага қайдан пул топиб йигитларини боқади?

– Бу лагерга кириб олиш ва үзини яхши күрсатишининг ягона йүли әди, ҳазратим...

– Одамларини боқадиган менинг ортиқча маблагим қолмади. Үзи топсин...

Мулла Умарнинг бу сұzlари Кашмирийга оғир ботди. Баққолнинг ойига уч юз минг доллар жүнатиб туришини яширганидан афсусланди ва сирни очишга мажбур бўлди.

– Баккол лагердагиларнинг таъминоти учун ойига уч юз минг доллар ташлайдиган бўлди! – деди худди бирор тишини суфураётгандек инқиллаб.

– Дуруст! Лекин пулнинг ҳаммасини ишлатиб юборма. Эллик минг ажратсанг бўлади, қолганини менга келтириб бер!

Кашмирий суюксиз тилини тишлаб, ҳазратнинг хонасини тарқ этди.

## САМАНГАН

Сабинанинг кайтмаётганидан хавотирга туша бошлиған Махмудов застава бошлиғига қўнғироқ қилди.

– Икки кун олдин уни чегарада кутиб олишимиз керак әди. Одамларимиз ҳали ҳам ўша ерда. Қиздан дарак бўлмаяпти, – деди застава бошлиғи.

Полковникнинг юраги хавотирдан увишиб кетди. Миясига нохуш ўйлар келди. Дала-даштларда қашқирларга ем бўлиб кетмадими? Толибонлар ушлаб олишдими, ўйлдан адашдими? Қизнинг қаердагини ва унга нима бўлганини аниқлаш зарур әди. Топшириқни бажаролмаганда қайтиб келарди.

Аввал айтиб ўтганимиздек, лагерь атрофида полковникнинг Faфурдан ўзга одами йўқ әди. Бирок

Сабинанинг қисмати ҳақида унга айтиш мумкинми? Ҳозирча ишончига кирмаган, сирни фош қилиб қўй-масмикин? Сабинанинг ортида бола ва Бўрон турибди. Уларга хавф тугилгудек бўлса, раҳбарлар уни ҳеч қачон кечиришмайди. Узоқ мулоҳазадан кейин Маҳмудов қўлига телефонни олди.

- Салом, Faфур!
- Салом!
- Мени әшитаяпсизми?
- Эшитяпман!

Полковник даб-дурустдан Сабина ҳақида гапиришини истамади. Faфурнинг кайфиятини билиш мақсадиди ўтган сафар чала қолган сухбатни давом эттирди.

- Қодир ҳақидаги сухбатимиз жавобсиз қолганди.
- Кечиринг, ўша куни батарея ўтириб қолганди.
- Алоқа воситаларини олдингизми?
- Ҳаммаси учун раҳмат.
- Қодир ҳақида биланганларингизни айтиб берсангиз.
- У Қандаҳор яқинида ҳалок бўлган.
- Демак, сиз унинг ўлимини тасдиқлайсиз, шундайми?
- Ўша кунги отишма чоғида мен қаттиқ яралангандим. Касалхонада ўзимга келганимда унинг минани босиб олганини айтишди.
- Яқинда унинг сурати бизга келиб тушди. Дўстингизнинг вафот этганига шубҳамиз бор.
- Сурат қалбаки эмасми?
- Экспертиза унинг сохта эмаслиги тўғрисида ху-лоса берган.
- Сурат қачон олинган!
- Бундан бир йил муқаддам.
- Демак, у тирик.
- Биз шундай фикрдамиз. Аммо мудофаа вазирлиги томонидан олинган маълумотномада ва коман-

дири Кузъмичевнинг берган кўрсатмасида Кодирнинг ўлганлиги маълум қилинганди.

- Суратини менга жўнатиб юборишингиз мумкинми?
- Ҳаракат қиласман.
- Раҳмат!

Faфур полковникнинг ишончини қозонганидан ва Ватанига нафи тегиши мумкин бўлганидан мамнун эди.

Ўз навбатида Маҳмудов ҳам ўртада бўлиб ўтган мулоқотдан Faтурга ишониш мумкинлигини тушунди. Мақсадини айтди.

- Faфур, мени эшитяпсизми?
- Кулогим сизда!
- Муҳим топшириқ бор!
- Хизматингиздаман!
- Бир аёл ходимамиз лагерь атрофидаги қишлоқлардан бирида фойиб бўлган... Уни тўрт кун бурун йўқотиб қўйдик.
- Кўлида боласи бормиди?
- Faфур, айтинг, қаерда у ҳозир?
- Кечакунда лашкарбошининг одамлари она-болани қишлоқдан чиқаверишда тутиб, лагерга олиб келишиди.
- Боласи тирикми?
- Мирзаахмад аёлни никоҳига олмоқчи, у эса қаршилик кўрсатмоқда. Одамларимнинг хабарига қарангандан, лашкарбоши «Қаршилик кўрсатсанг, болангнинг гўштини қозонга солиб қовураман» деб пўписа қилган.

Маҳмудовнинг мияси мих санчилгандек зиркираб оғриди. Мирзаахмад қизни никоҳига олишига йўл қўймаслик керак. У ҳали турмуш қурмаган. «Бола меники, эrim бор» деб тўдабошини ишонтирган бўлса, сўзлари ёлғон бўлиб чиқади. Шубҳаланиб, қийноққа солиб болани қаердан олганини, кимнинг фарзанди эканининг тагига етмагунча қўймайди. Шотирларини

қишлоққа чиқаради. Улар уйма-уй кириб, кимнинг боласи йўқолганини суриштиришади. Ва ниҳоят бола Валийнинг уйидан олиб кетилгани аён бўлади. Тоғаси болани «Синглимнинг фарзанди эди, у вафот этган» дейди. «Отаси ким» деб сўроқни давом эттиришади. «Бўрон» дейди тоғаси. Бу ном лагердагиларнинг барчасига таниш. Демак, Бўроннинг фарзанди. Уни ўғирлаш нега керак бўлиб колди? Лашкарлар қизни баттар азоблашади. «Кимсан? Қаёқдан келгансан? Нега ўғирладинг, қаёққа олиб кетаётгандинг?» Қиз азобларга чидамайди. Оқибат оғзидан гуллайди. Бўрон фош бўлади. Йўқ, бунга йўл қўйиб бўлмайди.

Махмудовнинг олдида иккита йўл турарди. Иккиси ҳам хатарли эди. Ҳозирча биринчисини қўллашга жазм қилди.

– Сиз уларнинг ҳаётини сақлаб қолишингиз керак,  
– ниҳоят тилга кирди полковник бир оз жимликдан кейин. – Аввало, иккисини олиб қочишинг иложини топинг! Ҳеч бўлмаганда болани.

– Кизни-чи? Уни ўғирлашнинг иложи бўлмаса нима қилиш керак? Менимча, уни лагерда ёлғиз қолдириб бўлмайди.

– Ўринли таклиф! – Сабинани қуткаришнинг иложи бўлмаса, уни ўша ернинг ўзидаёқ йўқотиш керак. Бу энг охирги чора. Бошқа иложимиз йўқ. Тирик қолса, жангарилар уни ўлимдан баттар азоблашади.

– Одамларим билан маслаҳатлашиб кўраман.

– Фақат тезроқ!

– Ҳаммаси шароитга боғлик.

– Сиз билан қачон боғланай?

– Яхшиси ўзим қўнфириқ қиласман!

Фафур Дилмуроднинг келишини кутганди. Учрашишганда шу ҳақда гап очди.

– Муҳим топшириқ чиқиб колди, биродар.

– Қандай топшириқ экан?

- Ўғирлик қўлингдан келадими?
  - Худодан қўрқаман, ака.
  - Яхшилик йўлида қилсанг, Худонинг қахри келмайди!
  - Ҳазиллашмаяпсизми?
  - Она-болани ўғирлаш керак.  
Дилмурод бошини чайқади.
  - Оғир топшириқ, ўлим билан teng.
  - Йўлини топ, фақат оғзингдан гуллай кўрма.
  - Ваъда беролмайман, аммо ҳаракат қилиб кўраман.
  - Хеч бўлмаса болани олиб қочиш керак.
  - Нима қилмоқчисиз уни?
- Faфур яшириб ўтиришни хоҳламади:
- Сен билан мени ҳимоя қиласидиган одамларга керак!
- Дилмурод Faфурни ҳукумат одами эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилди.
- Яхши, уриниб кўраман... Бугун Мирзааҳмаднинг туғилган куни. Кечки пайт лагерда базм бўлади. Шундан фойдаланишимиз мумкин.
  - Бу яхшигина имконият. Агар тунда болани ўғирлайдиган бўлсанг, ўзим лагерга яқин жойга бориб турман.
  - Унда мени жар ичида кутинг!
- Дилмурод ўрнидан турди. Унинг кетадиган вақти бўлганди.
- Дилмурод лагерга келганда қоронги тушганди. Иккита қозонда овқат қайнарди. Жангариларнинг бари ароқ ва нашага тўйган. Тўп-тўп бўлиб қимор ўйнашарди. У Соли паранг билан Сабина лашкарбoshининг кулбасига кириб кетаётганини кузатиб турди. Боласи йўқ, қайди қолди экан? Уларни лагерга Соли паранг олиб келган. Ҳозир ҳам Мирзааҳмаднинг хонасига ўзи бошлиб кетмоқда. Бола унинг чодирида қолган бўлиши мумкин.

Дилмурод чодир ортига ўтди. Ўтган куни ёқсан ёмғирдан ер зах тортганди. Чодирнинг пастки қисми кўтариб қўйилганди. Дилмурод энкайиб ичкарига кирди. Ҳеч ким йўқ, нимқоронги. У каравотлар устини қараб чиқди. Ўртадаги каравотда тўрт ёшлардаги бола ухлаб ётарди. «Хозир уни олиб чиқиб кетиб бўлмайди» ўйлади Дилмурод, «Бир оз кутиш керак». У чўнтағидан эзилган кўкнори олди. Рўмолчасига туғиб болага сўрдирди. Кўкнори уни қаттикроқ ухлатарди. Лашкарбошининг кулбаси атрофида жангарилар кимор ўйнашарди. Шу пайт ичкаридан Соли паранг чиқди, Сабина лашкарбошининг олдида қолганди...

Кўп ўтмай қуёш сўнди, қоронги тушди. Моматалоқ тусига кирган фарб осмонида булувлар қуюқлашди. Овқат тарқатилди. Яна ичкилик бошланди. Айримлар маст-аласт бўлиб, ухлаб колди. Болани ўғирлаш пайти келганди. Сабина ҳали ҳам ичкарида эди. Лашкарбошининг кулбасидаги чироқ ўчмаганди. Дилмурод чодирга эмаклаб кирди. Бола жойида тинчгина ухлаб ётарди. Дилмурод уни кўтариб, орқасига қайтди. Бирор кўрмади, пайқамади. У жарлик томон тушиб кетди. Тун қоронгиликка бурканганди. Табиатнинг бу мўъжизаси бола кўтарган Дилмуродни атрофдагиларнинг қўзидан яширди. У қадамини илдамлатиб бораарди. Бир оз юргандан кейин Fafurga рўпара келди. Болани унинг қўлига топширди.

- Онасини ўғирлашнинг иложи бўлмади.
- Онаси қаерда?
- У Мирзаахмаднинг хонасига кириб кетганича қайтиб чиқмади, – деди.
- Эртага кўришайлик сен билан!
- Ака, кечки пайт боролмайман, тунда кутинг мени!
- Телефон ишлатишни биласанми?
- Биламан!

Фафур ёнидан ўзининг телефонини олиб  
Дилмуродга узатди.

– Зарур гап чиқиб қолса, бир соатдан кейин қўнғи-  
роқ қиласан.

Фафур болани олиб, жар ичидан чопқиллаб кетди.  
Дилмурод лагерга қайтди. Соли паранг қимор ўйнаёт-  
ган даврага ўзини урди.

– Ўн доллар тикдим! – деди овозини кўтариб.

Соли паранг иккиланиб ошиқларни отди. Чув туш-  
ди. Ҳамма кулиб юборди...

## ЖАЛОЛОБОД

Бадани ёрилиб, кўкариб моматалоқ бўлиб кетган  
йигитлар эртаси куни тонгда ҳушларига келишди.  
Улуғбек ўзини қўлга олмай иложи йўқ эди. Ахир  
бу хатарли жойдан, қонхўрлар чангалидан тезроқ  
чиқиш ва юрга қочиши керак эди. Рамақижон ва ка-  
раҳт танасини харакатга келтириш азоби азим бўлди.  
Ўлмай қолганига шукур килди. Ахир шериги икки-  
сини тўнка устига ётқизиб, қон-қақшатиб калтак-  
лашмадими? Жони чиқмаган экан, ҳаракат қилиши,  
тезроқ бу ердан қочиши керак. Қўл-оёғи бутун бўлса  
бас. Баданидаги оғриқларга чидайди. У бир амаллаб  
судралиб, дераза олдига келди. Панжарали дераза-  
дан қўёш ичкарига нур тўшаб, хонани ёритиб туар-  
ди. Улуғбек ўрнидан туришга ҳаракат қилди, бирок  
баданидаги оғриқлар қўзғалишга имкон бермади. У  
қайтиб ерга чўзилди. Томоги қақраб қолганди. Сув  
ичгиси ва айни пайтда қусгиси келарди. Хона ичини  
кўзлари билан тафтиш қилди. Ташландиқ жой. Бир  
пайлар отхона бўлганга ўхшарди, тезак ҳиди анқир-  
ди. Жавлон ундан нарироқда ўликдек чўзилиб ётар-  
ди. Юзлари қонга бўялган, таниб бўлмасди. Яланғоч  
танаси қонталаш бўлиб кетганди. Яралардан сизиб

чиққан қон қорайиб қотиб қолган, пашшалар ўтиради унга. Улугбек яна ўрнидан туришга, дераза олдига бориб, ташқарига қарашга ҳаракат қилди. У қочишни ўйларди. Эмаклаб деразага яқинлашди, оғриқ хуруж қилди. Йигит инграб лабини тишлади. «Бари бир туришим керак» деди ўзига-ўзи. Кўллари билан деворга тираниб, аранг оёққа турди. Ташқариди тирик жон кўринмасди. Лекин аллақаердан одамларнинг овози қулогига элас-элас чалинди. Йигит оёқда туролмади, ерга йиқилди. Бу орада Жавлон ўзига келиб, кўзларини очганди...

– Кочамиз... – шивирлади Улугбек ўртоғига қараб.  
Жавлон гапиролмади.

Ташқариди кимнингдир қадам товушлари эшитилди. У шу томон келарди. Улугбек кўзларини эшикка тикди. Темир эшикнинг қулфлари шарақлаб очилди. Ичкарига башарасини одам кўрса сесканиб кетадиган барзангига кириб келди.

– Ўрнингдан тур! – Улугбекка кўзи тушган соқчи пойгакда туриб шундай буйруқ берди.

Йигит унинг сўзига аҳамият бермади. Кўзларини барзангига тикканча тураверди.

– Ўрнингдан тур дедим сенга! – бақирди соқчи. Овозидан жаҳли чиққани билиниб турарди. – Йўқса, абжаингни чиқариб қўяман!

Улугбек қўлини ерга тираб, вужудида уйғонган оғриқлардан дод солиб юбормаслик мақсадида тишини тишига босиб зўрга оёққа турди, безгак тутгандек қалтиради. Жавлон эса қимир этмасди.

– Шеригингни уйғот! – амр қилди соқчи.

Улугбек ўртоғининг қўлтиғига кириб, бир амаллаб уни турғазди.

– Ортимдан юринглар!

Соқчи ташқарига йўналди. Улугбек шеригини судраб, унинг ортидан эргашди. Ташқарига чиқишганда

илгади: бу ерда одамлар анчагина эди. Ҳамма нигоҳиди тутқунларга қадади. Қўллари билан уларни кўрсашиб қотиб-қотиб кулишди, масхаралашди, муштларини туғиб ҳақоратлашди. Соқчи йигитларни қарши томондаги бинога олиб кирди. Ичкарида майдада-майдада хоналар кўп эди. Эшиклари пастак эди. Худди мадрасага ўхшарди. Орқама-кетин ичкарига киришди. Тўрда оппоқ соқоли кўксини қоплаган, қўлига тасбех тутган Бурхониддин ўтиради.

– Бу қадар азоб-уқубат чекиш не даркор эди, сенларга? «Бошимга бало келса тилимданур» деган экан машойихлар.

– Бурхониддин бу сўзларни паст оҳангда, меҳрибонлик билан айтган бўлса-да, ичидаги нафрат хамда фазабнинг нафаси сезилиб туради.

– Тилга хушёр бўлиш керак, аммо соғликка озор етказиб эмас. Ҳали ҳам юртларингга қайтиш имкониятини бераман. Бунинг учун кичкинагина топшириғимни адо этсаларинг бас.

– Қандай топшириқ? – бошини кўтариб сўради Улурбек. Унинг кўзлари она юрганига қайтиш истагида ёнарди.

– Баракалла, энди эсинг кириб қолган кўринади, бўтам. Сендан шундай жавобни кутгандим.

– Топшириғингизни айтинг?

– Шошилма, бўтам. Биламан, йигитларим мендан беизн сизларнинг жонларингга озор етказибди. Бизда тартиб шундай. Аввал яхши гап билан тушунтирилади, тушунган, йўлимизга юрган одамнинг боши силанади, тушунмаганларга ҳар хил усуллар билан тушунтирилади. Алалхусус, англайиш кўрсатмаганлар ўз тиллари билан бурунларини конатишади...

– Топшириғингизни айтинг, – шошқалоқлик билан деди Улурбек.

Елкасига суюниб турган Жавлон тинимсиз безовтала нарди. Қўллари билан кўкрагини мижғилаб инграради.

Танаси зирқираб оғрир, ичи ағдарилиб, чидаб бўлмас азоб берарди. Ҳаво етишмаётгандек бўғиларди. У ўқчиб кусиб юборди. Ичидан сариқ суюқлик аралаш қон тушди. Танасини тутиб туролмай ўртоғининг оёғи остига йикилди. Улугбек қўркиб кетди.

— Хавотир олма, — деди Бурҳониддин унга юзланиб. — Хозир ўтиб кетади. Мен табибларга айтаман, шеригингни даволашади.

Бурҳониддин соқчига ишора қилди. У Жавлонни кўтариб хонадан олиб чиқиб кетди.

— Менга руҳсат беринг, ўртоғимнинг олдида бўлай, — ялинди Улугбек.

— Уни узоққа олиб кетишмайди. Шу ерда қарашади.

— У қон қусди, ичидаги аъзолардан бирортаси жароҳатлангандир. Ўлиб қолса, ота-онасиға нима дейман? Улар болаларини менга ишониб топширишган. Мен ҳар кандай топшириғингизни бажараман, аммо ҳозир эмас, бориб ўртоғимнинг ёнида турай...

Бурҳониддиннинг юзи хаёлига келган фикрдан ёришиди.

— Дўстингга содиқ экансан, бўтам. Одам шундай бўлиши керак. Айтганингдек, унинг дарди оғир. Олдида бўлишинг, ёрдам беришинг зарур. Менинг айтганларимни бажарсанг, сокчиларим ҳозирок унинг олдига олиб боришади...

— Нима дейсиз, нима талаб қиласиз мендан? Истагингизни айтинг! — Улугбекнинг танасидаги оғриқдан вужудитузсепгандек ачишарди. Кўзларидан окиб тушаётган лойка ёшлар ёнокларини нам килганди. Кархисида тиржайиб турган Бурҳониддиннинг афти каби совуқ гапларидан нафратланиб, ичи ёнарди. Қария йигитга ўз таъсирини ўтказа олганидан фурурланиб бошини бир оз кўтарди, қисилган қув кўзларини типирчилаётган йигитдан узмай турар экан, қўнглидан шундай сўзлар кечди. «Сакраб-сакраб

жойингга тушдингми? Мени ким деб ўйлагандинг, сендеқ ўзига бино қўйган, кеккайган тирранчалардан кўпининг белини букиб, измимга солғанман. Менинг олдимда ким бўлибсан?! Кечаги мафурурликларинг қаерда қолди? Калтакка чидамай, сўрайдиганингизни сўранг деб қулдек букилиб турибсан. Ҳап сенларни, шошмай турларинг, ўйлаган режамни амалга оширай, кейин маймундек ўйнатаман».

— Аччиқланма, бўтам, сендан кўп нарса талаб қилмайман. Фақат битта талабим бор. Шуни бажарсанг, ўртоғингнинг олдига боришинг мумкин. Қолаверса, унинг ҳаётини сақлаб қолиш сен берадиган жавобга кўп жиҳатдан боғлиқ! Буни унутма, бўтам.

— Айта қолсангиз-чи? — бетоқатланди Улугбек.

Ташқарида яна ўқчиган овоз келди.

Бурхониддин негадир ўша гапни айтишга шошилмас, хонада бемақсад юрар, қўллари билан соқолини тараарди. Киёфасидан чукур ўйга толган одамга ўхшарди гўё. У йигитнинг олдига яқинлашди. Унинг ич-ичига ботган, қайғу чўмган кўзларига тикилди. Бу кўзларда ўта кучли нафратни илғади.

— Бир соатдан кейин бу ерга хорижлик мухбирлар келишади, — деди паст овозда. — Улар сизлар билан сухбатлашади. Афсуски, шеригингнинг мазаси қочди. Унинг ўрнига ҳам ўзинг гапирасан.

— Нима дейишим керак?

— Уларнинг қандай савол бериши менга ноаён. Аммо сенинг жавобинг ҳозироқ менга маълум бўлиши керак. Айтайлик, мухбирлар сендан «Кимсан, қаердан келдинг» деб сўрашлари мумкин. Шунда сен: «Биз Ўзбекистондан ўтдик» деб дадил жавоб қайтаришинг лозим. Яна бошқа савол беришади: «Нима мақсадда келдиларинг?» Жавобинг эса «Максадимиз — толибон биродарларимизни қўллаб-қувватлаш ҳамда Мулла Умар ҳазратларининг синолари сафида

туриб, унинг душманларига қарши курашиш» бўлиши керак. «Бу бизларнинг толибонларга дўстлигимиз, биродарлигимиз рамзиdir» деб қўшиб қўясан. Колган жавоблар ҳам айнан шу мазмунда кетиши керак. Гапимни фаҳмладингми?

Улуубек Бурхониддиннинг мақсадини тушунди. Бирок ҳозир унинг башарасига тупуриб юборолмаганидек, сўзларига ҳам қарши фикр билдиrolмасди. Жавлон бетоб, қон қусмоқда. Ҳаётини сақлаб қолиш учун рози бўлишдан ўзга чора йўқ.

– Бор гапингиз шуми? – деди йигит Бурхониддинга умид ила боқиб.

– Бундан ортиқ нарса талаб қилмайман сендан, бўтам, – ошкора кулди қария.

– Унда хотиржам бўлинг, ўша муҳбирларингиз албатта сиз кутган жавобни олишади мендан!

– Баракалла, бўтам, отангга раҳмат. Бизнинг шартимиизга кўнар экансан, шунча зулмни тилаб олишингга не ҳожат эди! Ҳа, яна бир гап, бўтам, ҳозир одамларим сени ювинтириб, устингга янги уст-бош, қурол-яроf беришади. Кийиниб оласан. Баданингдаги жароҳатлар, юзингдаги камчи излари каердан пайдо бўлиб колганини сўрайдиган бўлишса, «Душманларимиз қўлига асир тушгандик, улар бизни калтаклашди, итдек азоблашди, Бурхониддин оғанинг йигитлари уларнинг зиндонидан кутқариб келишди» деб айтасан. Унутма, душманларимиз ўта bemexhr, одамнинг қонини ичадиган қонхўрлар эканлигига алоҳида урғу бериб ўт. Гапларимни фаҳмлайдингми, бўтам?

– Айтинг, ҳозироқ мени ўртоғимнинг олдига олиб боришисин.

– Албатта унинг олдига олиб боришади, аввал ювиниб, кийиниб ол, бўтам!

Бурхониддин насиҳатини тугатиб, хонани тарк этди. Ичкарига кирган бояги соқчи «Ортимдан

юр» деб Улугбекни бошқа хонага олиб кирди. Таҳоратхонада ювинтириб, кийинтиришди. Қўлига автомат тутқазиши. «Агар Жавлонга бирор нарса бўлса, ҳаммангни отиб ташлайман» деб дилидан ўтказди Улугбек. Бироқ ўқдонлар бўшлигини билгач баттар тутокди.

Ташқарига чиқишганда ҳовлида ўн беш чоғли диктофон ва фотоаппарат илиб олган ажнабий мухбирлар туришарди. Улар Улугбекка қўзларитушишибиланок типирчилаб қолиши. Фотоаппаратларини қўлларига олиши. Уларнинг олдида гердайиб Бурхониддин турарди. Башараси кулиб турса-да, ичидан зил кетаётганини, нимадандир хавфсираётганини қўзлари фош қилиб турарди. Мухбирлар ҳозиргина қон қусаётган Жавлон ётган хонадан чиқишганини Улугбек билмасди. Уни шаҳардаги касалхонага олиб кетишиган деб хаёл қиласди. Аслида Бурхониддин ерга ётқизиб қўйилган Жавлоннинг олдига олиб кирганди. Уни аянчли ахволда кўрсатганди.

— Бу биродаримиз ҳам Ўзбекистондан. Бизга, Мулла Умар Ҳазратларига холисанлиллоҳ ёрдам бериш максадида жиходга ўз хоҳиши билан келган. Ганимларимиз тутиб олиб, шафқатсизларча калтаклаб мана ўндаи ахволга солиб қўйишган. Одамларимиз уларнинг қўлидан базўр кутқариб қолиши. Беш нафар ҳамюртини эса ганимларимиз отиб ташлаши. Бу уларнинг Аллоҳнинг бандасига нисбатан беражмлиги, шафқатсизлиги эмасми? Ўқ довулига тутилганлардан бири мўъжиза билан тирик қолиби. Ҳозир уни сизларга кўрсатаман. Ўзларинг гаплашасизлар, — деб мухбирларга баёнот берганди. Мухбирлар эс-хушидан айрилган Жавлонни ҳар томондан суратга тушириши. Ёрилиб кетган яраларини қўриб ачиниши. Уни гапга солиши. Бироқ хаста жавоб қайтаришга тили айланмади.

Эгнига янги кийим кийган, елкасига автомат осган Улугбек ичкаридан чиқиб келди. Дабдала бўлган қонли қўйлагини ечиб, баданани ювишганди. Бирок баданидаги калтак изларини, шишиб қўкариб кетган юзидаги қонталаш доғларни йўқотишолмаганди. Оғриқлар уни холдан тойдирганди. Юришда қийинчилик туғдирарди. Ювинганда ўша мудроқ яралар уйғониб, чида бўлмас оғриқлар хуружи бошланганди. Йигит тишини тишига босиб ичкаридан чиқиб келар экан, одамларнинг қиёфасидаги ачиниш ва раҳм-шафқат белгиларини юраги билан ҳис этди. Йифилганлар хаёлида «Одам боласини ким бундай қўйга солди? Наҳотки золимда раҳм-шафқат бўлмаса? У инсон эмас, уни она туғмаган. Шафқатсиз йиртқичгина инсон боласини шундай жазолаши мумкин» қабилидаги фикрлар айланаштириб туради. Мухбирларнинг юракларида бундай раҳм-шафқат туйгулари уйғонганини уларнинг қўзларидан билса бўларди. Айримлар тоқат қилолмай «Оҳ» деб инграб юборишиди. Кўзларida ёш ҳалқалангандар бўлди.

– Бу йигит ҳам ўзбеклардан, – дея таништира бошлади Бурхониддин Улугбекка ишора қилиб. – Бу бечорани ҳам калтаклашган, азоблашган, ҳурлашган, камситишган. Расмга олинглар, дунё аҳли душманларимиз одам боласини қанчалар қийнашаётганини кўрсин! Мусулмон ўз диндош биродарини шундай жазолаши мумкинми? Қани уларда раҳм-шафқат, қани меҳр-муҳаббат?! Улар одам қиёфасидаги йиртқич ҳайвонлар! Сизлар газеталарда, радио ва телевизорларда дунё аҳлига жар солиб, душманларимизни шарманда килинглар!

Бу сўзлар Улугбекнинг қулоқларига жуда ҳам олисдан келаётгандек эштиilarди. Унинг оғриқдан зирқираб, карахт бўлган миясига кутилмаган фикрлар ёпирилиб кела бошлади. Кўзлари ярқ этиб очилди.

«Хозир «Бу юрга жиҳодда катнашиш учун келдим» десам, мухбирлар афт-ангоримни кўриб толибонларга меҳрлари ийиб, мени калтаклаган «ғаним»ларга нисбатан олам аҳлининг қалбида битмас туганмас нафрат уйғотади. Ахир менинг сўзларимни миллионлаб одамлар эшитади, миллионлаб одамлар ўқийди. Мен ҳақиқат учун туғилганман. Озод юртнинг ҳур фарзандиман. Юрагим инсониятга меҳр-муҳаббат билан тепмоқда. Адолатнинг юзига тик боқмаслик, ўлимдан қўрқиб миллат ва эл шаънини ерга уриш, Ватанни сотиш кўрнамакнинг иши. Майли, одам башарасидаги шу йиртқичлар қўлида ўлай, жисмимни пора-пора қилиб ташлашсин, майли, Жавлонни ҳам ўлдиришсин, аммо бизнинг қонимиз билан ҳақиқатни, адолатни синдиришга, бўғишга, сотишга йўл қўймайман. Бизнинг қонимиз хурлик учун, озодлик учун, мустақиллик учун, тинчлик ва барқарорлик учун тўқилиши керак».

Хаёлидан шундай ўйларни ўтказаётган Улуғбек мухбирларга анча яқин келиб қолди. Кўзи тасбех айлантираётган Бурхониддинда тўхтади. У йигитга жилмайиб боқиб турарди. Нарироқда автомат тутган соқчилар саф тортганди. Улар мухбирларни қўриқлаб келган бўлса керак, кўзлари аланг-жаланг. Улуғбек Бурхониддинга яқинлашганда тўхтади.

– Берироқ кел, бўтам! – меҳрибонлик билан қошига чорлади Бурхониддин.

Улуғбек яна икки қадам босди.

– Булар хориждан келган мухбирлар, – деди у атрофдагиларга ишора қилиб. – Дўстумнинг одамлари сизларни тутиб, қандай азоблашганини буларга сўзлаб бер, бўтам. Сени эшитиш учун атайлаб узок йўл босиб шу ерга келишган.

Таржимон унинг сўзларини инглиз тилига ўгирди. Шундан кейин мухбирлар фотоаппаратларини, каме-

раю диктофонларини ишга солишиди, ҳар томондан бечораҳол йигитни суратга тушириши. Савол-жавоб бошланди.

– Эштишимизга қараганда, сиз ўзбекистонлик экансиз. Бу мамлакатга қандай мақсадда ўтдингиз?

– Толибонлар тарафида қанчадан бўён жанг қиласиз?

– Толибонлар сафида ўзбекистонлик жиҳодчилар кўпми?

– Эштишимизча, толибонларга қарши курашаётган кучлар сизларни асирга олиб, ёвузларча жазолашибди. Шу тўғрими?

Таржимон уларнинг саволларини ўзбек тилига ўғирди. Барчанинг қўзи Улуубекнинг оғзига қадалганди. Яқиндагина кийган қўйлаги баданидаги яралардан чиккаётган кондан кизил ранга бўялиб борарди. Моматалоқ бўлган жойлар кўриниб турарди. Шундай бўлса-да, қаддини баланд тутиб, кўкрагини кериб турарди. Бу мағрурлик фақат адолат ва ҳақиқат ҳимоячисига хамда ўз ватанини жонидан ортиқ севадиган одамгагина хос эди.

– Мен ўзбекистон фарзандиман! Ўзбек халқи тинчлик ва омонлик истайди! Ягона орзуси ободлик, халқлар фаровонлиги бўлган Юртбошиси билан фурурланадиган элнинг ўғлимани. Хозиргина сизлар беҳушхолатдакўрган, баданикалтаклар зарбиданёрилиб кетган йигит менинг ўртоғим. Иккимиз Дубайдаги савдоғарлик қилаётгандик. Бурхониддиннинг одамлари хамёнимиздаги пулларни ўғриларга олдириб, Покистондан арzon нарҳда мато топиб бераман деб шу ерга алдов йўли билан олиб келди.

Бурхониддин жаноблари Ватанимизга қайтишимиз учун «Биз толибон биродарларимизга мадад бергани ўз хоҳишими билан келдик, уларга қўшилиб жиҳод жангига кирамиз» деб сизларга баёнот беришга мажбурлади. Кўлимизга қурол тутқазиб, «Урушда

халок бүлсанг шаҳид кетасан» деб жангга солмоқчи бўлди. Айтинг, Ватанига, ўз халқига, ота-онасига қўл кўтариш, халқ меҳнати билан бунёд этилган биноларни вайрон қилиш, уни тараққиёт йўлидан қайтаришга уриниш жиҳодми? Ватанидан тонган, унга қарши жанг қилган, қархисидан чиққан инсонни ўққа тутган, қон тўккан одам шаҳид кетадими? Бундан кўра кўксимни поралаб, истаганча қийнаб, ўлимга маҳкум этишгани ёки бирйўла бошимни кесиб ташлаганлари юз чандон афзал! Бу ёвуз кимсалар бу билан энг муқаддас нарса – инсоннинг инсонийлик моҳиятига ҳам чанг солмоқдалар.

Сиз худонинг қутлуғ номини тилга олиб уруш қилаётгандарга – мана бу кимсаларга ишонманг. Динимиз қон тўкишни ман этади... Пайғамбаримизнинг муборак ҳадисларидан бирида «Қайсики мўмин иккинчи мўмин биродарига тиф кўтарса, токи у тифини туширмагунча имондан чиқади» дейилади. Аллоҳ ўзининг муборак қаломида бандаларини бир-бирларига тажковуз қилмасликка, зулм ўтказмасликка, зўравонлик ишлатмасликка чақиради, одамларни меҳр-муҳаббатли бўлишга даъват этади. Дин – тинчликдир, дин – омонликдир...

Нега одамлар бир-бирлари билан урушадилар, қон тўқадилар, кўз ёшлигини дарё қилиб оқизадилар, ўзларини хақ, ўзгаларни ноҳақ ҳисоблайдилар? Қани бу ерда ҳақиқат? Ким ўша ҳақиқатни топиб беради? Уруш барчамизнинг жонимизга тегди. Тинкамиз қуриди. Оналар ноласи, оталар зори, етимлар фифони Ер куррасини тутиб кетди-ку, ахир! Икки хонадоннинг бирида аза, мотам. Пороҳ исига тўйинган мана шу осмон тагида, ер юзига мўл-кўл нурларини сочаётган қўёш остида туриб толибонларга қаратса ҳайқираман: Сиз илм-маърифат учун эмас, жаҳолат сари интилмоқдасиз! Нега қўлингизга кетмон ёки қалам эмас,

курол тутдингиз, нега тинчликни эмас, урушни орзу қиляпсиз? Нечук инсониятни бир-бирига гиж-гижлаб, қонини ичаётисиз? Уруш – жаҳолат! Уруш – қурбонлик! Уруш – вайронакорликдир! Бас, етар! Одамзод дунёга келгандан буён уруш кўравериб, қон кечавериб, ота-онасидан, боласидан, ёридан айрилавериб жигар-бағри эриб кетди-ку. Хилқатлар гултожи бўлмиш инсонни камситиш, хўрлаш, азоблаш, қонини тўкиш, устидан хукмронлик юритиш жазавасидан қайтиш фурсати келди. Одам боласининг одам боласи устидан зўрлик килиши, давлатларнинг давлатлар билан чиқишилмаслиги, фоялар билан фояларнинг муросасизлиги жаннатдай заминни бошдан оёк шармандагарчилик мозористонига айлантириб юбормоқда ва охир-оқибат биз яшаб турган Ер вақти келиб табиий оғатлар туфайли эмас, балки инсониятнинг бир-бирига душманлигидан, бир-бирини кўролмаслигидан, мансаб, бойлик ва ҳокимият учун бўладиган жанглардан вайрон бўлади. Қиёмат кунини келтириб чиқаради.

Мана, кўринг, Ватанга қайтишни орзулаганим, инсон боласига карата ўқ отишга карши турганим учун Бурхониддин жаноблари мени қандай азобларга дучор килди? – Улубек кўйлагини йиртиб ташлади, қуёшнинг тафтсиз тифи йигитнинг қамчи зарбидан қўкариб, конталаш бўлиб тилим-тилиб ёрилиб кетган баданига тушиб турарди.

Мухбирлар бош чайқаб «Оҳ» деб юбориши. Улубек мурожаатида давом этди:

– Ҳаёт ҷархӣ абадий айланиб, эврилиб туради, ҳамма нарса келади ва кетади. Инсоният <sup>узи</sup> билан бирга нариги дунёга тариқча нарсани ҳеч қачон олиб кетолмайди. Фақат соғинч ва армонларнигина олиб кетади. Биздан яхши амалларгина қолади. Шундай экан

қўлимиздаги қуролларни ташлайлик! Уларни металл заводларига элтиб берайлик! У дастгоҳларга айлансин, опа-сингилларимиз шу дастгоҳларда болаларимизга кийимлар тикишсин. Барчамиз бирлашиб, Аллоҳ яратган замин устида унинг гўзалликларидан масрур бўлиб, бир-биримиз ила қўлни-қўлга бериб, Эгамдан иноқликни, тотувликни, омонликни тилайлик.

Она сайёрамиз ҳаки, фарзандларимиз ҳаки, ота-оналаримиз ҳурмати, тўшакларда ётган беморлар номи билан жамики уруш оловини ёқаётганларга, қурол ишлаб чиқараётган корчалонларга мурожаат қиласман: Агар сиз ажал уруғини сочадиган қуроллар сотиб ҳалкни бокаётган бўлсангиз, майли, оч қолайлик, майли, қашпок яшайлик, аммо қурол ишлаб чиқаришни тўхтатинг! Сиз ишлаб чиқараётган қирғин қуролларига сарфланаётган маблағлар қурраи заминдаги етти миллиарддан ортиқ инсонни юз йил боқишига, кийинтиришга етади. Ўша маблағлар ер юзини гулларга буркаб, сахроларимизни боғ-роғларга айлантириб, қақраб ётган чўлларимизни бўстон айласин. Қуролланиш пойгасига сочаётган пулларингизнинг бир бўлагини инсон баҳт-саодати, соғлиги учун сарф қилганингизда эди, сони кун сайин ортиб бораётган, фанга номаълум касалликлардан гўдаклар, навқирон йигитлар ота-оналарини ҳижрон доғида кўйдириб, Аллоҳ томонидан бир маротаба инъом қилинган хаёт деган кутлуг маконни барвакт тарқ этишмасди.

Кизариб, буғриқиб кетган юзини кўз ёшлири ювиб тушаётган Улуғбек хитобини якунлаб, елкасига илиб қўйишган автоматни қўлига олиб боши узра кўтарди ва жон-жаҳди ила ерга улоқтирди.

– Инсониятга қирон келтирадиган бундай қуролларга минг лаънат!

Атрофдагилар бошларини эгиб, кўзлари намланиб сукутга чўмишганди. Берган саволларининг ўзларига

калтак бўлиб қайтишини кутмагандилар. Улубекнинг сўзлари Бурхониддинни қозик каби ерга қоққанди. Унинг қовоғидан эшакқурт ёғиларди. Бўхрон ичида тишлари қисилиб, муштлари тугилган ҳолда кек тўла кўзларини қаерга яширишни билмай, хайронликда бақрайиб қолди. Меҳмонлар олдида бу қадар изза бўлишини ўйламаганди. Йигитни тўхтатиб, аҳдидан қайтариб бўлмасди энди. У толибонларни жаҳон аҳлига шармандаю шармисор қилганини кеч бўлса-да тушуниб етганди. «Нима қилиш керак, қандай қилсам бу бадбахтнинг оғзи юмилади» дея боши қотганди. Бирдан томга мерғанларни қўйгани ёдига тушиб қолди. Ха, улар Бурхониддиннинг ишорасига маҳтал бўлиб, икки кўзларини тикиб туришибди. Калтираётган чап қўлини кўтарса бас. Шу захотиёқ бу вайсақининг жағи тинади. Қария бу ҳақда жиддий мулоҳаза қилиб ҳам ўтирумади. Атрофда кимлар жамланганини ҳам унуди. Чап қўлини худди оғир юкни кўтараётгандек аста тепага қаратса ҳаракатлантирди. Аллақаердан зинғиллаб учиб келган ўқ Улугбекнинг пешонасига қадалди. Икки қошининг ўртасидан қон отилиб чиқди. Йигит катта-катта бўлиб кетган кўзлари билан атрофни ўраб турган мухбирларга бокди, олам қип-қизил тусга киргандек эди. У йиқилишдан аввал сўнгги сўзини айтишга куч топди:

– Уруш оловини ёқаётгандарга лаънат!

Улугбек ерга гурсиллаб йиқилди. Мухбирлар бирдан чуқур уйқудан уйғониб ҳушларига келгандек, тўс-тўполон кўтаришди. Соқчилар милтиқларини шараклатиб, отишга шайлаб атрофга нигоҳ ташлашди. Бироқ уларнинг қийғирнинг кўзларидек ўткир нигоҳлали ўқ қайси томондан учиб келганини тополмади. Буни Бурхониддиндан ўзга ҳеч ким билмасди...

## ЧЕЧЕНИСТОН

Нима қилиш керак? Балчиққа бағримни бериб ётаверганим билан Латиф ботқоқ ичидан чиқиб қолмайды. У абадиятга фарқ бўлди. Уни чиқариб олишнинг, қабр қазиб жасадини кўмишнинг чораси йўқ. Кетишим, одамлар яшайдиган жойларга тезрок етиб боришим керак. Тонг ёришганди. Үрмон оғир босинкирагандек хўрсинарди. Анча олисда тошлардан тошларга урилиб сой шангиллайди. Дараҳтлар шу кадар қалин ва сершоҳ эдики, кўтарилиб келаётган қўёшнинг тиглари ерга тушмасди. Қушлар уйғонганди. Бири олиб, бири қўйиб сайранди. Үрнимдан турдим. Шунда кўзим устимдаги валангар кийимларимга тушди. Балчиқдан қорайиб кетганди. Бундай уст-бош билан қишлоққа – одамлар ичига кириб боролмасдим. Ечиндим. Кийимларимни ювдим. Шохларга илдим. Қуригунча кутишим керак. Кўзимни Латифни ютиб юборган ботқоқликдан узолмасдим. Назаримда у тирикдай, ботқоқ ичидан чиқиб келадигандек туюлаверарди. Кўзларим намланди. Шундай содик дўстдан айрилиш мен учун оғир эди. Юрагимни алам ўртарди. Икки кун бирга бўлдик, ёнма-ён юрдик. Гаплашдик, дардлашдик. Дастреб уни кўрган чоғимда «Ашаддий жангари бўлса керак» деб ўйлагандим. Афт-ангари фикримни инкор этмасди. Бироқ ҳаракатларида буни илғамадим. У содик дўст, зулм ва зўравонликка қарши курашувчи инсонпарвар эди.

Тушга яқин кийимларим қуриди. Кийиниб йўлга чиқдим. Латиф айтган томонга қараб ҳаракатландим. Очлик таъсир қила бошлиганди. Оёқларимни кўтариб босишга мадорим етмасди. Маст одамдек судралиб борарадим. Бундай алпозда яна қанча йўл босишим мумкин – билмасдим. Үрмонзор тобора қалинлашиб

бораётгандек туюларди. Оёқларим остидаги чангал-зор юришимга тұсқынлик қиласы. Охири чарчоқ ва мадорсизлик зўридан ерга ўзимни таппа ташладим. Ҳансираф нафас олардим. Ўпкамга хаво етмасди... Қулогим остида ариларнинг фўнғиллаши эшитилди. Кўзларимни йириб очдим. Арилар инига яқин жойда ётганимни кўрдим. Боларилар кириб чиқаётган тешикда кўзим тўхтади. Бу уларнинг ини эди. Уларнинг инида асал бўлиши керак. Бир амаллаб ўрнимдан турдим. Ҳанжаримни олиб уя ичига суқдим. Учига асал илашиб чиқди. Оғзимга солдим. Бу орада ариларнинг тинчи бузилганди. Улар инларидан чиқиб тўзиб, асабий фўнғиллашиб кўзим атрофида айланса бошлишади. Уларнинг заҳридан кўра, инларидан асал олиб ейиш фанимат эди. Ҳанжар билан яна асал олдим. Бу галтиф учига ёнғоқдан каттароқ асал илиниб чиқди. Уни оғзимга солиб ютиб юбордим. Арилар менга ташла-нишди. Юзимга нишларини санчишди. Чекинишга мажбур бўлдим.

Болга ўрмон ва осмоннинг таъми қўшилиб кетганди. Асал юрагимга сархуш дов солди. Чарчоқ ва ғам-қайгуни тўкиш истагини уйғотди. Кўнглим яшаш истагига ва шу коронги, кимсасиз ўрмон ичидан тезроқ чиқиб кетиш умидига тўлди. Юзимнинг кизиб ачишаётганига парво килмай йўлимда давом этдим. Афсуски, кўп юрмадим. Қаршимдан бўкирган овоз эшитилди. У худди момақалдироқдек гумбурлади ва ўрмоннинг ҳамма томонидан акс садо бўлиб қайтди. Кейин рўпарамдаги шохлар шитирлаб, қарсиллаб синди. Кимдир мен томон чиқиб келарди. Қўрқиб орқага тисарилдим. Қўлим белимдаги ҳанжарга югурди. Бу орада рўпарамда қор одамга ўхшаш баҳайбат, қўнғир жунга ўралган маҳлуқни пайқадим. Бўйи сал кам икки метр келарди. Бу айиқ эди. «Ўзинг паноҳингда асра, Парвардигорим» дея худога илтижо

қилдим. Тилимга келган дуоларни пичирлаб ўқидим. Кўнғир айик юмалоқ, катта-катта кўзларини менга тикканча туриб қолди. Ханжар тутган қўлим қалти-рарди. Айик яқинлашганда ҳам уни ишга сололмасдим. Мен секин-аста шохлар устидан оёқларимни ўтказиб ортга чекиндим. Айик эса ҳамон турган жойида тек қотиб, кўзларини мендан узмасди. Бир ҳамла қилса тутиб олиши ва ўткир тишлари билан фажиб ташлаши ҳеч гап эмасди. Бахтимга у жойидан қимирласдим. Қўркаётганимни сездими ёки афт-ангоримни кўриб ҳайрон қолдими – билмасдим. Мен аста-секин ундан йироқлашиб боравердим. Нихоят шохлар, дарахтлар ва уларга чирмашиб кетган ўтлар мени айик кўзидан яшириди.

Қанча юрганимни билмайман, ҳолдан тоя бошладим. Бошим айланарди. Оёқларим танамни кўтаролмай букилиб кетарди. «Юрагим тепиб, томиримда қон айланиб турибди, демак юришим керак» дердим ўзимга-ўзим. «Тўхташга ҳақим йўқ, харакатдан тўхтадимми, демак, ўлим кутади мени. Йўл ёқасида, тошлар устида, ўзга юрт тупроғида жасадим қолиб кетади». Қадамларимни илдамлатдим.

Йўлдан адашдим деб ўйладим. Латиф айтган ма-софанинг кўп қисмини босиб ўтгандим. Ўрмоннинг адоги кўринмасди. Бирдан кўзим қоқ қуруқ тупроққа тушиб қолди. Ўрмоннинг поёнига етиб келдим деб қувондим. Чангалзор ва дарахтлар орасидан олисларга боқдим. Юрагимда уйғонган умид оёқларимга қувват ато этди. Бир оз юрганимдан кейин кенгликлар узра қад кўтарган уйларни, ям-яшил ўтлоқлар узра ёйилиб юрган кўйларни, подаларни, бўйинларида қўнғироқларини жиринглатиб, чопқиллаб, сакрашиб юрган серкаларни кўрдим. «Энди ўлмайман» дедим ўзимга-ўзим. Танамда рухий қувват уйғонганди. Ўзимни қўлга олиб, юрак тўлқинимни тинчлантиришим керак эди.

Кеч туша бошлаганди. Яна йўлга тушдим. Қаршимдан елини чирсиллаб кетган сигир чиқди. Ерга чўккалаб, сут томиб турган эмчагини қувватсиз бармоқларим билан ушладим. Кейин оғзимни очиб елини сиқдим, қайноқ сут оғзимга отилди. Тўйгунимча ичдим.

– Кимсан? – ортимдан келган овоз ўрнимдан туришмга имкон бермади. «Ким бўлди?» Овозидан қари одамга ўхшайди. Ортимга қарашга шошилмадим. Расул иккимиз постдан ўтаётганимизда ўзимни соқов қиёфасига солиб олгандим. Ҳозир шу ёдимга тушди.

– Кимсан?

Нотаниш одам боягидан баландрок овозда гапирди. Кейин елкамдан тутди. У афтимни кўриб ортига тисарилди.

– Пиёниста!

Нафрат чўғлари ялтиради кўзларида. У молини ҳайдаб кетди.

Ўрнимдан туриб, мастрлардек чайқалиб йўлда давом этдим.

Қишлоқдан чиқаверишда ирмоққа дуч келдим. Сув бўйига ўтирдим. Баданимга салқин эпкин урилди. Кўзим сув юзида чайқалиб турган аксимга тушди. Бетим шишиб, кўзларим қисилиб кетганди. Бурним ўзимники эмасди, унинг ўрнида қип-қизил нок тургандек эди. Чивин ва арилар башарамни одам танимайдиган қиёфага киритиб қўйишганди.

Йўл ёқалаб эрталабгача юрдим. Ёнимдан машиналар, ҳарбий техникалар ўтиб турди. Улар қўринганида ўзимни панага олдим. Отиб ташлашлари ёки ўзлари билан олиб кетишлари мумкин эди. Тонг ёришгандага блокпост олдидан чиқдим. Аскарлар афтимни кўриб, ичаклари узилгудек қотиб-қотиб кулишди. Қўлимни оғзимга солиб «Нон бер» дея имо-ишора килдим. Улар нон беришди. Кейин қўйиб юборишли.

Кечки пайт бир аҳволда шахарга етиб келдим. Оёқларим оғрирди. Таржимонга учрашишдан аввал Кутузовнинг олдига кирдим. Рус афт-ангоримни кўриб хайрон қолди. Кўрган-кечирганларимни унга сўзлаб бердим.

– Тутқунларнинг қочганини эшитгандим. Бирок уларни ким озод қилганини билмаётгандим.

– «Кулранг бўрилар»нинг ҳаммаси тупроқ остида колиб кетди. Шу пайтгача бундай даҳшатли портлашни кўрмагандим. Бирорта тирик жон қолмади.

– Бу ишларни бир ўзинг уddeладингми?

– Йўқ, мен қузатиб турдим, Латиф бажарди.

– Қайси Латиф?

– Менга ханжарини берган йигит!

– Уни қандай топдинг?

– Мен эмас, у топди мени!

Бу ҳақда Кутузовга қисқача гапириб бердим.

– Қаерда у ҳозир?

– Ўрмон ичида ботқоққа фарқ бўлди. Кутқаролмадим. Ўлими олидан менга тумор берди. Ичида қоғоз борлигини, унга бирдан йигирмагача сон ёзилганини айтди. «Жуфт сонларга телефон қиласан, гўшакни олган одамга «Меркурий сўнди» деб айтгин» деб тайнинлади.

– Туморни бер-чи.

Теридан ясалган туморни Кутузовга узатдим. Чекист унинг чокини сўкиб очди ва ичидан икки энлик қоғозни олиб ундаги рақамларга кўз югуртирди. Кейин узоқ вақт жим қолди. Қошлари чимирилиб, чукур ўйга топди.

– Агар қарши бўлмасанг, Латиф айтган рақамларга ўзим телефон қилсам.

– Сенга ишонаман!

Кутузов туморни ён чўнтағига солиб қўйди.

– Баққол «Кулранг бўрилар»нинг ҳалок бўлганини эшитса жинни бўлиб қолади. Лекин энди эшитмаса ҳам керак, – дедим бир оздан кейин.

- Нега?
- Хабар етказадиган одамнинг ўзи қолмаган-ку.
- Хаттоб ҳали тирик.

Иккимиз жим қолдик. Ташқарида қандайdir одамларнинг овози келди. Бир оз ўтиб яна сукунат чўкиди. Шаҳардаги бу жимжитлик узоқ давом этмасди. Гоҳида одамларнинг, гоҳида автоматларнинг товуши бу сокинликни бузиб турарди.

– Таржимон тезда қайтгин деганди, кутиб турган бўлиши керак. Энди мен борай, – дедим ўрнимдан туриб.

– Бундай ахволда унга рўпара бўлма. Кийимларингни алмаштири, ювениб ол!

Мен ювиндим. Юзимга малҳам суртдим. Шишлар бир оз қайтганди. Кутузов устидаги кийимини ечиб берди. Елкамга чакмон ташлади.

– У сендан қаерга борганингни сўраши мумкин. Ўрган йўлларингни айта кўрма! «Латиф мени ташлаб қочиб кетди» деб қўя қол! Йўлда адашганингни ҳам эслатиб қўй.

Кутузов билан хайрлашдим. Кўчага чиққанимда вақт пешинга яқинлашганди, қуролли одамлар изғиб юришарди.

Бинога келдим. Ичкарига кираётганимда таржимонга урилиб кетдим.

– Келдингми? – деди у мени қўриши биланоқ. – Тезда буюмларингни йиғиштири. Икки соатдан кейин автобус келади. Сени ўзимизнинг одамларимизга қўшиб, юртга жўнатиб юбораман. Кашмирийнинг топшириғи шундай. Сизларни Зелимхоннинг одамлари чегарагача кузатиб боришади.

– Чарчаганман, йўлга ярамайман, – дедим. – Дам олмоқчиман.

– Хозир дам оладиган вақт эмас, кечадан бери кутяпман сени. Ўн тўртта покистонликка қўшиб жўната-

ман. Улар билан Жалолободгача бориб оласан. Ҳа, айтмоқчи, Латиф қани?

— У номард экан, мени ташлаб қаёкқадир гум бүлди.

Мен ётогимга кириб кетдим. Бу ердаги ишларимдан бошликларнинг кўнгли тўлмаганлиги кундай равшан эди. Зелимхоннинг пинжига киришга имкон қадар интилдим. Бироқ яқинига йўлатмади. Бунинг учун мен айбдор эмасман. Тилмочнинг ўзи буни яхши билади. Бунинг учун Кашмирий жазоламайди деган умиддаман. Бу юртдан чақириб олишларига сабаб бошкадир. Эшитишмча, Башир ўзини ўзи отиб ўлдирибди, Эргашни ҳам отишибди. Лагердаги вазият издан чиққан бўлса керак. Нима қилганда ҳам, тўда бошининг ўринбосариман. Лагердаги ишларни менга топширишар. Ҳаёлимда жумбоқ саволлар болалади. Тўхтамга келолмай қийналардим.

Вақт бўлғанди. Ташқарига чиқдим. Эшик олдида яна тилмочга дуч келдим.

— Мунча имилламасанг! Тезрок машинага чик!

Йўл четида эски «Пазик» турагди, ўқ теккан олдинги ойнасида одамнинг бармоғи сигадиган тешик бўлиб, ундан ўнлаб чандиқли излар сочилган. Йўлни кесиб ўтаётганимда қарши томондан чиққан одам ўзини менга уриб олди. Бу атайин қилинганини сездим. У одоб юзасидан кечирим сўради. Кейин шивирлади:

— Автобус миналаштирилган, чиқманг. Сизни муюлишдаги светофор олдида кутаман.

У яна бир бор кечирим сўраб, йўлида давом этди.

Ким бу? Нега бундай гапларни айтди менга? Синамоқчими? Изимга тушганлардан бирортаси тузоқ қўйдими? Бошим гангиб, автобус олдига келдим, бироқ чиқишга шошилмадим. Юрагимни ёмон хавотир ва изтироблар ўртарди.

Пастда ҳайдовчи жўнашга рухсат қутиб турагди. Таваккал қилиб чиқдим. Бўш ўриндиқقا жойлашдим.

Ичи шу қадар ифлос эди-ки, одамнинг ўтиргиси келмасди. Димоққа бензин, наша, спирт ва қон ҳиди уриларди.

Мендан нарироқда ўн тўртта йигит ўтиради. Усталарида харбийларнинг дала кийими. Ёнларида қурол. Орқаларига юқ халта осиб олишган. Ичидан нима борлиги худога аён. Бир-бирлари билан бақириб-чақириб, гоҳида сўкинишиб гаплашишарди. Кимдир наша тортар, кимдир аллақандай қўшиқни димоғида куйларди. Барчаси мен тенги йигитлар. Юзларини соқол босган. Покистондан ўтишгани юзларидан, гап-сўзларидан билиниб турарди. Кўзим автобусдан анча нарида турган бояги одамда тўхтади. У анча нарида кўз кирида таъқиб қиларди мени. Қулоғимда бояги сўzlари жаранглади: «Автобус миналаштирилган, чиқманг. Сизни муюлишдаги светофор олдида кутаман». Нега бундай деди? Мен бу одамнинг башарасини ҳеч қачон кўрмаганман. Нотаниш. Кутузовнинг одамими? Ким бўлишидан қатъи назар, у бежизга «Автобусга чиқманг» демади. Товушидан бу гапни чин юракдан айтгани билиниб турибди. Нима қилай? Тушиб қолайми? Мабодо алдаган бўлса-чи, қаерга бораман? Иккиландим. Бу орада ҳайдовчи жойига ўтирди. Мотор гуриллади. Бирор кўллимдан тортгандек бўлди. Нотаниш одам энди жойидан жилганди. Унинг «Автобус миналаштирилган, чиқманг. Сизни муюлишдаги светофор олдида кутаман» деган сўзи яна такроран қулоғимда садо қайтарди. Сапчиб ўрнимдан турдим ва пастга тушдим. Автобусга чикаётганимда ҳеч ким аҳамият бермагани каби ундан тушаётганимда ҳам бирор эътибор бермади. Ерга оёғим теккан заҳотиёқ машина жойидан жилди. Мен светофор томон жунадим. Вужудим қулоққа айланганди. Кимдир ортимдан чақириб қоладигандек туяларди. Йўқ, ҳеч ким чақирмади. Узоқлашгани

сайин юрагим құрқувдан увишарди. Светофорга яқинлашдим. «Халоскорим нега күринмаяпти? Наҳотки мени алдаб, үзи қочиб кетган бўлса? Энди нима қилдим, қаерга бораман. Қандай қилиб таржимонга рўпара бўламан?» Автобусга чиқиб жўнаб кетмаганимдан афсусландим.

Миямга ёпирилиб келаётган ўйларни тўзитиб, гумбурлаган овоз эшитилди. У шу қадар кучли ҳамда даҳшатли әдики, ер қимирлагандек бўлди. Кулоқларим битиб қолаёзди. Минани босиб олган одамдек чўчиб тушдим. Шошиб ортимга қайрилдим. Бир чақиримча нарида, йўлнинг қоқ белида, қоп-қора тутун ва қизил аланга ичиди боя мен тушиб қолган автобус ёнарди. Одамлар ўша томонга чопиб кетишарди. Хушимни йўқотиб, хайкалдек қотиб қолдим. Автоматларнинг овозидан, уясидан тўзиган арилардек у ёқдан бу ёққа чопқиллаб ўтаётган одамларнинг қийқириқларидан ўзимга келдим. Ҳар томондан ёпирилиб чиқаётган одамлар автобус томон югуриб боришарди.

– Ортимдан юринг!

Рўпарамда бояги одам турарди. Кўзларимиз учрашди. Унинг мақсадини сўзсиз тушундим. У гапирмади. Чорраҳанинг чап томонига бурилди. Ортидан эргашдим. Одамлар тобора кўпайиб, кўчага сифмай борарди. Эллик қадамча юрганимизда ёниб, пачақланган автомашинага дуч келдик. У қачондир турган жойида портлаб кетганди. Шеригим тор кўчага қайрилди. Каршимиздан юзларини рўмол билан ўраган икки аёл чиқди. Бизга хавотир ва қўрқув билан боқиб ўтиб кетишди. Йўлнинг этаги берк бўлса керак деб ўйладим. Кўп юрмадик. Пастак девор бизни йўлнинг поёнига етганимизни билдирарди. Бегона кимса тўсиқдан ошиб ўтди. Мен ҳам ирғидим. Биз қабристон ичига тушгандик. Белимизга уриб турган ўтлар ичидан юрдик. Қабрларни айланиб ўтдик. Эллик қадам босга-

нимиздан кейин чуқурлик чиқди. Бу суви қуриган, ўт босган, лойқалар ўтириб қолган ариқ әди. Орқама-кетин кетавердик. Қабристоннинг адоги кўринди. Тор кўчага чиқдик. Бу йўлдан одамлар кўпдан буён юрмагани билиниб турарди. Тупроққа оёқ изи тушмаганди. Тўпифимгача ботиб бордим. Иккимиз ҳам ҳолдан ке-тиб чарчагандик. Шеригим чўнтақ телефонига ўхшаш нарсани қўлида ушлаб олганди. Ора-сира тутмача-ларни босиб қўяётганини пайқаб қолдим. Шахар мар-казидан эшитилаётган ўқ овозлари ҳамон қулоққа ча-линарди. Қийкириқлар андак босилганди... Нихоят катта йўлга чиқдик. Четда енгил машина турарди.

– Ўтилинг! – буюрди нотаниш кимса.

Эътиroz билдиrmадим.

Орқа ўриндиққа ўзимни урдим. Машина номаълум томонга ҳаракатланди. Биз бораётган йўл анча сокин әди. Одамлар ҳам у қадар хавотирли кўринмасди.

– Ҳаётимни сақлаб қолиш нима учун керак бўлиб колди сизга? – сўрадим бир оз ўзимни босиб олгач. Бу билан бегона одамнинг мақсадини билгим келганди.

– Сизнинг ҳаётингиз менга эмас, дўстларингизга керак, – деди у тепасидаги ойнадан менга қараб.

– Ким экан ўша дўстларим?

– Албатта улар билан яқин кунлар ичида учрашасиз.

– Анави сизнинг ишингизми?

– Ҳаётингизни сақлаб қолишнинг бошқа йўли то-пилмади.

– Мен юртимга қайтишим керак.

– Афсуски, бунинг иложи йўқ.

– Сабаб?

– Бошлиқларингиз сизни ўлимга маҳқум этишган.

– Мен ўлимга маҳқум этиладиган гуноҳ қилмадим.

– Бу сизнинг фикрингиз, аммо Мулла Умарнинг фикри ўзгача. Сиз унинг топшириқларини бажарма-дингиз. Қолип русларнинг қўлида. Бундан ташқари

фор ичиди портлатиб юборилган одамларининг ўлимида ҳам сизни айбдор деб гумон қилишмоқда. Қайтиб борган заҳотингиз у сизни сўрок қиласи ҳамда шаҳар ўртасида дорга тортади. Дўстларингиз бундан хабар топишган. Улар қандай қилиб сизни Умарнинг қонли панжасидан сақлаб қолиш ҳақида ўйлашди. Ўта хатарли бўлса-да, автобусни портлатишга мажбур бўлишди. Фақат шундагина Умар сизнинг ҳалок бўлганингизга ишонади.

«Бу одам ким? Кутузовнинг ёрдамчилариданми? Менинг ҳаётим фактат русларга ва ватандошларимга керак. Нега нотаниш кимса мен ҳақимда қайгуриб колди?»

– Энди мен қаёққа бораман? – уни синаш мақсадида шундай савол бердим.

– Бу юртда қолишингиз ҳам хатарли. Улар сизни кўриб, таниб қолишли мумкин ва автобуснинг портлалишида айбдор деб топишилари эҳтимолдан узоқ эмас.

– Мени қаёққа олиб кетаётганингизни айтинг?

– Сиз эрталаб Туркияга учасиз!

– Туркияга? У ерда пишириб қўйибдими менга? – зардам қайнаганини яширомадим.

– Кўрқманг, у ерда сизни таниган одамлар ўлиб кетишишган. Бундан кейин сизга меҳрибон бўлган одамлар даврасида яшайсиз.

– Фақат яшайман холосми?

– Дўстларингиз сизга катта бир ишни таклиф қилишади. Бойликларга кўмилиб, давру даврон сурасиз. Ўйланасиз, бола-чақали бўласиз. Ўнлаб одамлар хизматингизда бўлишади. Мухими, энди дала-даштларда, уруш олови ёниб турган хандақлар ичиди эмас, тинч ҳамда осуда жойларда ҳаёт кечириб, эркин нафас оласиз.

Машина менга мутлако нотаниш бўлган кўчага кириб келди. Бу ер анча сокин ва тинч эди.

Нотаниш кимса машинани түрт қаватли бино олдида түхтатди. Иккимиз пастга тушдик. Мен ипсиз боғланғандек унинг ортидан эргашдим. Түртингчи қаватга күтарилидик. Эшикни ёши үтиб қолган буқри чол очди.

– Келишдими? – сўради шеригим.

– Сизни кутишмоқда, Паҳлавонбей!

Ичкарига киришим биланоқ кўзим полда ётган автоматларга тушди. Улар ўқланган ва отишга шай эди. Ошхонада икки нафар менинг ёшимдаги йигит овқатланиб үтиришарди. Улар бизни кўриб ўринларидан туришди.

– Аллоҳга шукур, сени паноҳида асрабди, – деди чўққи соқолли йигит турк тилида.

– Автобусда тирик жон қолмади, – деди унинг ёнида турган юмалоқ юзли йигит. – Ҳамма одам ёниб кетди.

– Таржимон нима бўлди? – сўради Паҳлавон.

– Афсуски, бу гал ҳам тирик қолди. Нишонга ололмадик.

Шеригим кафтларини бир-бирига урди.

– Бу гал ҳам бизнинг тузофимиздан чиқиб кетибди-да!

– Афсусланманг, Паҳлавонбей, унинг ҳаётига саноқли кунлардан кейин нуқта қўямиз. Яна бирор ҳафта нафас олиб турсин!

– Тезлатинг, у тирик экан, биз хотиржам яшай олмаймиз!

Паҳлавон менга юзланиб «Қўлингизни ювинг» деди. Иккимиз ювиниб, дастурхон атрофига үтиридик. Буқри чол таом келтирди. Овқатдан кейин мени қўшини хонага бошлишди.

– Кийимларингни еч! – буюрди чўққи соқол.

Қўйлагимни ечдим.

– Курсига үтир!

У кўрсатган жойга чўқдим. Унинг қўлида қайчи ялтиради. Мақсадини илғадим. Бўйнимга оқ мато

боғлаб, соч-соқолимни олди. Кейин ювиндим ва яна курсига ўтиридим. Олдимга иккинчи йигит келди. У юз терилиримни тортиб ишқалади. Бурним, қошларим ва кўзларимнинг атрофига узоқ ишлов берди. Юзимга қандайдир суюқлик суртди. Кейин боғлаб қўйди.

– Эрталабгача ечмайсан! – деди. – Ҳозир ётоқقا кириб дамингни ол. Қолган ишни эрталаб давом эттирамиз.

Ётоқхонага ўтдим. Каравотга чўзилдим. Юзларим худди ари чаққандек ачишиб қизирди. Тезда кўзим илинди. Эрталаб тонг ёришмай уйғотишди. Яна курсига ўтқазишди. Юзимдаги ниқобни олиб ташлашди. Терилиримни тортишди, қошларимни қайчи билан текислашди. Уй эгаси олдимга янги кийимларни ташлади.

– Кийиниб ол.

Эски кийимларимни ечиб ташладим. Латифнинг ханжарини ичимдан тақиб олгандим. Кийиниб бўлгач ойнага боқдим. Ўзимни танимай қолдим. Кўзгудан мутлақо бегона одам мўралаб тургандек эди. Мени суратга олишди. Бир соатлар ўтиб Паҳлавон келди.

– Қойил, фоят ажойиб, сизни ҳозир онангиз кўрса ҳам танимайди, – деди дўстларининг ишидан мамнун бўлиб.

У қўлимга паспорт тутқазди.

– Шусоатдан бошлаб исмингиз Хорун. Аввалгисини унутинг. Хужжатдаги исм билан аталасиз. Учоқ бир соатдан кейин парвоз қиласи. Йўлга тайёрмисиз?

– Тайёрман!

Бу юртдан қандай қилиб бўлмасин, тезроқ чиқиб кетгим келарди. Туркиядан ўз она юртимга ўтиш осон деб ўйлардим.

– Жуда яхши, биз ҳам тайёрмиз!

Хонага буқри чол кирди. У кийимларини ўзгартириб олганди. Паҳлавон чечен тилида нимадир деди. Чол чакмонининг тугмасини ечди. Баданига ўндан

ортик портловчи мосламалар осилган кайишни такиб олганди. Бу унинг ўлимга тайёргилигини билдиради.

— Чол сизни аэропортгача кузатиб боради. Постларда тўсишса хавотир олманг, — тайинлади Паҳлавон. — Рўйхатга олиш бўлимида ўзингизни эркин тутинг, ҳаяжонга берилманг. Текширувчининг кўзига тик бокинг! Тушундингизми?

— Тушундим!

Паҳлавон диван устидаги дипломатни олиб қўлимга тутқазди.

— Ичиди кундалик эҳтиёжингизга ишлатиладиган буюмлар ҳамда ўн минг доллар пул бор. Керак бўлиб қолиши мумкин... Учоқдан тушиб, шаҳарга чиқиши эшиги олдида тўхтанг. Одамларимиздан бири, у аёл бўлиши ҳам мумкин, олдингизга келиб сиздан: «Россия ҳаво йўлларига қарашли учоқнинг учшига қанча вақт қолди?» деб сўрайди. Унга «Самолёт ҳозиргина учеб кетди» деб жавоб қиласиз. У «Кечикибман-да» дейди. Сиз эса бунга жавобан «Шаҳарга тушиб кетсангиз, мени ола кетинг» дейсиз. Одамимиз «Мусофирмисиз» деб сўрайди. «Ҳа» деб берган жавобингиздан кейин у сизни машинасига таклиф қилади.

Биз пастга тушдик. Бино олдида иккита енгил машина турарди.

Чолнинг олдига ўтиредим. Биздан ўн қадамча нарида яна битта енгил машинага кўзим тушди. Йўлга чиқдик. Чол кўзимга ўзини портлатиб юборишга тайёр одамдек кўринди. Ажал билан ёнма-ён кетаётгандек ҳис этдим ўзимни. Баданим жунжикиди. Биз аэропорт томон жўнадик. Йўлда юк машинасига дуч келдик. Унинг орқа томони очиқ эди. Машинанинг икки ёнида ўнтacha одам тик турарди. Ўртада тобут. Машина ортидан кетдик. Блокпостда олдимиздаги юк машинани тўхтатишиди. Аскарлар тобутни кўриб йўлни очишиди.

Бизни текширишмади. Мархумнинг яқинлари бўлса керак деб ўйлашди. Постдан узоқлашгач мўйсафид тезликни оширди. Тобут юклаган машина ортимизда қолди. Чолнинг мақсадини ва бу атайин ўйлаб амалга оширилган иш эканлигини тушундим. Узоқдан аэропорт кўринди. Букри чол машинани тўхтатди. Пастга тушиб, устидаги чакмонини ва белига боғланган портловчи мосламаларни ечди. Уларни ариқ ёқасидаги ўтлар орасига яширди. Кейин йўлда давом этдик. Кираверишда бизни тўхтатиши. Чол аскарларга мени кўрсатиб, «Меҳмоним, кузатгани келяпман» деди. Соқчи хужжатларимни кўрди. Кўзимга тикилиб қолди. Кейин паспортни қайтариб берди.

– Худо ёр бўлсин! – деди чол машинадан тушаётганимда.

Мен аэропорт биноси ичига кириб кетдим...

## ИСТАНБУЛ

Мустафо аэропортдан таксига ўтириди-ю, уйига боргунча сабр қилмасдан йўлдаёқ Луга қўнфироқ қилди.

– Овозингизни эшитганимдан хурсандман, – деди Лу мамнунлик билан. – Адашмасам, қадамингиз Истанбул заминида.

– Сиз ҳеч қачон янгишмагансиз, азизим. Хозиргина учоқдан тушдим.

– Соғ-омон қайтиб келганингиз билан қутлайман, Мустафобей. Сизни жуда соғинганман. Қачон дийдор кўришамиз?

– Ҳозир уйимга кетаётирман. Вақт топсангиз келинг, Баққолбейни ҳам таклиф қиласман. Учаламиз қаҳва устида ҳангомалашамиз...

– Ҳозирча Баққолбейни безовта қиласманг, таассурутларингизни мен билан баҳам кўрсангиз ёмон бўлмасди, Мустафобей.

- Таклифингизни қабул килдим, Лу жаноблари.
- Учрашув жойини ўзгартирсак, қарши эмасмисиз?
- Менинг торгина кулбам сизга ёқмадими?
- Гап кулбангизнинг торлигида эмас. Мен хорижикман. Сизнига борганимни кўрганлар қандок фикрга боришаркин деган андишадаман.
- Тушундим сизни, Лу жаноблари. Унда гурунглашадиган жойни ўзингиз танланг.
- Роппа-роса икки соатдан сўнг Босфор бўғози ёқасидаги «Дофатепа» кафесида дийдорлашсак...
- Дидингизга қойил, Лу жаноблари!

Икки соат ичида Мустафо уйига бориб, ювинибтараниб олишга улгуарди. Кашибиррий билан бўлиб ўтган сухбатни тезроқ Бақъолбейнинг қулоғига етказиш, унинг марҳаматига сазавор бўлиш истаги безовта қиласарди юрагини. Бироқ Лунинг таклифини рад этолмасди. Лу унинг жонини сақлаб қолибгина қолмай, балки олти юз минг долларлик чекни ҳамёнига солиб қўйди. Умрининг охиригача унга таъзим қилса кам.

Истанбул узра оқшом қўнди. Денгизга кумуш рангларини сочиб ой ҳаволанди. Салқин эпкин турди. Сохилдаги юзлаб катта-кичик қаҳвахоналарга одамлар оқиб кира бошлади. Арзони ҳам, қиммати ҳам шу ерда. «Дофатепа» кафеси энг қиммат маконлардан бири ҳисобланади. Зодагонларгина ташриф буоришарди бу ерга. Шу сабабли одамлар у қадар кўп киришмасди.

Лу Мустафони ташқарида кутиб олди. Биргалашиб ичкарига киришди, нимқоронги бурчакдаги курсига ўтиришди.

Лу Мустафонинг Афғонистонда босган ҳар бир қадамидан огоҳ эди. Изига тушган одамлар вақти-вақти билан уни огоҳ қилиб туришганди.

– Биласизми, Лу жаноблари, – дея гап бошлади Мустафо, – Кашмирий Баққолбейни Башир билан учрашганидан ва ўн дона «Град»ни сотиб олиб, Умарга совфа қилмоқчи бўлганидан мутлақо бехабар экан. Баққолнинг тилидан айтган таклифларимни аввалига хушламай тинглади. Қимматбаҳо тошни қўлига тутказганимдан кейин менга жиддий эътибор бера бошлади. «Агар Баққолбей қуролларни зудлик билан чегарадан ўтказиб берса, ҳазратимнинг марҳаматларига сазовор бўлади. У киши Баққолбейнинг одамлари учун мамлакатнинг хоҳлаган жойидан ер ажратиб беради, кўнгли тусаган ишни қилиши мумкин» деб ваъда килди. Мен унинг гапларига жавобан «Бу ишни амалга ошириш учун кенгашнинг аъзоси Бўронни Туркияга жўнатишингиз зарур, у Баққолбейнинг номидан иш юритади, рус ҳарбий бошлиқлари билан келишади» деб таклиф киритдим. Кашмирий «Бу масала ҳазрат билан маслаҳатлашганимдан кейин ҳал бўлади. Агар Баққолбей ҳақиқатан ҳам бизга қурол совфа қиладиган бўлса, Бўронни зудлик билан чақириб оламан ва сизнинг олдингизга жўнатаман» деб мамнуният ила жавоб қилди. Мен унга лашкарбошининг одамлари орасидан тожик миллатига мансуб йигитлардан яна тўрттасини ажратиб, Истанбулга жўнатишни, улар ҳарбий бошлиқлар билан тиллаша оладиган одам бўлиши кераклигини тайинладим.

- Кашмирий таклифингизни қандай қабул қилди?
- Таклиф унга маъқул келди.
- Тожик йигитлар яқин кунлар ичida йўлга чиқишадими?
- Кашмирий ҳазрат билан маслаҳатлашиб олгач лашкарбошининг ҳузурига ўз одамларидан бирини жўнатадиган бўлди. Мирзааҳмад билан маслаҳатлашиб лагердаги тожиклар ичидан абжирларини танлаб олади.

- Бўронни қачон чақириб оладиган бўлишди?
- Бу ҳазрат билан бўладиган учрашувга боғлиқ.
- Баққолбей билан учрашганингизда бу ишларнинг тепасида Бўрон туришини яна бир бор таъкидланг. Унинг Афғонистонга қайтиб боришига йўл қўймаслигимиз керак. Улардан илгарироқ ҳаракат қилишимизга тўғри келади.
  - Баққол жаноблари Бўронни айнан Туркияга олиб ўтиш тарафдори. У ўйлаб қўйган режаларини Бўроннинг зиммасига юкламоқчи.
  - Жуда яхши. Мен ҳам Чеченистондан ишончли одамлар топиб қўйдим. Улар пул сўрашмоқда.
  - Қанча?
  - Ўн миллион доллар!
  - О, катта пул, Лу жаноблари. Баққол қўнмаса керак.
  - Бу бевосита сизни у билан бўладиган учрашувингизга боғлиқ.
  - Мен билан?
  - Шундай! Энди ҳамма гап сизда қолди, Мустафобей!
  - Бунинг учун мен қандай вазифани бажаришим керак?
  - Сиз эрталаб Баққолга қўнгириқ қиласиз. Учрашганларингда Кашмирий билан биргаликда Мулла Умарнинг хузурига борганингизни айтасиз. Кўпроқ Мулла Умарнинг тилидан гапиринг. «Град»ларга кўз тикиб турганини, қуроллар чегарадан ўтган куниёк Баққол учун Афғонистоннинг барча дарвозаларини очиб беришини, аффон қорадорилари Баққолнинг ишончли одамлари орқали дунё бозорларига чиқишини, фойданинг учдан икки қисми сизга тегишини айтди десангиз бас.
- Инглиз финжондаги қаҳвадан хўплади.
- Бу гапларни эшитса, Баққолбей типирчилаб қолади.

- Бизга айнан шу керак!
- Мен унинг юрагига ўт ёқиши биламан, Лу жаноблари!
- Ташрифингиздан қониқдим, – деди Лу. – Энди ҳамма иш Баққолбейда.
- «Град»нинг бир донаси қанча туришини аниқладингизми?
- Қорабозорда бу қуролнинг биттаси беш юз минг. Баққолга ўнта «Град» учун беш миллион доллар тўлашини тайинланг. Ўртадаги воситачилар, бу ишнинг тепасида турадиганларнинг хизмат ҳақи бунга кирмайди.
- Жумладан сизники ҳам...
- Мен холисман, хизматларим учун ҳақ талаб қилмайман. Баққол жаноблари учун шунчаки ёрдам беряпман.
- Олижаноб одамсиз, Лу!
- Биз эртага кечки пайтда айнан мана шу жойда кўришамиз деган умиддаман!
- Бундан кейинги тақдирим сизнинг қўлингизда! Лу гарсонни чақирди. Ёнидан юзаталик долларни олиб, стол устига қўйди.
- Беш дақиқа ўтказиб ташқарига чиқинг! – деди у Мустафо билан хайрлашар экан.
- Қаҳвахонадан чиқсан Лу машинасига ўтириб тўғри резидентнинг ҳузурига йўл олди. Мустафо билан бўлиб ўтган сухбатдан хабардор қилиши лозим эди. Адамс ходимини кутаётганди.

\* \* \*

- Мустафо ҳамма гапни рўй-рост гапирди, – деди у резидентга. – Учрашув биз қутганимиздек ижобий якунланган. Баққолнинг таклифи Мулла Умарнинг қулогига етиб борса, зудлик билан Бўронни чақириб олишади.

- Яқин кунлар ичида Афғонистонга қайтиб боради деб ўйлайсизми? — сирли жилмайди Адамс.
- Биз Кашмирийдан олдинроқ ҳаракат қилишимиз керак, сэр, — ташвишли охангда деди Лу.
- Мен аллақачон бунинг олдини олиб қўйганман.
- Бўронга чиқадиган одамингиз билан гаплашдингизми?
- Гаплашдим. Ҳамма ишни пишитиб қўйдим.
- Гап йўқ сизга, сэр!
- Гўзал аёллардан танишингиз борми?
- Топилади.
- Ўта келишган бўлсин.
- Кўрсангиз эсингиз оғиб қолади, сэр.
- Сиз топган аёл биз билан ишлаши керак.
- Ишончингизни оқлади.
- Ёши нечада?
- Йигирма тўртда.
- Менимча, ёш.
- Лекин ақлли, сэр.
- Тозами?
- Турк миллий разведкаси ходимларининг назарига тушмаган.
- Ҳамиша ёдингизда бўлсин, гўзаллар ҳеч кимнинг эътиборидан четда қолмайди, Лу.
- Маслаҳатингизни қабул қилдим, сэр.
- Уни хозирдан тайёрланг. Бўронни кутиб олади. Бу йигитни ўн кунгача Бакколга яқинлаштирумай турганимиз маъқул.
- Сабаб?
- Сабаб шундаки, ҳозир унинг асаблари қақшаган. Бундай вазиятда уни ишга жалб этиб бўлмайди. Биз биринчи ўринда Бўроннинг миясини бўлмағур фикрлардан тозалашимиз керак. Сиз топган ўша гўзал хоним билан биргаликда денгиз бағрида дам олади!
- Тушунарли, сэр!

- Сүйишиб қолишиса айни муддао бўларди!
- Сиз ўйлаганингиздек бўлади, сэр!
- Мустафо билан қачон кўришасиз?
- Эртага оқшомда, сэр.
- Гапларимизни энди Мустафо орқали Баққол-бейнинг қулоғига етказамиз. Сиз вазиятга қараб кўриниш беринг. Мустафо Баққол билан учрашганида Бўрон дам олиши кераклигини, асаблари чарчаганини таъкидлашини тайинланг. Яхтасини унинг ихтиёрига берсин!
- Сэр!
- Сулувлар ҳамиша эркакларнинг эътиборини тортади, уларнинг қўнглини овлабгина қолмай, балки юракларининг қатига яширган сирларини ҳам билиб олади. Шунинг учун ҳам улар бир-бирларини ёқтириб қолишига умид боғлаяпман, Лу...
- Гапингиздан Бўрондан ҳали кўп ишларда фойдаланмоқчига ўхшайсиз...
- Англиядаги маҳсус мактабларда кимларни тарбиялаётганимизни ва у ерга айнан Бўронга ўхшаган чапдаст йигитлар ҳаводек зарурлигини ўзингиз яхши биласиз, Лу.
- Одамларни кўпайтирсак сирларимиз очилиб қолмасмикин деган хавотирдаман, сэр.
- Мустафо билан икки-уч бор учрашганингиздан кейин у яроқсиз кемага айланиб қолади. Бундай кемалар албатта узоқ сафарга ярамайди ва денгизнинг ўртасига боргандা фарқ бўлади. Гапимни тушунгандирсиз, Лу?!
- Сизнинг тагдор гапларингизни фақат севимли шогирдларингизгина фаҳмлайди, сэр!
- Ҳозир бориб, айтган аёлингизни топинг. Дарвоқе, унинг исми нима эди?
- Элиф.

— Ха, Элиф хонимни бүладиган учрашувга тай-ёрланг. Вақт топсангиз менинг яхтамда денгизга чиқинглар. Бўрон денгизнинг қайси нуқталарида дам олишини аниқланглар!

— Топшириғингизни бажаришга киришсам бўладими, сэр?

— Албатта, рухсат сизга, Лу!

## ЧЕЧЕНИСТОН

Хаттоб қопқонга тушганди. Руслар унинг одамларини ҳар томондан ўраб, қисиб қўйишганди. Шундай бўлса-да, унинг топшириғи билан йўллар миналаштирилди. Дараҳтларнинг учларига маҳсус кузатув асбоблари ўрнатилди. Чуқур ва хандақлар қазилиб, ичига ўнлаб жангарилар яшириниб олишди. Руслар ўтиб кетиши билан оқ ортларидан уларни ўққа тутишарди. Руслар кутилмаган жойларда ғалтак ипларидек ингичка симларга урилиб, уларни узиб юборишар, миналар эса ишга тушарди. Одамлар қурбон бўларди. Дов-дараҳтлар ёнарди. Руслар Хаттоб ташлаб чиқиб кетаётган жойларнинг ўзидаёқ ўнлаб аскарларини йўқотишарди. Ниҳоят Хаттобнинг ортидан қувишни тўхтатдилар. Уни қўлга тушариш йўлини излашди. Озиқ-овқат, ўқ-дориларининг туби кўриниб қолган деб тахмин қилишарди. Бироқ чечен ўрмонзорлари кийикларга, айиқларга, қирғовулларга бойлигидан жангарилар емишга қийналишмасди.

Вазият оғир бўлса-да, Хаттоб шахар билан алоқа ўрнатганди. Одамлари яширин йўллар билан ўқ-дориларни ичкарига олиб киришарди. Аммо жангариларнинг қўпи тушкунликка мубтало бўлганди. Бу ерлардан тезроқ қочишни, ўз юртларига қайтиб кетишини ўйлашарди. Уларга ваъда қилинган шонли ғалаба кун сайин қалин туман босгандек олислаб борарди.

Мұхими, анчадан бери муллажириңг құлларига тегмай, таблари тирриқ бұлиб қолғанди.

Хаттоб одамларининг кайфияти тушиб кетганини сезиб туради. Уларни рухлантирадиган барча гапларни айтиб тугатганди. Бисотида жангарилар күнглига йўл топадиган сўз қолмаган, аксинча, уларни ҳақоратлаш билангина чекланарди. Ҳалқани ёриб чикишга, калин ўрмонлар ичидан чикиб кетишга, ўнлаб чақирим олисда қолиб кетган шерикларини излаб топишга ва улар билан такрор биришишга ўзи хам ишончсизлик билан қаради.

Хаттоб чопарларини ишга солишга қарор қилди. Тангаҳволда қолганини, Зелимхон ва унинг одамлари холидан хабар олмай қўйишганини, зудлик билан қўшимча куч, емиш, ўқ-дорилар, мұхими жангариларнинг кайфиятини қўтарадиган пул жўнатишни сўраб, Усама бин Ладенга мактуб жўнатишга қарор қилди. У хатида уруш тафсилотларини, ўзи одамлари билан бир четга сурилиб, яккаланиб қолганини ёзди. Бутун айбни чечен жангариларига тўнкади. «Агар зудлик билан ёрдам бермасангиз, қўшимча кучлар жўнатмасангиз, биз ўрмонзорларда пашшадек қирилиб кетамиз ва ўз юртимизга ҳеч қачон қайтиб боролмаймиз», деб мактубини яқунлаганди Хаттоб. У хатжилдин чопарнинг қўлига топширас экан, «Тезда жавобини олиб, орқангга қайт» деб уни кузатиб қолди.

Чопар ўзига таниш сўқмоқдан коронғи ўрмонзор ичидә, душман ўқига учмасликни худодан сўраб кўздан фойиб бўлди. Хаттоб у кетган йўлга узоқ тикилиб қолди. Мана бир ойки, ҳали ҳам йўлга боқади. Нарипериси билан узоги ўн беш кунлик масофа. Ҳозиргача қайтиб келиши керак эди. «Нима бўлди унга? Қўлга тушиб қолдими? Ёки ботқоқликлар ютиб юбордими? Қашқирлар ражиб ташладими? Балки устозининг ундан ҳафсаласи пир бўлиб, қўлини силтагандир?

Хаттобнинг хаёлига келган саволлар гўё боткоқ сингари оёғидан ер тубига тортарди. Бу орада Хаттобнинг Шамил билан боғланган алоқачилари озиқ-овқат, кийим-кечак, ўқ-дорилар билан ўттизта ёрдамчи ҳам олиб келишди. Сафи кенгайгандек бўлди. Айни чоғда хабарчилар унга нохуш хабар ҳам келтиришганди.

– «Кулранг бўрилар»нинг лагери портлаб кетибди.

Хаттоб ўтирган жойидан сапчиб турди.

– Нима дединг?! – қичқириб юборди у.

Хабарчи босиқлик билан гапини такрорлади.

– «Кулранг бўрилар»нинг лагери портлаб кетибди.

– Ким... ким қилди бундай ишни?

– Айтишларича, ўқ-дори омборига яшин тушган.

– «Бўрилар» омонми? Улар нобуд бўлмабдими?

– Омборда аллақанча портловчи моддалар, миналар, ўқ-дорилар бўлган. Бирорта тирик жон қолмабди...

Хаттоб қўлини мушт қилиб пешонасига урди. Аччиғи чиққанда, фазаблангандা у одатда ўрнидан туриб кетар ва тишларини фичирлатиб доира устида юргандек ҳаракатланарди. Ҳозир бундай қилмади. Унинг катта боши кўкрагига осилиб тушганча ўйга толганди. «Кулранг бўрилар» ягона умиди эди унинг. Баққол яқин орада уларни олиб кетмоқчи бўлганди. Ҳар бир «бўри» учун қўшимча беш юз мингдан ҳак тўлашини ҳам айтганди. Наҳотки ўн миллион доллардан куруқ колса?!

Чопар аллакачон Усаманинг кароргоҳига етиб келган, мактуб солинган пакетни ёрдамчининг қўлига топширган, у эса Хаттобнинг арз-додини ўз раҳнамосининг қулоғига етказганди. Чегаралар аввалгидек эмаслигини, хар қадамда аскарлар турганини, қаттиқ назорат ўрнатилганлигини ҳам маълум қилганди. Усама маблағларини сарф қилишдан аввал шароитни ҳисобга оларди, бир тийинни ҳам ҳавога совуришни истамасди ва айни чоғда ўзининг эркатоий бўлган

Хаттобни мұхтожлиқда, русларнинг қуршовида хам қолдиролмасди. Мулла Умар ҳокимиятни қўлга олгач, шу ўлкада муқим яшаб колишга, ҳеч ким, ҳеч қандай куч уни бу юртдан ҳайдаб сололмаслигига, асабига теккан, тан олишни истамаган айрим мамлакатларда вақт-бевақт содир этаётган қўпорувчиликларда уни ҳеч ким айблай олмаслигига қўзи етар, ишонарди. Унинг ўзига бўлган ишончи шу қадар кучли эдикি, ҳатто океан ортидагилар билан муносабатини кескин узиб ташлади. Энди ўзининг нималарга қодирлигини ошкора намойиш этишни мақсад қилганди. Бу ишда Хаттобдек содиқ ва вафодор одамлар керак эди. «Бир қўлли Аҳмад» номини олган эркатоий билан қайсиdir жиҳатдан фахрланарди. Шу сабабли унинг қийин вазиятга тушиб қолгани Усамани ташвишга солиб қўйганди. Қудратли кучга эга бўлган, кўпчиликнинг юрагида ваҳима ва қўркув уйғотган одами руслар билан жангда шармандаларча мағлуб бўлишини истамасди. Ёрдамчи кучларни, қурол-яроғларни, маблағларни зудлик билан етказиб беришга қарор қилди.

Усаманинг топшириғи билан ёрдамчилари катта пул эвазига Кавказ тоғлари орқали йўлак очишга муваффақ бўлишди. Бироқ бу йўлакнинг ҳар бир қадамидан ажал иси анқирди. Тоғларни қалин кор қоплаганди. Йўллар кўринмасди. Қурол ортган карvon сўқмоқни топиб юра олмасди.

– Ҳозир йўлларда юриш хатарли. Яна бир ой кутишларингга тўғри келади. Иссиқ кунлар келиб, қорлар эриб йўл очилса, биз сизларга ёрдам берамиз, – дейишди кавказлик ҳомийлари.

– Бунинг учун қанча кутамиз? – сўрашди элчи бўлиб келган Усаманинг одамлари.

– Камида икки ой!

– Бу узоқ муддат-ку! Бизга бошқа йўлак топиб бeringлар! Олдиларингга бир қоп пулни тўкамиз.

— Талабларингизга жонимиз қурбон бўлсин. Пул бизга ҳаводек зарур. Сизлар ваъда қилган пулни ҳамма ҳам санайвермайди. Афсусларки, хозир тоғ сўқмоқларининг ҳаммаси қор остида қолган. Кунлар илиб, қорлар кўча бошлаган. Таваккал қиладиган бўлсак, барчамиз нобуд бўламиш.

Ёрдамчилар тоғликларнинг гапларини оқизмай томизмай Усаманинг қулоғига етказишиди. У ёрдамчисига тезда жавоб хати ёзиб, Хаттобни камидаги иккаки ой кутиб, душманларнинг зарбасини матонат билан қайтариб туришини, вақти келгандага унинг қаҳрамонлигини жуда катта миқдордаги бойликлар билан тақдирларини маълум қилди. Чопар мактубни қўйнига солиб, Чеченистон томон шамол каби елди. Пакетда қорлар эриб битгандан кейин очиладиган йўлакнинг чизмаси ҳам бор эди. Сахрои Кабир чўлларида ҳарбий тайёргарликдан ўтган, кўкдаги юлдузни бенарвон узиб оладиган афиқалик юз жангарининг ўтиши ҳам айтилганди. Чопар ўзи келган йўлдан тоғларга тирмашгандага чегарачиларнинг қаршисидан чиқиб қолди. Бундай бўлади деб сира хаёлига келтирмаганди у.

Чегарачилар ўша пайтнинг ўзидаёқ чопарни Москвага жўнатишиди. Евдокимовнинг одамлари уни кутишашётганди. Чопарнинг қўлга олиниши руслар кўпдан бери режалаштириб келаётган маҳсус операция амалга оширилишига сабаб бўлди. Чекистлар тутқуннинг олдига иккита вариант қўйишиди. Узок муддатга маҳкумлик ёки озодлик. У иккинчи вариантни танлади. Сўроқ чоғида ким билан учрашганини, қўйнидаги пакетни кимнинг қўлига топширишини айтиб берди. Ўтадиган йўлакларни, учрашадиган одамини, гаплашадиган гапларни – барча-барчасини очиб ташлади.

Вақт зиқ эди. Хаттоб чопарни кўзи тўрт бўлиб кутаётганлигини руслар хис этишарди. Бироқ қалтис бу

ишда шошилиб бўлмасди хам. Ҳар бир ишни, хар бир айтиладиган гапни пухта ўйлаб олиш лозим эди. Акс холда операция барбод бўлиб Хаттоб яна омон колиши, топширикни бажаришга киришган чекист нобуд бўлиб кетиши ҳеч гап эмасди...

Руслар одамларидан бирини Хаттобнинг ҳузурига жўнатишга қарор қилишди. Чопарга ўхшаш қиёфадош одам танланди. Барча маълумотлар билан қуроллантирилди. Кейин унга оқ йўл тилашди.

Чекист ўрмон ичида бир хафта юриб, ўрмончининг уйчасини топди. У етмиш ёшлардан ўтиб қолган, эгнига жулдирвоки кийим кийган, белини майда новдалар билан боғлаб олган қари чол эди. Хаттобнинг одамлари кунора келиб, ундан хабар олиб кетишарди. Шу боис йўлга қадалган кўзларидан безовталиги билиниб турарди.

— Йўлдан адашиб қолдим, ота. Шахарга чиқиб кетадиган сўқмокни кўрсатсангиз, — дея маҳсус сўзни тилга олди чекист.

Бир соатча аввал Хаттобнинг ёрдамчилари келиб, «Йўлдан адашган кимса келмадими» деб сўраб-суриштириб кетишганди.

— Адашганларга йўл кўрсатиш савоб, — жавоб қилди чол ўрнидан туриб йўловчига яқин келар экан. У ўзининг бир оз кисилган ва хира тортиб колган кўзлари билан йўловчига синчиклаб тикилди. «Бу ўша – бир ой муқаддам мен кўрган одам. Кўзларим алдамайди» деб хаёлидан ўтказди.

— Намунча кеч қолдинг, ярамас? Одамларинг келавериб ҳол-жонимга қўйишмади. Яқинда яна бири келиб кетганди. Кечикканингдан бошлиқ жуда ташвишланмоқда. Пакет қани?

Чекист ёнидан пакетни олиб чолнинг қўлига тутқазди. Бу билан ўзига топширилган вазифани адо этиб бўлганди. Колган ишни чол бажаради.

— Пакет шахсан бошлиқнинг қўлига тегиши керак.

– Унга келган хатни бирор очиб ўқишига хадди сифмайды, ярамас.

– Менга топшириқ йўқми?

– Икки кундан кейин келасан, ярамас. Бирор гап бўлса менга айтиб кетишади!

Чекист бир-икки савол бериб, Хаттобнинг аҳволини билгиси келди.

– Озиқ-овқатдан, ўқ-доридан қийинчилик йўқми?

– Ўрмонда кийик билан қирғовул қирилиб кетди. Аммо ўқ билан қурол етарли. Шамилнинг одамлари ботқоқликдан кечиб ўтиб, аллақанча қурол-яроғ ташлаб кетишибди. Яқин кунларда Шамил Хаттобнинг одамларини бу ердан олиб чиқиб кетармиш. Бирлашишса керак-да!

Чекист орқага қайтди. Йўлда телефон орқали бошлиқлари билан боғланиб, топшириқ бажарилганлигини маълум қилди. Чол айтган гапларни ҳам қўшиб қўйди.

– Зудлик билан марказга қайт! – топшириқ беришди бошлиқлар.

Соқчилар кечки пайт ўрмон коровулининг олдига келиб пакетни олиб кетишиди ва уни Хаттобнинг қўлига топширишди. У интизорлик билан кутилаётган пакетни олиб, четроқдаги тўнгак устига келиб ўтириди. Усама қандай қарорга келганлигини билишга шошилди. Пакетни очиб, ундаги ёзувларга кўз югуртириди. Кўзи бир оз хира тортиб қолганлиги сабабли мактубни бурнигача яқинлаштириб ўқиди. Янги йўлакнинг топилганидан, юз нафар африкаликнинг келишидан мамнун бўлди.

– Биз энди албатта русларнинг ҳалқасини ёриб ўтамиз! – деди ўзига-ўзи мактубни кўзларига суртар экан. Унинг юзида табассум балқиганини ҳамма кўрди. Юракларида сўниб бораётган умидлар уйғонди. «Мен ўзимнинг кимлигимни, нималарга қодирлигимни сенларга кўрсатиб қўяман ҳали. Ҳар бир ўлган одамим учун ўнтадан аскарингнинг терисини шилиб олмасам

одам эмасман» деди дилидан ўтказди. Бирдан боши енгил айлангандек бўлди. Кўз атрофи жимирилади, оппок халқачалар пайдо бўлди. Ичи қизиди ва муштдек нарса бўғзи томон ҳаракатланди. Нафас олиши вазминлашди. «Нима бўляяпти менга» деди ўзига-ўзи. Ўрнидан турмоқчи бўлди. Бироқ оёқлари увишиб қолгандек қимириламасди. Вужуди безгак тутгандек қалтиради. Нарироқда турган сокчиларни чакирмокчи бўлиб тили йўқдек фудранди. Турган жойида музлаб, тошга айланниб қолгандек эди гўё. Сониялар ўтган сайин фикрлаши сусайиб бораради. Бирдан кўз олдини қоп-қоронги зулмат босди.

Соқчилар келишди. Хаттобнинг шахсий шифокорини чакиришди. У бехуш, юзлари кўкариб бораётган, сарғай-ган тишлари билан тилини тишлаб ётган хастани текшириди. Аниқ ташхис қўёлмади. Бу орада Хаттоб ҳеч нарсани хис этмай, атрофида айланниб юрган одамларни кўрмай, сўзларини эшитмай қолганди. Оғзидан кўкимтируюқлик томарди. Уч дақиқадан кейин оёқ-қўли бирдан ҳаракатланиб, типирчилаб жон таслим қилди. Доктор ерда ётган қоғозни олди ва унга маҳсус дорилар билан ишлов берилганлигини аниқлади.

— Мактуб заҳарланган, — деди у соқчиларга.

Атрофдагилар бир-бирларининг кўзларига қарашди. Хамманинг кўзида қўркув акс этарди.

## КОБУЛ

Баширнинг ўлимидан кейин Мулла Умар Каширийга ишонибгина қолмай, балки суюниб ҳам қолганди. Тез-тез уни ҳузурига чақириб, мамлакат ичкарисида ҳамда дунёда бўлаётган воқеалар, ўзгаришлар, бошка юртларнинг янги давлатга бўлаётган муносабатларидан хабардор бўлиб турарди. Сиёsat майдонидан анча йирок бўлган бу одам ўзи истамаган ҳолда сиёsat

билан қызиңа бошлаганди. Унинг онгини сиёсий тушунчалар билан бойитиш мақсадида Кашмирийнинг сұхбати ҳаводек зарур әди. Ўртадаги яқинлик ва ошкора мулоқот Кашмирийга баъзи нохуш хабарларни тортина май айтиш имконини берарди.

Толибонлар етакчиси унинг ҳар қандай мавзудаги сўзларини тинглашга ҳамда ўзининг хулосасини билдиришга тайёр әди. Дастребки пайтлар ўзи түғрисидаги салбий гапларни эшигандан кўзи ёниб, туси ўзгариб, разабли ўтлар сочган бўлса, кейинчалик қўнишиб, жимгина қулоқ тутадиган, асабийлашмайдиган бўлиб қолганди. Кашмирий унинг учун мисоли бир ойна вазифасини ўтарди. Мулла Умар ўз халқининг тақдирини, келажагини, қолаверса, дунёдаги одамларнинг, сиёсатчиларнинг унга бўлган муносабатини айнан Кашмирий тимсолидаги ойна орқали кўриб турарди.

— Давлат тепасига келган ҳар қандай куч аввало ўзининг тоғаси ва сиёсатини ишлаб чиқиши керак. У шу билан кучли. Бугунги кунда дунёда сиёсат ва тоғалар жанги бормоқда. Кимнинг сиёсати кучли бўлса, ўша дунёда хукмронлик тизгинини қўлига олади. Тоғаси ва сиёсати пуч бўлса, кучлиларнинг қўлида ўйинчоққа айланади. Бизга карши турган давлатларни аввало тоғамиз ва сиёсатимиз билан маҳв этамиз. Чиркин ва ўзгармас, одамларни алдайдиган, қўйинини пуч ёнроққа тўлдирадиган, ташқаридан қараганда асал таъмини берса-да, ичи тўла оғу бўлган бундай тоғ ва мағкураларни пачақлаб ташлаймиз. Одамларнинг юраги бизнинг кучимииздан эмас, тоғамиздан титрасин. Тоғ ва сиёсат жангиди байроқдорлик қилмоғимиз керак.

— Биз айрим хатоларга йўл қўйдик, ҳазратим, — деди Кашмирий Мулла Умарнинг сўзларига жавобан.

— Сенингча, қандай хатоларга йўл қўйдик?

— Атрофимизга содик дўстлар йиголмадик.

– Ортимизда турғанлар, бизга мадад берәётгандар-чи? Улар дүст әмасми?

– Улар хеч қачон дүст бўлмайди, ҳазратим. Бизнинг ерларимиздан, бойликларимиздан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишмоқда. Улар бизни ўзларига қарам қилишни истайдилар. Мақсадлари янги ишлаб чиқарилаётган кимёвий қуролларини бизнинг еримизда синаб кўришдан иборат. Улар бойликларимизни талашмоқда, тарихий обидаларимизни олиб чиқиб кетишмоқда. Ерларимизни захарлашмоқда. Одамларимизни худди оч бўриларнинг олдига суяқ ташлагандек бир-бирига гиж-гижлаб, қонини тўкишмоқда. Бир сўз билан айтганда, итдай талашмоқда. Качондир халқимиз фанга маълум бўлмаган касалликларга чалиниб, қирилиб кетишидан кўрқаман, ҳазратим.

Мулла Умар бундай гапларни ёқтирасди. Унинг чўзинчоқ ва озғин юзи газабдан кўкариб кетди. Кашмирийни чаёндай чақиб олди.

– Мен нима иш қиласётган бўлсам, барчасини шариат ҳукми билан адo этмоқдаман. Янги давлатимда дунёвий қонунлар әмас, шариат аҳкомлари ҳукмронлик қилади. Боши дорга илинган одамларнинг жасадларини кўриб душманларим ибрат олсин, буни узок вақт унугулмай юришсин. Бу сиёсатимнинг қудратини авлодларнинг ёдига солиб туради. Шуни унугмагинки, бизнинг халқимиз аҳли башар қонунларидан әмас, балки шариат ҳукмларидан кўрқади. Улар ўз қонунларини керак бўлса хоҳлаган пайтда ўзгартиришади, шариат қонунлари эса шу пайтгача ўзгармаган ва ўзгармайди ҳам. Мен раҳмли ва шафқатли бўлганимда, мамлакатни бу қадар тез фурсат ичидага тасарруфимга ололмасдим. Аҳмад Шоҳ Масъуд, Раббоний, Абдурашид Дўстум каби душманларим синоларимни янчиб ер билан teng қилиб, мамлакат-

га әгалик қилишарди. Сен билан биз уларга итоаттүй бўлиб хизматини қиласардик. Мен хато қилмаганимга ва ўзим ишлаб чиқсан сиёсатнинг хақлигини яқин кунлар ичидагу дунёга тан олдираман. Афғонистон демократик давлат сифатида эмас, шариат хукмронлиги ўрнатилган, унинг тартиб-қоидалари хукм сурган давлат сифатида жаҳонга танилади. Ўшандаги айрим бакирок сиёсатчилар тарих сахифасига кон билан битилган оламшумул ишларимни ҳаммага ибрат қилиб қўрсатадилар. Ҳозирда ҳам мен олиб бораётган сиёсат ва конунлар дунёнинг кайсиdir бурчагида айрим тарафдорларим томонидан маъқулланмоқда. Биргина мисол, Чеченистонда шариат конунлари жорий этилди. Жиноятчилар шариат хукми билан жазоланмоқда. Шунинг ўзи мен олга сураётган сиёсат ва фояларим меваси эмасми? Афсуски, улар ўз тартиб-интизомларини ўрнатишда катта хатоларга йўл қўйишиди. Оқибат мағлубиятга учрашмоқда. Мен Яндарбиевнинг жангчиларига жуда катта миқдорда маблағ ажратдим. Қурол-аслаҳа етказиб бердим. Афсуски, у пулларни жойига қўйиб ишлатишни билмади.

Мақсадини айтиш фурсати келганини тушунган Кашмирий ниҳоят ёрилди:

– Ҳазратим, – деди босиқлик билан. – Сиз ҳак гапларни гапирдингиз. Зелимхон яхшиликларингизни билмади, шерикларига ва сизга хиёнат қилди. Одамларим бугун тунда совуқ хабар келтиришиди. Бўрон ва ўн тўрт нафар покистонлик йигитлар ўтирган автобус шаҳар ўртасида портлаб кетибди.

– Бўрон ўлибдими?

– Бирорта соғ одам қолмаган, ҳаммаси ёниб кетган. Бу атайнин уюштирилган!

– Ким томонидан уюштирилган?

– Шамилнинг қўли бор дейишмоқда.

– Даилинг борми?

– Зелимхон билан у анчадан буён чикишолмай юрган. Бўрон ва унинг шериклари Яндарбиевнинг идораси олдида автобусга ўтиришгач портлаш рўй берган.

– Бўрон менинг ишончимни оқламади, – бепарвонлик билан қўл силтади Мулла Умар. – Яндарбиевдан қарзимни ундиришга қучи етмади.

– Ҳазратим, айб Бўронда эмас. Зелимхон уни ўзига яқинлаштирмади. Қарзини қайтариш ўрнига Бўронни лақиллатишга уринди.

– Зелимхон билан яқин кунлар ичида хисоб-китоб қиласман.

– Бахтга қарши у фойиб бўлган, – Кашмирий бу янгиликни паст овозда айтган бўлса-да, Умарнинг кулоги илғаб олди ва чўчиб тушди.

– Нима дединг?! – сўради худди кар одамдек қулогининг ортига бармоқларини қўйиб, – Зелимхон фойиб бўлган? Ё Алхазар! Қаёққа даф бўлибди?

– Ҳозирча ҳеч ким билмайди, ҳазратим.

– Ҳеч ким билмаса, сен қаёқдан эшитдинг?

– Одамларим етказиши...

Умарнинг соchlари орасидан совуқ тер чиқиб кетди. Шу кунгача унга қаттиқ ишониб келганди. Икки бор учрашишган бўлса-да, ҳар гал унинг ғалабасига умид ва ишонч билан қараганди. «Нима бўлди? Мағлубият кўзига кўриниб колдими? Қўлга тушиб, қамалишдан кўрқдими? Юртини ташлаб қочибдими, энди унга ишониб бўлмайди. Бу билан ўзининг ожизлигини, қўрқоқлигини исботлабди. Бироқ олган пуллари-чи? Ким тўлайди карзни? Наҳотки чув тушиб қолса? Қаерга яширинган бўлиши мумкин? Қайси юрт бошпана берди унга? Ҳимоясига ким олди? Унинг ваъдаларига ишониб, қанчадан-қанча маблағ сарфлади. Ишончли жангчиларини ҳузурига жўнатди. Замонавий қурол-яроғларни ҳам ундан аямади. Оқибати нима бўлди? Ҳеч қачон ҳақимдан кечмай-

ман. Ернинг тубига кирса қулоғидан, осмонга чиқса оёғидан тортиб бўлса ҳам тўлатаман. Қилган хиёнати учун қасос оламан. Олганда ҳам қилмишларига тавба қиласди ва оёқларимни ўпади».

Умар ғазабдан олайган кўзини Кашмирийга тикиди:

– Зелимхоннинг мендан қанча қарзи борлигини биласанми?

– Ўтган йилнинг охирида эллик миллион деб эшитгандим.

– Бу ҳозирга келиб бир миллиардга кўпайган. Ҳақимни тишини суғургандек суғуриб оламан. Сенга бир ҳафта мухлат, одамларинг Зелимхоннинг қаерда беркиниб яшаётганини аниқлашсин. У билан ҳисоб-китоб қилмасам юрагимдаги олов сўнмайди. Ҳозироқ идорангга бор, одамларингга топшириқ бер... Топишсин!

Кашмирий бу ишда шошилиш мумкин эмаслигини, одатда қидиув ишлари яширинча олиб борилишини айтмоқчи бўлди, бироқ толибонлар етакчиси буни тушунмаслигини ўйлаб, тилини тийди ва унинг қулбасини тарқ этди...

\* \* \*

Бир ҳафта ўтгач Кашмирий яна Мулла Умарнинг хонасида пайдо бўлди.

– Одамларим Зелимхоннинг қаердан бошпана топганини аниқлашди, ҳазратим, – деди олиб келган ҳарини тезроқ Умарнинг қулоғига етказишга шошиби.

– Хўш, қаерга беркиниби?

– Доханинг марказидан бир рус олигархининг уйини сотиб олибди.

– Уйми, ҳовлими?

- Ховли.
- Шаҳарда битта ховли қанча туришини биласанми?
- Ҳар қалай <sup>т</sup>уттиз миллион доллар сарфлабди.
- Бунча пулни у қаердан олган бўлиши мумкин, <sup>т</sup>ўйлаб кўрдингми?
- Албатта, бу сизнинг пулларингиз, ҳазратим.
- У биздан олган пулларни синоларига сарф қилмаган. Улардан яширган. Пул ололмаган одамлари унинг топширигини бажаришдан бўйин товлаган. Мана мағлубиятнинг бош сабаби! Биз Яндарбиевни қўллаб, урушни фойдасига ҳал этади, давлат тепасига ўзи келади деб ишониб боримизни берсагу, у ярамас пулларимизни ўзининг фаровон ҳаётига сарфлабди-да... Шу йилнинг ўзида мендан саккиз юз миллион долларлик қурол-яроф олиб кетганди...
- Саккиз юз миллион доллар? Бу катта маблағ, ҳазратим. Бу билан бутун бир мамлакатни остин-устун қилиб ташласа бўлади, – деди Кашмирий атайин Умарни қитиқлаб. – Бу кечириб бўлмас хиёнатдир!
- Мен хиёнатни кечирмайман, айниқса, тузимни ичиб тузлиғимга тупурган кимсаларни!
- Буюринг, ҳазратим!
- Зелимхон шу кунларда нима ишлар билан банд?
- Кўпроқ ховлисида китоб мутолааси билан машғул. Бўш пайтларида масжидга чиқиб ибодат қиласди. Кечки пайтлар ўғлини ёнига олиб денгиз бўйларида юради.
- Маҳаллий ҳукуматнинг муносабати қандай?
- Зелимхон иттифоқчиларимизнинг ҳам ҳафсаласини пир қилган, ҳазратим. Лекин одамларимнинг айтишларига караганда, атрофида европаликлар айланниб юришганмиш.
- Русларнинг муносабати-чи?
- Улар Зелимхонни халқаро қидирувга беришган.
- Ватандошларининг муносабатини ўргандингми?

– Мухбирларга берган интервьюсида «Мен Дохада бўлганим билан юрагим ватанимда. Тарафдорларимни ҳар томонлама қўллашга қурбим етади» деб айтган.

– Бу шунчаки чўпчак гаплар. Энди ҳеч қачон Чеченистонга қайтиб боролмайди. Чеченлар юртини ташлаб чиқиб кетган одамни ёқтиришмайди. Хоин сифатида лаънатлашади. Агар сен айтгандай мухбирларга шундай интервью берган бўлса, бу русларнинг ҳам қулоғига етиб борган. Унинг изига тушган бўлишлари мумкин.

– Руслар Грознийда ва Россиянинг бошқа шаҳарларида рўй берган террорчилик харакатларида уни қаттиқ айблашмоқда.

– Чеченистон русларнинг қўлига ўтди ҳисоб. Улар ўз одамларини мамлакат тепасига қўйишади.

– Русларнинг Зелимхоннинг изига тушиши биз учун қўл келиши мумкин.

– Нимани назарда тутяпсан?

– Агар Яндарбиев Дохада гойиб бўладиган бўлса, жамоатчилик бунда бизнинг эмас, айнан русларнинг қўли бор деб ўйлади.

– Ақлингга беш!

– Буюринг, ҳазратим, менга бир оғиз сўзингиз ки-фоя! – Кашмирий қандай қилиб бўлмасин Умарнинг эътиборига тушишни ва дилига тушиб келган асл мақсадига эришишни ўйларди.

– Дохага одамларингни жўнат!

– Менимча, у ерга одамларимизни ташлаш ноўрин.

– Нега?

– Одамимиз бегона жойда Яндарбиевга суиқасд режасини ишлаб чиқиб, уни муваффақиятли амалга ошириши учун камида икки ой вақт йўқотади.

– Унда бу топширикни ўша ерда юрган одамларингга юкла. Бу ишни ими-жимида бажаришсин. Жаҳон жамоатчилиги Зелимхоннинг ўлимида фақат руслар-

нинг қўли борлигига ишонсин. Бунга қанча муддат керак?

Кашмирий бир оз ўйланиб турди-да, жавоб қилди:

– Ўн беш кун етади, ҳазратим. Аммо...

– Нима дейсан?

– Одамларни маблағ билан таъминлашимиз керак, ҳазратим.

– Қанча пул кетса, фазнадан ол. Дарвоқе, фазнанинг ҳам таги кўриниб қолганга ўхшайди. Анави туркдан янгилик йўқми?

– Одамларимни лашкарбошининг олдига жўнатдим. Яқин кунлар ичida ишончли тўртта тожик йигитларини жўнатадиган бўлди.

– Ёрдамчиси билан боғлан. Қандай қилиб бўлмасин, бизга бирор миллиард доллар қарз бериб турсин. Мен уни керагидан ортиқ қорадори билан таъминлайман!

Кашмирий бош иргиб, ҳазратни хонада ёлғиз қолдириб чиқиб кетди.

## САМАНГАН

Куз кечаси қоронғи эди. Осмонни қоплаган булатлар аста-секин ёйилиб, юпқалашиб, онда-сонда юлдузлар кўриниб қоларди. Кемтик ой худди эркинликка чиққандай балқиб, димиқиб ётган нурларини замин узра сочар, бутун борлиқ ёришиб, яқин-йироқлар ялт этиб қўзга ташланарди. Faфур бағридаги болани худди кафтдаги юрак мисоли маҳкам қучоқлаганча турилиб-суртилиб, оёғи тошларга илиниб, қоронғи жар ичидаги торгина тошли йўлдан кетиб борарди. Ёдгор уйғонганди. Кўзи баҳайбат тошларга тушиб, қўркқанидан нафасини ичига ютиб, кўзларини гоҳ очиб, гоҳ юмиб оларди. Унинг митти юраги бегона инсон қўлидалигини хис этарди. Faфур анча йўл босиб, лагерни ортда қолдирди. Жарлик тугамаган бўл-

са-да, унинг адогига етгунча кетиб бўлмасди. У бу ернинг йўлларини яхши биларди. Жарлик тоғлар томон олиб борарди.

Faфур тошларга тирмасиб тепаликка чиқди. Бу пайтда булутлар чокини сўкиб, росмана жамолини кўрсатиб ой чиққанди. Ясси пасттекисликлар, қишлоқлар, олисдаги улкан тоғлар унинг сутранг нурларига чўмилганди, эпкин гиёҳларнинг хидини олиб келарди. Faфур гоҳ чопқиллаб, гоҳ қадамини илдамлатиб борар экан, мияси тинимсиз равишда ишларди. Қаёққа боришни ва қайси йўлдан юришни олдиндан чамалаб оларди. Вактнинг ҳисобини олиш, дақиқалардан ютиш керак. Токи одамлар уйғониб кўчаларга чиққунча бу ердан тезроқ кетиш даркор. Тонг отишига уч-тўрт соат қолганди. Сабина болани кўргиси, бағрида олиб ётгиси келиб сўраб қолиши мумкин. Унинг чодирда йўклигини билса, Мирзаҳмад одамларини ҳар ёнга чоптиради.

Лагерь йироқларда қолганди. Faфур пасттекисликлардан ўтиб, довонлардан ошди, суви қуриган ариқлардан сакраб огулга кириб келди. Шу ердан бирорта машина ёллаб чегарага етиб олиш мумкин. Ихтиёрида уч соат қолди. У ёнидан телефонини олди. Тўхташ мумкин эмасди. Вакт йўқотади. Йўл-йўлакай Маҳмудовнинг телефон рақамларини терди. Полковник гўшакни кўтарганда у ҳансира баштадай деди:

– Бола қўлимда. Уч соатдан кейин чегарада бўла-ман.

– Сабинага нима бўлди?

– Кутқаришнинг иложи бўлмади.

– Бола йўқолганини лашкарбоши билдими?

– Хозирча лагерда тинчлик.

– Чегарада сизни одамларимиз кутиб олишади.

Болани топширганингиздан кейин сиз билан боела-наман!

Faфур қишлоққа кириб келди. Эгри-бугри күчадан юриб, ҳар бир эшикка бош суқиб машинаси бор хона-донни излади, аммо машина күринмасди. Кучоғидаги боланинг димофига таниш ислар урилди чоғи, безов-талана бошлади. Машина топилмаса, айтилган муд-датда чегарага етиб боролмайди. Маҳмудов чегарачи-ларни огохлантирган бўлса уни кутишади.

Кўча охиридаги йўл ёқасида турган машина Faфурнинг эътиборини тортди. У бўш қўли билан эшикни очди. Болани орқа ўриндиққа ётқизди. Ханжарини олиб керакли симларни улади. Мотор гу-риллади. Ёнилғи етарли экан. У машина бошқаришни яхши биларди, тор кўчалардан ҳам осонлик билан чиқиб кета оларди. Faфур ён кўзгуда оқ иштон кийган, қўлларини кўтариб қичқирганича чопқиллаб келаёт-ган одамни кўрди. «Сабр қил, биродар, машинангни албатта қайтариб келаман» деди ўзига-ўзи.

Машина эгри-бугри кўчалардан чиқиб, катта йўлга тушиб олди. Faфур тезликни мунтазам ошириб борар-ди. Олисда Ҳайратон кўприги кўзга ташланиб туар-ди. Тонг отиш арафасида чегарага етиб келди. Постда афон аскарлари бўлиши мумкин деб ўйлади. У ма-шинани йўл ёқасида қолдириб, болани қўлига олиб пастга тушди. Ёдгор ҳамон кўрқувда эди.

– Мени қаёққа олиб кетяпсиз? – сўради у ҳадикси-раб.

– Кўрқма, болажон. Сени ўзимизникларнинг қў-лига топшираман. Мана, ҳозир етиб борамиз.

Faфур тошлоқдан юриб дарё томон кетиб борар-ди. Чангалзорлар, қамишзорлар уни қўздан яшириб бағрига олди. Тизза баробар сув кечишга тўғри кел-ди. Қамишлар қалин эди, юришга халақит қиларди, япроқлари юз-кўзга санчиларди, баданни шиларди. Бола йиғлар, овози қамишларнинг шитирлашига қў-

шилиб кетарди. Тун пардасини хали құттармагани боис ботқоқликлар әгаси бүлмиш чивинлар күз очирмасди, нишини саншиб қочарди. Faфур амал-тақал билан дарё ёқасига етиб келди. Каршисида ёйилиб, шовуллаб, аста-секин ёришиб келаётган тонгнинг мунавар нурларида ялтираб Амударё оқарди. Бирок уни кутиб оладиган одамлар күринмасди. «Адашдимми? Наҳотки орқага қайтишга тұғри келса?» Юзларига лой сачраган, кийимлари шалаббо Faфур тиззасидан балчиқ кечиб, дарё ёқалаб юра бошлади. Боланинг қорни очганди. У «Тоғамга кетаман» деб хархаша құтара бошлаганди. Чивин чаққан бадани ачишар, тинимсиз қашланарди. Faфурнинг ёдига телефон тушиб қолди. Маҳмудовга қўнфироқ қилмоқчи бўлди. Рақамларни теришга ултурмади. Қамишларнинг бежо шитирлаши бунга халақит қилди. «Ким бўлди?» Faфур хавотир тўла қўзлари билан ортига қаради. Тўрт нафар қуролли одам у турган томон келишарди. Эгнида афғонларнинг кийими. Қўлларида автомат. Faфур қуролини фор ичидан қолдирганини эслаб қолди. Қуролсиз қаршилик кўрсатишга ожиз эди. Боланинг тақдирини ўйлади.

«Энди нима қиласман?»

- Биз сизни кутяпмиз, Faфур! – деди улардан бири.
- Кимсизлар?
- Маҳмудовнинг одамларимиз.

Полковникнинг номини эшитиб Faфурнинг юраги ўрнига тушди. Улар болани Faфурнинг қўлидан олишиди. Бу орада йигитлардан иккитаси қамишлар ичидан дамлама қайиқни олиб чиқиб, сувга туширишди.

Маҳмудовнинг одамлари Faфурнинг қўлига пакет тутқазишиди.

– Ичида пул, телефон батареяси бор, ишлатасиз!  
Қодирнинг сурати ҳам шу пакет ичидан!

Айни дамда катернинг овози эшитилди.

— Афғонлар! — деди йигитлардан бири. Барчалари қайиқни күтариб, ўзларини қамишзор ичига уришди. Дарё ўртасидан катер ўтиб кетди. Шундан кейин улар қайиққа ўтириб соҳилнинг нариги томонига қараб сузишиди. Қайиқнинг икки ёнида худди улкан балиқдек нарса харакатланиб бораарди.Faфур булар ғаввослар эканлигини пайқаб, болани соғ-омон юртга олиб ўтиш учун Маҳмудов жиддий тайёргарлик кўрганини тушиуниб етди...

\* \* \*

Бола кўтарган Faфур машинага ўтирган чоғда лашкарбошининг хонасидаги чирок кутилмагандага ёниб қолди. Бир оз ўтиб унинг бўғизланётган буқадай бўкиргани, кейин аёлнинг йиғиси эшитилди. Соқчилар кулбадан анча нарида қиморбозлар ўйинини томоша қилиб ўтиришарди. Бошқалар эса ўзлари билан ўзлари овора. Итдай ичиб, наша тортиб масталааст бўлиб, бўш шишалардек думалаб ётган жангариilar бу овозни эшитишмади. Пули йўқлар, бор-будини тикиб адo килганлар аламларини наша ва ичкилиқдан олиб, ўзларини ўзлари сўкиб ўтиришарди. Бугунги кайф-сафо уларнинг хотирасида узок йиллар сақланиб қолиши албатта тайин. Мирзаҳмад қандай қилиб бўлмасин, бу ердагиларнинг кўзига яхши кўриниш истагида топганини бугунги майшатга сочганди. Қозонларда овқатлар ортиб, ичимлик шишалари ерда думалаб ётарди.

Чирок ёнганидан кейин ҳеч канча фурсат ўтмайдан яланғоч елкасига чакмон ташлаган лашкарбоши чиқиб келди. Жун босган кенг кўкраклари қорайиб кўриниб турарди. Унинг ташқарига чиққанига бирор аҳамият бермади. Аникроғи кўрмади.

Лашкарбошининг ўткир нигоҳлари анча нарида ошик отаётган Соли парангда тўхтади. У вазмин, аммо зардали қадам ташлаб қиморбозлар даврасига яқинлашди. Бақувват панжалари билан уни елкасидан чангллади. Соли типирчилаб, бошини орқага ташлаб тепага қаради. Мирзаахмадни кўриб, сал бўлмаса қичқириб юбораёди. Хамма ўрнидан турди. Мирзаахмад уларга бир оғиз гапирмади. Парангни бургут ўз ўлжасини тирноқлари билан маҳкам чангллаганидек ўз хонасига олиб кириб кетди. Ичкарига киришганда Солининг кўзи ерда яланғоч тиззаларини қучоқлаб ўтирган қизга тупди.

– Бола қаерда? – сўради лашкарбоши.

– Хонамда, хўжайин, – парангнинг овози гуноҳкор одамникideк титраб чиқди.

– Бу жодугар эрим бор, болам бор деб бизларни лақиллатибди.

Паранг ўзига келди:

– Ё тавба!

– Назаримда болани ўғирлаган...

– Ҳақ гап, хўжайин!

– Хозир болани олдимга олиб кирасан. Тўғрисини айтмаса, кўз олдида сўйиб ташлайсан!

– Амрингиз вожиб, хўжайин!

Соли паранг эшик олдига борганда лашкарбоши тўхтатди.

– Соқчи олдимга кирсин!

Соли паранг чодирга кириб каравот бўм-бўшлиги ни кўрди. Бола жойида йўқ эди. «Қаерга ғойиб бўлди? Бирортаси олиб чиқиб кетдими?» У тўшакка кафтини босди. Муздек. Парангнинг ичидан жон томири узилгандек вужуди қалтиради. Ақл-хушидан айрилган телбадек гандираклаб ташқарига чиқди. Дуч келган одамлардан болани сўроқлади. Кўрдим деган то-пилмади. Ташқарида изғиб, ҳар чодирга бош суқди. Нихоят лашкарбошининг олдига қайтди.

- Бола йўқ, хўжайин... – деди мингирилаб.
- Нега йўқ бўлади? Кўзинг қаерда эди маймунбашара?

– Кечкурун жойимга ётқизиб, ухлатиб қўйгандим...

– Топ, маймоқ ит! Агар у йўқоладиган бўлса, икки кўзингни ўйиб оламан, ўзингни ўзинг танимай қоласан!

Сабина чўчиб тушди. Ўрнидан сапчиб турди. Ёшга тўлган, қизариб ва шишиб кетган кўзларини Солига ўқдек қадади ва чинқирди:

- Болам қани? Қаерга яширдинг уни? Топ!
- Ба... ба....лки.... бўрилар олиб қочгандир? – паранг қўрқувдан даф-даф титрарди.

Мирзааҳмад унинг сўзига аҳамият бермади. Икки кўзи Сабинада эди. «Боласидан айрилган аёлнинг ахволи бўлакча бўлади. Жияни бўлганда ҳам чида буролмасди. Бўкириб йиғларди, ўзини ерга отарди» деган ўй кечди хаёлидан.

– Одамларни тўпла! Ҳамма теварак-атрофни кўздан кечириб чиқсан!

– Хўп бўлади, хўжайин...

\* \* \*

Faфур болани чегарачиларнинг кўлига топшириб, қамишлар орасидан чиқиб келаётганда телефони жиринглаб қолди. Кўнгироқ қилаётган Дилмурод эди.

- Тинчликми? – шошиб сўради Faфур.
- Ака, лагерда тўполон!
- Лашкарбоши ўлдими?
- Ўлганда одамлар байрам қиласарди...
- Унда нима гап?
- Боланинг йўқолганини Мирзааҳмад сезиб қолди. Киз сочини юлиб дод соляпти. Лашкарбоши одамла-

рини тоғу тошларга чиқариб юборди. Улар болани бўри олиб қочган деб тахмин қилишмоқда.

- Киз нима киляпти?
- Уни зинданга ташлашди.
- Азоблашларига йўл қўйма, Дилмурод. Агар уни қалтаклашадиган бўлса, иккимизга ёмон бўлади.
- Нима қиласай, ака?
- Кизни азобдан қутқар.
- Бу топшириғингизни бажара олмайман!
- Бу менинг топшириғим эмас, тушундингми?..
- Топшириқни қандай бажараман, ака?
- Зиндан ичига ханжар ташлайсан. У ёфини қизнинг ўзи ҳал қиласади.
- Шу холосми?
- Хозирча...»

Дилмурод бир муддат ўйланди. Нима қилиши ни билмай боши қотди. «Зинданга яқин борсам, бирортаси қўриб қолиши мумкин» деб иккиланди. Атрофда хеч ким қўринмасди. Жангарилар қирлар тепасида бўри изларини излаб, болани ахтаришарди. Ошхона томонда икки ошпаз картошка арчишарди. Мирзааҳмаднинг соқчилари қир томонга қараб гаплашиб ўтиришарди. Дилмурод таваккал қилишга қарор қилди. Пичоқ олиб, қўйлагининг енги ичига яширди. Зиндан тепасига келганда бирдан юрагига вахима оралади.

«Лашкарбоши дарчадан қараб турган бўлса-я?»

Дилмуроднинг оёқлари қалтираб кетди. У пастга қаради. Икки одам бўйи келадиган нимқоронги зиндан ичидаги мук тушганча ўтирган қизни қўрди. Йиғлаяптими, ўй сурисиб ўтирибдими, ухлаб қолдими – билиб бўлмасди, тошдек қотган. Дилмурод унинг ахволини қўриб дод солай деди, афтода ҳолидан юраги эзилди. «Бечора ёшгина, келишган қиз экансан.

Сендай күхлик кизни ўлдириб уволингга колгандан кўра, жонимни тикиб бўлса ҳам қутқараман. Ҳа, албатта қутқараман. Сен ич-этингни еб, қийналиб азоб чекиб ўтиргагин. Болангми, жигарингми – ким бўлишидан қатъи назар у тирик. Бўрилар олиб кетмаган уни. Фақат бу ердаги одамбўрилардан сақлаш мақсадида олиб қочдим, ишончли қўлларга топширдим. Хозир бехавотир жойда. Кўнглинг тинч бўлсин» деди ўзига-ўзи Сабинага айтадиган гапларни дилидан ўтказиб. У каддини бир оз буқди ва кўнглидан кечган гапларни қизга айтиш мақсадида зиндан ичига қаратади паст овозда шивирлади:

– Синглим, хов, синглим, мени эшитяпсизми, болангизни бўрилар олиб қочмаган, у тирик... Қайдалигини мен биламан...

Сабина қимир этмади. Қулоғи кар гунг одамлардек ўтираверди. Дилмурод сўзларини яна такрорлади. Қиздан садо чикмади...

– Нималар деб валдираяпсан, ҳой тентак?! Ё ишқ-муҳаббат изхор киляпсанми?

Музлаб кетган Дилмурод шошиб ортига қаради. Қаршисида қўлида пичоқ ушлаган ошпаз туаради. Уни кўриб тили қотиб колди.

– У гапларингни эшитмайди. Ўлган, қўлини ғажиб томирларини узиб ташлабди. – Ошпаз тиржайганича ўтиб кетди.

Дилмурод йиглаб юборди...

## МОСКВА

Евдокимов навбатчилик қисмидан берилган янги маълумотларга кўз югуритиар экан, Кутузов йўлланган иккита хабар эътиборини тортди. У Бўроннинг Латиф исмли чечен билан биргаликда тоф ичкарисида

жойлашган «Кулранг бўрилар» лагерини топиб портлатиб ташлаганларини, қайтишда Шамилнинг одамлари қўриқлаётган икки юз нафар харбий тутқунларни фор ичидан озодликка чиқариб юборишганини маълум қилганди. Айнан шу куни давлат раҳбарининг Грознийга ташрифи бошланганди. Бундан расмий ташкилотлар хабардор бўлмаганди.

Ельциннинг Грознийга ташриф буюриши мумкинлигини Зелимхондан эшитган Шамил ишончли мерғанларини шаҳарнинг турли жойларига жойлаштиришни режалаштирганди. У давлат бошлиғининг қачон келишини аниқ билмаса-да, одамларини кутиб олишга шай ҳолатга келтирганди. Самолёт филдираклари ерга тегиши биланоқ тутқунлар сақланаётган горни портлатишни режалаштирганди. Асиrlарни қўриқлаётган «бўрилар» бошлиқларининг рация орқали берадиган хабарини кутишарди. Тутқунларнинг аввалги жойдан олиб кетилганлигини ҳамда одам топмас форлардан бирига қамаб қўйилганини деярли ҳеч ким билмасди. Москвада тутқунларни зудлик билан қутқариш масаласи ҳар соатда кўтариларди.

Зелимхон билан учрашув чоғида президент тутқунларни озод қилиш таклиfinи ўртага ташлаганди. Зелимхон шартномаларнинг айrim бандлари кучга кирганидан кейин таклифни бажаришни, унгача тутқунларнинг ҳаётига ҳеч қандай хавф таҳдид солмаслигига ваъда берганди. Бироқ Зелимхон қайтиб келгач режалари кутилмагандা ўзгариб кетди. Шамил ҳамманинг олдида эътиroz билдириди. «Агар Ельцин Грознийга келадиган бўлса, менинг одамларим самолёт филдираклари ерга тегиши биланоқ асиrlар сақланаётган горни портлатиб ташлашади» деб ҳамманинг олдида ошкора айтиб ўтди. Бўрон унинг гапларини Кутузовнинг қулогига етказди. Москва

Шамилнинг ҳеч нарсадан қайтмаслигини биларди. Кескин чоралар кўришга, асирларни қаерда сақланадётганини аниклашга ҳамда уларни озод килишга маҳсус хизмат ходимлари билан ҳарбийлар ташланди. Вертолётлар осмонга кўтарилилди. Тоғлардаги жамики форларга бош суқилди. Тутқунлар сақланадётган жойни топишолмади. Қидирув ишлари айни дамда ҳам давом этадиганди.

Тажрибали чекистлар Шамилнинг изига тушишганди. Уни йўкотиш вазифаси топширилганди. Шамилнинг дўйк-пўписалари президентнинг қулогига етиб борганди. Кўриқлаш хизмати ходимлари ташрифни маълум кунларга кечикириш тақлифини билдиришди.

– Битта жангаридан қўрқиб, ташрифимни қолдирмайман, – деди Ельцин совуқонлик билан қўл силтаб.

Евдокимов маълумотларни олиб бошликтининг хузурига кириб келганда президент самолёти Кавказ томон парвоз қилиб бораради.

– Латифнинг шахси аниқландими? – сўради бошлиқ.

– Ҳозирча ходимларимиз бу иш билан жиддий шуғулланишмоқда, – жавоб қилди Евдокимов.

– Кутузов юборган маълумотда Грозний шахридан ўн чақирим нарида «Пазик» автобуси портлаган. Ичиди ўн беш нафар хорижлик жангариilar бўлган. Жумладан Бўрон ҳам шу автобусда бўлган.

– Бу иш олдиндан режалаштирилган!

– Хориждаги оммавий ахборот воситалари ходимлари терактни бизнинг бўйнимизга илишмоқда. Рамазон Хачбировнинг қўли борлиги ҳам тахмин қилинмоқда. Одамларингиз ушбу воқеага оид маълумот жўнатишдими?

– Автобус жўнаш пайтида кўчада одамлар қатнаб турган. Турк ва инглизлар ҳам бўлган.

– Автобуснинг портлатилганлиги ҳақида қайси мамлакат биринчи бўлиб ахборот тарқатган?

– Теракт содир бўлгандан кейин олти соат ўтиб Англиядаги иккита газета ушбу ҳолат юзасидан батафсил маълумот берган. Ахборот остига ёниб турган автобуснинг сурати ҳам илова қилинган. Экспертларнинг берган хуносасига караганда сурат портлаш содир бўлгандан беш дақиқа ўтгач олинган.

– Инглизлар ушбу терактнинг содир бўлишидан хабардор бўлишган.

– Бу ишда уларнинг қўли бор.

– Аниқ маълумот керак менга, полковник!

– Одамларимнинг маълум қилишича, теракт содир бўлган жойдан олти чакирим наридаги микрорайонда инглиз разведкасининг махфий қароргоҳи мавжуд. Бу ерга турк ва кавказликлар келиб туришади. Теракт содир этилган куннинг эртасига одамларим у ердан келаётган тўрт нафар хорижликни суратга олишган. Улардан бирини Туркияга кузатиб қўйишган.

– Шахси маълумми?

– Хорун!

– Мамлакатимизга қачон ва нима мақсадда келгани қайд этилганми?

– Текширилмоқда, ўртоқ генерал!

Евдакимов жилд ичидан икки дона сурат олиб, генералнинг олдига қўйди.

– Мамлакатдан чиқиб кетган одам билан ишлаш ўта оғир. Яхшиси бу ишни Кутузовга топшири. Шуғуллансан. Теракт кимлар томонидан содир этилганлигини аниқласин!

– Бўронни йўқотиш бизга жуда қимматга тушди. Ҳали у билан ишлashingиз керак эди. Қисқа фурсат ичida катта ишларни бажарди.

Генералнинг телефони жиринглаб қолди. Навбатчилик қисмидан қўнғироқ қилишаётганди.

– Ўртоқ генерал, ҳозиргина Ставрополь ўлкасидан хабар олдик. «Меркурий»нинг шахси аниқлан-

ди. У Латиф Акимов бўлиб, 1974 йилдан 1995 йилга қадар Давлат хавфсизлик комитетида хизмат қилган. Подполковник. Давлат мукофотлари билан тақдирланган. Хозирда Грозний шахрида истиқомат қилмоқда. 1997 йили «Масхадов тарафдорларига қўшилиб кетган» деган хабарлар қайд этилган. Иккинчи хабар қўриқлаш бўлимидан. Президент самолёти ҳозиргина Моздок аэропортига қўнди. Давлат раҳбари ҳарбийлар билан учрашган.

Генерал гўшакни қўйиб, Евдокимовга юзланди.

– Мана, кўрдингми, Бўроннинг ёнида юрган одам бизнинг ходимимиз бўлиб чиқди. Бироқ унинг ўлгани қайгули. Ходимларга топшир, оиласига ҳамдардлик билдиришсин!

– Улар қандай топишган бўлиши мумкин? – ҳайрон бўлди Евдокимов.

– Куш тилини қуш билади деганларидек, чекистлар ҳам бир-бирларини тушунишган... Латифнинг аскарларимизни озод қилишдаги жасорати ва мардлиги учун давлат мукофотига тавсиянома ёз. Мен уни тасдиқлайман.

Яна телефон жиринглади.

– Ўртоқ генерал, президент ҳарбий вертолётда Грозний томон йўл олди. Уни ўнта жанговар вертолёт қўриқлаб бормоқда. Учувчилар керакли топширикларни олишган.

– Яхши, алоқада қоламан!

– Кутузовнинг хабарига кўра, Хаттоб ўлгач унинг юзга яқин одамлари шимол томонга юрган. Ўрмон ичига яширинган бўлишлари мумкин. Ўрмоннинг этаги Кавказ тоғларига туташиб кетган. Ҳозир тоғлар ҳаддан ташқари совуқ. Қалин қор тушган, одам яшай олмайди. Хаттобнинг жангчилари кичик-кичик отрядларга бўлиниб, қўшинларимизга зарба бериши мумкин. Уларни тезроқ ўртадан олиб ташламасак, жиддий талафот етади.

– Бу масала илгари хам кўтарилиган, аммо унинг тўдасига кирадиган ишончли одам тополмаяпмиз. Менинг мақсадим Бўронни киритиш эди.

– Кўлингда Хаттоб одамларининг рўйхати борми?

– Уларнинг кўпчилиги ўлган, тарқаб қочиб кетган. Бундан бир ой муқаддам элликка яқин ажнабий келиб қўшилган. Янги келиб қўшилганлар ҳақида бизда маълумот йўқ.

– Хаттоб четдан келадиган одамларни кутаётган эди. Мулла Умар ва Усама бин Ладен ёрдамчи кучларни жўнатиш ҳақида ваъда берган.

– Биз чегараларни назоратимизга олдик. Четдан одам ўтиши мумкин бўлган зоналар қаттиқ қўриқланмоқда.

Телефон яна тилга кирди.

– Ўртоқ генерал, президент пойтахт яқинидаги қишлоклардан бирида тўхтади. Бу ерда уни қишлоқ аҳли ва ҳарбийлар кутиб олишди. Ельцин аҳоли билан сухбатлашмоқда. Унинг хавфсизлиги қаттиқ назоратга олинган.

– Одамларнинг кайфияти қандай?

– Ёмон эмас, ўртоқ генерал!

– Шамил ҳақида янгилик борми?

– Одамларимиз ҳозиргача унинг қаердалигини аниқлай олишмаяпти. Махсус операция чоғида аэропорт атрофида ўнга яқин қуролланган кишилар қўлга олинган. Уларнинг барчаси Шамилнинг жангчилари бўлиб чиқди.

Генерал гўшакни жойига қўйиб, Евдокимовга юзланди.

– Кобулда нима гаплар? Шевчукдан дарак борми?

– Башир ўлгандан кейин барча ходимлар Кашмирийнинг ихтиёрига ўтган. Шевчук ҳозирча ишсиз қолган.

– Айюбхон-чи? У Кашмирийнинг ихтиёридами?

- Шундай.
- Жуда соз. Шевчук Кашмирийнинг атрофида ўралашмагани дуруст. Айюбхон билан ойда бир-иккى учрашиб, керакли топшириқларни бериб турсин. Ота-онасининг саломини етказсин. Хозир бизни қизиқтираётган нарса – Кашмирийнинг пўлат сандигидаги хужжатлар. Қандай қилиб бўлмасин, уни қўлга киритишимиз керак. Шевчук эътиборини мана шу хужжатларга қаратсин.
- Тушунарли, ўртоқ генерал!
- Тошкент Дубайдан Афғонистонга олиб ўтиб кетилган икки фукаросининг тақдири билан қизикмоқда. Уларнинг қаердалигини аниқлашда биздан ёрдам сўрашмоқда. Шевчукка маълум қил, ўзбек йигитлари кимнинг қўлидагилигини аниқласин.

Генерал тортмадан бедарак кетган йигитларга оид маълумот ва расмларни олиб полковникнинг кўлига топширди.

Евдокимов ўрнидан турди.

– Бўроннинг вафот этганини Тошкентга маълум киласми?

– Бу биз учун ўта оғир бўлса-да, уларни хабардор килишга мажбурмиз!

Евдокимов хонадан чиқиб кетди.

## ЮРТДА

Олтингатор қишлоғида суриштирув ишлари давом этарди. Йифилаётган маълумотлар Қодирнинг Афғонистондаги жангда вафот этганини тасдиқларди. Жўнатилган шошилинч топшириқномаларга келган жавоблар буни инкор этмасди. Ходимлардан бири вақти-вақти билан қишлоққа тушиб, Қодирнинг ўртоқлари билан сухбатлашарди. Ходим улардан янги маълумот олиш истагида эди. Ўша куни у қабристон-

га бориб, мархумнинг қабрини кўздан кечиришга қарор қилди. Бу унинг мозорга иккинчи ташрифи эди. Дастрлаб келганида қабр бошига ўрнатилган мармар ёдгорликнинг қийшайиб қолганини, экилган дараҳт кўчатининг сувсизлиқдан қуриб қолган шохлари синиб, билакдек танаси қотиб қолганини кўриб, «Қабр нега қаровсиз қолди» деган фикр кўнглидан ўтганди.

Ходим қабристонга келганида қўл телефони жиринглаб қолди. Бўлим бошлиғи қўнгироқ қилаётганди.

— Иш ёпилди, орқага қайт!

Ходим дарвоза ёнидан орқага қайтмоқчи бўлиб бурилди. Шунда фикри ўзгарди. Ўтган сафар келганида мармардан ясалган қимматбаҳо ёдгорлик қийшайиб қолганини кўрганди. Бу тасодиф туфайли эмас, балки кимнингдир қўли билан атайнин қийшайтирилганга ўхшарди. Ҳатто ёдгорлик ўртасидан дарз кетган, Қодирнинг тошга ўйиб ишланган расмининг бир чеккаси кўчиб тушганди. Бу қандайдир кимсанинг қўпол ҳаракати натижасида содир бўлганлигини ходим билганди.

У қабр тепасига келди. Унга қараб ўшанда хаёлига келган фикрларнинг ҳақлигига ишонч ҳосил қилди. Яна бир нарсани билди: ёдгорлик жойидан камида ярим метр силжитилган. Аввалги ўрнини эса кўчган тупроқлар кўмиб қўйган.

Орқа томондан кимдир томок қирди. Ходим товуш эштилган тарафга ўгрилди. Оқ яктакли гўрковни кўрди. Ходим уни яхши танимасди, ўтган сафар келганида саломлашиб, бир пиёла чойини ичиб сухбатини олиб кетганди. Қодирнинг қайси жойга дафн этилганлигини сўраганди. Гўрков уни қабр бошига бошлаб келиб, қаҳрамоннинг сафасини кўрсатганди.

Гўрков ходим билан сухбатлашди.

— Узр меҳмон. Бу қишлоғимизнинг қаҳрамони Қодир билан ағфонда бирга хизматда бўлганмисиз дейман? — сўради гўрков.

– Ёдгорлик қийшайиб қолибди. Тўғрилаб қўйиш раис бувамнинг хаёлига келмадимикин?

– Баходирхоннинг бунақа ишларга тоқати йўқ. Иши кўп-да. Илгарилари хотини кунора келиб, боласининг қабри тепасида соатлаб ўтириб, йиглаб-йиглаб кетарди. Бечора ичи эзилиб касал бўлганидан кейин келолмай қолди. Мактаб ўқувчилари ҳам байрамларда қучоқ-қучоқ гулдасталар қўйиб кетишарди. Мармар ёдгорликни артиб тозалашарди.

– Ёдгорлик жойидан кўчирилганга ўхшайди, ота...

– Гапингизда жон бор, ўғлим. Сизга махфий гапни айтаман, лекин орамизда қолсин.

– Албатта, отахон...

– Отам раҳматли шу ерда ўттиз йилдан кўпроқ гўрковлик қилган. Умрларининг сўнгти йилларида ғалати воқеани гапириб бергандилар. «Бирорвга айтмагин, бошимиз балога қолади, қариган чофимда қамоқхонада жоним узилса, жасадимни сизларга кўрсатмай, тайинсиз ерга кўмиб юборишади» дегандилар. Ўшандан бери оғзимга қулф солиб юрибман. Энди замон ўзгарди. Ўша гаплар ҳам эскириб, қаро излар босилди.

Ходим сергак тортди. Гўрков айтмоқчи бўлган гап бевосита Қодирнинг қабри билан боғлиқлигини ички туйгулари ила ҳис этди.

– Энди қўрқманг, отахон. Айтганингиздек, давр ўзгарди. Мустақил юрт бўлдик. Шўро давлатининг сирларининг қиймати қолмади.

– Гапингиз ҳақ, болам. Лекин ўша замонларда қанчадан-қанча одамлар тилидан илиниб, умри қамоқхоналарда ўтган. Бизнинг юрагимизга соя ташлаган қўрқув ҳали ҳам тарқамайди. Хавфсираймиз. Бир гапни айтишга қўрқамиз. Отам раҳматли ўлимларидан бир кун аввал мени олдиларига чақириб, «Болам, менинг отам, отамнинг отаси ҳам шу қабристонда

гўрковлик қилган. Бу иш бизга бобомерос. Мендан кейин шу ишни ўзинг давом эттирасан. Қишлоқнинг кўп одамларини қўлим билан қабрга қўйдим. Бу ерда ётганларнинг барчаси ўзимизнинг қишлоқ одамлари. Ҳар бир қабрда билимли, зиёли одамлар ётибди. Шу пайтгача уларнинг руҳларини бирор чирқиратмади. Бирорта қабр очилмади. Бироқ Баходирхоннинг ўғли Кодирнинг кабрини нотаниш кимсалар келиб очишиди. Нимага очиши – буниси менга қоронги. Билганим кабрни очганлар мендан бу ҳақда бирорга айтмаслигимни сўраб кандайдир коғозга имзо қўйдирив олганлари. Коғозга нималар ёзилганини билмайман, билганим шуки, агар сирни бирор кимсага айтсан, йигирма йилга Сибирга бадарға бўлардим. Йигирма йил ҳақиқатан ҳам ҳеч кимга оғиз очмадим. Юрагимнинг тубида сақладим. Мана, бу кун ўша воқеани ўзим билан бирга охиратга олиб кетмай деб сенга айтаяпман. Сен ҳам тилингга эҳтиёт бўл, болам. Кўпчилик олдида гуллаб юрмагин. Одам ёмон, тилингдан илинтиридими, бармоғида ўйнатади. Ўзингга жабр қилма.

Отамнинг ўшанда айтган сўzlари ҳозиргача қулоғим остида жаранглайди. Ҳар гал Кодирнинг қабри тепасига келганимда, юрагим япроқдек титрайди. Ўрнатилган ёдгорлик ўшанда бузилган. Уни ростлаб қўйиш бирорнинг хаёлига келмайди, ўғлим.

Бу сўzlар ходим учун ҳақиқатан ҳам кутилмаган янгилик эди. У гўрков билан хайрлашиб, идорасига жўнади. Маҳмудов иш билан шаҳарга чиқиб кетганди. Қайтишини кутди. Полковник келганда хонасига кирди.

– Ҳозиргина Олтингопар қишлоғидан қайтдим, – деди полковникнинг руҳсати билан курсига ўтирап экан.

– Биз Кодирнинг ишини ёпдик. Ҳужжатларни архивга тушириб юбордим.

– Қишлоқдан бошқача хабар топиб келдим.

– Миш-мишли гаплар бизни анча чалғитди. Үнга сарфлаган вақтимиз беҳуда кетганига ачинмоқдаман.

– Гўрков Муҳаммадқодирнинг қабри очилганлигини айтди.

– Қабр очилган?! Ким очган, қачон?

– Гўрковнинг айтишига қараганда, бундан йигирма йил муқаддам қандайдир нотаниш кимсалар келиб, яrim тунда қабрни очишган. Бироқ ўша пайтларда гўрков бўлиб ишлаган киши қабр тепасида бўлмаган. Нотаниш кимсалар ундан қабр очилгани тўғрисида ҳеч кимга айтмаслик, айтгудек бўлса йигирма йил қамоқ жазосига маҳкум бўлишини айтиб, тилхат ёздириб олишган. Гўрков ўлими олдидан бу ҳақда ўғлига гапириб берган.

– Қизиқ, қабрни қандай мақсадда очишган бўлиши мумкин? Бизда бу ҳақда ҳеч қандай маълумот йўқ. Қабрни очиш кимга керак бўлди? Уни очган одамлар албатта Қодирнинг бирга хизмат қилган дўстлари бўлиши мумкин. Марҳум солинган айрим тобутларга наркотик моддалар, қимматбаҳо буюмлар жойлаб жўнатилган бўлади. Дўстлари шундай қилган бўлишлари мумкин. Демак, қабр ичида ётган жасад билан боғлик қандайдир сир мавжуд. Қабр очилганда ўша сир бизга маълум бўлади.

– Қабрни очиб кўрармиз?

– Бунинг учун қўлимида асос бўлиши керак. Отонаси қаршилик кўрсатса, биз ҳеч нарса қилолмаймиз, гап-сўзлар кўпайиб кетади. Бундан ташқари, қабрни очиш учун прокурорнинг санкциясини олишимиз керак. У ҳам биздан нимага асосан деб сўрайди. Энди архивдан ҳужжатларни қайтариб олишимизга тўғри келади. Жасад экслумация қилиниб, суд тиббий экспертизасининг холосасини олганимиздан кейингина Қодирнинг тириклигига шубҳа қилишимиз мумкин.

- Қишлоқдаги кимсалардан бирортаси бундан ха-  
бар топған бұлиши мүмкін. Қабрни очғанлар орасида  
қишлоқ одамларидан кимдир иштирок этган.
- Участка нозири билан маслаҳатлашиш керак.
- Нега айнан участка нозири билан?
- Ахир у қишлоқдаги воқеалардан бошқаларга қа-  
раганда күпроқ хабардор бўлади.
- Яхши фикр. 1985–1990 йилларда кишлоқда участ-  
ка нозири бўлиб ишлаган милиционернинг шахсини  
аниқланг! Уни топиб сухбатлашинг. Менимча, ундан  
биз учун муҳим маълумот чиқиб қолиши мүмкин.
- Гўрков билан сухбатлашасизми?
- У билгандарини сизга айтган. Уни бошқа безовта  
қилманг. Зарурат бўлса ўзим алоқага чиқаман!
- Кетишга руҳсатми, ўртоқ полковник!
- Топшириқни бажаришга киришинг!
- Тушундим, ўртоқ бошлиқ!

## САМАНГАН

Жавобсиз саволлар Faфурга яна тинчлик бермай  
кўйди. «У кимнинг боласини олиб ўтмоқчи бўлганди?  
Махмудов нега Сабинанинг лагерда қолишидан, қий-  
нокка солишларидан чўчиди? Бирор сирнинг очилиб  
қолишидан ташвишланмоқдами? Бола кимники?»  
Миясини пармалаётган бу саволлардан Faфурнинг  
боши қотганди. Лагердаги йигитларни эслади. Бирма  
бир уларни кўз олдиdan ўтказди. Биргина Бўроннинг  
хотини бор эди. Тугаётганда ўлган. Боласининг  
қисмати ҳақида ҳеч нарса билмайди. «Наҳотки ўша  
аравакаш Махмудовнинг одами бўлса? Қаерда хозир  
у? Ўзи бўлганда Сабинани бу томонга жўнатишмас-  
ди. Демак, Бўрон билан қандайdir кўнгилсизлик рўй  
берган. Ўққа учиб ўлиб кетгандир балки?»

Фафур телефонини олди. Дилмуродга құнғирок қилди, аммо жавоб қайтмади. «Нима бұлды, нега телефонни олмаяпти? Күлга тушдими?» Агар тутиб олишган бұлса, тамом. Қийноқларга, азобларга дош беролмай,Faфур яшириңган жойни айтиб қүйиши аниқ. Лашкарбоши ҳар қандай одамни гапиририш йүлини билади. Эрмак учун ўйига келган қийноқларни құллайды. Тирноқларига игна санчади, суғуриб олади. Шунда ҳам тили тишлирининг ортидан чиқмаса, эт билан тери орасига тиғ тиқади, шилади. Ақли бор тирик жон борки, бундай қийноқларга чидамай дод солади. Оғзидан гуллайды...

Фафур машина тезлигини мунтазам ошириб борарди. Йүлда бозорга кириб зарур нарсаларни харид қилди. Машинани қишлоққа кираверишда қолдирди. Энди пиёда кетади. Ёт күзларга күрінmasлиги керак. Бу томонларга лашкарбошининг одамлари вакт-бевақт қатнаб туради. Босган қадамида хатар...

Фафур ясси текисликлар ўртасидаги құнғирбош корақиёқлар орасидан гох чопқиллаң, гох лўқиллаң макони томон шошиб борарди. Оёқлари остидан қүшлар пир этиб күкка күтарилаң, калтакесаклар югуриб ўтар, илонлар вишиллаң қочиб, тошбақалар бошларини косалари орасига тортарди. Қора терга ботган йигитнинг ўлпасига ҳаво етмасди. Форға яқин қолғанда тұхтади. Тупроқ устига ўзини ташлади. Ярим соатлар ўтиб күзини очди. Йироқда, тошлар орасида күрениб турған фор томон аста одимлади. Дилмурод әсига тушди. «Сотиб қүйгән бұлса-я» деган совуқ ўй юрагида құрқув уйғотди. «Тошлар панасида мени пойлаң ётган бўлишлари мумкин». Faфур атроғни синчиклаб кузатди. Жимжитлик. Бегона одамнинг оёқ излари күрінмайды. Дилмурод сотмаганига ишонди. Фор ичига кирди. Бозордан олган буюмла-

рини тошлар орасига жойлади. Кейин дурбинни олиб лагерни кузатди. Осойишталик хукм сурарди у ерда. Дилмуродга қўнфириқ қилди. Телефон ўчирилганди. ХавотирданFaфурнинг юраги патилларди. Қоронғи тушганди бу пайтда.

Faфур форга кириб, бошини тошга қўйди. Қўзлари илинди. Қанча ухлаганини билмайди. Қулоғига чалинган сасдан уйғониб кетди. Ташқарида кимдир бор эди. Faфур қуролига қўл чўзди.

– Мен келдим, ака!

– Кўрқитиб юбординг-ку, Дилмурод!

Faфур эмаклаб ташқарига чиқди. Ой тиккада турарди. Фалакда юлдузлар чаман очилганди. Салқин, хуш сабо кезарди. Чигирткалар чирилларди... Поянсиз даштлик узра сирли овозлар таралярди.

– Итдай очман, ака.

Шунда ўзининг ҳам очлиги Faфурнинг ёдига тушди. Ичкаридан овқат олиб чиқди. Иккиси бирга ейишиди.

– Лагерда нима гаплар? – сўради Faфур.

– Ўта хунук гаплар, ака, – жавоб қилди Дилмурод.

– Ўзи лагерингда чиройли гаплар ҳам бўладими?

– Қиз ўзини ўзи ўлдириб қўйиби, ака.

– Ёпирай, қандай қилиб?

– Лашкарбоши уни зиндонга ташлапни буюрганди. Бечора қиз топталган номусига чидолмай билагини ражиб томирини узиб ташлабди, зиндон ичи қонга тўлган...

Faфур оғзидағи овқатни чайнашни ҳам, ютишни ҳам билмай қотиб қолди.

– Жасадини кўмишдими? – сўради у афсус билан бош чайқаб.

– Кўмишди. Эргаш ёмон кўрган одами ўлса, жарга ташлатиб юборарди, қашқирлар келиб ражиб кетарди. Билмадим, ҳар ҳолда Мирзаахмад қизни қабр қаздириб қўмдирди.

- Ўзи нима қиляпти? – сўради Faфур.
- Хонасида айикдай ағанаб, майшатини қилиб ётиби.
- Бола билан кизикмадими?
- Одамлари «Бўри олиб қочган» деб ишонтиришиди чори...
- Падарига лаънат! – тишларини гичирлатиб сўкинди Faфур. – Қўлимга тушса, кўзларини ўйиб оламан!
- Режангиз нима бўлди? – сўради Дилмурод.
- Бошқа ишлар орага суқилиб, чўзилиб кетди. Йўқса аллақачон бир ёқлиқ қилардим уни.
- Юртга олиб ўтишингиз шартми? Шу ернинг ўзида гумдон қилиб қўя қолсангиз бўлмайдими?
- Бўлади, лекин битта ўқ билан жонини олиб нима фойда топаман?! У хукуматга керак.
- Дилмурод ўйланиб қолди.
- Уни тириклайн тутолмайсиз, ака, – деди Faфур томон бурилиб.
- Нимага бундай деяпсан?
- Сизга бир гап айтсан бўладими?
- Айт! – Faфур сухбатдошининг оғзига тикилди.
- Кеча пойтахтдан иккита одам келди. Ўзларини Мулла Умарнинг элчиларимиз деб таниширишиди. Лашкарбоши билан анча сухбатлашиб ўтиришиди. Мен уларнинг хизматида бўлдим. Пойтахтдан келгандар лагердаги тоҷиклар билан қизиқяпти...
- Нима қиларкан уларни?
- Билишимча, уларга тўртта ишончли йигит зарурмиш. Тоҷикистондаги рус ҳарбий базасида қандайдир қурол сақланармиш. Шуни сотиб олиш учун улар Тоҷикистондан ишончли ёрдамчилар топиши керак экан.
- Қачон йўлга чиқишиади улар?
- Келгуси якшанба куни.
- Қайси йўлдан боришини билдингми?
- Билмадим, ака.

- Сен уларга қўшилиб кетишинг мумкинми?
  - Мен тожикистонлик эмасман-ку, тилни ҳам билмайман.
  - Ўша тўрт йигит орасида танишинг борми?
  - Бирортасиниям танимайман.
  - Яна қандай гап бўлди?
  - Элчиларнинг айтишича, Бўрон исмли йигитни Туркияга ўтказадиган бўлишибди.
  - Кайси Бўронни?
  - Эсингиздами, лагеримизда Бўрон деган арава-каш бўларди. Ўшани назарда туваётган бўлишлари мумкин.
  - Ҳозир қаерда у?
  - Буни ҳеч ким билмайди! Бир ой илгари ғойиб бўлган.
- Faфур Дилмуродга анча ишониб қолганди. Ёнидан суратни олиб, унга қўрсатди.
- Бу одамни танийсанми?
  - Дилмурод суратга узоқ тикилди.
  - Тўғриси танимадим, аммо орқа томонидаги манзара таниш.
  - Қаерда кўргансан бу манзарани?
  - Ҳиротда!
  - Ҳиротда?
  - Шундай.
  - Қаердан билдинг?
  - Мана бу бинони кўряпсизми? У 1915 йилда қурилган. Ён томонидаги бино ҳам айнан шу йилда қурилган.
  - Сен буни қаердан биласан?
  - Буни ёш бола ҳам билади. Тарих дарсларида ўқиганмиз. Қолаверса, ўтган йили эсингизда бўлса, Эргашнинг топшириғи билан уч киши Ҳиротда бўлиб, шу бинонинг ёнидан ўтганмиз.
  - Яхшилаб қара, балки адашгандирсан?

Дилмурод яна суратга тикилди ва қўшимча қилди.

– Йўқ адашмадим, бинонинг ўртасидаги байроқни кўраяпсизми? У толибонларнинг байроби. Биз кўчадан ўтиб кетаётганимизда у ҳилпираб турганди.

Телефон жиринглаб қолди. Кўнғироқ қилаётган Маҳмудов эди.Faфур четроқдаги тош ортига ўтди. Овози Дилмуроднинг қулогига чалиниб турарди.

– Эшитаман!

– Сабинанинг тақдирни ҳақида маълумот олдингизми?

– Қиз зинданда ўзини ўзи ўлдирибди.

Маҳмудов бир оз жим қолди.

– Бошқа қандай янгиликлар бор?

– Алоқачимнинг айтишига қараганда, пойтахтдан Мулла Умарнинг одамлари лагерга келишган. Улар Тожикистондаги русларга қарашли бўлган ҳарбий ба-задан қандайдир қуролларни олиб ўтишда тоҷик ий-гитларини ёллашмоқчи.

– Қандай қурол эканлиги билан қизиқдингизми?

– Буни алоқачи ҳам билмайди.

– Яна қандай янгилик бор?

– Кашмирий Бўронни Туркияга жўнатмоқчи эмиш...

– Бўрон энди йўқ. Чеченистанда у ўтирган автобус террорчилар томонидан портлатиб ташланган.

– Суратни ўрганиб чиқдим. Унинг сохта эканлиги ҳақида бирор гап айтольмайман. Суратдаги ий-гит Кодир. Сурат Ҳирот шаҳри марказида олинган. Одамларим сурат орқасидаги бинолардан буни аниқлашди.

– Демак, Кодир тирик.

– Унинг тириклиги ҳақида ҳам аниқ гап айтиш қийин.

– Сабаб?

– Юзидаги айрим белгилар менда шубҳа уйғотмоқда.

– Қандай белги?

— Эътибор берган бўлсангиз, юзининг чап томонида қандайдир жароҳатдан қолган из кўзга ташланмоқда. Мен уни сўнгги бор кўрганимда юзида бундай белги йўқ эди.

— Яхши, мен сиз билан яқин орада алоқага чиқаман.

Faфур алоқа воситасини ўчириб, Дилмурод билан хайрлашди. Кейин Қодир ҳақида ўйлай бошлади. Маҳмудов бежиз унинг изига тушмаган. Агар тирик қолган бўлса, қаердадир яшириниб юрган.

Кечки пайт Маҳмудов алоқага чиқди.

— Faфур сизга муҳим топшириқ бор.

— Эшитаман!

— Жалолободга борасиз.

— Нега?

— Бурхониддиннинг одамлари Доҳадан икки нафар савдогар йигитларимизни алдаб, Покистон орқали Жалолободга олиб кетишган. «Толибонлар сафида жанг қиласан» деб уларнинг қўлларига қурол тутказишмоқчи бўлишган. Йигитлар розилик беришмагач уларни калтаклаб, хорижлик мухбирларга «Биз толибон биродарларимизга ёрдам бериш мақсадида бу ерга ўтдик» деб айтишга мажбурлашган. Йигитлар талабни рад этишган. Улардан бирини кеча отиб ўлдиришган. Иккинчисининг ахволи оғир, касалхонада. Исми Жавлон. Ёши ўттиз олтида. Уни қандай қилиб бўлмасин қутқаришимиз керак.

— Бу ерда режалаштирган ишларимни чала колдириб кетолмайман деб топшириғингизни рад этишим мумкин эди, полковник. Аммо мен қоронғи фор ичидা, совуқ тошлар устида ётиб Ватан қадрини чукур англаб етдим. Хатоларимни, йўл қўйган камчиликларимни бирма-бир кўз ўнгимдан ўтказдим. Ана энди хатоларни коним билан ювишга, олаётган ҳар бир нафасимни Ватан учун фидо қилишга тайёрман. Қоним Ватан тинчлиги, халкимизнинг осойишталиги йўлида тўкилса, мен

Ўзимни дунёдаги эң баҳтли инсонлардан бириман деб жон бераман. Жасадимнинг қаерда қолиши мени ҳеч қаҷон ташвишлантирумайди ҳам. Рухим Ватанда бўлса бас! Шунинг учун ҳам сизнинг топшириғингизни Ватан топшириғи деб қабул қиласман.

– Кеч бўлса ҳам ақлингиз кирганидан, хатоларингизни тушуниб етганингиздан, ўзлигингизга қайтганингиздан мен ҳам мамнунман. Топшириқ шундай: Жавлонни қутқариш керак. Ҳозир у бетоб. Ўзига келиб соғайиб қолса, Бурхониддин ундан қора мақсади йўлида фойдаланади... Бизни унинг тили билан дунёга ёмонотлик килади... Мени тушунгандирсиз?

– Қачон йўлга чиқишим керак?

– Вақт ғанимат, ҳозир йўлга чиқсангиз яхши бўларди!

– Маъқул!

– Йўналишни эслаб қолинг. Пойтахт томонга юрмайсиз. Саманганга келасиз. У ердан эски машина сотиб оласиз. Кейин Пули Хумро орқали Лавшан дарёсига келасиз, машинани дарё бўйида қолдирасиз. Ясси текисликлар орқали тоғдан ошиб, Жалолободга кириб борасиз. Жавлоннинг ҳозирги пайтда қаерда сақланаётгини бизга маълум эмас. Сиз уни топшингиз керак. Ўйлайманки, у ерда сизни ҳеч ким танимайди. Кўшимча топшириқларни кейин оласиз. Тушунарлимис?

– Тушунарли, – жавоб килди Faфур.

– Унда сизга омад!

Махмудов телефонини ўчирди.

Faфур Дилмурод билан кўришиши ва унга керакли топшириқларни бериши лозим эди. Муҳими, бу ерда маълум муддат бўлмаслигини айтиб, огохлантириб қўйиши лозим эди. У тепаликка бир неча тошларни тахлади. Дилмуроднинг зудлик билан етиб келиши учун берилган сигнал эди бу. Кечки пайт жангарилар

лагерга қайтиб келишганда Дилмурод белгини албат-та кўришига ишонарди. Дилмурод ярим кечада келди.

— Мен ўн беш кунча бу ерда бўлмайман, лагерда-ги ишларни назорат қилишни сенга топшираман. Жангарилар ўртасида бўлиб ўтаётган гап-сўзларни, уларнинг лашкарбошига бўлган муносабатини кузат. Мирзаахмаднинг олдига кимлар келади ва қандай мавзуда сухбатлашади, булардан албатта ха-бардор бўлишинг керак. Ўтган сафар айтганингдек, Тожикистонга ўтадиган тўрт йигитни қачон йўлга чиқишига ҳам эътибор бер.

Faфур топшириқларни айтиб бўлгач, чўнтағидан янги батарея олиб узатди.

— Агар мен ўттиз кун ичида қайтмасам, телефоннингни кечаси соат ўн иккida ёқиб қўй. Кўнғироқ қилмасам, билгинки, хаёт бўлмайман. Мен учун лашкарбошидан қасос олиш сенга қиёматлик қарз бўлиб қолади. Имкон қадар уни ўлдирмайсан, тириклай тутиб, пешонасини ерга теккизиб чегарамизгача хайдаб борасан! Бу иш қўлингдан келади ва мени сотиб қўй-майсан деб ишонаман!

— Нималар деяпсиз, ака. Мени қиймалаб ташлаган-ларида ҳам сизга хоинлик қилмайман.

— Унда сўз бер!

— Парвардигоримнинг гувоҳлигига сўз бераман!

Faфур Дилмуродни бағрига босди.

— Қайтмасам, фор ичида бошимга қўйиб ётган тошнинг орқа томонига ёзилган телефон рақами бор, унга кўнғироқ қил. Гўшакни олган одамга мен билан ишлаганингни айт. Улар Ватанга қайтишингта ёрдам беришади...

Иккиси яна бир-бирларини бағриларига босишиб хайрлашишди... Дилмурод кўзларида ёш билан қўлини дуога очди:

— Сизни соғ-омон қайтиб келишингизни кечаю кун-дуз худодан астойдил ёлвориб сўрайман, ака! Аллоҳ

паноҳида асрасин. Биргалашиб она юртимизга қайтиш, колган умримизни унинг тинчлигига бахшида этиш иккимизга ҳам насиб айласин. Омин!

## КОБУЛ

Баширнинг ўрнига одам топиш масаласида Кашмирый узоқ вақт бош қотирди. Бироқ қўнглига мос, ишончли одам тополмади. Нихоят унинг одамларини ўзининг ходимлари сафига қўшиб олди. Ўттиз олти нафар одам унинг идорасига кўчиб ўтди. Ёрдамчиси Халилий уларга бошлиқ этиб тайинланди. У янги ходимларни қайтадан синовдан ўtkазди. Талабига жавоб бермайдиганларни эса толибон аскарлари ичига қўшиб юборди. Айюбхоннинг ҳам жангга кириб кетишига бир баҳя қолди. Саид Халилни эса на Кашмирый, на Халилий ёдга олди. Шундай қилиб, у ишсиз кўчада қолди.

– Ҳаммаси яхши бўлади, муҳими мен уларнинг ичидаман, – деди Айюбхон кунларнинг бирида унинг олдига бориб. – Қандай масала сени қизиқтирса айт, бажараман.

Иккиси анча иноклашиб қолганди.

– Ота-онангга сенинг соғлигинг керак. Яқинларинг сени юртда кутишмоқда, – жавоб қилди Саид Халил.

– Улар соғ-саломат эканми? Менинг тириклигимни билишдими? – Айюбхон ота-онаси ҳақидаги хабардан қувониб кетди.

– Ҳа, улар ҳаммасидан хабардор. Отанг аввалги-дек чорвачилик фермасида ишини давом эттирмоқда. Уканг Алёша мактабни битириб, политехника институтига ўқишига киришга ҳаракат қилмоқда.

– Синглим билан онам-чи? Улар ҳам саломатми? – Айюбхон ўз яқинлари ҳақида эшитишни истарди.

- Синглинг коллежни тамомлади, онангнинг соғлиги жойида, уй ишлари билан банд.
- Хайрият, бахтимга ҳаммаси саломат экан. Менинг Афғонистонда лигимни билишадими?
- Ҳа, улар ҳаммасидан хабардор. Сенинг юртга қайтишингни соғиниб кутишмоқда.
- Унда мени тезроқ юртимга жўнат. Барчаларини соғинганман, кўргим келяпти.
- Назаримда иккимиз ҳам бу юртда узок кол масак керак. Ўзимдан аввал сени жўнатишингта тўғри келади.
- Нега?
- Мени бу ерда бажарадиган ишларим бор.
- Қандай иш?
- Буни айтиб бўлмайди!
- Менга ишонмаяпсанми?
- Ишонишга ишонаман, аммо менинг ишим ўта нозик.
- Балки ёрдамим аскотиб колар, бу юртда мен bemalol ва эркинман. Кашмирийнинг ходими эканлигимни кўпчилик билади.
- Гапларинг мени ўйлантириб кўйди. Айтганим билан қўлингдан келмайдимикин деб хавотирдаман.
- Ватанга қайтишим керак. Шунча йил қон кечиб жангларда катнашиб, бегоналар учун жонимни тикиб яшадим. Ҳеч бўлмаса қишлоғимга қайтишдан аввал юртимга нафим тегадиган бирорта юмуш бўлса бажарай. Шунда юзим ёруғ бўлади. Кўкрагимни bemalol кўтариб, ота-онамнинг олдига кириб бораман.

Айюбхоннинг сўзларидан Сайд Халилнинг унга бўлган ишончи мустаҳкамланди. У Айюбхоннинг ёрдамисиз марказдан берилган топширикни адо этолмаслигини биларди. Раҳбарлар ҳам фақат

ишонч ҳосил қилингандагина топшириқни Айобхоннинг қўли билан бажаришга рухсат берганди.

— Мени Кашмирийнинг пўлат сандифидаги хужжатлар қизиқтиради, — деди Сайд Халил бир оз жимликдан кейин бошини кўтариб.

Бу сўздан Айобхон чўчиғандек бўлди. Лекин ўзини тезда қўлга олди.

— Унинг сандифида бир эмас, ўнлаб хужжатлар бор. Қайси бири қизиқтиради сени?

— Ҳаворанг жилд!

— Кашмирий ўз хужжатларига ўта эҳтиёткор. Қолаверса, сандифини очадиган калитни топиш осон эмас.

— Биламан, — деди Сайд Халил. — Менда хар қандай қулфларга тушадиган антиқа калит бор. Балки унинг ёрдамида очиш мумкинди?

— Кўрсам бўладими?

Сайд Халил ёнидан калитни олиб, Айобхонга узатди. Ҳақиқатан ҳам ажойиб эди у. Тишлари ва чизиқлари йўқ. Бундоқ караганда калит шаклидаги оддий темир эди. Айобхон уни бармоқлари билан силаб кўрди ва калитда қандайдир мўъжизавий хислат яширганини пайқади. Бироқ унинг қулфга тушишига одамнинг ишонгиси келмасди.

— Бунинг нимаси очқич. Оддий темир парчаси-ку. Калитга ҳам ўхшамайди.

— Бу сен ўйлагандек оддий темир эмас, пўлат, — эътиroz билдириди калит эгаси. — Қулфнинг тешигига суқиб, бир оз ичкарига итарсанг, худди мўмиёдек ўзи қулфнинг тешикларига жойлашиб, тишларини топиб олаверади. Гап шундаки, бу қулфнинг қандай темирдан ясалганига боғлиқ, қолаверса, темир таркибидаги моддаларга мос тушиши керак. Шундагина улар реакцияга киради.

- Мос келмаса-чи? – ҳайрон бўлиб сўради Айюбхон.
  - Мос келмаса очолмайди. Дунёдаги барча маҳфий хужжатлар сакланадиган кулфлар дуч келган калитлар ёрдамида очиб ташланмаслиги учун уларга айнан мана шу очқич таркибида бўлган кимёвий элементлар қўшилган металлдан ясалади.
  - Демак, калит Кашмирийнинг хонасидағи пўлат сандиқнинг қулфини очишига ўзинг ҳам юз фоиз ишонмайсан?
  - Юз фоиз у ёқда турсин, атиги ўн фоиз ҳам ишонмайман.
  - Мабодо очолмасак нима киламиз? Ахир Кашмирийнинг хонасига киришнинг ўзи минг азоб. Бошқа имконият тополмаслигимиз ҳам мумкин.
- Сайд Халил иккинчи чўнтағидан бир неча дона калитларни олди.
- Буларни ҳам қулфга солиб кўриш керак. Шунда ҳам очишининг иложи топилмаса, биз ўйинни бой берган бўламиз.
  - Топшириқни бажармасдан Ватанга қайтиш қандоқ бўларкин?
  - Мен удда килолмаган топширикни бошқа ходим келиб адo этади. Ишимиз шунаقا. Вазиятга қараб ишлаймиз. Вазиятни эса йиллаб кутамиз. Аммо ҳеч кимда шубҳа уйғотмаслигимиз шарт.
  - Сен топширикни бажармасанг, ўрнингга бошқа бирор келиб бажаради, аммо мен-чи? Қандай килиб шармандали юз билан уйимга, ота-онамнинг хузурига кириб бораман? Агар биргаликда топшириқни бажарсак, мен худди жангдан ғалаба билан кайтган ботирдек бошимни баланд кўтариб уйимга кириб бораман. Виждоним азоблардан, қийноқлардан қутулади.
  - Руҳингни туширма, ҳали имкониятларимиз етарли.

- Ишга қачон киришамиз?
- Кашмирийнинг хонасида тунда неча киши навбатчилик қиласди?
- Тўрт киши.
- Улар орасида сен ҳам навбатчилик килишинг мумкинми?
- Албаттла!
- Қачон навбатинг келади?
- Икки кундан кейин.
- Шерикларинг сендан шубҳаланишмайдими?
- Улар вискини хуш кўришади.
- Вискини қаердан топса бўлади?
- Америкаликларда бор, аммо кимматга сотишади.
- Эртага кечки пайт сенга иккита виски келтириб бераман. Ўша куни шерикларингни яхшилаб меҳмон қиласан.
- Яхшиси сен бу ерга келма, – деди Айюбхон,
- бирор жойни айтсанг, ўзим бораман.
- Унда кечки соат бешда карвонсарой олдидаги бозорда кўришамиз.
- Дарвоза олдида кут!
- Калитлар сенда қолсин. Факат уларни эҳтиёт қил. Бировга кўрсатма. Бундай калитлар ҳар қандай одамда шубҳа уйғотиши мумкин.

Сайд Халил ўрнидан турди. У айтадиган гапларини айтиб бўлганди. Айюбхон калитларни чўнтағига жойлади. Улар хайрлашишдан олдин яна бир бор учрашадиган жойларини ва вактини келишиб олишди.

Сайд Халил Айюбхонга топширикни беришга берди-ю, аммо юрагини ташвишли ўйлар чулғаб олди. Назарида, Айюбхон уни сотиб кўядигандек туяларди. Бир кўнгли топшириқни бекор қилгиси, калитларни қайтариб олгиси келди. Аммо вақт ўт-

моқда, бошлиқлар ундан жавоб кутишмоқда. Мабодо Айюбхонни йўқотиб қўядиган бўлса, унинг ишончини қозонадиган яна шундай одам топиладими? Шу саволлар уни жиддий ўйлантириб қўйганди.

Ўша қунлари Кашмирийнинг ишлари бошидан ошиб-тошиб кетганди. Толибонлар ўзлари эгаллаб турган қишлоқ ва вилоятларни бирин-кетин осонликча ташлаб чиқиб кетишар, улар ўртасида парокандалик вужудга келганди. Қочоқлар сони кун сайин ортиб бораарди. Мулла Умар океанорти давлатлари билан алоқани узганидан қаттиқ пушаймон бўла бошлади. Мамлакат ичидаги одамларнинг ўзига нисбатан норозилиги ошкора кучайди. Шу сабабли Кашмирийни хузурига тез-тез чақирав, унга маслаҳат солар, аввалги шухрати ҳамда қудратини тиклаш мақсадида узоқ вақт баҳслашарди. Бироқ энди вақт ўтганди, имкониятлар қўлдан чиқиб кетган қуш мисоли йироқларга кетганди. Кашмирий мағлубиятларни ўзича шарҳларкан, бир пайтлар юрагига кўзга қўринмас тиф билан жароҳат етказган Али Акмалдан қасос олиш фурсати етганлигини ҳам тушуниб етди ва уни толибонларнинг мағлубиятида, нўноқликда, қўрқоқликда, муҳими Мулла Умарга содиқ эмасликда айблай бошлади. Умар унинг сўзларини хақ деб қабул қилди ва Али Акмални ўлимга маҳқум этди.

Кашмирийнинг ишга келмай, кўп вақтини Мулла Умарнинг қароргоҳида ўтказаётганидан соқчилар ўртасида хотиржамлик юзага келганди. Айюбхон айнан шундан фойдаланиб қолишини ўйланганди. Ўша куни соқчилардан бири касал бўлиб қолди. Идорада тунги навбатчиликда уч киши қолди. Айюбхон Саид Халил томонидан берилган вискини ишхонасига олиб келди. Атайнин уни ше-

рикларига кўрсатиб ҳам қўйди. Шерикларининг томоги тақиллаб қолди. Тун яримламасдан улар давра ясад ўтиришди ва анчадан бери таъми унтутилган вискиларни ўртага қўйишиди. Ҳангомалашиб, латифа тўқишиб, чақ-чақлашиб вискиларни майдалашди. Йичган сайин яна қўпроқ ичгилари келарди, иchlари қизиб, кайфиятлари кўтарилиб, ўзлари тўқиган латифалардан қаҳ-қаҳ отиб қулишар, юраклари ҳам шунга монанд аланга олиб ёнар, ёнган сайин яна вискига ташна бўларди. Айюбхон эса шерикларига караганда анча сезгири ва хушёр эди. У дам-бадам ўрнидан туриб бошқа хонага ўтар, соатига қараб қўярди. Деразадан ташқарига қараб, юксакларда сокин кезаётган ойга боқиб қўярди.

Нихоят шишалардаги ичкиликлар тугади. Ҳаммалари маст бўлишди ва ўтирган жойларида ёнбошлиб пинакка кетишиди. Топширикни бажариш палласи етганди. Бу пайтда Саид Халил Кашмирининг идорасига яқин жойда Айюбхоннинг ичкаридан чиқиб келишини кутиб ўтиради.

Айюбхон шерикларининг қўзи илинганига ишонч ҳосил қилиб, Кашмирининг хонасига кирди. Пўлат сандиқни диққат билан кўздан кечирди. Унинг қулфи оддий калитлар билан очилмаслиги маълум эди. У Саид Халил берган очқичларни қўлига олди. Уларни қулфга солди. Бироқ бирортаси тушмади. Кейин махсус металлдан ясалган калитни солди. Очқич эгилувчан хусусиятга эга эканлигига шунда ишонч ҳосил қилди. Маълум муддат босиб турди, калит ичкарига сурилиб, қулфнинг тишларига мослаша борди. Жойлашиб олганига ишонч ҳосил қилгач, худди синиб қоладигандек эҳтиёткорлик билан айлантирди. Шу пайт ташқарига кимнингдир оёқ товуши эшитилди.

Айюбхон очкични суфуриб олишни ҳам, кулфда қолдиришни ҳам билмай иккиланиб қолди. Қадам товушлари айнан у турган хона томон келаётганди. Айюбхон қўлга тушганини, ҳозир эшик очилиб кирган одамга таслим бўлишини ўйлаб баттар қўрқиб кетди. Қўлга тушса, бари тамом. Унинг юраги қўрқув ва ҳаяжондан гурсиллаб тепарди. Бадани совуқ тердан ивиб кетганди. Шу пайтгacha қўрқувнинг кучини бу қадар ҳис этмаганди. Қалтираётган тиззалири букилиб ерга ўтириб қолаёзди. Қадам товушлари эшик олдига келганда тўхтади. Айюбхон қўлга тушганига иқорор бўлди. «Бари тугади шарманда бўлдим, энди мени шу ерда отишади» деб ўйлади. Бирдан қуроли ёдига тушиб қолди. Уни сандиқнинг ёнига суюб қўйганди. Аста эгилиб, автоматни қўлига олди. Эшикни ким очиб кирса отади, кейин қочади.

«Эшик олдига келган одам нега тўхтаб қолди, нега ичкарига кирмаяпти» ўйлади ўзича рус. «Ахир қулф очилган, тортса бас, эшик очилади, кирган одамнинг қўзи автомат кўтариб ҳайкалдек қотиб турган Айюбхонга тушади...» Эшик ҳали ҳам очилмасди, қадам товушлари ҳам эшитилмасди. «Нима қиляпти у? Ичкарида кимdir борлигига шубҳаландими, оёқ учida орқасига қайтиб кетдими? Шерикларини уйғотиб, бошлаб келмоқчими?» Юраги гурсиллаб тепаётган Айюбхоннинг миясида минг турфа саволлар айланарди. Бирдан... ўша таниш оёқ товушлари қулоғига чалинди. Энди у орқага қайтиб кетарди. «Хайрият, кирмади» ўйлади ўзича Айюбхон. У автоматни жойига қўйиб, қулфга солинган калитни айлантирди. Ширқ этган овоз унинг қўрқувдан қалтираётган юрагида умид уйғотди. Очқич ҳаракатланди. У калитни яна айлантирди. Бу гал очқич тўсиқсиз енгил айланди.

Кулф очилганди. Айюбхон эшикни ўзига тортди. Вазмин эшик товушсиз очилди. Унинг ичида бир кўтарим қоғозлар, жилдлар тахланиб ётарди. Айюбхон ҳаворанг жилдни ахтарди. Уни қоғозларнинг остидан топди. Кейин эшикни беркитиб ташқарига йўналди. Шериклари ҳамон ерда тўнтирилиб, пишиллаб хуррак отиб ухлашарди. Айюбхон оёқ учиди юриб ташқарига чиқди. Йўлак сокин эди. Аммо шаҳарнинг олис-олис бурчакларидан ўқ овозлари келар, кўк узра ўрлаган оловнинг қизғиши шуъласидан ёришган осмон кўзга ташланарди. Айюбхон ташқарига чиққанда унинг юрагидаги кўркув ҳам кўтарилиганди. Бу ердан тезроқ олисларга кетишни ўйларди. У Сайд Халил турган жой томон бурилди. Оралик масофа у қадар олис эмасди. Юз қадам келиб-келмайдиган жой.

Сайд Халил эски ариқ ичида уни кутиб ўтиради. Айюбхоннинг шарпаси кўринганда сергакланди. Олисдан бўлса ҳам қўлидаги жилдни кўриб қувонди. Сабри чидамай яширган чуқур ичидан чиқди.

- Ҳаммаси жойида, – деди Айюбхон.
- Тезроқ бу ердан кетишимиш керак, – деди Сайд Халил.

Улар ҳилол ёритиб турган йўлдан кўп қаватли бинолар томон юришди. Бинолар уларни ой нуридан ҳимоя қилиши мумкин эди. Бироқ иккиси ҳам кўп юришолмади.

– Қимиirlама! – деган овоз келди ва қаршиларидан бир неча қуролли одамлар чиқиб, иккисини ўраб олишди.

Сайд Халил билан Айюбхон турган жойларида котиб қолишли. Айюбхоннинг қўлидаги жилд сирғалиб оёғи остига тушди. Сайд Халилнинг миясига «Бу иш атайин уюштирилган, бунда

Айюбхоннинг қўли бор» деган фикр келди. Унга ишониб катта хатога йўл қўйганига икрор бўлди. Бир ташланиб Айюбхонни бўридек фажиб ташлагиси келди. Лекин чекистларга хос совуққонлик уни бу фикрдан қайтарди...

## ДОХА

Куз қуёши яқин орада бу қадар ўзининг ҳароратли тафти ила заминни сийламаганди. Кўчаларни тўлдирган оломон жума намозини адо этиш максадида масжид томон оқиб келишарди. Улкан дарвозалар уларни ўз бағрига олар, одамлар мармар плиталар устига тўшалган гиламлар устидан юриб келиб сафга қўшилишар ва имомнинг маъруzasига қулок тутишарди. Аzon чақиришга оз фурсат қолган бўлса-да, издиҳомнинг поёни кўринмасди. Кечикаётганлар қадамларини илдамлатишар, тезроқ дарвозадан ичкарига киришга ва жой эгаллашга ошиқишарди.

Кўчаларнинг биридан чиқиб келган енгил машина муюлишда тўхтади. Ундан оқ либос кийган икки йигит тушди. Иккиси хам қўзига қора кўзойнак таққанди. Бири ортига қаради, иккинчисининг назари ўттиз қадам нарида турган қора «Жип»га тушди. Машина қуёшнинг ўткир нурида товланиб турарди. Йигитлар ўзларини оломон ичига уришди. Худди шу пайтда муazzин азон чақириди. Намозхонлар қадамларини илдамлатишди. Кўзойнакли йигитлардан бири «Жип»нинг қархисига келганда оёфи тойиб кетгандек ерга йиқилди. Ортидан келаётган оломон уни четлаб ўтди. Унинг йиқилганини машина олдида турган тансоқчилар кўришмади. Иккисининг қийғир кўзлари масжид томонда эди. Кўзойнакли кимса шериги туриб олгунча ортидан келаётган одамлардан ҳимоя килиб турди. Саноқли дақиқаларда у оёққа турди ва яна ўзи-

ни оломон ичига урди. Дарвозадан ўтишганда йиқилған кимса шеригининг қулогига шивирлади:

— Ҳаммаси жойида...

Зелимхон жума намозига одатдагидек ярим соат аввал етиб келганди. Имомдан унча узоқ бўлмаган сафнинг ўртасида ўғли Довуд билан ёнма-ён ўтишарди. Зелимхоннинг хаёли олисларга кетганди. Ўспиринлик чоғларида аввал болаларга атаб, кейин барча тенгдошлари сингари ишқ-муҳаббат ҳақида, ёши ўтгач эса юртининг гўзаликларини мадх этиб шеърлар ёза бошлади. Китоблари ўзининг она тилида чоп этилди, кейинчалик рус ва қозоқ тилларига ўтирилди. Шеърият Зелимхонни ўзга оламга олиб кирди. Ижодга ошно бўлган онлар вужудидаги хорғинликларни, юрагини кемираётган азоб ва изтиробларни унуттишарди. Ўтли ва дардли сатрлар унинг қалб дардига малҳам босарди.

Ватанинни ташлаб, ўзга юрт тупроғида қўним топган кундан буён юрагидаги эски оғриқлар қайтадан уйғонганди. Вақт-бемаҳал хуруж қиласарди. Яна қалам тутқазганди қўлига. Дардли сатрлар тинчлик бермай қўйганди вужудига. Туну кун олисларда қолдирган ўлкасини ўйларди, соғинарди, талпинарди. Уйқуси қочган кечалар оппоқ қофозни қоралаб, шеърлар битарди. Она юрт ҳақида қўшиқлар тўкирди. Шунда кўзларида соғинчнинг армонли ёшлари халқаланаар, киприклари орасида тўпланиб, фам-фусса ўзининг шафқатсиз тамғасини босган рангпар, барвақт ажинлар из солган ёноқларига оқиб тушарди.

Зелимхон бу юртга келгандан буён жума намозини канда килмас ва ҳамма вакт шу масжидда адо этишга одатланганди. Ибодатдан аввал хотирасига муҳрланиб колган ҳамда кейинчалик ташвишлар умомонига фарқ бўлиб, унутилиб бораётган сураларни овоз чиқармасдан такрорлар, бундан вужуди енгил

тортиб, күнгил бүшлиги ёришар, ўзини азоб-уқубатлар юкидан халос бўлаётган гуноҳкор бандадек енгил ҳис этарди. Жаннатнинг бетакрор ва бетаъриф боғлари ичра кезиб юргандек, мушки анбар иси димоғида ўйнаётгандек, кавсар сувларининг шарқирагани қулоқлари остида ёқимли қуй мисоли эшитилгандек бўларди.

У болалигига отасидан, онасидан, бобосию момосидан жаннат хақида жуда кўп ривояту афсоналарни эшитганди. Бу гўшага кирган бегуноҳ бандалар абадий роҳату фароғатда, ҳуру фулмонлар ила баҳтиёр яшашини ўзича тасаввур ҳам қилиб кўрганди ўша дамлар. Кейинчалик, ёши улғайиб Ватанин ташлаб чиқиб кетгандан кейин жаннатни кўпроқ эслайдиган бўлиб қолганди. Жума намозига келганда, имомнинг маърузаларини эшитганди, жаннатнинг ўша сўлим боғлари, гўшалари, сувлари ва мевалари кўз ўнгидагонланар, ўзини боғи эрам ичра юргандек ҳис этарди. Бирдан бу ердаги манзаралар танишдек туоларди унга. «Ахир бу менинг муқаддас Ватаним-ку» деб юборишдан зўрга тия оларди ўзини. Шунда ихтиёrsиз оҳ уриб юборарди...

Намоздан чиққандан кейин ҳам ватан тасаввури билан яшар, унинг жаннатдан кам бўлмаган гўшаларини эслар, кутилмаганда ўй-хаёллари айқаш-уйқаш бўлиб, шамол тўзитган парлардек сочилиб кетарди. Жаннат тасаввури ўрнида тескари манзаралар жонланарди. Болалиги ўтган ва айни пайтда сонсиз мурдалар чўзилиб ётган қонли кўчалар, снаряд ёндириб, ер билан битта қилган боғлар, ота-боболари томонидан тикланган ва асрлар оша ўзининг салобатини тик тутиб келган ва айни чоғда бомбалар зарбидан ёнбошлаб қолган, минглаб ўқлардан илма-тешик бўлиб кетган қадимий бинолар бўйлаб кетаётгандек бўлар, шунда кулоқлари остида оналарнинг оху зорлари, болалар-

нинг қичқириқлари эшитилгандек бўлар, бу товушлар уни таъқиб қилаётгандек туюларди. Зелимхон ўзига келгунча анчагина фурсат ўтар, соғинчдан эзилиб кетган юрагида санчиқ турарди. Кўллари беихтиёр кўкрагига урилар ва худди оғриқ босилиб қоладигандек ўша жойни маҳкам чангллаб мижфиларди.

Унинг музтар юрагини юрт дарди ва соғинчи азобларди.

– Нега келдим?

Бу саволни ҳар куни ўзига-ўзи кўп маротаба бепар, аммо ўксик қалбига таскин бера оладиган жавоб тополмай виждони қийналарди. У ўлимдан қўрқмасди. Унинг табиатига қўрқув ёд эди. Ажалга ҳамишатик боқиб яшарди. Қанчадан-қанча ўқларга чап берди. Аммо хиёнатнинг қурбонига айланиб қолишдан чўчирди. У удда қилолмаган ишини қачондир бошқа бирор бажаришига ишонарди. Кўп хатоларга йўл қўйганини гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона тан оларди. Бугун ҳам шундай бўлди. Имомнинг маърузаси унинг кўз олдида яқин ўтмишдаги воқеаларни жонлантирди. Намоз ўқиб, юзига фотиха тортиб ўрнидан турганидан кейиноқ қулоқлари остида ўша таниш савол яна жаранглади: «Нега келдим?»

Зелимхон гўё ортидан бирор таъкиб килиб келаётгандек ўғлининг қўлидан маҳкамроқ ушлади ва қадамини илдамлатди. Оломон анча сийраклашиб қолганди. Кўчаларда қатнов қайтадан бошланганди. У машинаси олдига келганда соқчилардан бири орқа эшикни очди. Иккинчи соқчи атрофни кузатиб, Зелимхон ўриндиққа ўтириши биланоқ эшикни ёпди.

– Дада, денгиз бўйига борайлик! Балиқчи қушларни, сузуб юрган кемаларни кўргим келяпти...

Ўғлининг овози Зелимхоннинг хаёлини тўзитиб юборди. Улар ҳар жума намозидан кейин денгиз бўйига боришар, ота-бала маза қилиб чўмилишарди.

— Бугун эмас, ўғлим. Уйда ёзадиган ишларим бор. Истасанг кечки пайт борамиз. Ҳаво салқин бўлади.

— Мени жуда-жуда денгизга боргим келяпти, дада. Хўп дея қолинг, — ялинди Довуд.

Зелимхон ўғлиниң раъйини қайтаришни истамасди. Бироқ ёзаётган янги достонига бугун сўнгги нуқта кўйиши, кечки пайт келадиган ноширнинг кўлига уни тутқазиши кераклигини ўйлаб қолди. У боласининг бошини силади.

— Кечки пайт албатта борамиз, ўғлим.

— Унда соқчиларингиздан бирига рухсат беринг, мени денгиз бўйига бошлаб борсин!

Зелимхон соқчисига қаради. «Майли олиб борса, олиб бора колсин» деган фикр кўнглига келди-ю, тезда аҳидан қайтди.

— Онанг хавотир олади, ўғлим, қани юр, кетдик. У бизга тушлик тайёрлаб қачон келишаркин деб қараб тургандир!

Ота-бала машинага чиқиши. Мотор гуриллаб ишга тушди. Зелимхон ўғлини бағрига олиб, бармоқлари билан майин соchlарини силар, кўнглини чўктириб қўйганидан ичида афsusланарди.

Ҳайдовчи Зелимхоннинг ўғлига айтган сўзидан уйга бориш кераклигини тушунди. «Жип» эндиғина жойидан жилганда Зелимхон енгил силкинишни ҳис этди, кейин гумбурлаган овоз қулоқларини тешиб юбораётди. Бола отасига маҳкам ёпишиб олганди. Соқчилардан бири ўзини Зелимхоннинг устига ташлади. Аммо хўжайинини кутқариб қололмади. «Жип» ердан кўтарилиб бораради. Атрофдагилар даҳшатли портлашдан чўчиб, дуч келган томонга қочишарди. Машина билан бир пайтда кўкка қизғиш аланга кўтарилганди. «Жип» уч метрча баландликка чиқиб, қўғирчоқдек пилдираб айланганича қарсиллаб

ерга қулади ва парчаланиб кетди. Гумбурлаган овоз еру қўкни тутди. Темир бўлакларига қўшилиб тўрт одамнинг танаси ҳам учиб бораради. Зелимхоннинг қўлида ўғлини тирсагидан ажраган қўли қолганди. Боланинг кичкинагина жуссаси алангага қўшилиб, машинанинг кабинаси билан бирга анча нарига бориб тушди. Кўлбола бомбанинг тўлқини атрофдаги машиналардан бирини тўнтириб юборганди. Тўрт киши тўлқин зарбидан учиб бориб, йўл ёқасидаги бетонга урилганди. Зелимхон бир қоп гўштдек асфальт устига шалоплаб тушганда ҳам ўзини йўқотмади. Қора тутун, қизил аланга, бўлакларга ажралган қисмлар орасидан зурриётини излади. «Қани, қани менинг болам? Қайда қолдинг, жигаргўшам?»

– Довуд!

Гумбурлашлар ва айни пайтда атрофдаги одамларнинг бақир-чиқирлари Зелимхоннинг овозини босиб тушди.

– Довуд, қайдасан болам?! – Яна бир бор инграб, жигаргўшасини қошига чорлади жон олиб, жон бераетган ота.

Кип-қизил олов ичидан жигарининг овози эшитилди:

– Да...а...дааа...

– Довуд!

Зелимхон ўрнидан турмоқчи, боласининг товуши келган томонга – аланга ичига ўзини урмоқчи бўлди. Кўзлари тиниб кетди. Оёққа турмоқчи бўлди, бирок танасини кўтарадиган оёқларининг тиззасидан пасти узилиб кетганди. Кўлларини асфальтга тираб олдинга интилди. Бироқ кимдир ортидан тортаётгандек жойидан жилолмади. Юзига иссиқ аланга тикондек санчилди ва соч-соқолини куйдириб юборди. Зелимхон фарзандини қошига чақиришга, овозини эштишга ҳоли қолмай, қайнаб турган асфальтга қон оқаётган бошини қўйди. Аланга шиддат ила у турган

жойга ўқилондек ўрмалаб келарди... Зелимхон күзлари билан тутун ва олов ичидан фарзандини изларди. Зурриётининг бўғик овози қулоғига чалингандек бўлди:

— Да...а...дааа...

Зелимхон ёрилган ва қонга бўялган бошини зўрға кўтарди ва овоз келган томонга қаради. Бироқ кўзларига қоп-қора тутундан ўзга нарса кўринмади. У қичқирди:

— Довуд! Довуд!! Қайдасан, жоним болам? Жавоб бер, қайдасан?..

Тўққизинчи китоб тугади.

## **МУНДАРИЖА**

|                  |     |
|------------------|-----|
| Саманган .....   | 3   |
| Истанбул .....   | 23  |
| Чеченистон ..... | 28  |
| Саманган .....   | 31  |
| Чеченистон ..... | 39  |
| Истанбул .....   | 46  |
| Чеченистон ..... | 54  |
| Саманган .....   | 77  |
| Чеченистон ..... | 83  |
| Истанбул .....   | 104 |
| Кобул .....      | 112 |
| Саманган .....   | 122 |
| Жалолобод .....  | 128 |
| Чеченистон ..... | 142 |
| Истанбул .....   | 156 |
| Чеченистон ..... | 163 |
| Кобул .....      | 170 |
| Саманган .....   | 178 |
| Москва .....     | 186 |
| Юртда .....      | 192 |
| Саманган .....   | 197 |
| Кобул .....      | 206 |
| Доха .....       | 215 |

*Адабий-бадиий нашр*

## **ИСОҚЖОН НИШОНОВ**

### **АФГОН ШАМОЛИ КУЛРАНГ БҮРИЛАР ИЗИДАН**

*Роман*

*Түккөзинчи китоб*

*Тұлдірилған қайта нашри*

Мухаррир  
Жахонгир ЖҰРАЕВ

Мусаҳхих  
Мадина МАҲМУДОВА

Бадиий мухаррир  
Үйғун СОЛИХОВ

Саҳифаловчи  
Суннат МУСАМЕДОВ

Техник мухаррир  
Умидбек ЯХШИМОВ

Лицензия рақами: АІ № 252, 2014 йил 02.10 да берилган.

Босишга 2016 йил 06.09да рухсат этилди.

Бичими 84x108<sup>1\32</sup>.

Босма табоги 7,0. Шартли босма табоги 11,76.

Гарнитура «Peterburg». Офсет қофоз.

Адади 5000 нусха. Буюртма № 177.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кӯчаси, 60.

**Мурожаат учун телефонлар:**

Нашр бўлими – 147-00-14; 129-09-72;

Маркетинг бўлими – 128-78-43; 397-10-87;

факс – 273-00-14;

e-mail: yangiasravlod@mail.ru